



# Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

ОЙЛИК  
АДАБИЙ-  
БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ЖУРНАЛ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖУРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Хайриддин СУЛТОНОВ

(масъул секретарь),

Худойберди ТҮХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмамбет ХҲЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Уткир ҲОШИМОВ.

(35)

1984

ЙИЛ,

НОЯБРЬ

11

ТОШКЕНТ  
«Ёш гвардия» нашриёти

# МУНДАРИЖА

Партия билан, халқ билан мангу биргамиз. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг тантанали Пленуми	3
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзига	4
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони	4
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзининг 1984 йил 17 сентябрдаги тантанали Пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ <b>И. Б. УСМОНХУЖАЕВ</b> нутқи	5
Халқ билан, партия билан бир сафда. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг биринчи секретари <b>С. АЗИМОВ</b> нутқи	7
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетиға, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ <b>К. У. ЧЕРНЕНКО</b> ға	11
Кутловлар	12

## ДЎСТЛАРИМИЗ ОВОЗИ

<b>Аъзам Раҳнавард ЗАРЕБ</b> . Ҳикоялар	44
---	----

## «ЕШЛИК» БАҲСИ

<b>Ражаббой РАУПОВ</b> . Хушомаднинг мактаби борми?	62
---	----

## ЖАҲОН АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ

<b>Фридрих ШИЛЛЕР</b> . Шеърлар	52
<b>Робия АБДУЛЛАЕВА</b> . Граждан даҳо	52
Панчатантра	72

## НАФОСАТ ЧАМАНИ

<b>Фарҳод ФАЙЗИЕВ</b> . Мўйқалам сеҳри	50
--	----

## АДАБИЙ САБОК

<b>ОЙБЕК</b> . Ўзбек поэзиясида тил	55
-------------------------------------	----

## ГУЛЧАМБАР

<b>Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ</b> . Келажакка дахлдор	59
<b>Бегали ҚОСИМОВ</b> . Ҳақ сўзни шиор қилиб	64
<b>ТАВАЛЛО</b> . Шеърлар	65

## «ЕШЛИК» ПОЧТАСИ

«Ешлик» анкетасига жавоблар	66
«Токи сен бор экансан дунёда». Хатлар	69

## «ЕШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

<b>Муротбой НИЗАНОВ</b> «Пошшой кўйлагим»	79
---	----

## «ЕШЛИК» ЙЎҚЛАМАСИ

<b>Абдукарим АҲМЕДОВ</b> . Дўстлик сарҳади	15
<b>Худойберди ЭШОНҚУЛОВ</b> , <b>Сафар ОМОНҚУЛОВ</b> , <b>Роза НИЁЗОВА</b> , <b>Болта ЕРИЕВ</b>	16
<b>Зокир МАМАЖОНОВ</b> . Икки ҳикоя	18

## НАЗМ

<b>Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА</b>	13
<b>Эргашали АБДУЛЛАЕВ</b>	38
<b>Мухаммад ЮСУФ</b>	58

## НАСР

<b>Туроб МАҚСУД</b> . Бешик. Хужжатли қисса	25
<b>Рауль МИРҲАЙДАРОВ</b> . Сурат. Ҳикоя	40

## ҚАЛДИРҒОЧ

<b>Зулфия МЎМИНОВА</b> . Шеърлар	22
----------------------------------	----

## МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи бетни расом **Т. Жамолiddинов** чизган

# Партия билан, халқ билан мангу биргамиз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи Правлениесининг тантанали Пленуми

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи 50 ёшга тўлди. Бу шонли сана бутун мамлакат ёзувчилар союзининг ярим асрлик юбилейи билан бир вақтга тўғри келади.

Улуғ пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький бутун мамлакат ёзувчилар союзининг сарчашмасида турган эди. Унинг ёзувчи ишчилар синфининг, барча меҳнатқашлар халоскори бўлган синфининг, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолиш гарови бўлган синфининг, бутун дунёда тинчликни сақлаб қолтириш китобхонлар билан қайси тилда сўзлашмасин унинг ижодиётида шиор бўлиб келмоқда.

А. М. Горькийнинг мамлакат ёзувчилари I съездида адибларимизнинг «хар бири ўз халки учунгина эмас, балки социалистик республикалар иттифоқининг ва автоном областларининг барча халқлари учун ҳам хизмат қилади» деган сўзлари Ўзбекистон ёзувчилар оtryади ижодининг ҳам миллий, ҳам интернационал мазмунини жуда яхши ифодалайди. Республика адибларининг мавзуи, жанри, услуби турлича бўлиб, коммунистик келажак кишисини тарбиялаб камол топтириш проблемаларини кўтарадиган, ленинча миллий сиёсат тантанасини, Ватанимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигининг чашмаларини очиб берадиган, замондошимиз — янги ҳаёт бунёдкорининг гўзал сиймосини мужассамлаштирадиган асарлари бутун мамлакатимиздаги китобхонларга яқин ва тушунарлидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи барча авлодларга мансуб ёзувчилардан, бадиий адабиёт ҳамма турларининг ижодкорлари — прозаиклар, шоирлар, драматурглар ва танқидчилардан иборат 600 кишини бирлаштиради. 17 сентябрь кuni Тошкент шаҳрида республика ижодий союзининг СССР Ёзувчилар союзи 50 йиллиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 50 йиллигига бағишланган тантанали пленуми бўлиб ўтди. Пленумни Ўзбекистон халқ шоири Уйғун очди.

Пленум катнашчилари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзига йўллаган табрик хатини гулдурас қарсақлар билан кутиб олдилар. Пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев табрикомани ўкиб берди.

Пленумда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов, Совет ёзувчилари I съездининг делегатлари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Н. Сафаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин сўзга чиқиб, ярим аср илгари рўй берган воқеа жуда катта аҳамиятга молик эканлиги тўғрисида гапирдилар. Партия XXVI съездининг КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми, шундан кейинги Пленумларининг маданият арбоблари олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш — хар бир ёзувчининг мукаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди. Адиблар ўз куч-қайрати, бутун талантини Ленин партиясининг ролини чуқур ва ҳаққоний очиб берадиган,

ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларни, зиёлиларни улуғлайдиган ва совет турмуш тарзини қарор топтирадиган асарлар яратишга сафарбар қилишни партия ва халқ олдидаги энг биринчи бурчи, деб биладилар. СССР ёзувчиларининг биринчи съездида эълон қилинган социалистик реализм методи шунга қорлайди. Бу — Ўзбекистондаги хар бир ёзувчи ижодининг асосий методидир.

Республика ёзувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган салбий ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш, бундай ҳолатларни тез йўқотишга бутун куч-қайратлари билан ёрдам беришни ҳам ўз бурчи деб ҳисоблаётганлиги уктириб ўтилди.

Пленумда Африканиннг таникли адиби, Осие ва Африка мамлакатлари ёзувчилар уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гума сўзга чиқди. У уюшма номидан Ўзбекистон сўз усталарига янги ижодий муваффақиятлар тилади. Бундан қорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ўзбекистон диёрида икки буюк китъа ёзувчиларининг ҳаракати бунёдга келган эди. Совет ёзувчилари, деб таъкидлади Алекс Ла Гума, уруш келгуси авлодлар хотирасидан чиқариб ташланиши учун, планетамизда тинчлик бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Халқлар дўстлигини тараннум этувчи асарлар яратиш, таракқийёт, бутун инсониятнинг порлок келажаги иши учун хизмат қилиш — адибларнинг бурчидир.

Руминия Социалистик Республикаси ижодкор ёзувчилар союзининг раҳбари Думитру Раду Попеску Ўзбекистондаги ҳамкасбларига румин адибларининг энг яхши истакларини топширди.

«Ташсельмаш» заводининг тоқари, КПСС XXVI съездининг делегати Ю. И. Степаненко, Ўзбекистон Театр жамияти правлениесининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтураева, Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сўз соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати М. Исоқова, Қизил Байрок орденли Туркистон Ҳарбий округи Ҳарбий Советининг аъзоси — Сиёсий бошқарманиннг бошлиғи генерал-лейтенант Н. А. Моисеев, Тошкент Давлат университетининг студенти Д. Ғаниева, Қоракалпоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Т. Каипбергенов, туркман ёзувчиси Б. Худойназаров ўз нутқларида адибларининг юксак бурчлари тўғрисида гапирдилар.

Тантанали пленум катнашчилари Совет Иттифоки Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток К. У. Черненкога ғоят баланд руҳ билан табрик хатини қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари катнашдилар.

(ЎзТАГ)

# Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистоннинг барча адилбларини шонли байрам — Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллиги билан қизгин ва самимий табриклайди.

Республика ёзувчилар ташкилоти ўзининг ярим асрлик юбилейини совет халқи, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг улғвор режаларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг кўрсатмалари ва тавсияларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётган, шонли юбилей — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини меҳнатдаги янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилаётган муҳим тарихий даврда нишонлаётганлиги жуда муҳим воқеадир.

Ярим аср илгари ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлиги, СССР ва барча қардош республикалар Ёзувчилар союзларининг улкан ёрдами туфайли шонли ижодий йўлни босиб ўтди ва кўп миллатли совет адабиётининг таркибий қисми бўлиб, социалистик ва коммунистик қурилишнинг бадий йилномасини яратиш ишига, янги совет кишини тарбиялаш ва социалистик турмуш тарзини қарор топтириш ишига муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Республикадаги бадий сўз усталари ўтган 50 йил мобайнида яратган энг яхши асарлар миллион-миллион китобхонларнинг чуқур эътиборига сазовор бўлди ва ҳақли равишда социалистик маънавий маданият олтин фондидан ўрин олди.

Совет Ўзбекистонининг адилблари 50 йил ичида кўп иш қилдилар, аммо улар янада кўпроқ иш қилишлари керак. Улар тематикаси, жанрлари, услуби жиҳатидан ранг-баранг, ғоявий-бадий хусусиятлари жиҳатидан юксак бўлган, партия ленинча миллий сиёсатининг тантанасини, СССР халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдамини, ажойиб совет воқелигини чуқур ва ёрқин

очиб берадиган асарлар яратишлари керак. Қардошларча ўзаро алоқаларни доим мустаҳкамлаш ва миллий маданиятларни ўзаро бойитиб бориш — ёзувчиларнинг шарафли ишидир.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи бундан буён ҳам социалистик реализм адабиётининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини янада баланд кўтариши, бизга ёт бўлган буржуа идеологиясига қарши қатъий кураш олиб бориши, меҳнаткашларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантиришда адабиётнинг ролини тинмай ошириб бориши, адилбларни, хусусан ижодкор ёшларни тарбиялаш ва уларнинг профессионал маҳоратини юксалтириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиши лозим.

Республикада адабий танқид адабиётни янада ривожлантиришда катта роль ўйнайди. У бадий ижодга таъсир ўтказишнинг асосий методи бўлиб, партия йўлини актив амалга ошириши, яратиладиган асарларга ўз вақтида чуқур ва принципал баҳо бериши, чинакам талантли, новаторлик руҳидаги ишларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватлаши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талабларига мувофиқ бадий сўзнинг бутун куч-қудрати билан экономика ва социал ҳаёт тараққиётидаги салбий ҳодисаларни тезроқ йўқотишга, республикада энг яхши маънавий-психологик муҳитни вужудга келтиришга ҳар томонлама ёрдам бериш — адилбларнинг бевосита бурчидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг барча ижодкор зиёлилари каби, Ўзбекистон адилблари ҳам Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ўзларининг бутун куч, билим, ғайрат-шижоатини, бутун қалб ҳароратини жонажон партияга, халққа хизмат қилиш, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш ишига бағишлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ  
ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН  
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек совет адабиётини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив иштирок этганлиги учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг  
Раиси О. САЛИМОВ  
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг  
Секретари Г. ХАЙДАРОВА

Тошкент шаҳри, 1984 йил 17 сентябрь.

# Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзининг 1984 йил 17 сентябрдаги тантанали Пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев нутқи

Азиз ўртоқлар!

Аввало, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан Сизларни совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съездининг эллик йиллиги билан, коммунизм идеалларига содиқ бўлган, жипслашган, сиёсий жиҳатдан етук ижодий ташкилотининг ярим асрлик юбилеи билан қизғин табриклашга ижозат бергайсизлар.

XX аср тонготаридаёқ В. И. Ленин сифат жиҳатидан янги, мазмун жиҳатидан социалистик бўлган адабиётнинг вужудга келишини башорат қилган эди. Владимир Ильич «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган машҳур мақоласида адабиёт иши умумпролетар, умумпартиявий ишнинг бир қисми бўлиши керак, деб ёзган эди.

Бу ленинча башорат амалга ошди. Совет адабиёти Коммунистик партиянинг доимий диққат-эътибори туфайли мамлакатимизда социализм қуриш учун умумхалқ ҳаракатининг ажралмас қисмига, коммунистик ахлоқ ва совет турмуш тарзининг актив ифодачиси бўлмиш янги инсонни шакллантириш учун курашчига айланди.

Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди, унда Максим Горький ҳамда съездининг бошқа делегатлари сўзлаган ёрқин нутқлар, съезд томонидан СССР Ёзувчилар союзининг ташкил этилиши янги адабиётнинг вужудга келишида ғоят катта роль ўйнади. Съезд кўп тилли мамлакатимиз халқлари адабиётини ягона сафга жипслаштириб, янги миллий маданиятларнинг шаклланишида муҳим омил бўлди, бой ва қадимий бадий аъёналарга эга бўлган адабиётларнинг янада ривож топишига баракали таъсир кўрсатди.

Бу адабиётлар орасида ўзбек адабиёти ҳам мавжуд эди. Ўзбек адабиётининг сарчашмаларида бутун оламга машҳур Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодира ва бошқа алломалар турган эди.

Ўзбек адабиётининг тарақиёти ҳақида гапирар эканмиз, бугун улуғ рус халқи ва буюк рус адабиёти шаънига самимий миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қилгимиз келади. Айни рус адабиётининг, буюк гуманистик ва прогрессив аъёналарга бой рус адабиётининг донишманд тажрибасига таянган ўзбек ёзувчилари бадий маҳорат чўққиларига дадил чиқиб бордилар.

Пушкин ва Радищев, Лермонтов ва Гоголь, Белинский ва Чернишевский, Герцен ва Толстой ҳамда Россия адабиётининг бошқа алломалари озодлик байроғини баланд кўтардилар. Улар атоқли демократ ёзувчилар Муқимий, Фурқат, Заўқий, Аваз Утарнинг исёнкор йўлини бамисоли нурдек ёритдилар.

Горький ва Маяковский, Тихонов ва Шолохов ҳамда бошқа жуда кўп рус совет ёзувчилари ўзбек совет адабиётини шакллантиришда чиндан ҳам тарихий роль ўйнадилар, оташин революционер шоир, социалистик маданиятнинг жўшқин тарғиботчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодига бағоят катта таъсир кўрсатдилар. Ҳамзанинг шеър ва қўшиқлари, мақола ва пьесалари кенг оммани революция ғалабаларини ҳимоя қилишга отлантирди, меҳнаткаш халқ душманларини фош қилиб ташлади, ўзбек совет адабиётининг тарихи Ҳамза ижоди билан бошланади.

Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғулوم, Ойбек ва Ҳамид Олимжон, Ғайратий ва Ойдин, Абдулла Қаҳҳор ва Собир Абдулла, Миртемир ва Мақсуд Шайхзода, Зулфия истеъдоди буюк социал ўзгаришларнинг бой заминиде ўсиб камол топди. Шу залда ўтирган Уйғун, Назир Сафаров, Комил Яшин, Зиннат Фатхуллин, Михаил Швердинлар ҳам янги ўзбек адабиётининг асосчилари сафида туради.

Сизлар сафдош дўстларингиз билан биргаликда 1934 йилнинг май ойида Тошкентда Ўзбекистон совет ёзувчиларининг Биринчи съездини ўтказган эдингизлар. Бу съезд ўзининг энг яхши намоёндаларини Москвадаги Бутуниттифоқ Ёзувчилар съездига делегат қилиб сайлаган эди.

СССР Ёзувчилар союзининг ҳамда миллий республикалар Ёзувчилар союзларининг тузилганлиги кўпмиллатли совет адабиётининг ижодий бирлашиши учун ташкилий негиз бўлди, миллий маданиятларнинг бир-бирига ўзаро таъсир қилиши ва ўзаро бойиши жараёнларини кенг ривожлантириш, социалистик реализм ижодий методи асосида бу маданиятларни жипслаштириш омили бўлди.

Кўпмиллатли совет адабиётининг коммунистик қурилиш практикасига, Ватани ҳимоя қилиш ишига, совет кишисининг характери шакллантиришга қўшган жуда катта ютуқларига кўра СССР Ёзувчилар союзининг Ленин ордени билан тақдирланганлиги ўз-ўзидан яққол далолат бериб турибди.

Мана шу тантанали анжуманининг ўзи жамиятимиз тарақиётининг барча босқичларида ёзувчи ҳамиша, ҳар қачон олдинги сафларда мардона бориб, Ленин партиясининг содиқ солдати, ўз халқининг садоқатли фарзанди бўлиб қолганлигидан далолат беради. Гражданлар уруши ва ер-сув ислоҳати йилларида шундай бўлган эди, Шарқ хотин-қизларини қулликдан озод қилиш жараёнидаги курашда шундай бўлган эди. Ўлкамизнинг ижодкор зиёлилари Ўрта Осиё халқларини миллий давлат чегаралашни амалга ошириш ва шу асосда суверен совет республикалари ташкил этишда оташин пропагандист ва агитатор бўлиб майдонга чиқдилар. Ушбу республикаларнинг 60 йиллик юбилейини шу йилнинг охирида нишонлаймиз.

Ўзбекистон ёзувчилари ўз шеърлари, фелъетонлари ва очерклари, ҳикоялари ва пьесалари билан қишлоқ ҳўжалгини коллективлаштириш ишига, пахта мустақиллигига эришишимизга, дастлабки индустрия гигантларини барпо этишимизга кўмаклашдилар.

Биз республикамиз ёзувчиларининг Улуғ Ватан урушининг даҳшатли оларидеги меҳнати ва жасоратини алоҳида миннатдорчилик билан эсга оламиз. Уларнинг китоблари одамларда ватанпарварлик, интернационализм ва чексиз мардликни тарбиялади, ашаддий душманга қарши ҳаёт-мамот жангига чорлади. Ғалабамизни яқинлаштирди. Ўзбекистон ёзувчиларининг урушдан кейинги тикланиш даврида, ривожланган социализмнинг маънавий маданиятини бунёд қилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги ҳиссаси салмоқли ва каттадир.

Миллий адабиётларнинг ижодий алоқалари мустақамланиши ва ривожланиши, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири чуқурлашиб, бир-бирини бойитиши ва кенгайтиши совет

ёзувчиларнинг Биринчи Бутуниттифоқ съездининг бой ва муҳим натижаларидир. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги даврга келиб ягона, монолит кўпмиллатли совет адабиётини вужудга келтирди. Ўзбек Совет адабиёти ана шу қудратли адабиётнинг таркибий қисми, коммунизмнинг маънавий дурдоналари орасидаги умумиттифоқ фондида рус ва украин, белорус, грузин, тожик, татар ва бошқа миллатларнинг ёзувчилари китоблари қатори Ўзбекистоннинг санъаткорлари яратган роман ва повестлар, шеърлар, поэмалар ва пьесалар, ҳикоя ва очерклар, адабий-танқидий тадқиқотлар бор деб, юксак ифтихор туйғусига тўлиб-тошган ҳолда айта оламиз.

Ёзувчиларнинг Биринчи Бутуниттифоқ съезди вужудга келтирган муҳитнинг қонуний оқибати сифатида ўзбек адабиётининг ўзи ҳам ҳозир интернационал адабиётга айланди. Бу адабиётни ўзбек ва рус, қорақалпоқ ва татар, корейс ва уйғур ҳамда бошқа миллат вакиллари яратмоқдалар. Ахир бундан қувонмай бўладими, прозада, поэзияда, драматургия ва кинодраматургияда, очерк ва публицистика жанрларида, болалар ва ўсмирлар адабиётида, адабий-танқидий ва адабиёт-шуносликда эришилган муваффақиятлардан фахрланмай бўладими?

Биз Совет Ўзбекистони адиблари яратган энг муҳим асарлар мамлакатимиз халқларининг ва хорижий элларнинг кўп тилларида таржима қилинганлигидан ҳам фахрланишга ҳақликимиз. Ўзбекистон адабиётининг айна мана шу халқро оёру-этибори Тошкент руҳининг — Осиё ва Африка мамлакатлари прогрессив ёзувчиларининг халқро империализм ва агрессияга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашидаги бирдамлик руҳини вужудга келтирди.

Дарҳақиқат, Ёзувчилар союзи бунёдга келган 50 йил мобайнида адабиётимиз эришган ютуқ ва муваффақиятлар кўриниб турибди. Улар ўнлаб ва юзлаб муаллифларнинг асарлари билан ўлчанади. Лекин бу ютуқ ва муваффақиятларнинг энг асосийси шундаки, улар совет кишиларининг ақли ва қалбида гўзал ўзгаришлар ясади.

Қилинган ишларга тегишли баҳо берганимиз ҳолда, барча ёзувчиларнинг куч-ғайратини сафарбар этишимиз лозим бўлган, ҳал этилишини кутиб турган масалаларга қаратмоқчимиз. Ҳаммаларингиз улў Лениннинг ушбу васиятини яхши биласизлар: Юбилейларни тантанали нишонлаш учун эмас, балки қилинган ишларни танқидий баҳолашга ҳамда олдинга ҳаракат қилиш йўллариини ишлаб чиқишга фойдаланиш керак. Шу муносабат билан сизларнинг диққат-этиборингизга бир қанча фикрларни қаратишни истардим.

Бугунги кунда совет халқи олдида турган актуал вазифаларни ҳал этишда адабиётнинг роли ҳақида партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Уртоқ К. У. Черненконинг докладлари ва нутқларида ниҳоятда аниқ айтилган.

Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми минбаридан туриб жуда аниқ таъкидладики: «Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, юксак даражага кўтариш, шахснинг ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфасига актив таъсир қилиш — социалистик маданиятнинг энг муҳим вазифасидир. Санъаткорнинг масъулият мезони шу билан белгиланади. Партия унинг истеъдодини юксак қадрлайди, уни жамиятнинг жуда қимматбаҳо бойлиги деб билади».

Дарҳақиқат, санъаткорнинг масъулият мезони унинг бутун партиявий принципааллик билан воқеликка кириб бориши, халқ иши ва ҳаётида актив иштирок этиши, замондошларимизнинг ютуқ ва муваффақиятларини қуйлашга шайлиги ва лаёқати билан, айна пайтда олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилаётган, совет турмуш тарзининг табиғатида зид бўлган носоғлом нарсаларга қарши бутун кескинлик ва муросасизлик билан муносабатда бўлиши орқали белгиланади.

Шуни айтиш керакки, ёзувчиларимиз бу вазифани ҳаммиша ҳам яхши удаламоқдалар, деёлмаймиз. Фақат ютуқлар мадҳ этилган китоблар чиқарилди, спектакллар ва фильмлар кўйилди. Мана шу китоблар, спектакллар ва фильмларни кўриб-ўқинганимизда гўё бутун ҳаётимиз бошдан охиригача ғалабалардан иборат, гўё биз ғалабадан ғалаба томон жуда осонлик билан бораётгандек туюлади. Турмуш тарзини бузиш ва

жиноятлар ҳақида гапирмаёқ қўяқолайлик-ку, лекин камчиликлар, нуқсонлардан кўпинча кўз юмиб ўтилади.

Ноҳус жараёнларни, салбий ҳодиса ва характерларни тасвирлаш ва тадқиқ этишда адабиёт ва санъатимизнинг камчиликлари тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбар ходимларининг шу йил март ойида ижодкор зиёлилар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида гапириб ўтилган эди. Шу ҳақдаги суҳбат республика Компартияси Марказий Комитети оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган кенгашда ҳам давом эттирилди. Кенгашда идеология фронти жангчилари олдида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўйган вазифаларни ҳал этиш йўллари ва методлари ҳақида қизиқарли фикр олишув бўлди.

Камчиликларга қарши кураш олиб бориш, ўз умрини тугатган нарсаларга, эскиликка қарши кураш олиб бориш коммунист ахлоқ, янги ахлоқий ҳаёт нормалари, кишиларнинг ўз бурчига юксак онглилик билан муносабатда бўлиши учун кураш — буларнинг ҳаммаси республика ёзувчиларининг асарларида ўз ифодасини топиши лозим бўлган мавзулардир. Вазифаларнинг миқёси ошиб бораётганлиги адабиётимиздан катта ташикий-амалий куч-ғайрат сарфлашни, буюк умумхалқ меҳнатига қўшадиган ҳиссани кўпайтиришни, ёзувчиларнинг профессионал маҳоратини такомиллаштиришни, асарларнинг ғоявий-бадий шавиясини оширишни, ижодий ташкилотлар билан ишлаб чиқариш коллективларининг алоқаларини мустаҳкамлашни тақозо этади. Санъаткорнинг совет халқи кўп қиррали ҳаёти билан алоқаси нечоғли мустаҳкам бўлса, ижодий ютуқ ва муваффақиятларга эришиш йўли шу қадар тўғри бўлади, деган ҳақиқатни ҳаммиша ёдда тутиш лозим.

Бугун совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди минбаридан туриб янграган қўйидаги сўзларни эсга олиб, келтиришни лозим деб ҳисоблаймиз. Бу сўзларни Леонид Соболев айтган эди. Сўнгра Алексей Максимович Горькийнинг докладида алоҳида урғу бериб таъкидланганди: «Партия ва ҳукумат бизга тамомила ҳамма нарсани бериб қўйган. Биздан фақат бир нарсани — ёмон ёзиш ҳуқуқини олиб қўйган» дейилган эди ўшанда.

Афсуски, бизда айрим ёзувчилар ҳамон шу ҳуқуқдан фойдаланиб келаётганликларини, ҳатто уни суиистеъмол қилаётганликларини айтишга тўғри келади. Уртамиёна китоблар чиқиб кетаётганлиги, китоб магазинларининг жавонларида бадий жиҳатдан ночор, баъзан эса ғоявий зарарли асарлар пайдо бўлиб қолаётганлиги ана шундан далолат беради. Бундай китоблар ўқувчиларнинг онгини шакллантириш, ахлоқийликни тарбиялаш ишига қанчалик зарар келтиришини гапирмасам ҳам бўлади. Бу нарсга ҳаммага тушунарли. Фақат бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: империализм, аввало Америка империализми Советлар мамлакатига ва бутун социалистик ҳамдўстликка қарши авж олдириб юборган идеология ва психология кураш ниҳоятда кескинлашган бир пайтда ҳар бир нуқсон, ҳар бир хатоликни душманларимиз ўзларига қурол қилиб олиб, бизга қарши ишлатишади.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг газета ва журнал редакцияларида, республиканинг адабиёт нашриётларида тегишли тартиб ва интизом ўрнатиш лозимлиги масаласини кескин қилиб қўйишга асос беради. Халқ хўжалиги ва маданий қурилишининг бошқа йўналишларида бўлган каби адабиёт ишида ҳам тартиб бўлиши зарур. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми республикада намунали социалистик тартиб ўрнатишга бежиз даъват этгани йўқ.

Уртоқлар!

Совет Ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезидан кейин ўтган элик йил кўпмиллатли совет адабиётининг, шу жумладан, ўзбек адабиётининг ҳам гуллаб-яшнаган йиллари бўлди. Бугун, КПСС XXVII съезди, республика ва унинг Компартияси 60 йиллиги, Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида республика ёзувчилари олдида ғоят муҳим вазифалар турибди. Ишончимиз комилки, республика ёзувчилари ана шу юксак вазифалар даражасида етук бадий, юксак ғоявий асарлар яратадилар, ўзларининг бутун истеъдодларини коммунистик қурилишининг буюк ишига сарфлайдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги улкан хизматлари, меҳнаткашларини

коммунистик руҳда тарбиялашдаги актив иштироки ва ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан республика Ёзувчилар союзини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан мукофотлаш ҳақида қабул қилган қарорини сизларга маълум этишдан мамнунман. Шунингдек, республикамизнинг бир гуруҳ ёзувчиларига Ўзбекистон халқ ёзувчиси ва хизмат кўрсатган маданият ходими унвони бериш

ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиги билан тақдирлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинган.

Азиз дўстлар! Бу мукофотлар муносабати билан самимий табригимизни қабул этгайсиз. Ҳаммаларингизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ёрқин бахт-саодат, гўзал Ватанимиз равнақи йўлида, Ленин партиясининг шон-шарафи йўлида янги ижодий изланиш ва муваффақиятлар тилайман!

**Сарвар Азимов,**  
Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи  
прелениесининг биринчи секретари

## ХАЛҚ БИЛАН, ПАРТИЯ БИЛАН БИР САФДА

Кадрли дўстлар, Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди делегатлари номидан, республика сўз усталарининг катта отряди, ноширлар ва босмахона ишчилари номидан, кўп миллионли ўқувчилар — китобсеварлар номидан ҳозирги тантанали ва масъулиятли дақиқаларда «Юбилей Пленуми иштирокчилари» номига мактуб йўллаган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитетига ҳамда барчамизга амалий иш программаси сифатида манзур бўлган ёрқин нутқи учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Иномжон Бузрукович Усмонхўжаевга чин юракдан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар. Кўп миллатли ва интернационализм руҳидаги совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган Совет Ўзбекистони адабиёти партия ва халқ манфаатларининг ифодачиси сифатида дунёга келди, чиниқди ва равнақ топди, бундан кейин ҳам у партия ва халқ учун хизмат қилишда давом этаверади.

Совет ёзувчиларининг адабиёт тараққиётида янги босқичга асос солган Биринчи Бутуниттифоқ съезди марксизм-ленинизм таълимотининг таркибий қисми — социалистик реализм адабиётининг ёрқин йўлини белгилаб берди. Съезднинг тарихий қарорларида социалистик маданият барпо этишга оид ленинча ғоялар ўз ифодасини топди. Улуғ адиб Максим Горький биринчи съезднинг вазифаси ва аҳамияти хусусида тўхталиб бундай деган эди:

«Съездимизнинг аҳамияти шундаки, барча халқларимизнинг ўтмишда ҳар хил элатли ва ҳар хил тилдаги адабиёти советлар мамлакати пролетариати, бутун мамлакатларнинг революцион пролетариати ва бизга хайрихоҳ бўлган жаҳон адиблари кўз ўнгида бир бутун адабиёт сифатида олдинга чиқмоқда».

Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди чақирилгунга қадар катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Бу даврда барча иттифоқдош республикалар ёзувчиларининг биринчи съездлари бўлиб ўтди. Шу жумладан, Ўзбекистон ёзувчиларининг биринчи съезди ҳам 1934 йилнинг март ойида Тошкентда очилди. Съезд ишида республиканинг энг илғор адиблари катта масъулият ҳисси билан фаол иштирок этдилар. Бу адибларнинг ягона ташкилотга — истеъдод, меҳнат, фидойи кишилар ташкилотига, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзига бирлаштирилиши қонуний ҳол эди.

Шундан бери машаққатли меҳнат, жиддий изланишлар, қувончли бадий кашфиётлар, тикланиш ва тобланиш давридан иборат 50 йил кечди. Адабиётимиз меҳнаткаш халқ билан баравар, давримизнинг оламшумул воқеалари оралаб, катта революцион йўлни босиб ўтди. Бу йўлнинг ҳар босқичида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини, энг аввало, бадий ижодга партиявий раҳбарликнинг юксак ленинча норма

ва принципларига оғишмай амал қилиб келаётган кадрдон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматининг кўп қиррали толмас фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, деб биламиз.

Биз, ёзувчилар, ўз ишимизда коммунистлар партиясининг оталарча ғамхўрлигини ва айни замонда, талабчан муносабатини ҳар доим ҳис қиламиз. Санъат соҳасидаги барча ҳамкасбларимиз каби биз ҳам коммунистик жамият бунёдкорларининг олдинги сафида турган ҳолда партия ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этамиз. Улуғ совет ёзувчиси Михаил Шолохов: «Биз қалб амри билан ижод қиламиз. Қалбимиз эса бутунисича партияникидир», — деганида мутлақо ҳақ эди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларида, партиясининг кейинги пленумларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненконинг нутқларида мамлакатимиздаги ижодий зиёлилар олдида жуда муҳим вазифалар кўйилди. Константин Устиновичнинг КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми минбаридан: «Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, юксак даражага кўтариш, шахснинг ғоявий-сиёсий ва ахлоқий қиёфасига фаол таъсир қилиш — социалистик маданиятнинг энг муҳим вазифасидир», — дея айтган ҳаётий кўрсатмалари фаолиятимиз учун муҳим дастуриламал бўлиб қолаверади.

50 йил мобайнида Ёзувчилар ташкилоти босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, ўнлаб санъаткорларнинг номларини ва турли адабий жанрларда ёзилган, кўп миллатли совет адабиёти йилномасидан муносиб ўрин эгаллаган ёрқин асарларни фахр билан тилга оламиз. Юбилейимиз нишонланаётган ҳозирги кунларда биз ўзбек совет прозаси ва поэзияси, драматургия ва кинодраматургияси, адабий танқид, публицистика ва адабиётшунослигининг камолотини юқори чўққиларга олиб чиққан ёзувчиларни алоҳида миннатдорлик туйғуси билан хотирлаймиз. Биз ёзувчилик меҳнатининг умумхалқ иши учун нақадар зарур ва аҳамиятли эканини чуқур ҳис этган ҳолда келажак сари борамиз. Биз келажакда ҳам илғор аъналарга, маънавий бойликларни ўзлаштириш тажрибасига, такрор ва такрор мурожаат қиламиз. Буларсиз қудратли мамлакатимиздаги бадий маданиятнинг ўтмишини ҳам, келажagini ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Уртоқлар! Шун алоҳида қувонч билан таъкидлаш керакки, Улуғ Октябрь социалистик революцияси эркин меҳнат ва тенг ҳуқуқлилиқка барча миллат ва халқлар дўстлиги ҳамда қардошлигига асосланган янги инсоний муносабатларни вужудга келтирди. Ленин пролетариатнинг ўз социал, иқтисодий, сиёсий озодлиги учун, янги тарихий бирлик — совет халқини бунёд этиш курашида умумпартиявий, умумхалқ ишининг тарки-

бий қисми, деб билган социалистик маданият даври бошланди. Совет Ўзбекистони адабиёти ҳам инқилобий ҳаракатлар ва жадал юришлар, қизил кўшинларнинг қўшиқлари ва сайёр театрлар билан бирга «Бутун дунё пролетарлари, бирлашгин!» деган барҳаёт шиир асосида ташкил топди.

Қаҳрамонлик ва жўшқинлик тўйгулари кўтарилган ўша йилларда ўзбек совет адабиётининг асосчиси, оташин революционер шиир Ҳамза Ҳақимзодиннинг қудратли овози зўр куч билан янгради. У биринчи бўлиб меҳнаткаш халқ жасоратини кўйлади. Ҳамзанинг «Яша, Шўро!», «Ишчилар, уйғон», «Берма эркинги кўлдан» каби қўшиқлари, «Бой ила хизматчи» драмси инқилобнинг тантанали кўшиғида янгради. У бутун маънавий қувватини зулмга қарши, умри битган буржуа тузумига қарши курашга ва асрий қуллик кишанларидан халос бўлган халқ орзусини ифодалаб социалистик инқилобни улғулашга бағишлади.

Ўзбек ва тожик адабиётининг асосчиларидан бири, асарлари кўп миллатли совет адабиётининг олтин фондидан жой олган адиб Садриддин Айний Ҳамза билан бир сафда туради.

Ўзбек адабиётида биринчи бор роман жанрига асос солган етук сўз устаси Абдулла Қодирийнинг ижтимоий ва бадиий жасорати шу пайтга қадар биз учун реалистик насл мактабининг олий намунаси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Совет Ўзбекистони адабиёти — кўп миллатли адабиётдир. Унинг тарихи воқелигимиз ва маданиятимизнинг бу хусусиятини ўзида худди кўзгудагидек акс эттиради. Ёзувчиларимиз сафида тожик, қорақалпоқ, татар ва уйғур тилларида ижод этаётган истеъодлар бор. Бу интернационалистик рух ўз моҳиятига кўра фақат тилдагина эмас, балки адабиётимизнинг асосий мазмунида ҳам ўз аксини топган.

Ўзбек адабиёти миллатчилик, пантуркизм, панисломизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин курашларда шаклланди. Ўзбек совет адабиётининг пешқадам вакиллари ўз асарларида совет тузумига қарши қаратилган «назария»ларни фож этиб, социалистик реализм қарашларини қарор топтириш учун курашдилар, амалда эса бу қарашларни ўзида мужассам этган баркамол бадиий образлар яратдилар. Шу ўринда партия Марказий Комитети 1932 йили «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» чиқарган тарихий қарорини эслатиб ўтиш зарур. Бу даврга келиб мамлакатимизда ахвол кескин ўзгарган эди. 1929 йилда буюк бурилиш рўй берди. Камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар иттифоқи мустақкамланди, яққаланиб қолган кулоқлар эса тез орада синф сифатида тугатилди. Шу тариқа эски дунёнинг сўнгги таянчи қулади. Иқтисодий базис тўла-тўки социалистик асосга қурилган, устқурмада ҳам зарур ўзгариш ясаб имкони туғилди. Ана шундай шароитда партия барча адабий ташкилотларни ягона Совет ёзувчилари Союзига бирлаштиришга қарор қилди. 1932 йилда Ёзувчилар союзининг ташкилий комитети тузилди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида катта ишларни амалга ошириб, республика ёзувчиларининг биринчи съездини ўтказди. Ёзувчи Раҳмат Мажидий раҳбарлигида Ўзбекистон ёзувчилар союзи ташкил этилди. Съездга Садриддин Айний, Ойдин, Раҳмат Мажидий, Ғайратий, Ғафур Ғулом, Умаржон Исмоилов, Ҳусайн Шамс, шунингдек, эндиликда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари — Комил Яшин, Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин ва бошқалар Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезидига вакил қилиб сайландилар.

Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди барча совет ёзувчиларини ўз асарларида Улуғ Октябрнинг буюк ғалабаларини ҳақоний акс эттиришга, янги инсоний муносабатларни кўрсатишга, совет кишисининг бой маънавий дунёсини янги жамият қуриш учун кураш билан чамбарчас боғлиқликда тасвирлашга даъват этди. Шу билан бирга ҳаққонийликка, ҳаётни бадиий тасвирлашда тарихий конкретликка қатъий амал қилиш, шу асосда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва ғоявий етук кишиларга айлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу даврда ўзбек адабиётида янги дунё қурувчилари образларини чуқур фалсафий руҳда тасвирловчи кўплаб янги асарлар дунёга келди. Адабиётга ёзувчиларнинг бутун бир истеъодли авлоди кириб келди. Узоқ йиллар давомида Ойбек ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Уйғун, Ғайратий ва Яшин, Назир Сафаров ва Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Зиннат

Фатхуллин, Мақсуд Шайхзода ва Михаил Швердин, Собир Абдулла ва Зулфия ҳамда бошқа моҳир сўз усталари ўзбек адабиёти байроғини баланд кўтариб келдилар. Уттизинчи йиллар ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ижобий-қаҳрамон масаласини кўйишгина эмас, балки бу қаҳрамоннинг жонли, домий ривожланишдаги типик хислатларини кўрсатишда ҳам кўринди. Социалистик реализм методи асосида яратилган бу асарларда янги дунё қурувчисининг руҳий ҳолати ва маънавиятининг гўзаллиги ёрқин очилди, даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-эстетик масалалари кўтарилди.

Янги ижтимоий муносабатлар, социалистик қурилиш ғалабаларидан руҳланган, воқелик йўлидан бораётган Совет Ўзбекистони адабиёти Пушкиндан то Горькийгача бўлган рус классик адабиёти ҳамда совет адабиётининг илғор аъёналаридан ижодий баҳра олиб, бадиий тажриба орттирди ва мустақкамланди. Социализм бунёдқори бадиий сўз санъатининг бosh мавзуси ва тадқиқот манбаига айланди.

Улуғ рус, қардош совет ва жаҳон адабиёти дурдоналарининг ўзбек тилига таржима қилиниши ўзбек совет адабиёти тараққитига катта таъсир кўрсатди. У янги марраларни муваффақият билан забт этиб, республикамиздан ташқарида ҳам доврүк қозонди. 1937 йилда Москвада ўтказилган ўзбек совет адабиёти ва санъати декадаси бунинг ёрқин намунаси-дир. 1939 йил апрель ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчиларининг II съезди социалистик реализм методини янада пухта эгаллашга, замонавий мавзуларда ғоявий чуқур бадиий етук асарлар яратишга диққатни қаратди. Совет ҳукумати мамлакатимизда кўламли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширгани, кишини-киши томонидан эксплуатация қилишга, синфий антагонизм ва миллий адоватларга абадий чек қўйгани туфайли инсонларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топди.

Уртоқлар!

Ўзбек адиблари ва ижодий Союзимизнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолиятдан фахрланамиз. Бу йиллар мислсиз ғоявий-сиёсий ва бадиий кўтаринкилик, ҳар томонлама юксалиш ва чиникиш йиллари эди.

«Фашизм жаҳон адабиётига қирон келтирмақда,— дейилган эди ўзбек ёзувчиларининг 1941 йилнинг июль ойидаги мурожаатида.— Инсоний қиёфасини йўқотган фашистлар жаҳон адабиётининг буюк асарларини ёндирган гулханларни нуқта олмаймиш. Ваҳшийликни байроқ қилиб олган фашизм чинакам юксак санъат билан ёнма-ён тура олмамлигини пайқагани учун ҳам улар бу қабиҳ ишга қўл урдилар. Биз, Ўзбекистон ёзувчилари ушбу оғир кунларда бутун совет халқи билан бир сафда туриб, ғалаба учун курашамиз. Тиғ ва қалам — бизнинг қуролимиздир!»

Уруш қардош халқлар дўстлигини янада мустақкамлади. Руслар ва ўзбеклар, қозоқлар ва украинлар, татарлар ва белоруслар фашист босқинчиларига қарши елкама-елка туриб жанг қилдилар. Ғалабага қадар машаққатли тўрт йил давомида кўп миллатли совет адабиётига мансуб ёзувчилар ҳам қурол, қалам билан жанг майдонларида бўлдилар.

Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Султон Жўра, Зиннат Фатхуллин, Вали Ғафуров, Шўхрат, Назармат, Александр Удалов, Мирзақалон Исмоилий, Мумтоз Муҳамедов, Шомил Алядинов, Борис Тихомолов, Адҳам Раҳмат, Суннатулла Анорбоев, Зоҳиджон Обидов, Олег Сидельников каби ўттизга яқин адибларимиз Совет Армияси сафида бўлдилар. Уларнинг баъзилари фронт газеталарининг редакторлари ёки ҳарбий мухбирлари эдилар.

Уруш йилларида республика ёзувчилари ташкилоти чиникиди ва мустақкамланди. Мисли қўрилмаган ватанпарварлик кўтарилиши, душман устидан ғалабага ташналик руҳи уни қудратли кучга айлантирди. Ёзувчилар союзи тажрибали ижодкорлар билан бирга адабиётга илк қадамларини қўйиб келаётган, бугунги кунда таниқли забардаст ёзувчи ва шиирлар бўлиб етишган Зулфия, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Раҳмат Файзий, Мирмуҳсин, Рамз Божобон, Туроб Тўла, Қуддус Муҳаммадий ва бошқа кўплаб истеъодли ёшларни ўз атрофига жипслаштирди. Уруш тақозоси билан Тошкентга кўчиб келган Алексей Толстой, Анна Ахматова, Владимир Луговской, Якуб Колос, Николай Погодин, Борис Лавренев, Корней Чуковский каби мамлакатимизнинг атоқли ёзувчилари улар билан ёнма-ён яшаб ижод қилдилар. Улар ўзбек классик адабиёти тарихи ва халқ оғзаки ижодини ўрганиш-



га муносиб ҳисса қўшдилар. Тошкент адабий дўстлик раъзи, чинакам интернационал оила бўлган шаҳарга айланди. Навқирон Тошкент музаффар ғалабага ана шундай улкан ҳисса қўшди.

«Менинг халқим шунчаки кун кўриш учун дунёга келган эмас, — деган эди бу ҳақда Ҳамид Олимжон. — Йўқ, менинг халқим ўз имкониятларини намоён этишни, нималарга қодир эканлигини кўрсатишни истайди: у ўз миллий маданияти ва миллий анъаналари билан фахрланади ва келажак авлодларни бахтиёр эта олишига ишонади. Ўзбек халқи ўз тақдирини СССРдаги барча халқлар билан, рус халқи билан абадий ва мустақкам боғлаган. Бундай ажойиб дўстликни ҳали жаҳон тарихи билмаган эди. Бу дўстликда ҳасад ва сохталик йўқ, қуёшни сўндириб бўлмаганидек, уни ҳам енгиб бўлмайди».

Урушдан кейинги йиллар. Ҳаёт совет халқи олдида янги вазифалар қўйди: халқ хўжалигини тиклаш, меҳнат жабҳаларида ҳам фидокорлик кўрсатиш зарур эди. Бу гал ҳам душманларимиз уруш жараҳатларини йўқотиш учун ўн йиллар керак бўлади деб жар солдилар. Советшуносларнинг қароматлари яна барбод бўлди. Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимиз қисқа вақт ичида қаддини ростлаб олди ва улуғ Ленин йўлидан мардонанов одимлай бошлади. Ҳаёт тезкор воқеалар шиддатини бадий акс эттиришни тақозо этар эди.

Бу йилларда ҳам Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи катта ижодий ва ташкилий ишларни амалга оширди. Ўзбек адабиётининг қардош республикалар адабиёти ва чет эл адабиёти билан ижодий алоқалари чуқурлашди, кенг қамров касб этди, адибларнинг ижодий масъулияти янада ортди. Москвада ва қардош республикаларда ўтказилган навбатдаги ўзбек адабиёти ва санъати декадалари, республика ёзувчиларининг янги съездлари ва совет ёзувчиларининг бутуниттифоқ съездлари, халқ ва партия амалга ошираётган буюқ ўзгаришлар, жаҳондаги улкан тарихий ҳодисалар ёзувчиларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий танқид тўғрисида», «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида», «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарорлари кейинги чорак аср давомида адабиёт тараққийнинг порлоқ истиқболни белгилаб берди. Бу тарихий қарорлар адабиётни ғоявий-бадий камолот, ёзувчиларни эса янги ижодий кашфиётлар сари сафарбар қилди.

Бу йилларда ўзбек наصري, биринчи галда романчилиги янги сифат босқичига кўтарилди. Романга хос тафаккур, ҳиссиёт, услуб ва тилда ўзига хосликка эга бўлган турли ижодкорларнинг ранг-баранг изланишлари яхши самара бермоқда. Мавзу доираси ҳам кенгайди. Мирзақалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ҳамид Ғулмонинг «Мангудлик» каби тарихий-инқилобий, Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Назир Сафаровнинг «Наврўз» сингари тарихий романлари яратилди.

Ўзбек шеъриятининг ҳам қамрови кенг. Бунда биз Раъз Бобоқоннинг «Оби ҳаёт» каби лирик, Шукруллонинг «26 апрель. Тошкент тонготари» каби лиро-эпик дostonларидан тортиб, Омон Матжоннинг «Паҳлавон Маҳмуд» драматик дostonигача бўлган кўплаб асарларни кўраимиз. Ҳусниддин Шарипов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али каби қобилиятли шоирларимиз шеърий роман жанри ривожига сезиларли ҳисса қўшдилар.

Адабиёт, кинематография ва театрга Пўлат Мўмин, Улмас Умарбеков, Саъдулла Кароматов, Уктам Усмонов, Абдулла Орипов, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Воҳидов, Фарҳод Мусажонов, Жуманиёз Жабборов, Мақсуд Қориев, Сами Абдуқаҳор, Эътибор Охунова, Гулчехра Жўраева, Машраб Бобоев, Учқун Назаров, Нормурод Нарзуллаев, Сайёр, Жонрид Абдуллахонов каби талантли, эндиликда кенг ўқувчилар меҳрини қозongan таниқли ёшлар отряди кириб келди. Адабиётимизнинг бугунги қиёфасини бу қутлуғ даргоҳга юқоридагиларга нисбатан кечроқ қадам қўйган Ҳалима Худойбердиева, Раим Фарҳодий, Уткир Ҳошимов, Гулчехра Нуруллаева, Шукур Холмирзаев, Нурали Қобул, Ҳожиакбар Шайхов, Эмин Усмонов, Тоҳир Малик, Ойдин Ҳожиева сингари адабиётга астойдил хизмат қилиб, ўқувчилар

оммасини янги асарлари билан хурсанд этиб келаятган, катта авлод ишларини давом эттираётган ижодкорларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Улар адабиётга садоқат билан хизмат қилиб, ўқувчилар оммасини янги асарлари орқали хурсанд этиб келаятган катта авлод қўлидан ижод эстафетасини олишга муяссар бўлдилар.

Кейинги чорак асрда бадий адабиёт пропагандаси ҳам янги босқичга кўтарилди. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг тиражи ортди, «Ғулистон» ва «Ёшлик» журналлари нашр этила бошлади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси қайта ташкил этилди. Ўзбек совет адабиётининг йирик намоёндалари ижоди партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулмон ижоди Ленин мукофотига сазовор бўлди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Сергей Бородин, Раъз Бобоқон ва Ҳамид Ғулмонлар СССР Давлат мукофоти лауреати бўлдилар. Шоира Зулфия бир қатор халққаро адабий мукофотлар билан тақдирланди. Кўплаб ёзувчиларимиз Ҳамза ҳамда Беруний номидаги республика Давлат мукофотлари, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти, шунингдек, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Улаб ёзувчиларга ҳукуматимизнинг юксак орден ва медаллари берилди. Комил Яшин Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун бир қанча ёзувчи ва шоирларга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси», «Ўзбекистон халқ шоири» унвонлари берилди. Буларнинг ҳаммаси халқимиз, партия ва ҳукуматимизнинг ижодкор меҳнатига юксак эътибори ва ҳурмати намунасиридир. Булар билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Уртоқлар! Бугунги кунда кекса адибларимиз ва ўрта авлодга мансуб ёзувчилар билан бир сафда ёш ёзувчиларнинг катта отряди ижод қилаётгани қувонарли ҳодисадир. Улар бизнинг умидимиз, порлоқ келажакимиздир. Катта авлоднинг шонли анъаналарини давом эттириш бу истеъдодли ёшлар зиммасига тушади. Бизнинг ижодий союзимизда 600 дан ортиқ СССР Ёзувчилар Союзи аъзоси бор. Бу кўрсаткич қалам миқдорни эмас, балки энг аввало маданиятимиз даражасини, ўзбек адабиётининг эртанги кунига бўлган ишончимизни кўрсатади.

Адибларимизнинг роман ва қиссалари, дoston ва пьесаларининг иттифоқдош республикаларда, социалистик мамлакатлар ва бошқа хорижий мамлакатларда катта тиражларда нашр этилаётганлиги адабиётимизнинг бадий савияси юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

Николай Тихонов, Георгий Марков, Николай Грибачев, Сергей Баруздин, Юрий Суворцев, Владимир Солоухин, Сергей Северцев, Наум Гребнев, Юлия Нейман, Яков Козловский, Римма Казакова каби моҳир сўз санъати усталарининг адабиётимизга эътибори, фидойиликлари туфайли рус китобхонлари, шу билан бирга бутун мамлакатимиздаги китобхонлар ҳозирги замон ўзбек адиблари асарларини ўқишга муяссар бўлдилар.

Ўзбек ёзувчилари асарларининг бутуниттифоқ китобхонлари маънавий мулкига айланишида ўзбек танқидчилари ва адабиётшуносларининг ҳам маълум хизмати бор. Союзимизнинг бундан аввалги пленумида бу масалага батафсил тўхтаб ўтилганлиги сабабли, бу борадаги муаммоларни қайта такрорлаб ўтирмай, адабий жараёнда иқтидорли, юксак малакали, адабиётимиз ривожига ва тақдири учун қилғуриб қалам тебратаятган танқидчиларимиз бир талай эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Булар — Воҳид Зоҳидов, Иззат Султонов, Матқуб Қўшжанов, Ҳомил Ёқубов, Салоҳиддин Мамажонов, Георгий Владимиров, Лазиз Қаюмов, Юсуф Султонов, Марат Нурмухамедов, Норбў Худойбергенов, Ҳафиз Абдусаматов, Пирмат Шермухамедов, Озод Шарафидинов, Иброҳим Ғафуров, Очил Тоғаев, Шоислом Шомухамедов, Нинель Владимировна, Умарали Норматов, Василий Ларцев, Нуриддин Шукуров ва бошқалар. Улар ёш ҳамкасблари билан биргаликда адабиётимиз равнақи йўлида кўп ишлар қилади деб ўйлаймиз.

Республикаимиздаги адабий жараён кўп тилли ва муштарак хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Турли жанрлардаги асарлар ўзбек, рус, қорақалпоқ, уйғур ва корейс тилларида яратилмоқда. Ижодий союзимиз бундан кейин ҳам бу адабиётларнинг бирлигини таъминлаш ва тараққий

эттириш учун ғамхўрлик қилаверади. Бугунги кунда 78 тилда яратилаётган мақсад ва маънавий интилишлари муштарак бўлган кўп миллатли совет адабиётининг келажаги ҳам ана шу бирликдадир.

Рус шоир ва ёзувчилари Сергей Бородин, Михаил Швердин, Александр Удалов, Борис Пармузин, Андрей Иванов, Азиз Ниалло, Владимир Липко, Олег Сидельников, Вильям Александров, Юрий Ковалев, Борис Тихомолов, Григорий Марьяновский, Борис Боксёр, Зоя Туманова, Владимир Тюрников, Вячеслав Костирия, Александр Файнберг, шунингдек, Николай Красильников, Владимир Соколов, Дина Рубина каби ёшларнинг асарлари республикамиз ва иттифоқ китобхонларининг муҳаббатини қозонди.

Қорақалпоғистон Автоном республикасида ҳам бир гуруҳ талантли адиблар қалам тебратмоқдалар. Бу ўринда Тилоберган Жумамуротов, Жўлмирза Оймирзаев, Сапар Хўжаниёзов, Хўжабек Сеитов, Тўлепберган Қаипбергенов, Ибройим Юсупов, Тождиддин Сеиджонов, Айтбой Бекимбаевларнинг номини эслаш kifoya.

Адабиётимизнинг таниқли адиблари сафидан татар ёзувчилари Шомил Алядин, Эшреф Шеъмизода, Черкез Али, Юсуф Булат, уйғур Рўзи Қодирий, Саитжон Сетишев, корейск Ким Ду Чир, Дегук Угайлар муносиб ўрин эгалладилар.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Зеро мазкур адабиётларнинг ҳар бири истеъдодли ёшлар эъзига муттасил ўсиб бормоқда.

Республикамиз адиблари ижодий Союзимиз юбилейини қандай ютуқлар билан кутиб олаётгани ва ҳозирги ўзбек адабиётида қандай ишлар қилингани ҳақида гапирар эканмиз, албатта, ёзувчилар ташкилоти ва ҳар бир адиб олдида турган ўткир муаммоларни четлаб ўтолмаймиз. Китобхонлар биз ёзувчилардан энг аввал ҳақиқий истеъдод муҳри босилган ва юксак гражданлик пафоси билан сўғорилган янги асарларни кутадилар. «Инсон, айниқса йигит ва қизлар ҳаётини мақсадларнинг олижаноблигини, ғоявий эътиқод, меҳнатсеварлик ва мардликни ўзида мужассамлаштирган идеалга муҳтож бўлади. Бундай қаҳрамонларни ўйлаб чиқариш керак эмас, улар ёнгинамизда яшаб турибдилар», — деган эди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983) Пленумида сўзлаган нутқида. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Инолжон Бузукович Усмоноҳўжаев республика Марказий Комитетида шу йилнинг март ойда бўлиб ўтган учрашувида адабиёт ва санъат ходимлари эътиборини айнан шу масалага қаратиб, «Ҳақиқий ватанпарвар, ўз ишининг моҳир устаси бўлган шундай фидокор, меҳнаткаш инсон санъатда бутун улғуворлиги билан, ўзининг бутун маънавий бойлиги билан том маънода кенг кўламда акс эттиришга муносиб» эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, «асарларимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари фаол ва интернационалист бўлиши, ҳақиқат ва эъзулик тантанаси учун оташин курашчи, теран мулоҳазакор давримизнинг долзарб масалалари билан ҳамнафас» яшаши лозимлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Партияимизнинг тўлақонли замонавий қаҳрамон образини яратиш тўғрисидаги даввати адибларимиз ижодида ўз аксини топмоқда. Лекин замонавий мавзуда ёзилаётган асарларнинг барчасида ҳам ҳаёт бутун мураккабликлари билан чуқур қамраб олинган, деб бўлмайди. Бадий маҳорат етишмаслиги туфайли, бўш, ўртамайна, баъзан ғоявий чалкаш асарлар юзага келаётир. Бундай асарлар пайдо бўлаётганини ҳеч қандай баҳоналар билан оқлаш мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ўзининг иш йўсинларини такомиллаштириб бораётгани ва адабий жараёни янги замонавий мазмун билан бойитишга интилаётганини ҳам айтиб ўтиш керак. Шу маънода республикамиз областларида муваффақиятли ўтган правление секретариатининг кўчма мажлисларини айтиш kifoya. 1981 йилдан бошлаб бундай йиғилишлар барча областлар ва Қорақалпоғистон АССРда бўлиб ўтди. Уларда республикамизнинг деярли барча кўзга кўринган адиблари, танқидчилари ва адабиётшунослари иштирок этдилар. Ёзувчиларимиз КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 й.), февраль ва апрель (1984 й.) Пленумлари қарорларини, шунингдек, КПСС ва Совет ҳукуматиининг ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимиздаги халқлар дўстлиги ва интернационализмини кенг тарғиб қилдилар.

## Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан буён орадан уч ой ўтди. Келажакка қараб олға юришимизга халақит бераётган салбий кўринишларига қарши фаол курашмоғимиз ҳамда ўз ишимизга жиддий муносабатда бўлмоғимиз кераклигини тушунмоқ ва мушоҳада қилмоқ учун бу мuddат етарлидир. Марказий Комитет республикамиздаги барча меҳнаткашлар қатори биз ижодкорларидан ҳам шунини талаб қилмоқда. Замондошлари ҳаётига теран нигоҳ солиб, даврнинг муҳим белгиларини топишга, келажакка боқиб бугунги воқеликни чуқур аглаш ва барча илғор ҳодисаларни рағбатлантиришга ёзувчи ҳаммадан кўра масъул-ку, ахир! Чинакам ёзувчи Марказий Комитет Пленумида партиявий принципиаллик билан кўрсатилган салбий ҳодисаларга нисбатан бефарқ қараши асло мумкин эмас.

Империализм кучлари ва реакционерлар мисли қўрилмаган кўламда ғоявий уруш олиб бораётган, ўнлаб радиостанциялар социализм ва тинчликка қарши ифлос бўҳтон «тошларини отаётган: оқ уй эгалари коммунизмга қарши «ялғи юриши» уюштираётган ҳозирги шароитда биз, ёзувчилар жим туришга ҳаққимиз йўқ. Ўзбек халқининг дунёқараши, меҳнати, КПСС ва давлатимизнинг тинчликсевар сиёсати адибларимиз асарлари орқали совет давлати сарҳадларидан ташқарига — Ғарб ва Шарқдаги китобхонларга етиб бориши зарур. Биз «эркин дунё» «жозибалари»га, уларнинг улғу давлатчиликка оид алаҳсирашларига нисбатан ҳаётга хушёр муносабатимизни қарши қўйишимиз ва кўп миллатли Ватанимизнинг эркин бунёдкорлик меҳнати самараларини намойиш этишимиз лозим. «СССР граждaнларининг интернационалисти бурчи, — деб таъкидланади Конституциямизда, — бошқа мамлакатлардаги халқлар билан дўстлиқни ривожлантиришга, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат».

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги ҳамкасбларимиз, шунингдек, бутун дунё тараққийпарвар адиблари билан ижодий алоқаларимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур. Шу ўринда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан ўзаро алоқаларимиз ҳақида алоҳида тўхталиш даркор.

Жаҳондаги энг йирик адабий ҳаракатга асос солган, Осиё ва Африка ёзувчилари Ассоциациясини яратган Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент шаҳрида қақирилган Биринчи конференциясидан буён чорак аср ўтди. Бу икки қитъа ёзувчилари ўтган йили яна ўзбек диёрига тўпландилар. Адабий ҳаракатнинг йигирма беш йиллиги тантанали нишонланди.

Осиё ва Африка ёзувчилари анжумани инсоният бахтсаодати учун курашни ягона мақсад деб билган фидойи кишилар бирлашмасидир. «Тошкент руҳи» — тинчлик, демократия, ижтимоий тараққиёт учун ёзувчилар олиб бораётган муқаддас кураш руҳи яшайди ва тантана қилади», — деб таъкидладилар юбилей конференцияси иштирокчилари. Ер юзида тинчлик ва халқ бахт-саодати йўлида кураш олиб бораётган Осиё ва Африкадаги барча илғор ёзувчиларга, барча совет адибларига алангали қардошлик саломларимизни йўллаймиз.

## Азиз дўстлар!

1982 йилда биз СССРнинг олтмиш йиллигини байрам қилган эдик, ҳозир эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибмиз. Республикаимиздаги барча меҳнаткашлар қаторида ёзувчилар ҳам социализмнинг Шарқдаги маёғи — Совет Ўзбекистони эришган ютуқлар билан қонуний равишда фахрландилар. Чор Россиясининг чекка мустамлака ўлкаси бўлган Ўзбекистон совет халқларининг тенг ҳуқуқли қардошлик оиласида юксак тараққий этган республика даражасига кўтарилишгача бўлган катта тарихий йўлни босиб ўтди. Бу ерда ҳар бир шахснинг эркин камолга етиши учун барча имкониятлар мавжуд. Фаровон турмуш учун бирдек курашиш, бирдек қайғуриш ҳаётимиз қонунига айланиб кетган.

Турмушимизнинг асосий мазмунини ташқил этувчи ленинча интернационализм улғу Ватанимиздаги қардош халқларнинг ўсиши ва юксалиши учун ҳаётини замин бўлиб келди. Ана шу энгилмас қардошлик руҳи адабиётимизнинг ривожланган социализм даври босқичида ҳам ўз ёркин ифодасини топмоқда.

Совет Ўзбекистони ёзувчилари КПСС Марказий Комитети

«Совет халқи — 1941 — 1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги ҳақида» деб чиқарган қароридан илҳомланиб, уни ҳаётга татбиқ этган ҳолда республикаимиз юбилейини кутиб олмоқдалар. Улар ютуқлар моҳиятини, партия ва халқ олдидаги бурч масъулиятини чуқур англайдилар. Ҳаётнинг ўзи ижодкорларни кенг ижодий уфқларга чорламоқда.

Бугунги кунда ҳаётий мавзулар ва ҳодисалар кўлами ниҳоятда бепоёндр.

Ҳар бир ёзувчи буларни жон-дили билан қабул қилгандагина халқ манфаатларига, совет адабиётининг юксак талабларига жавоб берадиган бадий полотнолар ярата олади. Партия иши ва халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигимизни яхши англаганимиз учун ҳам тантанали кунларда ҳали бажарилма-

ган ишларимиз ҳақида, ижодий ва ташкилий ишларимиздаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида дангал гапирмоқдамиз.

Ҳаётимиз, замонамиз жадал ҳаракатда. Худди шунинг учун ҳам замон билан ҳамқадам бўлиш, бугунги кун ҳақиқатини фалсафий чуқур идрок этиш учун ёзувчи бутун борлигини, юрак ва тафаккур кучининг сўнги томчисига қадар партия ва халқ ишига бериши керак. Бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Улуғ коммунистлар партияси ва жонажон Совет ҳукуматини чин юракдан ишонтириб айтамызки, Ўзбекистон ёзувчилари бундан кейин ҳам партия ва халқ олдидаги бурчларини оқлаш учун, Ленин Ватани ёзувчи — граждани деган юксак номни муносиб сақлаш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар этадилар!

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненкога

Биз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг Бутуниттифоқ ва республика ёзувчилар ташкилотларининг 50 йиллигига бағишланган тантанали пленум қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча адиблари номидан қизгин салом йўллаймиз ва бизнинг тўғримизда, совет халқини маънавий жиҳатдан муттасил ўстириш ҳақида, унинг кўп миллатли улуғ социалистик маданиятини яшнатиш тўғрисида оталарча тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога ва муҳтарам Константин Устинович, шахсан Сизга самимий ташаккур ва миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Бизнинг пленумимизда Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун мамлакат билан биргаликда партиянинг XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган буюк социал-иқтисодий программани амалга ошириш соҳасида зўр сиёсий кўтаринкилик ва ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган, республикаимизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилаётган муҳим бир пайтда ўтмоқда. Республика адиблари ҳам ана шу умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

50 йил муқаддам ташкил этилган Ўзбекистон Ёзувчилар союзи адибларнинг тарқоқ группаларини бирлаштирди. Ҳозирги вақтда унинг сафларида партия ишига фидокорона содиқ бўлган, халқ тақдири билан, унинг орзу-тилаклари, порлоқ идеаллари билан чамбарчас боғланган санъаткорлардан қарийб 600 киши бор.

Биз бундан буён ҳам ўз ёзувчилар ташкилотимизни мустаҳкамлаб, ғоявий бирлик ва жанговарликни бутун чоралар билан ошираверамиз, бизнинг ораимизда юксак ижодий активлик, ўзаро талабчанлик ва ўз ижодимиз учун масъулиятни ҳис этиш вазиятини қарор топтиришга сабот-матонат билан эришаверамиз.

Ўзбек совет адабиёти коммунистик партиянинг, СССР халқлари интернационализи, ленинча дўстлигининг самараси-

дир. Унда қардош адабиётлар ва аввало, рус адабиётининг ўзаро боғланиши жараёнларининг олижаноб таъсири остида адабий ижоднинг қадимги прогрессив аънаналари ва ҳозирги ютуқлари бирга кўшилиб кетди. Ўзбек совет адабиёти кўп миллатли совет адабиёти хазинасига ҳиссасини қўшмоқда. Биз ўз ижодий ташкилотимизнинг 50 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, ютуқларимиз билан фахрланамиз, аммо шу билан бирга камчиликларни ҳам эсдан чиқармаймиз, бизнинг олдимизда партиянинг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми ва кейинги Пленумлари илгари сурган катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бутун куч-ғайрат ва талантимизни партиянинг ҳаётбахш ролини ғоявий ва бадий жиҳатдан юксак даражада ёрқин кўрсатиб берадиган, ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларни ва зиёлиларни улуғлайдиган, СССР халқларининг коммунистик бунёдкорлиги, интернационализи ва дўстлиги пафосини ёритадиган янги асарлар яратишга бағишлаш, совет турмуш тарзини қарор топтириш, коммунизм қурувчиларининг олижаноб интилишлари ва маънавий дунёсини куйлаш — бизнинг муқаддас бурчимиздир. Биз ўз ижодимизда халқчиллик, партиявийлик принципларини қаттиқ туриб изчиллик билан ҳимоя қилиб келдик, ҳимоя қилаверамиз ва ривожлантираверамиз, СССР ёзувчиларининг биринчи съездида эълон қилинган социалистик реализмнинг тўғри ва синалган методига амал қилаверамиз, халқ учун ижод қиламиз, халқ манфаатлари билан яшаймиз, ҳаммаша меҳнаткашлар оммаси ўртасида бўлиб, меҳнат коллективлари билан алоқаларни мустаҳкамлаймиз, ислоҳот тадбирлари тақозо этган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этишда мактабга доим ёрдам бераверамиз.

Ҳозирги кунда ёзувчилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган салбий ҳодисаларга қарши курашни янада кучайтиришни, яхши маънавий-психологик вазиятни мустаҳкамлашга актив ёрдам беришни ҳам ўзларининг муҳим бурчи деб биладилар.

Халқаро вазият кескинлашган, империализм қуролланиш

пойгасини авж олдириб, инсониятни бутун жаҳон миқёсида ядро фалокати гирдобига туширишдан иборат телбаларча сиёсатни ўтказётган ҳозирги шароитда биз, адабиёт арбоблари ўзимизнинг юксак масъулият ва гражданлик бурчимизни жуда яхши англаймиз. Синфий ёндошиш, пролетар интернационализи байроғини янада баланд кўтариш, ғоявий эътиқод ва талантимизнинг бутун куч-қудратини ишга солиб, манфур буржуа идеологиясига, ғарб пропагандасига қарши, милитаризмнинг ваҳшиёна кирдикорларига қарши кураш олиб бориб, тараққийпарвар барча кучларнинг, яхши ниятдаги барча кишиларнинг ер юзида тинчлик иши учун олиб бораётган олижаноб курашида уларни жипслаштиришга актив ёрдам бериш бизнинг гражданлик бурчимиздир. Республика ёзувчилари кўп миллатли бутун совет адабиёти вакиллари билан бир

қаторда бундан буён ҳам ҳозирги замонда энг мўътабар ва энг таъсирчан адабий оқим бўлмиш Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг фаолиятида актив қатнашaveraдилар.

Биз жонажон партиямизни, ленинчи Марказий Комитетни, Сиёсий бюрони, муҳтарам Константин Устинович, Сизни ишонтириб айтамызки, Ўзбекистон ёзувчилари ҳамisha марксча-ленинча ғояларни садоқат билан амалга ошириб келдилар ва бундан буён ҳам худди шундай амалга ошираверадилар. Коммунистик партия ва совет халқининг иши учун, коммунизм тантанаси учун тинмай курашиб келдилар ва бундан буён ҳам курашaveraдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ  
ПРАВЛЕНИЕСИ ТАНТАНАЛИ  
ПЛЕНУМИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ

## ҚУТЛОВЛАР

Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесига

Биз — область Тўпалон сув омбори қурувчилари — Ўзбекистон Ёзувчилар союзини 50 йиллик юбилеи билан қизгин табриклаймиз. Биз бунёдкорлар кўпмиллатли совет адабиёти-мизнинг бир қисми бўлган ўзбек адабиёти ижодкорларининг асарларини севиб ўқиймиз ва улар билан фахрланамиз. Қалам аҳлига янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Тўпалон сув қурилиш бошқармаси коллективи

Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесига

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 50 йиллик юбилей тантанали Пленуми қатнашчиларига алангали салом! Биз ижодкорларнинг халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида олиб бораётган улуг ишларини қўллаб-қувватлаймиз. Ишонамизки, ёзувчи ва шоирлар бундан кейин ҳам тез-тез бизнинг меҳмонимиз бўлиб турадилар. Уларга соғлиқ, ижодларига ривож тилаб:

Хоразмдаги Ленин номили  
тўқимачилик бирлашмасининг коллективи.

Тошкент, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесига

Жиззах район партия комитети ва ижроия комитети Ўзбекистон Ёзувчилар союзини 50 йиллик юбилеи билан самимий қутлайди. Барча сеvimли ёзувчи ва шоирларимизга, уларнинг халқ учун ҳар томонлама мукамал асарлар яратиб бериш йўлида қилаётган ижодий ишларига барака тилаймиз. Бундан буён ҳам ёзувчи қалами билан коммунистик қурилишнинг янги, ёрқин саҳифалари ёзилаверади, деган ишончдамиз.

Район партия комитетининг  
секретари: М. МЕЛИЕВ.  
Район ижроия комитетининг  
раиси: А. АЛИМОВ.

Тошкент, Ўзбекистон ёзувчилар союзига

Украиналик ёзувчилардан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи тантанали Пленуми иштирокчиларига оташин салом!

Ўзбекистонлик қаламкашларнинг кўпмиллатли совет адабиёти хазинасига қўшиган ва қўшаётган ҳиссасидан ҳақли равишда фахрланамиз.

Дўстона маданий алоқалар халқларимизнинг адабиёт соҳасида ҳам бир-бири билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишини таъминлайди. Украиналик ижодкорларнинг асарлари ўзбек тилида жаранглаётганидан беҳад мамнунмиз.

Сизларга соғлиқ, ижодий зафарлар тилаб,  
Украина Ёзувчилар союзи.



**Гулчехра  
Нуруллаева**

## Автопортрет

*Кўзим қорачиғи — бутун ер шари,  
Кулғум, қайгуларим — бани башари.*

*Меҳрим — ақл кўзим очар зотларга,  
Муҳаббат, адолат, эътиқодларга.*

*Ишим — ҳаётимни қилганча тафтиш,  
Юрак нотинчлигин беҳашам айтиш.*

*Таажжубим — баднинг беаёвлиги,  
Яхшининг қобил-у, бўш-баёвлиги.*

*Нафратим — омаддан маст-аластларга,  
Халқнинг юрагини англамасларга,*

*Кўрганам — мажнунтол хокисорлиги,  
Кўрмаслигим — унда хивич борлиги.*

*Айбим — қуруқ сўздан ёнолмаслигим,  
Сохта буюкларни тан олмаслигим.*

*Нодонлигим — ифор этишим талаб,  
Учратганим гулми ё сассиқ алаф.*

*Ўйламай қай фириб ғажиб ташларин,  
Ҳосилни гулдаёқ чамалашларим.*

*Нодонлигим яна — айланмай тилим,  
Ёлғон мулозимат қилолмаслигим.*

*Кимга гул, ким учун балки тиканман,  
Юртим, хизматингга ярармиканман?*

\* \* \*

*Қачон қалб юртимни бу жаҳонгир босди?  
Бўла қолдим экан қачон жория?*

*Мендан не сўраркин?*

*Билмайман, рости.*

*Билганим шу: шодман бориға,*

*Йиллар ўтиб борар.*

*Кашфим у ҳануз*

*Таажжуб қиламан сирлилигига.*

*Баҳорни тутқизар, келганида куз,*

*Сигингим келади нурлилигига.*

*Фақат ўзимга тан, шикаста қалбимнинг*

*Таъбирчиси ўша, шифокори ҳам.*

*Учратмаса эди тақдир шу алпимни,  
Билган бўлар эдим ҳаётни ситам.*

*Ожизгина вужуд, мўртгина руҳим*

*Унинг борлигидан тўлади кучга.*

*Йўқотганим бўлса ҳаёт шуқуҳин,*

*Айланиб қоламан исёнга, ўчга.*

*Кўнглимга юпанчлар, парвозлар солар,*

*Бўлсам-да ноумид, бўлсам-да хаста.*

*Баландлаб кетаман, худбин кимсалар,*

*Нохуш хаёлларни қолдириб пастда.*

*Оҳ, кўрсангиз мени... Энтикиб-энтикиб,*

*Ҳар онимда унга суялишларим...*

*Уни тинглаб-тинглаб, ақлларга қониб,*

*Ўз айтар сўзимдан уялишларим...*

*У — менга мукофот.*

*Кўксимга босиб,*

*Яйрайман шундайин бахтим бориға,*

*Мен ҳам бўлсам, дейман унга муносиб*

*Унга арзигулик жория...*

\* \* \*

*Танбал булутларга келар-да ғаши,*

*Олдига солади исёнкор шамол.*

*...Менга эриш сенинг лоқайд қарашинг,*

*Шундан шамол шашти менда, эҳтимол.*

*Кўзим, сўзим, ўзим — бетоқат олов,*

*Сенга хуш ҳолатнинг берсам додини...*

*Билиб қўй, мен ҳиссиз фурсатларга ёв,*

*Янчаман лоқайдлик истибдодини.*

*Майлим бир ўзимга кўплик қилмоқда,*

*Иста — чекил, иста — суруримдан ол.*

*...Сен танбал булутдай лоқайд бир чоғда*

*Шамол шитоблари менда, эҳтимол...*

Ачинмасман, агар сизга бўлмасам суюк  
Малоли йўқ нигоҳингиз кибр юкининг.  
Юрагимнинг тоғлари бор — ўзича буюк,  
Ўз-ўзига қадрлидир боғлари унинг.

Учратсангиз ногоҳ мени сокин, паришон,  
Эҳтимолки: «Кимлигимни кўрсатдим» — дерсиз.  
Кўраянман: кимлар учун сиз — гарчи осмон,  
Кимлар учун писанд қилмай босгани ерсиз.

Билармисиз, йўқ, билмассиз, сокин кўзимни  
Тунд осмонга, заранг ерга кўрмасман раво.  
Юрагимнинг тоғларига чорлаб ўзимни,  
Юрагимнинг боғларидан тинглайман наво...

\* \* \*

#### Ўғлимга

Болажон, қўйгансан гулларга кўнги,  
Болажон, гуллардай сен ўсгил — унги.  
Бир умр меники бўлсин, десанг ул,  
Аввало қуёшни сева бил, эркам,  
Қаримас беминнат қуёш сира ҳам.

Сева бил баҳорни, баҳорки тоза,  
Саҳоват, беқиёс дидга андоза,  
Чарчамас кўкликни у ёза-ёза,  
Ҳиммат — муҳаббат у, ёниқ ҳаяжон.  
Билгилки, қаримас баҳор, болажон.

Сева бил самони, у — бесарҳад йўл,  
Тунга зид, исёнкор юлдузлари мўл,  
Пастлик, тубанликка кўтаргувчи қўл —  
Боқишлари бордир мовий, бокира,  
Қарамас нуроний само ҳам сира.

Ҳақиқатни севгил юракдан яна,  
Десанг: «Ором билан қурай тантана».  
Билсанг у, болажон, онанга она.  
Гарчи осон эмас зил юкин тутмоқ,  
Кўҳна ҳақиқат ҳам қаримас мутлоқ.

Ана шунда тайин чўғ-оташлигинг,  
Ҳаёт тақдирига жафокашлигинг,  
Бир умр сеники бўлар ёшлигинг,  
Ҳамма ҳавас қилар ўғлонсан шунда,  
Қуёшсан, баҳорсан, осмонсан шунда.

\* \* \*

Озор жон-жонидан ўтаркан бешак,  
Ва пайдо бўларкан гулда тиканак.

Қолиб минг чийралиш, минг бир синовда,  
Қамчинга айланар экан мўрт говда.

Бир шохни синдирса зўриққан шамол,  
Бошқаси шиддатга тўларкан алҳол.

Мени саркаш кўриб, бўлмангиз ҳайрон:  
Тилсиз теграмда-ку шунчалар исён...

## Болалик хотиралари

### Онамга

Байрам шеърларга тикилдим талай,  
Бахтли қўшиқларни ёд олдим яна.  
Ҳаёт баланд — пастин менга, ҳарқалай,  
Маъюс кўзларингиз айтарди, она.

Далалар ўқитди кўпинча бизни,  
Далалар ўтказди синовдан яна.  
Очилмасдан қолган дарслигимизни  
Доно кўзингиздан уқардим, она.

Уруш қақшатган уй дилдираб «уф»лаб,  
Дилни тўлдираркан музига яна,  
Бизлар исинардик кафтга «куф-куф»лаб,  
Иссиқ кўзларингиз тафтида, она.

Шеър ёздим. Дедилар: маъюс, шикаста  
Сенда ғам не қилсин? — дедилар яна.  
Уни уруш берган мотамдан хаста,  
Ўксик кўзингиздан олгандим, она,

Гоҳи изтиробли, гоҳида хушбахт —  
Қалбим расмин чизса қоғозга қалам,  
У — менинг қўлим-ла сиз битган дастхат,  
У — менинг тилимдан сиз айтган калом...



\* \* \*

Бир кам дунё. Кам дема,  
Ишқ топмасанг, ғам ема —  
Ошиққа айланурсан.

Бахту омад сарсари,  
Бахт сендан қочган сари —  
Кўшиққа айланурсан.

Тўлдим, деган онда-чи,  
Тўйдим, деган онда-чи —  
Бўшлиққа айланурсан...



1991 йил 12 июль

№ 14

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

1991 йил 12 июль

**Абдукарим Аҳмедов,**  
Сурхондарё область комсомол комитетининг  
биринчи секретари

## ДУСТЛИК САРҲАДИ



урхондарё ватанимиз жануби. Бунда жўшқин Амударё СССР билан Афғонистоннинг чегара чизиги ҳисобланади. Сурхонликлар ўз воҳалари ҳақида ифтихор ила «Дўстлик сарҳади», дейишлари шундан.

Воҳамиз Урта Осиёнинг кўҳна маданият масканларидан. Зараутдара тош мусаввирлиги, машҳур тешиктошлик неондерталь бола жасадининг топилмаси, Далварзинтепа хазинаси ва янги-янги топилаётган ўтмиш осори-атиқалари бунинг яққол исботи.

Урта аср фани ва адабиётига салмоқли ҳисса қўшган йигирмага яқин термизийлар, «Шоҳнома»нинг минг мисрали «Гиштасип» қисминигина ёзиб улгурган ва фожиали ҳалок бўлган Фирдавсийнинг устози Ибн Мансур Дақиқий шу ўлкада яшаб ижод қилганлиги тарихдан маълум.

Бу юртни қуёш ўлкаси ҳам дейдилар. Аслида эса ҳақиқий эрк ва урфон ёғдуси бу ерларга Улуғ Октябрь инқилоби туфайли балқиди. Кўҳна Сурхон совет ҳокимияти даврида гуллади, яшнади, қарийб 21 минг квадрат километрли, 1 миллион аҳолиси бор воҳа совет Ўзбекистонининг иқтисодий бақувват ва маданияти тараққий этган областларидан бирига айланди.

Эндиликда бизнинг воҳани ипак пахта усталари юрти, Сурхон — Шеробод чўлларига оби-ҳаёт элтиб, бу ерлардан дур ундираётган миришкорлар маскани сифатида ҳам билишадди.

Гул бор жойда булбул бўлади. Областимизда ҳам юрт ободонлиги, партия раҳнамолиги, яратувчи халқимизнинг бунёдкорона меҳнати ва фаровон турмушини тараннум этаётган ижодкорлар авлоди вояга етди.

Марҳум Раъно Узоқова ва Теша Сайдалиев, ҳозирда кучкуватга тўлиб ижод қилаётган Низомжон Парда ва Болта Ёриев, Шукур Холмирзаев ва Менгзиё Сафаров, Озод Авлиёкулов ва Норкул Ҳайиткулов, Эркин Аъзамов ва Тоғай Мурод, Усмон Азимов ва Мирза Кенжабоевлар бизнинг ҳамюртларимиздир.

Биз номларини тилга олган қаламкашларнинг кўпи ҳозирда пойтахтимиз Тошкентда меҳнат қилишади, улар ўз асарларида сахий ва ўктам Сурхон кишиларининг ўзига хос образларини яратишяпти.

Область комсомол комитети ёш ижодкорларга муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. Актив ижодкор ёшларга область Ленин комсомоли мукофоти, иттифоқимизга ҳамда чет элларга саёҳат йўлланмалари бериляпти. Ҳар йили апрель ойида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи область бўлими билан ҳамкорликда ижодкор ёшларнинг область слёт-семинарларини ўтказаямиз. Область марказида ва ҳар бир районда ижодкор ёшларнинг адабий уюшмалари ишлаб турибди. Уюшма иштирокчиларининг ижод намуналари область ва район газеталарида мунтазам ёритилмоқда.

Ёзувчилар союзи область бўлими ҳамда 12 нафар СССР Ёзувчилар союзининг аъзолари маълум бир райондаги адабий уюшмага оталиқ қилмоқдалар. Адабий уюшма аъзолари орасида Маҳмуд Абдулфайзов, Абдурахмон Соатов, Менгнор Алламуродов, Ҳайитали Раҳмонов, Парда Назаров, Юрий Дружинин, Зулфия Йўлдошева, Ҳаловат Искандарова, Яхшибой Жабборов, Моҳидил Каримова каби келажаги порлоқ ёшлар бор.

Ешлик — бунёдкорлик демак. Сурхондарёлик ёш ижодкорлар ҳам ҳамюртларининг меҳнатларига муносиб асарлар яратиш йўлида тинмай изланаверадилар.



## Худойберди Эшонқулов

### Деҳқонга

Кел, эй бободехқон  
 Қўлларинг узат,  
 Сернур пахтазорга бошлагин бугун.  
 Заминга тилло ранг  
 Югуртиб кузак,  
 Эзгулик қўшиғин куйлайди беун,  
 Юр, замин султони,  
 Далаларга юр,  
 Тупроқни ҳидлайлик, бу — жасорат, ҳа.  
 Она табиатда бир дунё сурур...  
 Сенинг қалбинг — дала  
 Орзуинг — пахта!  
 Ҳаётда ўрнинг бор —  
 Баланддир қадринг,  
 Олам жасоратинг этмоқда таъриф.  
 Ҳар бир эгат гўё —  
 Шоҳона сатринг,  
 Сертомир қўлларинг ўзи бир тарих.  
 Қалбингда мавж ураб  
 Оний туйғулар,  
 Ҳар чаноқ — беш қитъа,  
 Ҳар чаноқ беш қўл.  
 Пахта курра узра нурдай туюлар,  
 Коммуна асрига элтувчи бир йўл.  
 Эй, қуёш фарзанди,  
 Толеи баланд,  
 Нурдан йўғдирдинг сен энг ҳақиқий дур,  
 Мезон янглиғ тола  
 Юракка пайванд,  
 Ҳа, пахта — тафаккур.  
 Пахта — тасаввур.  
 Азиз бободехқон,  
 Нияти қутлуғ  
 Чигитни юракда ундирдинг сен, ҳа,  
 Койил, жаҳон аро таратдинг доврўқ!  
 Сенинг қалбинг — дала,  
 Орзуинг — пахта...

## Сафар Омонқулов

### Акам ОМОНТУРДИГА

Оппоқ тонг синглимнинг кўзига ўхшар,  
 Мен уни кузатдим тиниқ, бокира.  
 Унинг тилагидир бу оппоқ тонглар  
 Ва оппоқ заминдир азиз, соҳира.

Кўкда ой онамнинг ўзига ўхшар,  
 Сахий шуғлаланар мунис ва хира.  
 Меҳрибон термулар, кимнидир қўмсар?  
 Бир зум унут бўлар дилдаги яра.

Болаларга ўхшар, олис юлдузлар  
 Имлаб жимирлайди, кулади шодон!  
 Осмон туйғулари безакли излар,  
 Сиз буюк ижодсиз, машҳур — бу аён.

Бедор яшаётган Қуёш ўхшайди  
 Турмуш ташвишидан чиқмас отамга.  
 Қизариб чиқмоқда ана, энкайди  
 Қўлини узатиб чўққи — кетмонга.

Бир неча тонгларни кузатиб танҳо  
 Оппоқ туманларни қучоқлаб ўпдим.  
 Тонг чоғи туғилиб, дунёда якто  
 Ватаним, мен сени нурлардан топдим.



## Роза Ниёзова

Парвоналар,  
 Шамга интилманглар,  
 Асло талпинманглар,  
 Қилманглар тавоб.  
 Асло сезганмисиз:  
 Муқаддас ишқни деб,  
 Ишқу ошиқни деб  
 Бўлганини соб.  
 Жодули даъватнинг  
 Бўлиб қурбони,  
 Жисму жонингизни  
 Қиласиз тамом,  
 У-чи,  
 Гўё эриб тузагай,  
 Аммо,  
 Янги қурбон излаб  
 Тирилар ҳар шом.



Моворауннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима  
Кўзларимни бирин Жайхун, бирин Сайхун  
айлади.

САККОКИЙ

Бахшида дегайман Ватанга жонни,  
Юртга муҳаббатдир мендаги табдир.  
Кучоқлаб ётаман Ўзбекистонни,  
Бир қулочим — Аму, бир қулочим — Сир.

Юрагим тўрида ўрнашган диёр,  
Юртга меҳрим оқар мисоли сойким,  
Посбон, мафтунликда кўзларим бедор,  
Ул бири Жайхундир, ул бири Сайхун...

Йўлига тикканча гул ҳаётимни,  
Меҳнат, шиддатимни бердим шу ерга.  
Икки оқим қилдим матонатимни,  
Бири — Аму, бири айланди Сирга.

Ўлка мақтовига икки куй битдим,  
Бирин Аму айлаб, бирин Сир этдим.

\* \* \*

Афғонлар уфқида ёнди Инқилоб,  
Шодиён тоғларин қучгандай қуёш.  
Мазлумлар бағрида ҳурлик — моҳитоб.  
Фурурин тиклади ҳар эгилган бош.

Рўёдай абасдир минг йиллик дашном,  
Абасдир минг йиллар чекилган афғон.  
Энди жаннатланса бу ўлка, не ком,  
Жаннат яратишга қодирдир Афғон!

Афғон дўст, эслатдинг сўнмас яшинни,  
Курашда кўксингни керган онларинг.  
Табаррук айлади яна заминни,  
Эрк учун тўкилган қутлуғ қонларинг.

Дўстгинам, суқ назар йўлини тўсдим!  
Озод бошинг кўриб нақадар ўсдим!





Зоир  
Мамажонов

## Икки ҳикоя

### Неваралар



оғдан ўт ошириб тушаётган Алиқулга кўзи тушдию у говмушини эслади. Шоша-пиша уйига келди. Ток айрисига қистирилган ўроқни олarkan, «Мамат чол индамасмикан», дея ўйланиб қолди. Сўнг, беихтиёр оғилхона томон юрди. Жайдари, ориқ қора сирнинг охурида ўтган кузда тоғаси Боботоғдан юборган сомон турарди.

Қиш бўйи шу сомону томорқадан чиққан озроқ макка пояси билан кун кўрди жонивор. Баҳор бошланиб, молларнинг оғзи кўкка тегдию қуруқ хашакка қарамай кўйди.

У сим тўсиқдан осонгина ўтди. Бўйи баравар ўсиб ётган ўтни ўришга тушди.

— Ҳе, нима қиляпсан?

Азим ўришдан тўхтади. Лекин овоз келган томонга қарамади. Гапирган — боғ қоровули Мамат чол эканини билди. Ўзини босиб, билаги билан пешона терларини артди. Сукут сақлади. Қоровулга муносиб жавоб қилиш учун сўз излади. Лекин ҳадеганда тилига гап келавермади. Бирдан ўзини шу боққа, шу ерларга даҳлдор ҳис қилди. Беписанд оҳангда:

— Кўрмаяпсизми ўт олаётганимни? — деди.

— Ишинг қизиқ-ку, бола. Боғни безга дедингни?

— Ҳа, безга дедим.

— Йўқ, бундай гап кетмайди! Ҳукуратимизнинг эгасиз ери йўқ.

— Нима, боғ бир сизникими? — деди Азим Мамат чолнинг гапини бўлиб.

— Меники! Мен нима десам айтганим бўлади.

— Отангиздан қолган боғ йўқ!  
— Отамдан қолган! Нима дейсан?  
— Бу боғда менинг ҳам ҳаққим бор.  
— Ҳаққим бор? — Чол истеҳзоли кулди. — Ҳе бола, бола! Биласанми, сен қандай замонда яшаяпсан? Меросхўрлик ўтган замонда эди. Ҳаққи борлар ҳов мозорда дўмпайиб ётибди!

— Сен ҳам ўласан, сендан ҳам қолади бу боғ.

— Сен ҳали «сен»ляяпсанми?

Зуғум қилиб келаётган Мамат чол боланинг бармоқлари ўроқ дастасини қаттиқ сиқаётганини, ранги оқариб, лаблари пир-пир учаётганини кўриб ушлашишга ботина олмади. Узимни ҳимоя қилай ёки болани бир кўрқитиб кўяй деса, ҳар кун олиб юрадиган таёғини ҳам унутиб қолдирибди. Кетар чоғи яна дўқ урди:

— Агар замон кўтарганда оғзи-бурнингдан қонингни келтирардим! Бурнингни бир ишқайин, энангдан туғилганинга пушаймон бўл! Бригадирга бораман! Бригадир эшитмаса, шўрога бораман! Боғнинг эгаси кимлигини кўрсатиб кўяман!

У Мамат қоровулнинг жазаваси тутишини билганидан боққа қадам босмас эди. Бугун қандоқ қилиб кириб қолди — ўзи ҳам билмайди. Бўлмаса бир орқа ўт нима деган гап. Узининг невараси Алиқул-ку қунини ўт ташиш билан кеч қилади. Йўқ, Мамат чол болага ўт ўргани учун эмас, бошқа кеки борлиги учун захрини сочди. Азимнинг ҳам унда кеки бор. Бу олис хотира.

...Қоронғи кеча. Эшик узилиб-узилиб, секин-секин тақиллади. Ички зулфининг шиқирлагани эшитилди. Энаси уйғонди. Чироқнинг пилиги кўтарилиб, хона ёришганда занжирли зулфин илгагини кўтаришга уринаётган, эшикдан суқилган чўпга кўзи тушди. Чўп дам пастга тушар, дам юқорига кўтарилар эди. Эна ҳадиксираб товуш берди:

— Кимсан?

— Бақирма, Фотима. Эшикни оч, бир оғизгина гапим бор.

Уша киши бугунги Мамат қоровул эди. Мамат у вақтлар кекириб, қорини силаб, унча-мунча одамга гап бермай юрарди.

Ушанда эна роса йиғлаган:

— Майли, мени оёқости қилган бўлсанг, сенгаям боққан балоси бордир. Эшигимни қоққан қўлларинг синади! — деган.

Бу гапларни Азим энасининг узۇқ-юлуқ гапларидан билиб олган. Уша-ўша Азим Мамат қоровулни ёмон кўради, ундан четланиб юради. Бугун биринчи марта тўқнаш келди.

У ўй-хаёллар билан Мамат чолнинг яна қандай можаро бошлаб келишини кутиб ўтирганида Алиқул кўринди. Бир кўнгли у билан жанжал чиқариб, бобосининг аламини олмоқчи бўлди. Лекин Алиқулнинг қарашларида қандайдир хайрихоҳликни кўрди. Азим аҳдидан қайтди.

— Ур, ошна, ўравер, — деди Алиқул қайишган оҳангда. — Бригадир бобомга: «Индаманг, кирса кирибди, бир пиёла оқ деб сигир сақлашади», деди.

— Яна нима деди? — Алиқулни сўз билан ачитишга баҳона излай бошлади. Алиқул елка ўчириб, кўз қирини югуртирди.

— Ҳеч нарса дегани йўқ. Узинг ҳам бобомга ошириб гапирибсан. Билсанг, бобом яхши одам.

— Яхши одам экан деб оёғининг остига ўзимни ташлайми? — У кўрс гапираётганини, ҳозир муросага чақираётган Алиқулга баланддан келиш ноўрин эканини, нима бўлса ҳам уни ҳозир қочириб юбормасликни ўйлаб ён берди: — Сенингча, бориб йиқилайин ҳам, а? Нима учун? Биласанми, бу тақир ерни менинг бобом қандай азоблар билан боғ қилган?

— Биламан, ошна, — Алиқул Азимнинг ёнига ўтирди. — Уйда гурунғ бўлса, бобом кўп гапиради. Кўп улуг одамиди Муҳаммадҷон боғбон, Йўлдош Охунбобоевнинг назари тушган одам эди, дейди.

— Бу боғнинг ўзиям ўша йилларда бошқача эди, ошна, — дея энтикди. Азим. — Анорлар эсингдами? Ҳар бири чойнақдан катта бўларди. Бобом ўлди, ўша йили анор кўмилмай қолди. Шундай шовуллаган анорзор совуқ уриб, бир йилда ўтин бўлди-қолди.



— Э-э, ўзиям ғайратли, шаштли одам эди-да. Авария бўлган кун ҳали-ҳали эсимда. Бир йиғловдиларинг, ҳамма-нинг кўнгли бузилган эди. Одамлар, девор бир нурай бошламасин экан, деб кўзларида ёш билан гапирарди...

Азим бу дилкаш гурунган анча енгил тортиб уйига келди.

Кечаси туш кўрди. Боғнинг ўртасида юрган эмиш. Қаёқдандир афсоналардагидек ғаройиб от пайдо бўлибди. От тебранармиш, ёллар тўлғонармиш. Азим ўзича дермиш: «Алпомишнинг Бойчибори эмасмикан-а?» Ярқироқ эгар устида ўтирган оқ чакмонли нуроний кимса бобоси эмиш... Кўлидаги ҳассасини беҳизор томон бигиз қилиб, «Чоп, Мамат бобонгн чакириб кел, боққа сув очилиб кетибди, келиб бандни боғласин!», дермиш. Кундузи

Мамат чолнинг ўдағайлагани эсига тушиб Азим ерга қараб тураверибди. Лекин ичида бобосига кўп гапларни айтмоқчи бўлибди. Анорзорнинг совуқ уриб ўтинга айланганига, таёқ билан қоқилаётганидан хурмо билан бирга шохлар ҳам синиб тушаётганига Мамат чолнинг ўзи айбдор, дегиси келибди. Қараса, от йўртиб борапти. Азим от издан йиқилиб-сурилиб югураверибди. Кетманг, бобожон, кетманг, ариқни ўзим боғлайман дермиш ҳадеб. Оқ от ва бобоси эса катталашиб, туманга айланиб кетибди...

У уйғонди. Тушини орзиқиб-орзиқиб эслади. Бобоси Мамат чолни чакириб кел, деганида нега югуриб бормаганига афсусланди. Нимагадир бирдан феъли айниди: «Бормаганим яхши бўлди. «Боғнинг эгаси мен» эмиш... Бўларсан-а, бўларсан. Боғнинг эгаси мен!..»

## Яхши йиғит



айрат ҳавоси дим хонада кўзини очди. Қаерда ётганини билолмади. Ҳайрон бўлиб атрофни кузатди. Шипдан — темир панжарали туй-нукдан қоронгилик кўланкалари тушиб турганини кўрди. Енида бир неча киши пала-партиш чўзилиб ётибди.

Бир пайт эшик дарчаси очилиб, милиционернинг боши кўринди.

— Қандай бўлди, қаҳрамонжон? Калла пишдимиз? «Бошогриқ»нинг хумори тутмаяптими?

Ғайрат ўрнидан туриб, эшик ёнига борди. Бандига занжир уланган кружкадаги муздек сувдан симирди. Кейин юзига ясама паршонхотирлик билан:

— Бир нарса сўрасам, бақириб бермайсизми? — деди. Милиционер кулиб юборди.

— Мен ҳеч вақт бақирмаганман. Ҳозироқ бўшатиб юборишимни сўрамасанг бўлди. Бу менинг қўлимдан келмайди.

— Қандай келиб қолдим бу ерга?

— Қандай бўларди? Бизга суяниб келдинг. Вагонни мажақлайман, поездни ағдараман, деб бақириб-бақириб ухлаб қолдинг. Қандайдир хотинга шилқимлик қилибсан, эрига мушт кўтаргансан. Келиб-келиб янги йил кечасида можаро чиқарганингни!

Ғайрат жойига бориб чўзилди. Қарахт бошида ҳар хил хаёллар ғужгон ўйнади. Кеча бўлиб ўтган воқеани элас-элас эслади. Курсдош ўртоғи вокзалгача кузатиб чиққани, ичганлари кўз олдига келди. Поезд ўрнидан кўзгалганда нима ҳам бўлиб Ғайратнинг кўнгли муздай пиво тусаб қолди. Шу ният билан купедан чиқди. Ресторанга чамаси бир вагон қолганда эшиги очиқ купеда таниш чехрага кўзи тушди. Беихтиёр тўхтаб, тисарилиб ичкари мўралади. Уша — Саховат! Бир пайтлар Ғайратга тегишиб: «Акажон, биз айбдор! Гуноҳимиздан ўтинг, иккинчи қилмаймиз, кейин ўлдирсангиз ҳам майли», деб қўлларини ҳинд қизларига тақлидан кўксига қўйиб турадиган қотма, чарос кўзли Саховат! Юзига йилларнинг нуқси урибди. Ғайрат яна мўралаганида ёстиққа ётқизиб қўйилган болани кўрди...

Ресторанда ким биландир улфат киришди. Аввалига ўша купе ёнидан қандай ўтишни ўйлаган Ғайрат икки-уч қадаҳдан кейин: «Купесига бош суқаман; салом, Саховат, дейман» деган қарорга келди. Бир кўнгли, қўй, агар эри ёнида бўлса, бирор ишқал чиқарасан, дерди. Бироқ, қанча ўйламасин, шу тебраниб кетаётган вагонларда Саховатнинг эри ҳам борлигини сира тасаввурига сиғдира олмади...

Эшик занжирлари шиқирлаб, дарча очилди. Яна ҳалиги милиционер бош суқиб, Ғайратни имлади.

— Узингни мана буларга тенг қилма, — деди у. — Буларнинг ичида кунда-кунора тушиб турадиганлари ҳам бор. Тонг отсин, бошлиқнинг олдига аввал сени олиб бораман. Айбингга иқрор бўл. Янги йил муносабати билан юз грамм ичувдим, де! Мен ҳам сал шипшитиб қўяман. Хўп? Йўлда ҳар нарса бўлиши мумкин, бола бир янглишибди, жарима билан қўйиб юбориш керак, дейман.

— Иқрор бўлмасам-чи?

— Унда ўн беш сутка оласан. Қўлингга супурги берамиз, шаҳримиз кўчаларини бир чангитасан.

— Ҳе, бундай демайси! Чиндан ҳам айб ўзимдан ўтди. Биласизми, мен поездда...

— Қўй у ёғини! Бошлиққа айтасан, ошна! Ким дўст, ким душман — мастга барибир, деб бир шоир шеър тўқиган экан. Йўлда ҳар нарса бўлиши мумкин. Бошлиғимиз тушунадиган одам.

Дарча ёпилди. Ғайрат хонани айланиб юра бошлади. Узини қўлга ололмаганидан афсусланди! «Ҳадеб Саховат олдида паст тушдинг, нималарнидир исботлашга уриндинг. Жиззакисан, Ғайрат! Бўйинингга ол.»

...Саховат билан бир мактабда ўқишди. Охирги йиллар бир партада ўтиришди. Рўмолчалар ҳада этиб, Ғайратни шод қилган у кунлар энди ўтиб кетди. Бир сафар жуда қизиқ бўлди. Саховат қандайдир китобдан бир суҳбатни кўчириб олиб, Ғайратга узатди.

«— Бир нарса денг. Майли, тушунарли бўлмаса ҳам бир нарса денг.

— Мен ҳеч эрга тегмайман.

— Бекор гап. Ҳамма қизлар шундай дейди. Бир вақт кўрибсизки, тегади. Дунёнинг у бурчига бўлса ҳам боради. Шу-шу, Саховат нуқул гап орасида Ғайратга:

— Мен ҳеч қачон, ҳеч кимга, сенгаям эрга тегмайман! — дейдиган бўлди.

Ғайрат қизариб, кулиб қўя қоларди.

Битириш йили яшириниб шаҳарга тушишарди. Кинога киришарди. Хайрлашиш олдидан Саховат яна шу сўзни такрорларди. Ғайрат яна куларди. Кечалари ухламай Саховат ҳақида ўйлаганида ўзининг юриш-туришлари, кийинишлари, ҳаракатларига қараб, бирор ҳислатим ёқмаётган бўлса керак, деб хижолат чекарди. Юзига хуснбузар тошди дегунча ойна қошига ўтирарди. Тирноқлари орасига олиб ситиб ташларди. Ўрни қорайиб, доғлар кўпайди. Саховат эса кун сайин очилиб, яшнаб кетди.

Бир куни, битириш арафаси эди шекилли, Ғайратга дабдурустан:

— Ҳей дўст! — деб мурожаат қилди. Кейин атрофдагиларга тушунтирди: — Ундай-мундай деб ўйламанлар! Биз Ғайрат билан дўст бўлиб қоламиз. Тўғри-я, Ғайрат?

Ғайрат итоаткорона бош ирғаб қўйди.

Кутилмаганда ораларидан ола мушук ўтди. Ғайрат мактаб яқинидаги темир йўл ёқасида Саховатнинг биров билан турганини эшитди. Дарсга кирса, ҳақиқатдан ҳам Саховат йўқ. Безовталаниб, қўл кўтарди. Уқитувчи жеркиб берди: — Ҳозир кириш бўлди. Ўтир!

Ғайрат рухсатсиз чиқиб кетди. Темирйўл ёқасида Саховатга дуч келди. Узоқда, пахтазор оралаб кетаётган йигитни эса танимади.

— Ҳей дўст! Кириш бўлди-ми? — Саховатнинг овози Ғайратнинг қулоғи тагида аввалгидек жарангламади.

— Ҳеч кимга эрга тегмайсанми? — деди у.

— Балки тегарман. Нима бўлди, Ғайрат?

Ғайрат бориб Саховатнинг юзига қандай тарсаки тортиб юборганини билмай қолди.

Бу можарони биров эшитиб, биров эшитмади. Саховат ҳеч кимга шикоят ҳам, арзи ҳол ҳам қилмади. Бошқа партага ҳам ўтмади. Баъзида Ғайратга ўғринча қараб-қараб қўяди. Ҳеч қандай кек сақламаётганини билдириш учун сиёҳдонини суриб қўяди. Кўчириб олсин деб дафтарларини атайин очиқ қолдиради.

Имтиҳонлар бошланишига оз вақт қолганида Саховат чидамади. Дарс пайти Ғайратга буклоғлик қоғоз узатди: «Уқишга бормоқчиман».

Ғайрат ёзувни давом эттирди: «Пахтазор оралаб кетган у кунги ким эди?».

«Қариндошимиз. Совчи қўйдирмоқчи».

«Нима дединг?»

«...дедим».

«Зўрсан, Саховат!»

«Сен ҳам зўрлигингни кўрсатдинг. Қараб тур!»

«Бўпти, пешонадан кўрамиз».

«Бўлди, Ғайрат, муаллим қараяпти».

Шу-шу гаплашиб кетдилар. Имтиҳонлар тугаб, Саховат ўқишга ҳужжат тахлади. Ғайратнинг ўзи уни Термиз автобусида кузатди. Институтга кирганини автостанция ошхонасининг бурчагида нишонлашди. Оз-оздан шампан ҳўплаб ўтиришди. Саховат қизарди.

— Ғайрат, сенга ҳам, бошқага ҳам эрга тегмайман! — деди. Уф тортди. — Биз дўст бўлиб қоламиз!

Энди ўйлаб қараса... Кейинлар ҳам ақли етмабди. Фақат, қизни ранжитиб қўйишдан ўзини асраб юраверибди. Бир

гал унинг орқасидан Термизга борганида Саховат: «Шунда-гидай бир ур!» деганида ҳам ҳеч нарсага тушунмабди.

Кейинги йил Ғайрат Тошкентга ўқишга бориб, студент бўлиб, бир-икки кунга қишлоққа келганида Саховатнинг ким биландир топишганини тўйи ҳам бўлиб ўтганини эшитди.

Ғайрат қандайдир илинж билан Термизга борди. Саховат синиқ овозда:

— Биз дўст бўлиб қоламиз, Ғайрат! — деди.

— Тушунмаяпман, Саховат.— Ғайратнинг томоғига бир нарса тикилгандай бўлди. Сўнг, беихтиёр қиз томон юрди.

Саховат тисарилди, ёшланган кўзларини атрофга тикиб:

— Биз энди бегоналашдик, — деди.

— Номардсан, Саховат. Юзингга айтганимга хафа бўлма. Яна айтсам: зўр хиёнатчи экансан!

— Нима десанг — шу, Ғайрат. Начора, пешона экан-да. Одамнинг айтгани бўлавермас экан...

Эшик очилиб ҳалиги милиционер Ғайратни чақирди. Бошлиқ навбатчининг ахборотини эшитди. Ғайратга бошдан-оёқ разм солди.

— Биринчи мартами? Ёки шахрингизда ҳам шундай ҳунарлар кўрсатиб турасизми? — Ғайрат индамади. Ерга қаради. Бошлиқ сўзида давом этди: — Яхши йигитга ўхшайсиз. Янги йилдан бошлаб янаям яхши бўлинг. Мана, ҳужжатларингиз. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, яхши йигит!

Ғайрат жарима тўлаб, ҳовлига чиқди. Ташқарида қор ёғарди. Биринчи қор!





**Зулфия  
Мўминова**

«Сўзпарастман, файзли нафас истайман», дейди сўз до-  
нишмандларидан Паҳлавон Маҳмуд. Зулфия, менинг назарим-  
да, бугунги шеърятимизга шу хил «файзли нафас» билан ки-  
риб келаётган ёшлардан.

Зулфия ҳаётни рассом кўзи билан кузатади. Назаримда,  
қоғозга воқеалар тавсифини эмас, суратини чизгандай туюла-  
ди. Мана, унинг канал қурилишига бағишланган шеърдан  
бир тўртлик:

Мен билан хаёлан уйга йўл олар  
Тупроқ ўпаётган озғин тиззалар...  
Оғзини очганча анграйиб қолар  
Ҳашарчи сув ичган сопол кўзалар...

Еки отасига бағишлаган шеърдаги бир лавҳа:

Қабристонга қатнайди ҳар чоғ  
Елкалари букилиб қолган.  
Ериқ товонидан қизғалдоқ  
Адирларга тўкилиб қолган.

Еки уруш ҳақидаги шеърда:

Бу чанг кўчалардан пастак ўйларга  
Қорахатлар келган, келмаган қочоқ.

### Канал қурилишига бағишланган шеър

Замбиллар интилди баландга томон,  
Баландга интилди тош тўла ғалтак.  
Қадоқли қўлларда белкурак, кетмон,  
Азим елкаларда тер ютди яктак.  
Киприклар чанг эди, қўллар чанг эди,  
Чанг эди ғазалли белбоғларгача.  
Ҳашарга элтувчи йўллар чанг эди —  
Тунда пашиша чаққан оёқларгача,  
Музей залларида эртақлар мисол,  
Мени сеҳрлаган хаёлни севдим.  
Белин боғлаб олган эркақлар мисол  
Қоп кўтарган ҳорғин аёлни севдим.

Мен унинг бир шеърини тўлиқ келтиришни истайман:

Кетдинг.  
Қадам товушларинг ўқдек бехато  
Бориб тегди нишонга — юракка.  
Кўксини чангаллаб бир етим дунё  
Бош кўйди сен кетган совуқ йўлакка.  
Секин деразадан боқиб илғайман,  
Ҳазонларни титиб инграйди шамол.  
Бағримни столга бериб йиғлайман,  
Оёғи бўлса ҳам кетмайди стол.

Тағин сўз паҳлавони Паҳлавон Маҳмуддан бир тўртлик  
келтирмақчиман:

Маърифатнинг тили чолеу — нойимдир,  
Ақлим — қилич, сўзим ўқу ёйимдир.  
Имтиёзлар мулкин шоҳи билурким  
Сўз майдони — ишғол қилган жойимдир.

Зулфияжон! Улуғ бобомиз айтганларидай, сўз майдони,  
шеърят майдони Сен учун ҳам вақтинчалик ҳавас, сайр  
майдони эмас, эътиқодлар билан, қурашлар билан «ишғол  
қилган муқаддас жойинг»га айлланишини истайман.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Терин артаётган менинг бобомдир,  
Юзида сувчечак ёрин қолдирган.  
Зўрға кетаётган менинг момомдир,  
Шўрликни кетма-кет йлим толдирган.  
Ҳашарга таклифсиз чиқишган улар,  
Носқовоқни носга тўлдириб олиб.  
Қанорлаб кўсакни чувиган қўллар,  
Тупроқ ташиганда қолмади ҳориб.  
Бу «Буюк оқим»да буюк каналда  
Ҳар бир из, ҳар кунги бардош —  
қўшиқдир.

Термулиб-термулиб йиғлайман залда  
Севинчга ёралган кўз ёш — қўшиқдир.  
Мен билан хаёлан уйга йўл олар  
Тупроқ ўпаётган озғин тиззалар,  
Оғзини очганча анграйиб қолар  
Ҳашарчи сув ичган сопол кўзалар...

\* \* \*

Бу одамнинг боши тош эрур,  
Ховлицидан кетмагин, баҳор.  
Бу одамга қариндош эрур,  
Қоратовда йиглаб ётган қор.  
Бир аёли бўларди унинг,  
Сутга чайиб олгандек оппоқ,  
Сочидаги қоп-қора туннинг  
Банди эди сонсиз кўзмунчоқ,  
Деворлари ёнида бир тун  
Бехосият улиб чиқди ит.  
Дарвозаси бағридан шу кун  
Қайтмас йўлга йўл олди тобут.  
Уша тундан шу кунга қадар  
Боши узра тўкилар қиров.  
Ташлаб ғамгин юзига назар  
Жўжа бир жон деб қўяр биров.  
Қабристонга қатнайди ҳар чоғ  
Елкалари букилиб қолган.  
Ёриқ товонидан қизғалдоқ  
Адирларга тўкилиб қолган.  
Уша ёриқ товонга гирён  
Хаёлларим бош уриб ўпар,  
Уша дашти — ёбонга томон  
Соғинчларим гўдакдек чопар,  
Бунда барлар ўзича порлаб  
Майхоналар солганда сурон,  
Сиз омонми шийпонда терлаб,  
Айрон ичиб айраётган жон.  
Ота, отажон!

\* \* \*

Плюс қирқ беш, аини саратон,  
Қуюн адирларда чопади санқиб.  
Далада ишлайди бир қиз паришон,  
Оппоқ рўмолини бошига танғиб.  
Терлаган бармоқдан сирғалиб кетган,  
Кетмон тақдирида иссиқ саратон.  
Тушликда шу қизнинг таширфин кутган  
Қозону капгирда иссиқ саратон.  
Сочи бир қиз унинг, кўзлари кулган,  
Юзлари офтобдан қорайиб борар,  
Чопиқ қилаверар, тупроққа тўлган —  
Калиши иссиқда торайиб борар.  
У кулса тоғлардан қайтади жаранг,  
Уйласа ғўзалар ҳамроҳ ўйига.  
Кунни бўйи артган терларин аранг —  
Рўмолча кўтариб қайтар ўйига.  
Ёнида гармсел девона — дали,  
Сочлари — қўнғироқ — чалар беармон.  
У қизни онаси ўлмаган ҳали,  
Бир кун соясиди ўлар саратон.

\* \* \*

Бу кампирнинг алаҳловчи туш, уйқулари  
Беш қора хат панжасида сиқилиб ётар.  
Сўлгин лабин синиққина ним кулгилари  
Беш қора хат оёғига тош бўлиб ботар.

У ҳар тунни ранги ўчган гилам устига  
Беш суратни қатор қўйиб суҳбат қуради,  
Бўз тусида, сўнгбор боққан бемор тусида.  
Остонага қор аримас бошин уради.

Йўлчи дўстим, чўнтагинга қарайвермасдан,  
Қара, яшар бир ўтовда, бир кампир ёлғиз.  
Ундан ойни, ундан аршини сўрайвермасдан,  
Сўра, уфқ қайси кундан ярадор қирмиз.

Ундан сўра, вақтнинг тиши нега қизилқон,  
Вақт кампирнинг кўз ўнгида неларни еди.  
Ундан сўра, ўлим билан олишган хазон  
Қузнинг совуқ кўзларига нималар деди.

Мен титрайман, ҳозиргина ўтовдан қайтдим,  
Кўзимдаги оғриқларни кўзга олмангиз.  
Мен шеър айтдим, мен дард айтдим, нимаки айтдим,  
Елвораман бу шеърдан сўнг қарсақ чалмангиз.

Бу ўтовда яшаб келар бир кампир ёлғиз —  
Кулимсираб ўлимлигин санаётган жон.  
Бу ўтовнинг ёнида ғоят ғамгин қиз —  
Қизғалдоқнинг биттагина кўйлаги ҳам қон.

\* \* \*

Укам,  
Оёгингда бир оз уринган этик,  
Қийиқчанеда нон, чой, ёнғоқ, кружка,  
Кўлингда рангини унутган этак,  
Сен кетиб бораяпсан пахта теришга.  
Бемаврид ёмғирдан ивир дала-туз,  
Устингни қалинроқ кийган бўлсанг, бас.  
Эгатда сен билан қадрин излар куз,  
Сенсиз план тўлмас, тўйган бўлсанг бас.  
Озгингина укам, қуюнчак укам,  
Лабларинг совуқдан гезарса, чида.  
Намиққан пахтани кўтариб илдам.  
Тилинган кўлларинг қизарса, чида.  
Унутма, шу фурсат олис ўрмонда,  
Қоп-қора дуд ичра ингар ярадор.  
Сен унга энг яқин дўстсан жаҳонда,  
Унга пахта даркор, унга қон даркор.  
Унутма, чаноққа интилганинг дам,  
Қайдадир бешиклар ёнаётганин.  
Бўм-бўш нон халтани чангаллаб маҳкам,  
Болалар яшайдан тонаётганин.  
Йиғлайман, болалик — сутдек оқ осмон,  
Шу поклик гувоҳи юлдузлар айтсин.  
Ким туфурар экан шу осмон томон,  
Илоё туфуги юзига қайтсин.


\* \* \*

Пахтага!  
Пахтага шошади эркагу аёл.  
Шошади атиру, пардоз ойнага.  
Эркалик, қўполлик, этигу рўмол.  
Пахтага шошади кўрна-кўрпача.  
Қузатишга чиқиб гоҳ уни, буни,  
Кўз ташлаб қоларкан шод автобусга  
«Бизлар ҳам борамиз, — дейди, — бир кун!»  
Трамвай хўрсиниб троллейбусга.

\* \* \*

Бу тун бошдан-оёқ қоп-қора,  
Мен англадим унинг исини.  
Бу тун ёт қиз сочлари аро,  
Сен йўқотдинг менинг исмимни.

Бу тун азиз булоқ пастида  
Сув ўтлари оёқ чайсалар.  
Қуриётган дарахт остида  
Тонгни йиглаб кутди майсалар.



Расмни Г. РАҲМОНОВА чизган





Туроб Мақсуд

# Бешик

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

VI



Ғилой хокандоздаги чўғга исириқ ташлаб уйга кирганда Олимжон дарча яқинига тўшалган жойда, заъфарон юзига милдир-милдир тер тошганча ухлаб ётарди; тун бўйи бели, оёқлари оғриб чиқди, тишини тишига қўйиб дард-ни мардона енгди. У эрта-кеч рўзғор юмуши-

да юрган хотинини аяб, бор азобни ичига ютар, кундузи дарди сал босилгандек бўлиб, уни уйқу элитар эди.

УҒилой оёқ учида юриб ўғлининг ёнига келди; хокандозни Олимжоннинг боши узра айлантириб зўр ихлос билан пичирлай бошлади:

— Ҳазор инс банд, ҳазор инс банд!...

Хонани исириқнинг кўкиш тутуни қоплагач, оташкуракни кўтариб ташқари чиқди. Ҳамидни етаклаб дадасининг олдига кираётган Асолатга: «Шовқин қилманглар, даданг ухлапти», деди-да, ошхонага қараб юрди.

Опа-ука беморга яқин наमत устида жимгина ўтиришарди. Бир маҳал Олимжон кўз очиб шифтга боқди, аммо куюқ тутундан бошқа нарса кўринмади, у «Мен қаерда ётибман ўзи?» дея диққатини жамлаб ён-верига тикилдию тутун орасидан ўғли билан кўзига кўзи тушди. «Нега уларни тутун кўтариб юрибди? Қаёққа олиб кетяпти?» У бошини ёстиқдан узиб, тирсақларига таянганча қичқириб юборди:

— Ҳамиджон! Асолат!

Ҳамиду Асолат бирдан «тутун устидан кигизга тушиб қолишди», куюқ дуд тарқаб, Олимжоннинг димоғига исириқнинг ёқимли бўйи урилди. У совуқ тердан бў-шашганча ёстиққа бош қўйди.

Олимжон кейинги кунларда аҳволи оғирлашгани сари ўғли билан қизини тез-тез қошига чорлар, болалари билан ҳазиллашиб, кулишиб ўтиришга ҳаракат қилар, фарзандлари олдида болақўнгил бўлиб, даҳшатли ўйлар гирдобидан қутулар эди. У ҳозир ҳам: «Яқинроқ келинлар», деди-да, қизидан сочиқ билан елпиб қўйишни сўради.

Қизчасининг заифгина елпиши иситмадан ёнаётган юзига хуш ёқди. Ҳамид отасининг кўкрагига бош қўйиб эркаланиб ётарди. Олимжон унга тикилиб қолди. Ҳамиднинг катта-катта кўзлари билан кишига жиддий боқиши, бобосига тақлид қилиб гапириши Олимжонни доим завқлантирарди. У Комилага: «Ё тавба, худди катта одамга ўхшайди-я бу ўғлинг!», дерди.

Олимжон шуларни ўйларкан, кўзига ёш қўйилиб келаваради. Дадасининг йиғлаётганини кўрган Асолат елпишдан тўхтади. Ҳамид чўккалаб дадасига яқин борди, ўзини унинг кўкрагига ташлаб:

— Дада, нимага йиғлаяпсиз? Белиз оғрияптими? — деди. Дадасидан жавоб бўлмагач, болаларча бир меҳр билан яна сўради: — Белиз оғрияптими, а?

Олимжон бошини сарак-сарак қилди-ю, чидаб туролмади: қизию ўғлини бағрига босиб, ўкраганча йиғлаб юборди. Унга қўшилиб Асолат ҳам пиқиллай бошлади. Ҳамид эса кўзларини жавдиратиб ҳайрон бўлиб қолган эди.

— Болаларим, мен узоққа кетиб қолсам йиғламайсизларми? Аяларингни қийнамай, айтганини қиласизларми? — Олимжон кўзёшларини тиёлмай, худди алаҳлаётгандек гапирар, сўзлари бир-бирига қовушмас эди.

Шу маҳал УҒилой кирди, қўлидаги чойнакни хонтахта устига қўйиб:

— Асолат, бўлди, отанга кўп суйкалманглар! — деди.

— Қўйинг, аяжон. Буларнинг дийдорига тўйволай. Фарзандларини кўргани тупроқ остидан қайтиб чиқолмайман-ку! — деди Олимжон кўзёшларини кафтига суркаб.

— Болажоним, гапингни ел олсин! Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасан!

— Йўқ, аяжон. Ўзимга аён бўляпти. Мен энди одам бўлмайман. Фақат, шу болаларни кўзим қиймаяпти. Уларни кимга ташлаб кетаман, кимга?! Аяжон, нима бўлса ҳам болаларим бировнинг эшигида сарғаймасин! Ҳамидни ўқитаман, одам қиламан, деб ўйлаган эдим. Эсиз, бари ниятларим армон бўлиб қоляпти!..

Олимжон энди товушини баралла қўйиб, йиғи аралаш гапирмоқда эди. Унинг сўзини ўчоқбошидаги Комила ҳам эшитдию эри худди шу тобдаёқ ташлаб кетаётгандек шахд билан уйга югурди, бошидаги қизил дурраси сирғалиб ҳовлига тушиб қолди. У эрининг кўкрагига ўзини ташлаб, ўқириб юборди:

Охири. Боши журналнинг 10-сонида.

Минг инс-жинсни боғлагин, деган маънода.

— Нималар деяпсиз, Асолат! Сизга нима бўлди ўзи! Сиздан кейин дунё менга дунё бўлармиди?!

Уғилой қараса, кўнгилчанлик билан иш битмайди.

Болаларни етаклаб олдию ўғли ва келинини койиб ташлади:

— Бу қандай гап? Худонинг қаҳрини келтириб нега уввос тортасизлар! Туринг ўрнингиздан, келин!

Комила телбадек гандираклар қаддини ростлади, бошини пайпаслаб дуррасини қидирди — тополмай, кўзёшларини енгига артиб, сал нари кетди.

— Аяжон, бу гапларни мен бечоранинг васияти деб билинг! Болаларим бировнинг эшигида сарғаймасин. Менга аён бўляпти! — дея қўлларига тираниб гавдасини кўтарди Олимжон.

Комила илдам бориб, эрининг орқасига ёстиқ қўйди. Уғилой энди алланечук юмшаб, деди:

— Уғилжоним, у кунларни бошимизга солмасин! Агар, оллоҳ... Йўқ! Йўқ! Уғил-қизингни бағримдан жилдирмайман!

Олимжон рўмолчасини топиб, юз-кўзини артди. Комила унга чой қўйиб узатди-да, Асолатга «Укангни бир ўйнатиб кел!» дегандек ишора қилди. Асолат кўзини ишқаб, Ҳамидни етаклаб ҳовлига тушди. Уғилой Олимжоннинг ёнига ўтириб, худди ёш болани эркалатгандек унинг юзини силади, қўлларини уқалай бошлади. Олимжон оғриқларни унутгандек ҳузурланиб кўзини юмди.

Жума куни пешин намозидан қайтаётган эл жарчининг: «Мулла Азимнинг ўғли Олимжон қазо қипти, савоби жанозага-қоо!» деган қичқирғини эшитиб ғамгин бош эгдию тўғри мулланинг уйига қараб йўл олди.

## VII

**Қора кийган Комиланинг юзи заъфарон. У қора гаворапўш ёпилган бешикни ушлаганча тек қотган. Уни тебратма олмайди! Ахир, ким боласиз бешикни тебратадил! Боласиз бешик... Олимжоннинг қирқи чиқмай Абдурашидини ҳам бериб қўйди. Энди эса бешик ҳам, юраги ҳам ҳувиллаб қолган!**

Мулла Азим гўё қалин туман қоплаган бир йўлга кириб қолганки, бу йўлнинг паст-баландини ҳам, қаёққа олиб боришини ҳам билмайди... «Бутунлай халқпарвар ҳокимият бўлиши мумкинми? — деб ўйларди у. — Бу ҳақда хаёл сурши мумкиндир-у, лекин ҳеч қачон уни барпо этиб бўлмас керак. Мабодо шундай ҳокимият тузилди ҳам, дейлик. Албатта, унинг бошида кимдир туради. Аммо у бир киши-ку! Қолган минг киши — халқ бу билан фаровон яшаб кета оладими? Айтайлик, сен эллиқбоши, мингбоши ё уезд бошлиғисан. Лекин бутунлай халқ томонини олиб ишлашингиз ким йўл қўяди, ким?! Ахир, бою амалдорлар билан халқнинг манфаати ҳеч қачон мос келмайди-ку! Хўш, нима қилиш керак? Қандай қилса халқ тинч, тўқ-фаровон яшаши мумкин?...»

Бу саволларга жавоб топиш қийин, жуда қийин эди. Шундай пайтда ҳамма ташвишлардан воз кечиб, бу норасо дунёни тарк этиб кетгинг келади. Аммо мулла Азим: «Ҳа, майли, оининг ўн беши қоронги бўлса, ёруғ кунлари ҳам насиб этар ахир», деб ўзини ўзи юпатарди.

У Рукиннинг қабулидан хуноб бўлиб чиққанда, «Минбаъд бу ерга келсам, оёқларим синсин!», дея онт ичган эди, аммо қараса — мулла Хидир билан Мирзаёр қутирган итдек ташланяпти: «Даромад-паромадинг билан ишимиз йўқ, солиқни тўла!» деб, бир-икки бор дўқ-пўписа ҳам қилишди. Шунда тўшадка дард чекиб ётган Олимжон: «Дада, Рукин ошангизнинг олдига кириб, аҳволимизни айтсангиз-чи! Бу бетамизлар билан олишиб, ўзингизни хуноб қилиб юрасизми?! Муруват кўрсатса, бир оғиз гапи!», деб маслаҳат берди. Ахйри мулла Азим яна Рукиннинг олдига боришга мажбур бўлди. Бу сафар у гапни чўзиб ўтирмади: «Жаноб Павел Иванович, ҳозир уруш пайти, мен ҳам солиқ тўлашим керак, майли. Аммо бир илтимосим бор. Шу, идорангиздан холис бир одамни меникига юборсангиз, игнамгача қолмай ҳисоблаб чиқишсаю шунга қараб тўласам. «Йўқ, бўлмайди, мен чиқарган солиқни тўлайсан!» десангиз, майли, бор-

бурдимни сотиб, кафангадо бўлсам ҳам, тўлай!», деди солиқ қозғозини столга қўйиб. Рукин Эски шаҳарни айланганда мулла Азимнинг қўрғон ҳовлисини ҳам, дала ҳовлисини ҳам кўрган, «Мулла ҳам хароб яшар экан-да!», деб қўйган эди ўзича. Бугунга келиб мулла билан ораларидаги иплар шартта-шартта узиляпти, бу ипларнинг энди Рукинга кераги ҳам йўқ эди; аммо барибир унга бир яхшилик қилиб қўйгиси келди, ёрдамчисини чақириб, солиқ қозғозини қайта тўлдиришни, фақат эллик сўм миқдорига кўрсатишни буюрди...

Мулла Азим солиқни ўша куниеқ тўлаган эди; аммо барибир қора булутдек юракни сиқадиган оғир бир ҳиссиёт уни ҳеч тарк этмас, ўғлининг истар-истамас чопқини кўтариб барг кесгани кетгани қайта-қайта кўз ўнгида намоён бўлардию юрагига армонли бир оғриқ кирарди. Ушанда Олимжон малол билан ўрнидан турган, гўё: «Жонимизни жабборга бериб минг йил ишласак ҳам бўлишимиз шул, энди оғзимиз ошга етганда бурнимиз қонар экан-да!» дегандек эди. Мулла Азим ўшанда шартта унинг қўлидан чопқини тортиб олиб, «Кўй, қурт очидан ўлса ҳам тутга чиқма!» демаганига шундай афсусланардики...

Мана, энди унинг ишонган қаноти синди! Азамат фарзанди икки тирноғини сағир қилиб, ёш хотинини бева қолдириб... кетди!

Комила келини ва икки норасида невараси... Уларнинг тақдирини нима кечади энди?! Ахир, келини ҳали жуда ёш. Ҳалидан акалари олиб кетиш ўйида. Икки бола билан шундай ўтиши ҳам ақлга тўғри келмайди. Демак, у эртами, кечми — барибир, ким биландир тақдирини боғлаши керак! Хўш, унда жон-дили билан севган неваралари нима бўлади? Катталар-ку ўз кунини кўриб кетади, аммо ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдакларни тақдир гармсели иссиқ-совуққа чалинтириб қўймасмикан?... Ҳамонки, Комила яна турмуш қураб экан, ким билади, қандай жойга тушади? Оталари қазо этиб, бошқа уйга сиғинди бўлган болаларнинг ҳоли не кечади? Раҳматли ўғли ана шу мулоҳазаларда онасига васият қилган экан-да...

Мулла Азим бир лаҳза Ҳамид билан Асолатнию Комилани ўзга хонадонда тасаввур этиб кўрди... Ана, Комила — чўри, гулдай очилиб келаётган Ҳамид билан Асолат бўйнини эгиб, шумшайиб, бир-бирига суюнганча ўтиришибди; кийимлари ҳам бир аҳволда, ўғай отага кўнгил очиб бир нарса дея олмайди, оналари, ишқилиб, шу икки сағиримга бир нима демасин, деб ўлиб-тирилади...

Бу манзара мулла Азимнинг юрагини шу қадар эзиб юбордики, у «Йўқ! Йўқ!» дея ўрнидан туриб кетди. Тақдир тўнғич ўлини кўп кўрди, кўникмай иложи қанча! Аммо, келини билан невараларидан тирик туриб айрилиш ҳам унга гоят катта мусибат эди. Қандай қилса, келини билан невараларини бағрида сақлаб қола олади?

Марҳумнинг қирқини ўтказиб, уйига қайтаётган Фозил бахши келиннинг ака-укалари ҳам эшитсин, дегандек товушини кўтариб мулла Азимга: «Бўлам, иложи бўлса келинни қўлдан чиқарманг, ўғилларингизнинг олдидан бир-бир ўтин!» деди. У азалий бир одатга ишора қилган эди. Қадимда бева қолган келини шу хонадоннинг бошқа бир фарзандига никоҳлаш удуми бор эди, мулла Азим бу урфнинг гоят теран мазмунини аросатли ўй-хаёллар гирдобиде сиқилиб юрган бир пайтида тушундию елкасидаги оғир юкни ерга ташлашга шайланаётган одамдек оғир ух тортди: «Халқнинг урф-одатлари бежиз эмас, минг йиллар давомида синалган, тажрибадан ўтган...»

Хўш, Комилани қайси ўғлига никоҳласа экан? Ҳамдамнинг хотини, бола-чақаси бор, қолаверса, мулла қўш хотинликини ёмон кўради, ўғилларига ҳам бу борада кўп панд-насиҳат қилган. Ҳамза эса ҳали ёш. Мулла Азимнинг назари энди Аҳмаддон устиде тўхтади. Аҳмаддон Комиладан атиги икки ёш кичик; агар хонадон бошига кулфат тушмаганда уни ё бу йил, ё янаги йил уйлантирмоқчи эди. Демак, Комилани шу ўғлига никоҳлаб берса бўлади. Лекин, бу ишни обдон пишитиб, ҳар иккаласининг кўнглини олиб, сўй амалга ошириш керак. «Ҳамдам қорига айтаман, укасига ётиги билан тушунтиради, келин билан Уғилой гаплашадил, масала пишгач, Комиланинг полвон акалари билан маслаҳатлашишу бошқа ишлар менинг зиммамда қолади». Мулла Азим ана шундай қарорга келди.

...Олимжоннинг қирқи ўтган бўлса-да, Комила қора

либосини кўкка алмаштирмади. Бошидаги тимқора рўмоли хафакан салқикан оппоқ чехрасини янада бўрттириб кўрсатар, эрининг қазосидан кейин у ҳардамхаёлроқ бўлиб, уйдагиларни ташвишга солиб қўйган эди. Мана, у ҳозир кичик хонада яланг ерга тўшалган шолча устида ўтириб, енгил пишиллаб ухлаётган Ҳамид билан Асолатага тикилганча ўй сурмоқда. У бир томондан: «Энди нима қилсам экан? Қайнотамнинг рўзғори ҳам питраб қолди. Буларга оғирлигини тушмай, акамникига кетсаммикан? Ахир, Носир акам бизни ташлаб қўймас, шу икки сағирнинг бошини силар», деган мулоҳазага борса, иккинчи томондан бу оилага қаттиқ боғланиб қолганини ўйларди. Комила бу уйга келин бўлиб тушганида ҳали кўп нарсага ақли етмайдиган гўргина қизалоқ эди. Қайнонаси «Онанг уни ўргатмабди, бунини ўргатмабди» деб чўқиламасдан, ўз қизидек силаб-сиппалаб бағрига олди, рўзгор тутишу оиладаги ҳар бир одамга қандай муносабатда бўлишга қадар — эринмай, зуғум қилмай ўргатди. Шунинг учун ҳам Комила қайнонасига қаттиқ меҳр қўйди. У чизган чизикдан чиқмай, рўзгор азмойишларини шунчалик эгалладики, энди у бирор ишга қўл урса қайнона ҳам, қайнота ҳам доим хотиржам эдилар — билардиларки, Комила ҳар бир ишни уларнинг дидидагидан ҳам зиёда қилиб бажаради! Ёш келин рўзгорга ажиб бир тароват олиб кирган эди. У ҳуснамоҳати билан атрофни яшнатиб, икки ҳовлидан бир сидра ўтганда, рўзгор буюмлари жой-жойига тушиб, ҳаммаёқ саришта бўлиб қоларди. Бирор жанжалли масала кўзгалгудек бўлса ҳам назокат билан аралашиб, шундай бир гап айтардики, жанжал кулгига айланиб кетарди. Дастурхон бошида эрининг қовоқ солиб ўтирганини кўрса, осмоннинг нариги четини кўрсатиб қайнонасига дерди:

— Аяжон, манави томонни булут босяпчми? Нима бало, ёмғир ёғадими дейман!

Дастурхон атрофидагилар осмонга аланглаб, ўша тарафдан булут тополмаганларидан кейин Комилани ҳазилини тушуниб, хахолаб юборишарди. Олимжоннинг ҳам кўнгли ёришиб, ноилож жилмәярди. Бунини кўриб мулла Азим гап ташларди:

— Ана, қизим энди қуёш чиқди!

У Комилани «келин» деб эмас, «қизим» деб атарди. Қайнонаси бирор жойга кетганда Комила оёқларига ҳам меҳрибон қайнона, ҳам жонажон дугона эди. Оёқларини усиз ўсма сиқишмасди, ўсма баҳона, Комиладан бир жуфт қўшиқ ҳам эшитиб олишарди.

У ҳамманинг меҳрини ўзига тортган эди. Бир кун бўлмаса, икки ҳовли хувиллаб, ўрни билиниб қоларди. Комиланинг ўзи ҳам бу хонадонга шунчалик муҳаббат қўйган эдики... Мана, энди ана шу муҳаббатнинг ўқ илдизи узилди!.. Қани эди, Комилага ҳеч ким ҳеч нарса демасаю икки боласи билан қайнона-қайнотасининг хизматини қилиб яшайверса! Бошқа уй, бошқа рўзгор ҳақида ўйлагудек бўлса, юрагини аллақандай ваҳм босади, ҳатто акалариникига боришга ҳам кўнгли йўқ. Утган кун Носир ақасининг хотини келиб: «Акангизлар сизни олиб кетишмоқчи, шунга мени Комиланинг кўнглини билиб кел, деб юборишди», деди. Комила бундай пайтда айтиладиган одатий жавоб — «ўзларинг биласизлар»ни такрорламади, балки: «Аввал қайнотамнинг розилигини олишсин», деди.

Кеча от-арава қўшиб ақаси Аширмаҳмуд, унинг ортидан Носир оқсоқол қишлоқ сўфиси Мамараҳим билан кириб келди.

Носир оқсоқол, Аширмаҳмуд, Юнус полвон, Қобил полвонлар Комиланинг акалари бўлиб, айниқса, Носир оқсоқолнинг эл ўртасида обрўйи зўр эди. Ҳеч қанақа амали бўлмаса-да, тўй-маъракаларда йигитларга бош-қошиги, ҳақ йўлида қаттиқ туриши учун уни ҳамма ҳурмат билан «оқсоқол» деб атарди. Мулла Азим Комилани ўғлига унаштириш пайтида ҳам бир дўстини ўртага қўйиб, Носир оқсоқол орқали иш битирган.

Меҳмонлар бир-икки пиёладан чой ичишгач, муддаога кўчишди. Носир оқсоқолнинг номидан Мамараҳим сўфи гап бошлади:

— Азимбой, Носир оқсоқол: «Қуда бобом рухсат этсалар, энди синглим билан жианларимни олиб кетсам», деяптилар. Қани, нима дейсиз?

Мулла Азим шол дастурхон попуғини ўйнаганча секин сўз бошлади:

— Аввало, шунча вақтдан бери ҳурматимизни қилиб, бир оғиз бир нарса демаганлари учун қудаларимизга минг раҳмат. Энди рухсат масаласига келсак, биродари азиз, Комилани биз келин деб эмас, ўз фарзандимиз деб биламиз. Ул ўғлимиздан икки тирноқ қолган экан, ҳар учаласини бағримизда кўз қорачиғидек асраямиз. Бева ҳам ўзимизники, сағир ҳам. Биз маслаҳатлашиб, Комилани Аҳмаджонга никоҳлайдиган бўлдик. Агар йўқ, биз булга рози эмасмиз, десангиз, ўзингиз биласиз, Носирвой. Яна шунини айтиб қўяйки, ўғлимиз: «Болаларим бировнинг эшигида сарғаймасин», деб васият қилганлар. Кўзимиз очиқ экан, марҳумнинг васиятини бажариш пайида бўламиз, унинг руҳини чирқиратмаймиз!

Боядан бери индамай ўтирган Носир оқсоқол чўккалаб олди:

— Шу гап қатъийми, бўладиганми?

— Бўладиган!

— Мулла ака, ўз дардингизга ўзингиз даво топибсиз, бир нима десак, бизники номардлик бўлар! Энди, синглим «Кетаман», деса ҳам, олиб кетмайман. Гап шу. Қани, сўфи бово, бир дуо қилинг! — деди Носир оқсоқол.

Комила кичик уйда, кўзларидека ёш қалққанча бу гапларни эшитиб ўтирарди. Агар қайнотаси лоқал: «Ихтиёр Комиланинг ўзида», деганда, болаларини олиб, ақасининг аравасига тушиб жўнайверган бўларди, аммо қайнотаси кескин рад жавобини берди.

Шу кун Аширмаҳмуд от-аравани бўш ҳайдаб кетди.

«Энди мен ёш бола эмасман, — деб ўйларди Комила. — Толоим шул экан, қарчиғайдек эримдан ажралдим. У тирик бўлганда, бу савдолар қайда эди! Толе мени шу ҳолга солган экан, болаларимнинг бахти учун нима зарур бўлса, розиман. Ахир, икки сағирни етаклаб қайси одамнинг эшигига сиғаман?! Бу хонадонда қоладиган бўлсам, болаларим ҳақида ортиқча қайғурмайман ҳам. Аммо, қайним-чи?! Қиличдек буз йигитнинг кўнглида не орзу-ўйлари бор экан? Яхшиси, унинг кўнглига қарашсин. Токи кейин армон қилиб юрмасин...»

Орадан кўп ўтмай, бир пуд ош дамлаб, қишлоқ қариялари қақирлиди, бир коса сув билан Комилани Аҳмаджонга никоҳлашди.

Ҳамид учун эса ҳеч нарса ўзгармади: Аҳмаджон ақаси — ака, бобоси — бобо, бувиси буви бўлиб қолаверди. Фақат, дадасининг елкасига миндириб ўйнатишларини, эркалашларини, меҳрини қўмсаганда ғалати бир ҳолга тушарди. Кўз олдида сиймоси аниқ гавдаланиб турган одамнинг энди қайтиб келмаслигига сира ишонолмас, уни тушларидека кўра, баъзан шамол очиб юборган дарвозадан дадаси ҳорғин одимлаб кириб келаётгандек туюлаверар эди. Қани, қўлидан келсаю дадасини қайта тирилтирс! Афсуски, табиат қонунлари унинг қўлида эмас! У ғоят қўхна, ғоят мураккаб, ғоят серғалва бу дунёнинг бир томошабини, холос! Ҳа, ўтмиш воқеалар поёнига етиб, хулосаланиб, янги силсилалар бошланаётган бир пайтда у атиги маъсумгина томошабин эди! Бироқ, беҳаловат ҳаётнинг гоҳ қора кунлари, гоҳ завқли лаҳзалари, мулла Азимнинг куйинишлари, Муаззамхон, Фозил бахши ва ён-атрофдаги бошқа одамларнинг бетакрор қиёфалари, элга зулм ўтказётган амалдорларнинг кирдиқорлари бу мураккаб дилнинг тутилмаган варақларига муҳрланиб қолмоқда эди.

## VIII

Қуёш чарақлаб турса-да, осмон хира, гўёки ҳализамон кўкни булут қоплаб оладигандек. Сунбула шамоли занғори борлиқни лоқайд чайқатади. Ҳавода қийғиру қарқунайлар чарх уради. Кузнинг «қийғирак» деб аталган бу палласи деҳқонни тараддудга солиб қўйган. Қийғирак кирса қиндаги ҳам пишади, ҳосилни йиғиб олиш учун ҳамма шошилади, ҳамма ташвишда. Мулла Азимнинг еридаги пахта ҳам умидларга тўлиб очилган, хонадон пахта термоқда.

— Бобо, қандай қилиб чўпдан пахта бўлади-я! — деб сўради чанғалидаги момиқни Асолатнинг этагига солаётган Ҳамид.

Асолат укасининг саволига кулиб юборди:

— Сенга қолса, ғўза ҳам узум тугсаю мазза қилиб есанг-а?!

Энди ҳамма: пахтани қопга жойлаётган Аҳмаджон ҳам, теримдан бош кўтармаётган Комила, овсини, мулла Азим ҳам баралла қаққаха отишди.

Ҳамид эса қизариб кетдию, «сандақа билимдонни...» дегандек, Асолатга ўқрайиб қаради. У шундай боққанда катта-катта кўзларининг оқи бўртиб кўринар, қорачиғидан ўт чакнар эди.

— Ҳамид тўғри сўрапти, — деди мулла Азим неварасига назар ташлаб. — Табиатнинг мўъжизасини қарангки, чўпдан ипакдек момиқ ҳосил бўлади-я! Ғўё одамлар совқотмасин, яланғоч юрмасин дегандек. Ахир, бу чиндан ҳам мўъжиза-ку!

Ҳамиднинг чеҳрасидаги қизиллик бир зумда ариб, «кўрдингми!» деган маънода Асолатга қараб қўйди. Биринчи теримдан мулла Азим ўзида йўқ хурсанд. Ҳосил чакки эмас, ҳар таноб ердан илк теримдаёқ мўлжалдагидан хийла кўп пахта оляпти!

Кечга яқин кўкни енгил булут қоплаб, ёмғир томчилаб ўтди. Хирмонда пахта қоплаётган Аҳмаджон хавотирланиб бир осмонга, бир отасига боқди. Қопнинг оғзини очиб турган мулла эса бу ҳолга парво қилмади.

— Ташвиш тортманг, ўғлим, бу ҳосиятли ёмғир. Қирғирақда қирқ томсин, ҳеч бўлмаса бир томсин, дейдилар. Йилнинг хайрли келишидан далолат бу!

Кун ботаётганда бош кўчада саман отни секин ҳайдаб келаётган Ҳамдам кўринди. Унинг ғоят чарчагани ва кайфи бузуқлиги билиниб турарди. Ҳамдам хирмонга яқинлашиб отдан тушди-да, саманни ўтга қўйиб:

— Ҳорманглар! — деди.

— Бор бўлинг, ўғлим! Ҳа, жуда машқингиз паст кўринади, тинчликми?

— Тинчликка-ку тинчлик-а. Аммо бу, пахта масаласи чатоққа ўхшайди, дада!

— Нимаси чатоқ бўлади?

— Заводда тўполон. Ҳамма пахтасини топширмай жанжаллашиб ётибди.

— Нера?

— Пошшо фармон берибди: «Бир пуд пахтанинг нархи йигирма тўрт сўм бўлсин! Ҳар пуд пахтага икки ярим сўмдан солиқ солинсин!», деб.

Мулла Азимнинг устидан кимдир бир челақ муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. У гарангсиб Ҳамдамга тикилди:

— Адашаётгандирсан, ўғлим?

— Роса суриштирдим, ўша фармон босилган газетани ҳам ола келдим. — Ҳамдам ятаги чўнтагидан букланган газета чиқариб, отасига узатди. — Агар кимки шу нархда сотмаса, етиштирган пахтаси тўғридан-тўғри давлат ҳисоби-га ўтказиб юборилар экан.

Мулла Азим уйиб қўйилган пахта устига ўтирди, қўлдан-қўлга ўтаверганидан бўёғи чаплашиб кетган «Туркестанские ведомости» газетасининг биринчи саҳифасидаёқ пахта тайёрлаш ширкатлари диққатига одатдагидан йўғонроқ ҳарфлар билан берилган мақолани ўқиркан, юзига совуқ тер тошди. Мақолада тўқимачилик фабрикаларига хомашё етказиб бериш ташкилотининг тавсияси билан шу йил 20 сентябрда Савдо министрлиги чиқарган мажбурий қарор асосида пахтакор хўжаликлар ўз маҳсулотларини қатъий нархда фақат маъсул ширкатларга сотишлари зарурлиги айтилган эди.

Аҳмаджон қучоғидаги пахтани қанорга ташлаб, устига ўтирди. Мулла Азим хомуш эди — ўз ёғига ўзи қовурилмоқда. Ахир, тилла топдим, деган хумидан чаён чиқиб турибди-да! «Пахта экиб, фойда оламан, рўзгоримни бутлайман, деб ўйлаган эдинг. Мана сенга фойда! Мана сенга пахта! Ахир, ғалланинг жойига ҳам пахта экиб, озмунча пул, озмунча меҳнат сарф этдингми?! Бояги нарх кетган ҳаражатни ҳам қопламайди-ку! Ез бўйи бола-чаканг билан қилган меҳнатинг-чи! Ахир, сен давлатга пахта етиштириб берайин-у, қишда ўзим очликдан тиришай, деб меҳнат қилганинг йўқ-ку! Қишга бир пуд ҳам ғаллан йўқ! Энди нима қиласан?»

Мулла қўлидан газетани тушириб, паришон ҳолда узок жим қолди.

— Ҳамдам, Аҳмаджон, шу ердамисизлар? — деди бир маҳал.

— Шу ердамиз, — деб иккаласи ҳам отасининг қошига келди.

— Ўғилларим, саманни тезда аравага қўшинглар!

Аҳмаджон билан Ҳамдам бир-бирларига қараб олишди. Ҳамдам ўзича: «Наҳотки, отам пахтани бозорга олиб боришни ўйлаётган бўлса! Ахир, миш-миш аллақачон у ерга ҳам етиб боргандир», деб ўйлади-ю, отасидан суриштиришга ботинмай, Аҳмаджон билан аравани қўшгани кетди.

Мулла Азим ўрнидан оғир кўзғалиб, уйга томон юрди. У ҳовлига етар-етмас, ўчоқбошида ёғ қиздираётган хотинини чақирди. Уғилой қозондаги пивёз куйиб кетмаслиги учун бир-икки қовуриб сув қуяётган эди, мулла уни жеркиб берди:

— Намунча имилламасанг, қозонга ёпишиб қолдингми?!

Уғилой шоша-пиша эрининг олдига келди, унинг авзойини кўриб, нима гаплигини сўрамоқчи бўлган эди, мулла оғиз очиргани қўймади:

— Анави пулни олиб чиқ!

— Хўп, хўп. Ҳозир...

Уғилой «Кеч бўлганда пулни нима қиласиз?» дегандек қаради. Эри «олиб чиқ!», деб яна қайтарган, индамай уйга кириб кетди. Мулла ошхонадаги кеча ўзи йиртиқ-ямоғини тикиб, ҳозирлаб қўйган қоплардан ўнтасини ажратди, хотини билан унинг қўлидан латтага ўралган пулни олиб чўнтагига солди-да, яна боққа қараб юрди. У ерда Ҳамдам билан Аҳмаджон отни аравага қўшиб, аллақачон тайёр туришарди.

Аҳмад саманнинг юганидан тортиб, аравани қопланган пахта томон бошқараётган эди, мулла Азим:

— Бозорга ҳайда! — деди.

Ака-ука оталарига ажабланиб қарашди. Мулла Азим қопларни аравага ташлаб, ўзи ҳам чиқиб олди.

Арава ғирчиллаб-ғийқиллаб борар, мулла Азим букланган қопларга ёнбошлаганча оғир уйга ботган эди: «Мен-ку, уч бирдай азаматим, қиттак сармоям бўла туриб шунча қийинчиликка қолиб ўтирибман, бошқа бечораларнинг ҳоли не кечаяпти? Ҳукумат уст-устига солиқларни оширяпти, янги-янги қарорлар чиқаряпти. Бу ёқдаги бечораларнинг аҳволи билан иши йўқ. Фронгда минг-минглаб одамнинг ўққа учишига парво қилмаган подшо, очликдан ўлаётган фуқарога раҳм-шафқат кўрсатармиди! Эй худо, ўзинг асра, қандай замонлар бўляпти!»

Шу дамда мулланинг кўз ўнгида ўтган йили солиқларнинг кўплигидан нолиб келган Қорапомиш, Ашир кўрқоқ, Халилу Даминлар гавдаланди. Бир йил ичида солиқлар деярли икки баробар ошди, уруш учун нима илинса барини юлиб олишяпти. Энди нима қилаётган экан у бечоралар!..

— Дада, қайси бозорга? — Аҳмаджоннинг товуши мулланинг хаёлини бўлди.

— Ғалла бозорига!

Ғалла бозори қатор каппонлар ортидаги чоққина сайхонликда эди. Қош қорайиб қолганига қарамай, бугун у ерда одам гавжум эди. Ҳамдамни аравада қолдириб, Аҳмаджон билан мулла бозор ораляб кетишди. Улар оғзи очик қопларни кўра бориб, бир сотувчи олдида тўхташди.

— Буғдой неча пул?

— Икки сўм. Қани, тортайми?

Мулла сотувчига индамай қараб турарди. Аҳмаджон бу нархни эшитиб ҳайратланди, «Ҳазиллашяспизми!» дегандек сотувчига тикилди.

— Инсоф борми, ака?! Ё, Собир оқсоқолнинг қамчисини соғиниб қолдингизми?

— Жон укам, ҳозир бозорда нарх шундай! Буни раис буванинг ўзлари ҳам биладилар. Олмасангиз-ку майли-я, локин одамни бундай ёмонотлик қилманг!

Мулла Азим ўлига «Шуни чакки гапирдинг» дегандек қараб қўйди ва сотувчига:

— Бир ярим сўмдан берасизми? Йигирма пуд оламиз! — деди.

— Йўқ, мулла ака, бўлмайди.

— Бир ярим сўмгаям-а?! — дея қизишди Аҳмаджон.

— Йўқ, бўлмайди.

Аҳмаддон кафтидаги донни ачиқ билан қопга ташлади.  
— Майли, ихтиёрингиз! — Мулла ўлининг тирсагидан тутиб нари кета бошлади. Сотувчи уларнинг орқасидан қараб туриб:

— Келинг, бир танга ўтдим! — деди.

Мулла Азим орқасига қайрилиб:

— Яна бир танга! — деди.

Сотувчи ўзини хафа бўлганга солди:

— Кечки бозор деб, сизга ўтган куним эдим, энди ўзингиз биласиз.

Мулла Азим билан ўгли қайтиб унинг ёнига келишди. Улар йигирма пуд ғаллани қоплаб, арзонроқ нархга йигирма пуд арпа ҳам сотиб олишди ва мулла ўгли Ҳамдамга қараб: «Сув бўлмаса — таяммум», деб қўйди.

Шу тариқа, қирқ пуд доғни аравага юклаб, ўзлари уйга пиёда қайтишди.

Катталар зўр бериб қишга тайёргарлик кўраётган шу кунларда болалар дастёрлик юмушларидан бўшашлари билан ҳовуз бўйига йиғилишар, ўйин-кулги завқига берилишар эди. Бугун улар бекинмачоқ ўйнамоқда эдилар.

— Қани, бошла! — деди Абдурайим.

Бекинмачоқ ўйинида ким паккада биринчи бўлиб «тунаши» байт айтиб топиларди. Бунга энг устаси Ҳамид эди. У баъзан бутунлай янгича байтлар ҳам тўқиб юборарди. Ҳозир ҳам даврадагиларнинг ҳар бирига мос сўз топиб айта бошлади:

Хурмача боғи,  
Тўкилди ёғи.  
Тўкилгани майли-ёв,  
Ўчиб қолди ўчоғи.  
Йиғлама кўп, Абду,  
Энди ейсан пўчоғи,  
Сан тур, сан чиқ!

Болалар ичаги узилиб кулишар, «чиқ» сўзи тўғри келгани даврани тарк этар эди. Охири, ёлғиз Абдурайим қолди. Бошқа болалар бекиниб бўлишган эди. Паккада «тунаган» Абдурайим кўзини очиши билан ҳовузнинг пойнов ариғи ичида ўтирган Ҳамидни кўриб қолди.

— Ҳамид, энди сен топасан! Биринчи бўлиб сени кўрдим! — деб шовқин солди у. Унинг товушини эшитган болалар бекинган жойларидан бемалол чиқиб кела бошлашди.

Оқ кўйлақ, оқ иштон кийган Ҳамид ноилож паккага — бақатеранинг танасига яқинлашди. Аслида, ўйин пайтида у жуда кам тутқич берарди, бу сафар ҳам пойнов ариққа яхшилаб бекинган эди, аммо у ерда ўтириб хаёли кетибди. Ҳовуз атрофини ўраган тол ва теракларнинг қинғир-қийшиқ томирлари очилиб қолган, илдишлар орасидаги коваклар сирли, ваҳимали кўринар, худди улардан қандайдир дахшатли газанда чиқиб келаётгандек туюлиб, кишининг этини сескантирарди. Дарахтларнинг акси сув сатҳида энгил чайқалар, бу ҳолга мафтун бўлгандек бир қурбақа бақатўни устида жимгина қотган эди, сув юзини пичоқдек тилиб ўтаётган илонни кўриб қолдию чўлп этиб сувга сакради. Ҳамид «Бу ерга бекор яширинибман», деган ўйга бориб турган ҳам эдики, аянчли қуриллаш товуши эшитилди. У ўзидан сал нарида қурбақанинг бир оёғини ютаётган сувилонни кўрдию қўрққандан ирғиб турди; қурбақага ичи ачиб, ариқ четидан кесак олиб илонга отди. Бироқ, илон ўлжасини бўшатмади, қурбақа вақиллаганча ҳовуз томон ҳарчанд интиллмасин, илон уни қўйиб юбормасди. Шу алфозда иккаласи ҳам ҳовузга тушдию дарахтларнинг чайқалаётган аксига кўмилиб кетди. Бу вақтда Ҳамид ўйинни унутган, қурбақага раҳми келиб, ҳовузга тикилиб турарди. Худди шу пайт уни Абдурайим кўриб қолган эди.

Ҳамид кўзларини кафти билан бекитиб, терак танасига қадалганча бир зўн турдию, «Бўлдими?» деб бақирди-да, дарҳол бурилиб кўзини очди. Лекин ҳали Шокир билан Аҳад яшириниб улгуришмаган эди, иккаласи ҳам норози оҳангда: «Дарров-а?» дейишди. Ҳамид яна терак танасига қалишиб, бир оз сабр қилди, кейин кўзини очиб қаради: ҳамма бекиниб улгурган, атроф жимжит эди. У пакка олдидан жилмай, пана жойларга синчковлик билан тикилар, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга аланглаб, бирор ерда

бекиниб ётган бола югуриб чиқиб, ўзидан олдин паккага тупуриб қўйишидан хавотирда эди. Бир маҳал ялпизлари тизза бўйи ўсиб ётган ариқ лабида қандайдир шарпа сезилди. «Абдурайим билан Шокир яқин ерга яширинишмайди, бу Мурод бўлса керак! У доим яқинроқ жойга бекиниб, жон қойитмасдан паккага туғлаб ўрганган».

Ҳамид шу гапларни хаёлидан ўтказдию ҳали Муродни кўрмаган бўлса ҳам:

— Муроджон, ариқ ичидан чиқавер! Сени кўрдим! — деб қичқирди.

Ялпизлар орасидан Мурод иршайганича бош кўтарди. Ҳамид қийқириб кулиб юборди...

Бошқа болалар ҳам яширинган жойларидан чиқиб келгач, Мурод терак танасига қалишиб кўзларини бекитди. Ҳамид боғ тарафга югуриб кетаркан, «Энди мени толиб бўпсизлар!», деб қўйди ичида.

Болалик, шўх болалик, тутқич бермас болалик!..

## IX

Тишининг қавагида сақлаган буғдойини қиши билан сўриб чиққан элнинг аҳволи 1916 йил баҳорида баттар ёмонлашди. Одамлар бир кафт дон илнжида кун бўйи тентирар эдилар. Жон сақлаш умидида кунжара еб, шишиб ўлганлар ҳам йўқ эмасди.

Шундай кунларнинг бирида, чошгоҳ маҳали мулла Азимнинг дарвозасини кимдир журъатсизгина қоқди. Мулла меҳмонхонадан чиқаркан, қисқа-қисқа йўталди, сўнг секин бориб, дарвозанинг кичик тавақасини очди. Дарвоза олдида тугунча кўтарган Халил ишғир турарди. У шундай ачинарли аҳволда эдики, беихтиёр кишининг раҳми келарди. Муллани кўриши билан ўзини тўхтатолмай йиғлаб юборди:

— Мулла акажон! Беш жўжамга раҳмингиз келсин!..

Мулла Азим гап нимадалигини тушунди ва Халилнинг қўлтиғидан олиб ичкарига бошлади. Халил кўзёшини энгига артиб:

— Мулла ака, бир кафт ун ё дон беринг! Жўжаларим бир кун бўлса ҳам сал қовзансин! — деди зорланиб.

Мулла унга бошдан-оёқ разм солдию индамай ички ҳовлига кириб кетди. Халил тугунчасини ёнига қўйиб, дарвозахонанинг бир четига чўқди. Анчагача оби дийдасини тигилмади. Етти жоннинг ҳаёт-мамоти бир сиқим унга боғлиқ бўлиб қолди! Нима қилсин? Бир кафт донни ким ҳам берарди унга. У ўйлай-ўйлай, охири мулла Азимнинг остонасига бош урди: ё нажот, ё мамот!

Мулла анча ҳаяллаб кетиб, бир пудча арпа солинган қопчиқни елкалаб чиқди. Бوشини ҳам қилиб ўтирган Халил ирғиб ўрнидан турди, шоша-пиша қўлидаги тугунчани ечиб, ундан каштали сўзана чиқарди.

— Мулла акажон, бунга аям раҳматли бир йил ўтириб тиккан эканлар. Келинингиз асраб-авайлаб келарди. Бир кунингизга яраб қолар, қўлимни қайтарманг, акажон! Бошқа арзирли нарсамиз ҳам йўқ, бола-чақангизга буюрсин!

Мулла Азим индамай унинг гапига қулоқ солиб турди-да, сўнг доғни қайтариб олиб кетаётгандек қилиб:

— Халилжон, мен бу арпани сизнинг азиз бир буюмингизга айирбошламоқчи эмасман. Сўзанангизни жойига тугиб қўйинг! Вақти келиб келинингизга сеп қиласиз. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Ушанда қайтарарсиз, қайтармасангиз ҳам розиман! Олиб бориңг, ука!

Халил сўзанани икки қатлаб ўнг билагига ташларкан, ҳозир пулга ҳам топилмайдиган шу бир пуд донни мулла текинга бераётганига сира ишонмасди. Яна бир бор мулла Азимни «кўндирмоқчи» бўлди: қўйнидан кичик бир халтача чиқариб, қўллари титраганча унга узатди.

— Бариси сизники! Тўқчилик пайтида бола-чақамнинг ризқидан қийиб шу сабилни йиғиб қўйган эдим!..

Мулла Азим Халилнинг қўлидагига ҳам қарамай, ҳазил аралаш дўқ урди:

— Агар яна аччиғимни чиқараверсангиз, донни олиб қўяман!

Халил қопчиқнинг оғзидан маҳкам тутамладию бир силтаб елкасига ташлади. Мулла Азимни тинмай алқаганча дарвозага қараб юрди.

Мардикорликка олиш ҳақидаги фармон оғиздан-оғизга ўтиб, шов-шувлару миш-мишлар кўзгаб, халқ юрагига бетизгин ғазаб уйғотмоқда эди. Мардикор берадигану бермайдиган хонадонлар тинчини йўқотган. Ахир, бир уйда мотам бўлса, тўрт кўшни қандай қараб туради? Азадорнинг қошига аёллари қора кийиб, эркаклари белини боғлаб бермайдими?

Элнинг дард-алами кекса шоира Муаззамхоннинг ҳам қаламини қон айлаган:

Эл фиғони кўкни тутиб, эсмонга қон сачрамиш,  
Ер юзини алам босиб, ғурбатга қон айламиш.

Мирзаёр энг аввало душманларини рўйхатга илинтира бошлади; Қорапомиш, Ашир кўрқоқ, Дамин кулолнинг икки ўғли, Халил ишгирлар рўйхатнинг энг бошида эди. Оқсоқолга энг учда мўмайгина пул чўзганлар рўйхатдан секин сирғалиб тушиб қолишар; бундай сирғалувчилар бой-бадавлатларнинг болалари, ундан кейин эса амалдорларнинг хеш-қавмлари эди. Уларнинг дордан қочиши бечораларнинг шўрига шўрва тўқарди. Жиззах кам пахта экадиган жой бўлгани учун ўн мингдан ортиқ мардикор бериши керак эди-да!

Эл назарига бир тушма экан, тушдингми — ҳар қанча ўзингни четга олсанг ҳам сени излаб топишаверади! Айни шу кунларда мулла «Мен шикоят эшитишни ҳам, ёзишни ҳам истамайман!», дея олмас, оғир кунларда одамлардан қочишни ўзига эп билмас эди. Унинг боғ ҳовлисига одам серкатнов бўлиб қолди; бирови фармоннинг маъносини тушунтириб беришни сўрайди, бошқаси келиб-келиб чек нега менга тушади, деб зорланади. Кимдир «Хидир мингбоши холававчасию амкивавчасини қолдириб, рўйхатга мени ёзибди?», деб нолийди. Ҳаммасидан ҳам мулла Азимга «Энди нима қиламиз? Сиз қандай маслаҳат берасиз?» деган саволлар кўп берилар эди. Бундай пайтда халисона бир йўл кўрсата олмай ич-ичидан эзиларди. Кейин индамай ўтириб ариза ёзиб берар, ўзига оғир туюлаётган бу хизмат учун бирор кимсадан ҳақ олмас эди.

Ҳамид ариза ёздиргани келган одамлардан, бобосининг жавобларидан ким биландир урушаётган оқпошонинг аскарлари сулайиб, аҳволи танг бўлиб қолганини; энди, заводда ишлайдиган ўрислар аскарликка кетгач, шу завод ўзбеклардан мардикор беришни сўраётганини англаб етган эди. Рўзғорни тебратиб турган йигитлар мардикорга кетса, қандай кун кўраман, деб чирқираётган бечоранинг фиғони ҳам унга тушунарли.

Сешанба куни Эски шаҳарга кетган мулла Азим тушга яқин жуда ёмон кайфиятда қайтиб келди. Мачитга бомдод намозини ўқигани бориб, йиғилганларнинг юзида аллақандай жонсараклик, таҳлика кезиб юрганини сезди. Бугун намозга Жиззахнинг кўзга кўринган аъёнлари йиғилган эди. Одамлардан ажралиб, мачитнинг пешайвонига яқин турган Мирзаёр, Шарифбой ва мулла Хидирлар мулла Азимнинг саломига енгилгина бош қимирлатиб алик олишди; чамаси, улар қандайдир масала устида баҳслашишарди.

Мулла Азим кейинги вақтда аъёнларга аралашмас, тўранинг ҳузурига ҳам бормаи қўйган, шунинг учун халқдан икки қарич баландда юрадиганлар орасидаги гаплардан беҳабар эди. Лекин мардикор олиш ҳақидаги фармон ҳозир ҳам бир кишининг оғзига сакич бўлиб қолган, тўртта одам йиғилган жойда тинмай чайналарди.

Намозхонлар намозни тугаллаб, энди ташқарига чиқмоқчи бўлган ҳам эдиларки, шпорларни шикирлатиб Руки, штабс-капитан Зотоғолов, мирза Комиллар мачитга кириб келишди. Ҳамма тик туриб қолди. Ҳоким тўранинг вазоҳати кўрқинчли эди. У шаҳд билан юриб пешайвонга ўтди, истиқболига чиққан Мирзаёр билан мулла Хидирнинг саломига совуқгина алик олди. Зотоғолов билан мирза Комил унинг ёнига бориб туришди.

Намозхонлар уезд бошлиғининг оғзига маҳтал бўлиб қолишди. Олдинда турган Назирхўжа кутилмаган ташрифдан норози бўлиб одамларга қаради.

Мулла Азим жиддий гап бўлишини сезди. Чунки, уезд бошлиғи ўзини мусулмонларнинг ҳомийси қилиб кўрсатишни яхши кўрарди, бугун эса ўзи... Мана, у салобати билан ҳаммани эзиб кўядигандек кўкрак кериб, йўғон товушда гап бошлади:

— Сизда шундай гап бор: «Амри подшо вожибдур». Бинобарин, сояи давлатимиз Николай подшо жаноби олийларининг ҳар бир амрини сўзсиз бажариш биз қатори сизнинг ҳам бурчингиздир! Шундай экан, мардикор бериш ҳақидаги фармони олийга ҳам лаббай деб жавоб беришингиз шарт!

Уезд бошлиғи ҳаммани кузатиб турарди: кимнингдир уҳ тортиб юборганию шивир-шивирлар ҳам назаридан четда қолмасди. Шу тобда икки кун аввал Сангзорда рўй берган воқеа эсига тушди; у ерлик одамларнинг ўжар табиатли эканини яхши билар, шунинг учун фармонни тушунтиргани ўзи борган эди. Мингбошининг уйига тушиб, оқсоқолларни йиғишни буюрди. Лекин у ерга мингга яқин одам тўпланди ва Павел Иванович гап бошлаши билан ҳар томондан: «Мардикор бермаймиз!», деб бақира бошлашди. У ҳар қанча тушунтирмасин, оломон қулоқ солмасди. Ҳатто баъзилари кўлига тош олаётганини ҳам кўрди. «Майли, мен уезд бошлиғи сифатида сизларни мардикор беришдан озод этаман!», дейишга мажбур бўлди. Шундан сўнггина оломон бир оз тинчланди. Лекин барибир у ерда қолиш хавфи эди, фойтунга ўтириб тезгина Жиззахга қайта қолди. Ҳозир ўша воқеа эсига тушиб тутатиб кетди: «Наҳотки, шу увадага ўралган халқ чор ҳукуматининг фармонига қаршилик кўрсата олса! Йўқ, токи мен бошлиқ эканман бу уезде бундай шаккоқликка йўл қўймайман! Қани, бирор кимса бош кўтариб кўрсин-чи, бутун Жиззахнинг кулини кўкка совурмасам! Ҳали сангзорликлар билан ҳам шундай ҳисоблаши қўяйки!..»

Уезд бошлиғи дарғазаб ҳолда кўзларини бир нуқтага тикиб турарди. Жамоа орасида шов-шув бошланди:

— Сангзорликлардан мардикор олмас экансиз?! Биз ҳам бермаймиз! — деб қичқирди оломон орасидан биров.

— Мен у бандитларнинг жазосини бериш учун бугун бир рота солдат жўнатдим! — деди Павел Иванович чап кўлини кўтариб.

Рукин ёлғон гапирмоқда эди. Аслида, приставга ўша кунги тўполонга бош бўлган беш-олти одамни қамоққа олишни буюрган эди, холос.

— Кимки фармонга қаршилик кўрсатар экан, мол-мулки мусодара этилиб, ўзи Сибирь қилинади. Энди сангзорликлардан икки ҳисса кўпроқ мардикор оламиз! Сизлар эса, ўз вақтида эс-ҳушингизни йиғинг! Шунинг билан, подшо фармонига қарши чиқишининг оқибати хунук бўлади! Жуда хунук! Агар тўполон кўтарсангиз, уй-жойингиз, мол-мулкингиз ва ўзингиз ер билан яксон этиласиз!

Мачит ҳовлисига сув қўйгандек жимлик чўкди. Павел Иванович бошқа гапирмади, оломонга «Ўқдингизми?» дегандек ваҳимали бир назар ташлади, вассалом. Зотоғолов билан мирзани эргаштирганча тез-тез юриб мачитдан чиқиб кетаркан, Мирзаёрга: «Буюноқ рўйхатни топширинг! Йигитлар тайёр бўлсин!», деди.

Пешайвонда серрайиб қолган Мирзаёр одамларга қараб:

— Халойиқ! Мана, ҳоким тўранинг гапларини эшитдиларинг. Энди шунга қараб иш тўтинг! Ўзингизга жабр қилманг! Рўйхатга тушган йигитларни сафарга ҳозирланг!..

Аммо халойиқ унинг гапини эшитмади: шов-шув кўтариб, «Тўранг билан қўшмозор бўлгурлар!», дея ташқарига отилди. Мулла Азим ҳам кўчага чиқаётган эди, пешайвондан тушаётган Мирзаёр уни чақириб қолди:

— Мулла Азимбой... Энди, кўпга келган тўй, сизнинг чекингизга ҳам икки одам тушган. Ўзларинг маслаҳатлашиб, кимни ёзишни эллиқбошига билдириб қўясиз.

— Нима? Икки киши?!

— Энди, ўзингиз биласиз, қўшнилариңгизда эркак йўқ, сизлар эса тўрт хўжаликсизлар...

— Бола-чақам билан мардикорликка жўнасам қандай бўлади?!

— Ҳукумат сиёсатини тушунган сиздек одамга шу гап ярашадими, мулла!

— Бўлмаса, сизга шундай безбетлик ярашадими?!

— Оғзингизга қараб гапиринг, мулла!  
 — Нима, сиз мусичаи бегуноҳмисиз?! Менга ноҳақ солиқ босган ким? Сиз, тақсир! Шўрлик ўғлим ҳам синзинг касрингизга жувонмарг бўли кетди!..  
 — Банданинг қазоси худодан, худога шак келтирманг!  
 — Сиз худони биласизми?  
 — Эмаса, сиз — кофир биласизми?  
 — Мансаб учун кофирнинг оёғини ялаб мусулмон бўлгандан кўра, кофирлик афзал!

Мирзаёр чидаб туролмади, ҳўкиздеқ пишқириб муллага ташланди:

— Тўхта, энди сен ит хонан бир гаплашиб кўяй!  
 Уни бир-иккита намозхон аранг ушлаб қолди. Мулла Азимни эса кимдир қўлтиғидан олиб кўчага етаклади...  
 Ҳамид бу воқеалардан беҳабар эди, албатта. Лекин бобосининг ранги оқариб, кўзларини бир нуқтадан узмаётганидан қандайдир бир гап бўлганини ҳос қилди. Супадан аёллар бирин-кетин туриб кетишгач, бобоси деди:

— Уғилларим, биз ҳам мардикорликка бир одам беришимиз керак экан. Шунини маслаҳатлашиб олсак. Элликбоши, сизлардан ким боради, рўйхатга ёзиб берай, деб қисталанг қиялпти.

У «Ҳозирча рўйхатга бир кишини ёздиратурайлик, кейин бир гап бўлар», деб ўйлаган эди.

— Дада, бошқалар мардикорга одам бермаймиз, деяпти-ку! Шундай пайтда биз, мана мен бораман, деб турсак... — деди Аҳмаджон зарда аралаш.

— Уғлим, бу ҳўкумат бир насага ёпишдим — бас, барибир юлиб олади! Одамлар қандай қаршилиқ қилсин; қурол ҳам, аскар ҳам подшо томонда бўлса!

— Аскар, қуроли етарли бўлганда бизга ялиниб ўтирмасди-ку, дада! Подшолик урушда адои тамом бўляпти. Энди, дўпписи тор келгач, биздан ёрдам сўраляпти. Агар эл бир ёқадан бош чиқариб, мардикор бермаймиз, деса, ҳокимлар Бешқувурдаги ўнта аскар билан нима каромат кўрсата оларди!

— Эҳ, ўғлим, бу ишлар сен айтганчалиқ осон эмас!  
 — Бўлмаса, ҳамма мардикор бермайлик, деб турганда, ёлғиз биз борамиз, десақ яхшими, ахир?!  
 — Аҳмаджон, қуролсиз оломон бир подага ўхшайди. Бир милтиқ билан ўнтаси қўлайди. Жиззахда аскар оз бўлса ҳам, темирўй бор — икки дунё бир қадам. Халқ бош кўтарса, икки кундаёқ Тошкентдан, Самарқанддан, керак бўлса, Москвадан аскар келтириб ташлайди, ана кейин кўр!..

— Сиз ўзи доим ўшаларнинг тарафини оласиз!  
 Шу пайтгача сукут сақлаб ўтирган Ҳамдам Аҳмаджоннинг бу сўздан ачиқланиб гапга аралашди:  
 — Жуда билимдон бўлиб кетибсан-ку! Уялмайсанми дадамларга шундай кўрс гапиргани!  
 — Ана, кўрс гапирмадим! Эллиқбошига айтинг, мени ёзсин рўйхатга!

— Аҳмаджон, ҳеч ким сени боргин, деяётгани йўқ-ку! Мана, менинг ҳам тўрт мучам соғ, нонни «хлеб» дейишни биламан. Сен ҳам, Ҳамза ҳам ёш. Шундай экан, рўйхатга мени ёздириб қўйинг, дада, — деди Ҳамдам.

— Йўқ, Ҳамдам ака, мардикорликка мен бораман! Дада, агар мени ёздирмасангиз, ўзим вагонга осилиб бўлса ҳам кетаман! Гап тамом!

Мулла Азим кулиб юборди:

— Бўлмаса, ҳаммамиз кетақолайлик!  
 — Шундай қилсак ҳам бўлади, ўша ёқда пахта экиб юрардик, — деди Ҳамдам Аҳмаджоннинг қизиққонлиги туфайли ўртага тушган совуқлик кўтарилганидан хурсанд бўлиб.

— Ҳазил-ҳазил билан-у, барибир мени ёздиринг!  
 — Уҳ-ў, бу шаштинг билан Николай пошшога ҳам ёқиб қолмасанг! — дея мулла Азим яна кулди.

— Ҳа, ўзим ўша зоти олий билан бир гаплашмоқчи бўлиб юрибман. Бориб, бир сўроқча тутай-чи: «Қани, нега бир солиқни оширасан, бир пахтанинг нархини камайтирасан, бир мардикор олиш ҳақида буйруқ чиқарсан? Улигингни роса халқ устига ташлаб олдинг-ку, баччагар! Кўтар ўлигингни!», дейман.

— Ҳай-ҳай, астароқ ўғлим! Деворнинг ҳам қулоғи бор. Мабодо, мардикорликка бориб қолсанг ҳам бу гапларни

гапириб юрма-я! — деди мулла Азим бирдан жиддийлашиб. — Ҳўп бўлмаса, Ҳамдамбой, ҳозирча Аҳмаджонни ёздириб турамыз. Жўнайдиган пайт келаверсин-чи, бир гап бўлар. Лекин бу ҳақда аёлларга оғиз очманглар!  
 — Ҳўп бўлади!

## X

Мулла Азим азонга яқин кўрган тушидан чўчиб уйғондию кўздан уйқу қочди. «Худога шукр», дея, пешонасига чиққан совуқ терни сидириб ташлади. Тушида Санғзор икки тоғ орасидан том баробар тошиб, ўкириб келаётган эмиш; у атрофдаги барча биноларни таги билан қўпориб, кўприкни, дарахтларни ўйинчоқдек оқизиб, Эски шаҳар томон оқиб келаверибди. Мулла Азим нуқул «Дарё ёзда ҳам тошадими?» деб ҳайрон бўлармиш. Ниҳоят, мулланинг ўйини ҳам қўшни уйлар билан қўшиб, бирор жойига шикаст етказмай кўтариб кетганмиш, уй ҳам, мулла Азимнинг ўзи ҳам чўкмасмиш. Лекин қаёқдандир кучли бир тўлқин ҳайқириб келибдию муллани бир четга улоқтириб юборибди. Шунда у чўчиб, уйғониб кетди.

— Ишқилиб, яхшилиқка кўринсин! Сув ёруғлик-ку! — деди мулла Азим ўрнидан кўзгаларкан.

Уғилой ва келинлари аллақачон туриб, нонушта тайёрлашган эди. Уғиллари бирин-кетин супага келиб ўтиришди. Қишлоқнинг бошқа хонадонларида ҳам чирок, олов шуъласи кўринарди. Итларнинг вовуллаши, одамларнинг овози тонг сукунатида узоқ-узоқларга тараларди.

— Уғлим, сиз бугун бозорга бориб, рўзғорга керакли у-бу харид қиласиз. Биз экинларга қарайлик, — деди мулла Азим Аҳмаджонга.

Чоршанба куни эрталаб Жиззахдаги ҳамма хонадон ана шундай ўз ташвиши билан уйғонди.

Аҳмаджон «Бир томоша қилиб келади», деб, Ҳамидни ҳам йўрғага мингаштириб олди. Улар бозорга етиб келишганда кўёш анча баланд кўтарилган эди. Рўза ҳайитига санокли кунлар қолгани учун бозор гавжум; қаердангир келган дорбозлар дон бозори ёнидаги сайилгоҳга дор тикишибди. Мансур қизиқ, Карим лайлак, Шоди тарашалар ниманидир айтиб беришар, меҳмонлар қаҳ-қаҳ отиб кулишар эди. Улар бор жойда қизиқ хангома бўлишини билан жаззахликлар даврани қуршаб олишган — чамаси, дор ўйини бошлангунча ҳам томоша кўриб қолишмоқчи. Аҳмаджон Ҳамидни туширдн-да, эшакни майдон четидидаги марвартак тутга боғлади. Сўнг икковлон қуриган ажриқ устига чордана қуришди. Ҳали вақт эрта-ку, томошадан кейин кирарман бозорга, деган қарорга келган эди Аҳмаджон.

Мансур қизиқ ўртага чиқди, чаҳрасидан нур ёғилиб, эгилиб атрофдагиларга салом берди.

— Ваалайкум ассалом, Мансуржон! Соғ бўлинг! — дейишди.

Мансур қизиқ чуст дўппини дол кўндириб, оқ ятак устидан қийиқ боғлаган, кулгига шим киймай, оқ иштон пойчасини хром этик кўнжига тиқиб олган эди. У чапанича қадам ташлаб, гўё қайгадир йўл олди, ўзича ариқлардан ҳатлаб ўтиб, манзилга етиб қолдиммикан, дегандек қўлини пешонасига айвон қилиб қаради, яна юрди (даврани бир айланиб чиқди), чарчади, терлаб кетди. Бир пайт «дарахт соясида» — чопонининг этагини елкаси, боши узра тескари тортиб турган Карим лайлакни кўриб қолди ва қўлларини бошига ёстиқ қилиб «соя»га чўзилди. Бир зум «мизғиган» ҳам эдик, миршаб — Раҳмон кўтос (дорбозлар масҳарабози) уни оёғи билан туртди. Чўчиб уйғонган Мансур бошида турган миршабга кўзи тушиб, урра қочмоқчи бўлди, аммо «миршаб» унинг билагидан маҳкам тутди.

— Ҳой ака! Қўйвор, ахир! Бирпас сояда дам олай, девдим. Ман одам ўлдирганим йўқ-ку! — дерди типирчилаб Мансур қизиқ.

— Ҳўш, сен шу ерда ўтирибсанми?

— Ҳа, ўтирибман.

— Утирган бўлсанг, тағпули тўла! Давлатнинг дарахти аҳмоқчи, сенга бекорга соя солиб!

— Тағпули? Қанақа тағпули? Ахир, мен ўзим солиқдан нолиб қозикалонга арз қилгани боряпман!

— Арзинг билан неча пуллик ишим бор! Тагнулини тўла! Бўлмаса, ҳозир қамаб қўяман!

— Акажон, раҳмингиз келсин, бир тийиним ҳам йўқ. — Мансур қизиқ белбоғини ечиб, қоқиб кўрсатади.

— Қани, шошма-чи! — «Миршаб» белбоғни олиб айлан-тириб кўради.

— Майли, пулинг бўлмаса, белбоғингни ташлаб кетавер!

— Эй, ака! Куёвлик белбоғим эди!

«Миршаб» қўл силтаб узоқлашади.

— Каштасини ҳам келиннинг ўзи тиккан эди-я! Қозиникига ясиноб борма мен ўлай! — У «миршаб»нинг орқасидан «Улимингга бюрсин!» деб қолади ва хўрсиниб, гўё яна йўлга тушади.

Ниҳоят, қози ҳузурига етиб келади. Эски шаҳар қозиси Саидвалихон эшон (Ҳоди тараша) эса пинагини бузмай, кўзойнакни нақ бурнининг учига кўндириб олиб, хонтахта — чўнқайган Карим лайлак устига ястанганча нимадир битмоқда. У Мансурни сезмайди. Мансур устма-уст йўталади. Шунда ҳам қози бош кўтармагач, тоқати тугаб бақиради:

— Ассалом-алаку-у-мм, қози ота!

Атрофда кулги янгради. «Қози» чўчиб тушиб, ёқасига тупурди. Бирдан одамларнинг кўз ўнгида Эски шаҳар қозиси Саидвалихон эшоннинг ўзи тургандек бўлди. Кулги зўрдан баъзиларнинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

— Нега эшакдек ҳанграйсан, баччағар? Қозини кар деб қайси қизиталоқ айтди сен падралаънатга?!

Мансур четга қараб, «Кар бўлмасанг, шунча бевабечоранинг додини эшитар эдинг-да, палакат!», дейди. Кулги кўтарилди.

Мансур «қози»га қайтадан эгилиб салом беради.

— Ваалайкум...

— Арзим бор эди, қози ота...

— Битилганми?

— Шундай, тақсир!

— Ким битган?

— Мулла Азим.

Қозининг қовоғи уюлади:

— Азим гувирми?

— Шу зот, тақсир.

Атрофдагилар Аҳмаджон билан Ҳамидга қараб кулиб кўйишади.

— Ул кишим ўрчисча мазҳар битишга уста, мусулмончани ўрнига қўя билмайдур! — Қози аризани олиб, юзини буриштирганча кўздан кечиради ва яна қайтиб беради. — Ҳеч нарса тушуниб бўлмайдур!

— Хўш, нима қилай, тақсирим?

— Билмам... Ҳали шунга қалам ҳақи ҳам олгандур?

— Йўқ, олмади.

— Ҳмм... Менинг ишим кўп. Анави даҳлиздаги мирзага арзингни сўзла, ул иншо этсин!

— Хўп бўлади, тақсир!

Мансур орқасига қайрилиб, мирзага — дорбозлардан бирига рўбарў бўлади ва имо-ишора билан ариза ёзиб беришни илтимос қилади. Мирза ўзича нозланади. Мансур янги яктагини ечиб бериб, уни зўрға кўндиради ва аризани олиб яна «қози»нинг ҳузурига келади. «Қози» аризага кўз ташлаб, бир муддат тахайюлга чўмади, сўнг дудмалланиб: «Мақсад кўп туманли бўлибдир», дейди.

Мансур энди не дейишини билмай гангийди. Шу пайт «хонтахта» тилга кириб: «Қуруқ гап қулоққа ёқмайди!» дейди. Буни эшитиб Мансур бирдан ўзига келади, яқтаксиз, яланғоч баданининг у ёқ-бу ёғини қашийди, «қози»га орқа ўгириб, иштонбоғини еча бошлайди. У қийналиб (гуриллаган кулги остида) иштонбоғ ўрнидан бир сўмлик чиқаради. Иштонбоғини боғлашга ҳам сабри чидамай «қози»га ўгирилади, тушиб кетаётган иштонини зўрға ушлаб қолиб, пулни «хонтахта» устига қўяди. «Қози» Мансурга илжайиб қарайди ва нимадир дейди, лекин кулги остида унинг гапини эшитиб бўлмайди.

Мана, Мансур яланг кўкрагини кериб, қўлларини силтаганча, иштонини хром этиклари устига тушириб қози ҳузуридан қайтмоқда. Кайфи чоғ, товушини баралла қўйиб хиргойи қилади:

Янтоғининг ёғи йўқ, лаққа, шикилдоқ,  
Одамининг соғи йўқ, лаққа, шикилдоқ!

Шу пайт уни «полиция миршаби» тўхтатади.

— Чего ты кричишь как ишак!

— Тавба қилдим, жон тўра! Маники энди не кричиш!

— Нет, саники кричишь! Штраф плати, а то маники қамайди! — «Миршаб» қўлини панжара қилиб кўрсатади. Мансур ялиниб-ёлвориб, дўпписини бериб зўрға қутулади. Яна хиргойи қилиб, бир неча қадам босгач икки киши йўлини тўсади.

— Хўш, Мансур бойвачча, рамазон кунларида бўза-хўрлик қилибдилар-да? Оқпошшо у ёқда Герман билан уришиб, жон бериб, жон олиб ётсин-да, сиз бу ёқда ашулани ванг қўйиб юрин! Хўш, қани, урушга ўз ихтиё-рингиз билан нима ўтказасиз?

— Жон акалар, раҳм қилинглар! Ейдиган лоақал бир бурда ноним йўғ-у, урушга мен нима бераман?!

— Кўрнамак! Одамлар қўй-эчки, от берса-ю, сен лўлилик билан қутулиб қолмоқчимисан?!

Улар Мансурни бошдан-оёқ кўздан кечиряшади.

— Қани, этикни еч! У ер совуқ, аскарларга этик керак! Бу ер иссиқ, оёқ яланг юрсанг ҳам бўлаверади!

— Жон акалар!..

Икки киши Мансурнинг қўлтиғидан олиб, галма-гал оёғини кўтариб этигини ечиб оладилар. Мансур оёқ яланг, ғамгин ҳолда йўлга тушади. Иттифоқо адашиб юрган бир мусофирга дуч келади мусофир ундан сўрайди:

— Ака, ҳаммом қаерда?

Мансур чўчиб тушади.

— А! Ҳаммом пули? Мана, ҳозир... — Мансур иштонбоғини еча бошлайди. — Ҳаммом пулига иштонимни ечиб бераман, мана!

Мусофир орқасига бурилиб урра қочади. Мансур эса иштонбоғини осилтириб уни қувади.

— Хой, тўхта! Иштароф оласанми? Тагнулими? Ёрпулими?

У телбаларча гандираклаб, юзини аянчли буриштириб, титраб-қақшаб бақиради:

— Худого шукр, ҳали қудратим етади! Ҳаром туким бор! Боқилган битим бор! Битим! Борми бит деган! — Кўздан шашқатор ёш қўйилади, йиғи аралаш телбанамо илжаяди, юракларни ларзага келтириб қичқиради: — Мана, энди мардикорбопман! Хоҳлаган гўрингга олиб кетмайсанми, тўрам!..

Унинг бояғи ҳар бир ҳаракатига кулиб турган оломон бирдан жиддийлашади. Баъзилар ҳатто кўзига ёш олган баъзилар чуқур уҳ тортишар эди. Аҳмаджон ҳам таъсирланганидан қимир этмай, чуқур хаёлга чўмиб қолга эди.

Қизиқига қараб Ҳамиднинг ҳам кўзларига ёш қалқди<sup>1</sup> акасининг тиззасига бош қўйиб йиғлаб юборди.

— Эй, Ҳамиджон, сенга нима бўлди? Булар қизиқчи-к. Кулиш ўрнига йиғлайсанми, афанди? Тур, кетдик!

Улар ўрниларидан туришаркан, оломон бирдан қовун бозори томон оқиб бораётганини кўришди. Бирор гап бўлмаса, томоша томошалигича қолиб, у ёққа оши-қишмасди. Аҳмаджон Ҳамидни даст кўтариб эшакка ўтказди-да, ўзи ҳам эпчиллик билан миниб олди.

Қовун бозори яқинидаги чойхона ҳовлисига тумонат одам тўпланган, ўртада кимлардир шанғиллаб гапирар эди. Аҳмаджон эшакни одам сийрақоқ жойдан ҳайдаб олдинга ўтди-да, эгардан тушиб воқеани кузата бошлади. Серсоқол ўртинини мағрур кўтарган Мирзаёёр ҳеч нарсадан тап тортмай, гоҳ мийиғида кулиб, гоҳ юзидан қон томгудек бўзариб жаврар эди:

— Ахир, мардикор олишини мен ўйлаб чиқарганим йўқ-ку! Пошшо оламнинг фармони...

— Пошшонинг фармони бўлса, ҳамма бирдек амак қилсин-да! Бошқаларнинг тўрт-беш ўғлидан биттаси ҳал рўйхатга кирмаса-ю, менинг ёлғиз ўғлим ёзилса! Бу қанда кўргулик, ахир! — дея ингичка товушда қичқирди паранж ёпинган бир аёл.

— Ҳей хотин, кўп шанғиллама! Бизни тафтиш қили сенга тушиб қолгани йўқ!

— Бу хотин тўғри гапиряпти! Бизнинг ҳовлидан ҳа бирданига уч кишини ёзбсан! Чамамда, рўйхатингга нуку бева-бечоралар кирган. Қани, бир кўрайлик ўша рўйхатни, муҳтарам истаршин! — деди Дамин кулол оғайнилари



түпидан бир қадам олдинга чиқиб. Унинг иштони тиззасигача шимарилган эди, шовқинни эшитиб, лой тепаётган жойидан бу ёққа югуриб келаверган шекилли.

Оқсоқол Дамин кулолга зуғум қилди:

— Рўйхат билан сени нима ишинг бор?!

— Нега ишим бўлмас экан! Агар ҳаммамизни мардикорга жўнатадиган бўлсанг, хотин, бола-чақамиз кимга қолади?

— Хотининг... хотин, бола-чақанг бизга қолади!

Гўё Дамин мардикорга кетиши билан унинг хотинини экинчи қилиб оладигандек, Мирзаёр «хотининг» сўзига элоҳида ургу берди. Бусиз ҳам жони ҳалқумига келиб турган Дамин кулолнинг бор тўки тиккайиб кетди:

— Ия, ҳали сен хотинларимизга ҳам эгалик қилмоқчимисан?! — Дамин кулол қўлларини олдинга чўзиб одамларга гирилди: — Халойиқ! Эшитдингми, бу диёнатсизнинг гапиди? Биз бу бетавфиқни элимизнинг отаси деб ишонсак, хотинларимизни ўйнаш қилишни ўйлаб юрган экан-ку! — Бўғиб ташла уни, Даминжон! — деб қичқирди бояги ёғёл.

— Имонсиз! — деб бақирди оломон.

Дамин кулол бу ҳайқирикдан илҳомланиб, бир сакраб Мирзаёрнинг ёқасига ёпишди-да, пишқирганча тош йўл томон судрай бошлади:

— Қани, бу ёққа чиқ, ифлос!

— Қўйвор! — Мирзаёр жон ҳолатда типирчиларди. Аммо, эсини йиғиб олгунича, Дамин уни йўлга судраб чиқди. Шунда Мирзаёр бир силтаниб Даминнинг чангалидан сўтулди ва уни итариб юборди. Йиқилиб тушаётган Даминни Қорапомиш суяб қолди.

— Дамин ака, энди менга қўйиб беринг! Оқсоқол билан ўзим бир гаплашмоқчи бўлиб юрувдим! — деди у ва кураш тушаётгандек лапанглаб Мирзаёрнинг устига бостириб бораверди. Мирзаёр секин-аста орқага тисариларди.

— Сен аралашма, Қорапомиш, кейин ёмон бўлади!

Қорапомиш қайтмади. Мирзаёрнинг бояги важоҳатидан асар ҳам қолмаган, у худди жунжиккан кушдек елкасини қисганча нажот сўраб атрофига аланглар эди. Ички бир туйғу даҳшатли фожиадан дарак бергандек, баданини совуқ тер қоплади.

— Қорапомиш, бир элмиз ахир!..

— Сендақа элдошинг...

— Ур уни! — дея гуриллади оломон.

Мирзаёр яна нимадир демоқчи бўлиб оғзини каппа очган эди, Қорапомиш бутун газабини муштира йиғиб унинг кулоқчаккасига чунонам туширдик, зарба оқсоқолнинг салласини учуриб, ўзини ер тишлатди. Оломон Сангзордек пишқириб, Мирзаёрнинг бошига тош, ғишт ёғдира кетди. Аҳмаджон ҳам қўлига илинган нарсани унга қараб отарди... Мирзаёрнинг танаси таниб бўлмас даражада мажақлаб ташланди.

Ҳамиднинг кулоқлари батамом битган, ҳеч бир товушни эшитмас, у фақат қўлларнинг ҳаракатию оғизларнинг очилиб-ёпилишини кўрар эди, холос. Шу зайлда яна бир зум турса ҳушидан кетиб, эшакдан йиқиларди. Хайриятки, акаси унинг ҳолини тушунгандек, эшакни четга етаклаб чиқди-да, мингаштириб уйга жўнади.

Уйга етиб келиб Аҳмаджон эшакдан тушдию хомтоқ қилаётган отасининг ёнига борди:

— Дада, оломон Мирзаёрни ўлдириб қўйди!

Мулла Азим бир сесканиб тушди:

— Гапингга шамол! Нималар деясан!

— Ишонмайсиз-а, ўз кўзим билан кўриб келяпман! Ана, Ҳамиддан сўранг!

Мулла Азим Ҳамиднинг ёнига келди. Ҳамид дир-дир титраб эди.

— Аҳмаджон, сув олиб кел! Бола кўрқиб кетибди-ку! — Мулла Азим Ҳамидни опичлаб олди, Аҳмаджон келтирган сувдан унинг юзига пурқади, бир-икки қултум ичирди. Шундан сўнггина Ҳамид ўзига келиб, бобосига чирмашганча йиғлаб юборди.

— Бечора боланинг аҳволини қара, укам кўрқади, деб ўйламадингми?

Аҳмаджон индамай бошини эгди.

Шу кундан бошлаб мулла Азим хонадониди беса-

ранжомлик бошланди. Энг аввал Аҳмаджон саман от билан қаёққадир ғойиб бўлди, Ҳамиднинг бошқа амакилари ҳам боғ ишига қўл урмай қўйишди, ҳаммаси эрталаб кўчага чиқиб кетади. Кечқурун «Чор аскарларни рус тўралар казармага қамалиб олган», «Станциядаги темирйўлчилардан олти кишини отишибди!» деган каби янгиликларни топиб келишади. Жиззах бир ҳафтача ана шундай шовшувлар билан яшади. Ниҳоят, «Тошкентдан, Самарқанддан аскарлар келаётган эмиш!», деган хабар тарқалдию баъзи оилалар кўчини кўтариб тоққа қоча бошлади. Мулла Азим кўчишга ошиқмас, кўнгли алағда эди: «Аҳмаджон қаёқда экан!» Уни қанча суриштирмасин, дарагини топа олмади. Бу орада Жиззахга яна аскар туширилди, Қили даштида исёнчилар мағлуб этилди. Кейин, яшириниб юрган исёнчиларни тутиб келиш учун халққа уч кун муҳлат берилди, акс ҳолда бутун Жиззах эли бадарға этилажаги эълон қилинди.

Мулла Азим ўғилларига, келинларига рўзғорга керакли бир сидра буюмларни йиғиштиришни буюрди: бу олатўполон кунларда тўрт томони балинд девор билан ўралган кўрғон ҳовлида яшаш хавфсизроқ эди.

Кўрғонга жойлашиб олишгач, мулла Азим Аҳмаджонни яна дараклай бошлади. Бир кун эрталаб аскарларнинг кўчага учган Қорапомишни дафн этиб келаётганларида Халил ишгир муллага секин шипшиди: Қили даштидаги жангда Аҳмаджоннинг оти яраланибди, ўзи бир форишлик йигитнинг отига мингашиб тоққа чиқиб кетибди. Унинг тахминича, Аҳмаджон йигитлар билан Осмонсоқ қишлоғининг юқорироғидаги тоғларда яшириниб юрган бўлиши керак.

Мулла ўғлини излай деса, уч кунлик муҳлат тугаб борапти. У: «Шунчаки пўписа қилишяпти, бунча одамни шахардан бадарға қилиб бўларканми?» деб ўйларди.

Асад ойининг ўн еттинчи кун эрталаб тўпларнинг гумбирлаши жаззахликларнинг ваҳимасига ваҳм қўшди. Чорак соатдан сўнг тўплар товуши тиндию, кўрқинчли сукунат бошланди. Кейин аскарларнинг зўр бериб қичқирганию болаларнинг, аёлларнинг чинқирғи тобора яқинлашиб келаверди. Мулла Азимнинг маслаҳати билан ўн уйликдаги қизлар, аёллар, болаларни ичкари ҳовлиларга яширишди-да, ўзлари қўшни йигитлар билан ташқи ҳовлида пойлаб туришди.

Аскарлар катта дарвозани милтиқ кўндоқлари билан қоқа бошлашди. Йигитлар асаблари таранг, ҳар балога шай турардилар. Агар дарвозани ўзлари очмаса, ҳализамон бузиб қирилиши аниқ эди, мулла Азим Ҳамдамга «Очавер!» деб ишора қилди. Ҳамдам бориб дарвозани очди. Аскарлар шундай важоҳату даҳшат билан бостириб киришдики, дарвоза тавақасига қўшиб суриб юборилган Ҳамдам ағдарилиб тушди, аскарлардан бири уни тепкилаб ўтди. Беш-олти йигитнинг айвонда шай тургани аскарларни бир оз сескантирди, улар милтиқ затворларини шарақлатиб йигитларни нишонга олишди. Аскарларнинг ўнбошиси кўча томонни кўрсатиб: «Қани, марҳамат! А то, пух отади!», деди. Мулла Азим унга қараб хотиржамлик башар:

— Жаноб ўнбоши, пўписа қилишнинг ҳожаати йўқ, ўзимиз чиқаверамиз! — деди русчалаб.

Ўнбоши унинг гапига аҳамият бермади. Икки аскар ичкари ҳовлига қараб юрган эди, бир четга чиқиб турган Ҳамдам уларнинг йўлини тўсди:

— У ерда болалар, аёллар...

У гапини тугатмаёқ аскарлардан бири милтиқ нили билан уни четга сурди, иккинчиси эса елкасидан қаттиқ итариб юборди-да, эшикни бир тепиб, ичкари кирди. Уларни Тўрткўз «кутиб» олди. Ит жонҳолатда нотаниш кимсаларга ташланди, биттасининг неқ думбасидан тишлаб, силкилаб торта бошлади. Аскарнинг қўлидан милтиғи тушиб кетди, бундай ҳужумни кутмаган шериги ҳам гангиб қолди. Сўнг, иккинчи аскар ўзига келиб, итни мўлжалга олиб устма-уст тепкинчи босди. Уйдан Ҳамиднинг чинқириб йирлаган товуши эшитилди...

...Ярим соатдан кейин аскарлар ҳаммани кўчага ҳайдаб чиқди. Ҳамид билан Асолатни етаклаб олган Комила, унинг ёнида эса Ўғилой, мулла Азим, Ҳамдам, Ҳамза ва бошқа қўни-қўшнилари иложсиз бош эгиб боришарди. Ҳамид кўз

ўнгида кечаётган бу воқеаларни даҳшат билан кузатарди. Кўчада отлик аскарлар қаёқларгадир шитоб билан елади. Кимнидир додлатиб, қамчи билан аёвсиз савалаб олиб кетишмоқда. Қилич осган аскарларни кўрган заҳоти одамлар ҳар томонга тум-тарақай қочишяпти. Ҳамма жонсарақ, ҳамма ваҳимада. Уларни қаёққа ҳайдаб кетишяпти?

Ҳамид бобосини ҳеч қачон бундай мотамсаро ҳолда кўрмаган эди. У бошини эгиб борар, чамаси Ҳамидни ҳам, унинг ёнидаги бошқа зигаргўшаларини ҳам кўрмас эди.

Ҳар томондан молдек ҳайдаб келинган бечоралар ниҳоят Нуриддинхожи мадрасаси олдидаги майдонга етдилар. Минглаб болалар, аёллар, чоллар кўрқувдан дағ-дағ қалтираб турардилар.

Полковник мундиридаги хомсемиз киши оломондан исёнчиларни тутиб беришни талаб қилди. «Акс ҳолда, битта қўймай отиб ташлаймиз, уй-жойларингизни ер билан яқсон қиламиз!», деди у. Унинг гапини ёнидаги тилмоч қайта-қайта таржима қилиб берди. Аммо халқдан садо чиқмади. Аскарлар милтиқларини ўқлашди... Биринчи бўлиб оломондан Халил ишғир ажралиб чиқди. У ушоққина гавдасини дадил тутиб одамларга қаради:

— Оғайнилар, соғ-омон қолсаларинг, менинг қоракўзларимдан бир бурда нону ширин сўзингизни дариф тутмангизлар!

У тиз чўкканча кўкка топина-топина юзига фотиҳа тортди. Мулла Азимнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди, югуриб бориб уни қучоқлаб олай, аскарлардан гуноҳини сўрай, деб ҳам ўйлади. Аммо ғишт қолипдан кўчган эди: оломон оралаб юрган аскарлар Халилнинг қўлларини орқасига қайриб судраб кетишди.

Халойиқ орасидан бор-йўғи ўн чоғлиқ киши ажралиб чиқди, холос. Полковник ҳар қанча забтига олмасин фойдаси бўлмади. Халқ шу зайлда титраб-қақшаб тўрт соатча турди. Офицерлар полковник қошида ниманидир узоқ муҳокама этишди. Ниҳоят, жиззахликлар тақдирини белгилайдиган ҳукм эълон қилинди. Ҳукмга кўра, уларнинг бир қисми Қили даштига, иккинчи қисми Учтепа чўлига бадарға қилиниб, шаҳар бир соатдан кейин замбаракдан ўққа тугилади! Жонидан умиди бор киши тезроқ қочиши керак.

Кун иссиғида узоқ турган халойиқ ниҳоятда ҳолдан тойган айниқча, болалар сўлжайиб ётишар эди.

Мулла Азим хонадони кўни-кўшнилари билан Қили дашти томон йўл олди. Улар намозгоҳга етишганда мадраса ёнидаги уйнинг дарвозасига оёғидан осиб қўйилган икки ёшлар чамасидаги болани кўриб даҳшатдан қотиб қолишди... Ҳамдам қайдандир бир кўза сув топиб, болаларга, аёлларга ичира бошлади. Тўсатдан уларнинг олдида қандайдир аскар пайдо бўлдию энди кўзани кўтарган Комиланинг кўлига қамчи билан урди, кўза ерга тушиб чилчил синди. Ҳамдам шартта тўнани ечиб сув устига босди. Аскар унинг нима қилаётганини тушунмай турди, сўнг фаҳмлагач, елкасига қамчи билан тушириб қолди. Ҳамдам эса, қамчи зарбига бир мuddат чидаб, сувни тўнига шимдириб олди. Қилисойга етгунча ҳўл тўн иш берди: ким сувсаса шимиб, бир оз бўлса-да ўзига келарди.

## XI

Ёзнинг айни чилласи. Қилт этган шабада йўқ. Сароб жимирлайди. Қилисой яқинидаги чайлалар атрофига сочилган одамлар тирикчилик дардида гимирлашади: кимдир сойда балиқ тутди, кимдир бошоқ теради, кимдир тошбақа овлайди... Кўринган ҳар бир нарсани еса бўладими, деб ўйлайдилар. Кечагина зулмга қарши исён кўтарган халқ бугун тирикчилик ташвишларига таслим бўлган.

Атрофи туяқоринлар билан ўралган чайлада Комила ўтирибди: юзи иссиқдан кўпчиб, қизариб кетган; бир тиззасига Ҳамид, бирига Асолат бош қўйган. Уй-хаёллар билан у очлигини ҳам, ташналигини ҳам унутган. Қачонгача бу аҳвол давом этаркин-а? Наҳотки, энди уларига қайтишмаса? Унда бечора овсинига жуда қийин бўлади-да!

Ҳамдамнинг хотини оғироёқ эди. Қайнониси Уғилой қўшни чайлада у билан овора. Комила овсинига ачи-

нарди-ю, аммо ўзи ҳам ундан кам азоб чекаётгани йўқ. Бир ҳафтадирки, нима еб, нима ичганини билмайди.

Ҳамид юзидаги терни сидириб:

— Ая, сув! — деди.

Комила қайнағаси қаёқдандир топиб келган пачоқ офтобанинг жўмрагидан унга озроқ сув ичирди. Қилисой суви шўр, чанқоқни қондирмайди. Шунинг учун Ҳамид дамбадам сув сўрайди.

Ҳамид чайладан чиқди. Чайла олдида тўрт-беш киши сўхбатлашиб ўтирарди. У бобоси ёнига, қовжираган ўтлар устига чўкка тушди. Фозил бахшининг шоғирди — Новшар бахши ҳамсўхбатларига Янгиқўрғон воқеасини сўзламоқда эди.

— Шуйтиб, бизнинг Янгиқўрғонга сарбозлик Эшимқул истаршина бўлди. Ул кишим дарҳол ўзларини Эшимбек деб атадилар. Орадан бир-икки йил ўтгач, Эшимқул терисига сиғмаган буқачадек жир боғлаб қолди. Шуйтиб, кўнгли кўшнисининг оқи оққа, қизили қизилга ажралиб қолган ўн тўрт ёшли Ойсанам деган қизига сушт кетди ва уни иккинчи хотин қилиб олди. Буни эшитиб устоз — Фозил ота ҳўб ачиқландилар. Ул киши бу қизни менга атаб юрган эканлар. Бир кун у киши билан Жиззахдан қайтаётган эдик, «Оқсоқолни бир боппалаймизми?», деб қолдилар. «Қайтиб?», дедим. «Оқсоқолни олдига борамиз-да: Эшимбек, Жиззахда қизик гаплар юрибди. Урис тўра қайси амалдор икки хотинли бўлса, ўрнига бошқа — бир хотинли кишини тайинлаётган эмиш!» деймиз. «Ишонармиди?» «Ишонса — ишонди, ишонмаса — отасининг гўрига. Дарвоқе, орқадан келаётган беш-олти йўловчиларга ҳам тайинлаб қўямиз.» Фозил ота ишга киришиб кетди. Жиззахдан қайтаётган сарбозорликка ҳам, самарқандлиги каттақўрғонликка ҳам бошлаб миш-миш тарқатди. Биз Янгиқўрғонга келиб, Эшимқулга шу гапни етказган эдик, бечоранинг ранги қув ўчиб кетди. У бизга унча ишонқирамай, катта йўлга чиқиб йўловчилардан «Жиззахда нима гаплар?», деб суриштира бошлабди. Ҳаммаси ҳам бир-биридан ўтказиб, Фозил ота уқтирган гапни истаршинга айтиб бераверишибди, айтиб бераверишибди. Бечора Эшимнинг капалаги учиб, янги зақун Янгиқўрғонга етиб келмасидан ишимни тўғрилаб қўяй, дебди-да, шартта уйига бориб, кичик хотинига учалоқ айтиб — жавобини берибди. Ахир, етти боласи билан катта хотинини талоқ қўя олмасди-да! Беш-олти кун ўтиб, ёлгоннинг миси чиқиб қолдию Эшимқул ўшқириб Фозил отанинг олдига келди. Фозил ота: «Билмасам, мен ҳам йўловчилардан эшитувдим. Сизга бир яхшилик қилай, деб хабар берувдим», деди елка қисиб. Истаршин кетганидан сўнг қотиб-қотиб кулибмиз.

Бахтиқаро Ойсанам ҳам Эшимқулдан безиб юрган эканми, унинг зир югуришига қарамай, бегонага тегиб кетди. Биз ҳам бу ёқда чапак чалиб қолавердик...

Ҳамсўхбатлар кулиб қўйишди.

— Жиззахда кўзғолон бўлганини эшитиб янгиқўрғонликлар ҳам Эшимқулнинг суробини тўғрилаб қўйишди. Ул кишим мардикор берасан, деб зуғум қилган эканларда. Шуйтиб, Эшимқул ўлганидан кейингина амалидан тушди, — дея гапини яқунлади Новшар бахши.

Шу пайт Ҳамид қичқириб юборди:

— Акам келяптилар! Акажон!

Дарҳақиқат, чайлалар оралаб, устига бир қоп юк ортилган отнинг жиловидан етаклаганча Аҳмаджон ва пахмоқ соқолли бир киши улар истиқболига келмоқда эди. Биринчи бўлиб Ҳамид учиб борди. Аҳмаджон уни даст кўтариб икки юзидан чўлпиллатиб ўпди:

— Оҳ-ҳо, катта йигит бўлиб қолибсан-ку, Ҳамиджон!

Аҳмаджоннинг дарагини эшитиб, чайладан Уғилой, Комилалар ҳам чиқишди. Уғилой ўғлини бағридан бўшатгани келмасди:

— Вой, дайдигина болам! Қаёқларда юрибсан онагинангни кўйдириб! Акагинангнинг доғи етмасмиди?!

Комила ҳам, юзига доғ тушиб, чўйқалиб қолган овсини ҳам Аҳмаджоннинг елкасидан олиб кўришдилар, ака-укалар ва мулла Азим эса ўзгача жўшқинлик билан қучоқлашдилар.

Пахмоқ соқолли киши Алексей эди. Мулла Азим у билан ҳам қучоқлашаркан:

— Бу қиёматдан ҳеч зиён-заҳмат кўрмадингизми? Болачақангиз соғми? — деб сўради.

— Ҳаммаси соғ! Сизларга озгина дон олиб келдим...

— О-ҳо, қайтар дунё экан-да! Аммо, матонатингизга қойил, дўстим!

Копни отдан туширдилар. Ҳамдам лаби синиқ сопол косада одамларга ғалла улаша бошлади.

— Уғлим, қоп тагида озгина қолдириб, Қорапомишнинг болаларига олиб бориб бер,— деди мулла Азим.

— Мулла акам тўри айтадилар,— деб маъқуллашди атофдагилар.

Мулла Азим ўғлини соғ-саломат кўриб турганидан ҳам хурсанд, ҳам юрагини ташвиш кемирарди: «Ишқилиб, бирор исковуч хабар етказмаса бўлгани!..»

Алексей тезда қайтди, мулла Азим уни анча жойгача кузатиб борди.

Мулла таниш-билишлар олдида ўғлидан ҳеч нарса сўрамади, худди Аҳмаджон ҳар куни шу ерда, ўзлари билан биргадек тутди ўзини. Фақат ҳамма тарқалгач, секин гап бошлади:

— Хўш, бойвачча, қаёқлардан сўраймиз?

— Боғдонда эдик...

— Бу ёққа келаётганингда йўлда ҳеч ким учрамадимми?

— Йўқ. Мен Тузкон тарафдаги тоғдан келиб, қоронги тушгунча пойлаб турмоқчи эдим. Қарасам, Алексей ака келяпти. Кейин бирга-бирга жўнадик бу ёққа.

— Боғдонда тинчликми?

— Роса икки ҳафта ғалвирдан ўтказишди. Ҳозир сал бости-бости бўлиб қолди. Шунинг учун тоғдан тушиб бу ёққа йўл олдим: «Бошга тушганини кўз кўрар!», деб.

— Эҳ, ўғлим, сира ёшлигинг қолмади-қолмади-да!

— Энди-и, дада, йигитчилик...

— Йигитчилик?! — Мулла бошқа ўғилларига ҳам қараб олди. — Билиб-билмай ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам уравериш йигитчилик саналмайди, ўғлим! Халқ учун курашмоқчи бўлган киши минг ўйлаб — бир кесади, айтганининг устидан чиқади! Шундагина унинг ишидан халқ ҳам, ўзи ҳам манфаатдор бўлади. Мана, энди, қони дарёдек оққач, халқнинг кўзи очилди!

Аҳмаджон бош эгиб, миқ этмай ўтирарди.

Сунбуланинг биринчи куни, чоршанба. Жиззах халқи ҳамон сургунда. Пешинга яқин Қили дашти бирдан шовқин-суронга тўлди. Одамлар бир-бирларини қучшар, қўлларини кўкка чўзиб бақиришар эди. Жиззахга қайтишга рухсат берилибди! Биров пийёда, биров уловда, қўлига илинган нарсасини кўтариб, бола-чақасини етаклаб уй-жойига ошиқар эди.

Бир ой илгари минг-минглаб одам яшаб, ҳаёт қайнаб турган шаҳар энди бойўғли ҳам ин қўймайдиган вайронага айланиб қолибди! Бу аҳволни кўрган халқ оҳ тортиб юборди.

Мулла Азимнинг ичкари ҳовлидаги уйлари, оғили кулаган, ташқи ҳовлидан Ҳамдам ўтирган уйни замбарак ўқи титиб юборган эди, синган, куйган ёғочлар ҳар томонга сочилиб ётарди. Меҳмонхонанинг деворлари дарз кетган бўлса ҳам ўзи тасодифан бутун қолибди. Бу ерда яшашнинг иложи йўқ эди. Ҳовуз бўйидаги супада ўтирган мулла Азим ўғилларига: «Қолган-қутган нарсаларни йиғиштиринглар, боғ ҳовлига кетамиз!», деди.

Ичкари ҳовлидан ўлакса ҳиди анқир, остонада ётган Тўрткўзнинг жасадини пашша талар эди. Ҳамза билан Аҳмаджон замбил топиб келиб, жасадни ташқарига олиб чиқиб кетишди.

Сигир, кўю эчки, эшак ҳам йўқолган эди. Одам шарпасини сезиб хароба орасидан қандайдир мушук чиқиб келди-да, ҳар кимнинг оёғига суйкалиб, миёвлай бошлади.

Ўғилой билан келинлари рўзгор анжомларини тўплаш учун ички ҳовлига кириб кетишди. Мулла меҳмонхонага кирди-ю, ёқа ушлаб қолди. Бир пайтлар тоқчада қатор терилиб турадиган, Самарқанду Бухородан келтирилган зарҳал жилдли китоблар ер билан битта бўлиб сочилиб ётар эди. Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз девонлари...

Мулла Азим китобларни бир-бир олиб чангини қоқди ва ўпа-ўпа кўзларига суртди. Ҳамид ҳам унга тақлид қилиб

болаларча бир ихлос билан китобларни йиғиштира бошлади... Бобо-невара уларни эски бир чорсига туғиб, ташқари чиқишди. Бошқалар ҳамон ички, ташқи ҳовлида ўралашиб юришарди. Болалар даштдан қайтди келишаётганда: «Ўйимизда маза қилиб ўтираемиз. У ерда ҳамма нарса бор!», деб ўйлашган эди. Афсуски...

Ниҳоят, мулла Азим хонадонни қолган-қутган рўзгор буюмларини кўтариб, боғ ҳовли томон жўнади. Ҳамид ярми куйган кўрпачани, Асолат эса мўндини қучоқлаб олган эди.

Боққа етиб келишлари билан мулла Азим устига чим бостириб қўйилган ўрани кўздан кечирдию бошини чангаллаб қолди: ўра очилиб, дон куйдириб ташланган эди! Мулла Азим ёнмай қолгани бормикан деб ўрани хўб титди, аммо кул ичидан бир кафт ҳам дон чиқмади. Сўнг Ҳамзани даҳлизга олиб кирди-да, теша билан сувоқни кўчир, деди. Ҳамза дадаси нега бундай иш буюрганига ҳайрон эди. Озгина сувоқни кўчириши билан тушунди: лойга тарик, буғдой, арпа қўшиб сувалган экан! Мулла Азим Ҳамзага: «Сувоқни майдалаб, донини битта қолдирмай териб олгин», деб буюрди.

## XII

**Қорақош, юзи сутга чайилгандек оппоқ, навжувон  
Комила кўзларини уфққа тикканча чўғдек безатилган  
бешикни тебратмоқда. Онанинг хаёли шунчалар ўйдин,  
шунчалар умидлики... У бешик тебратмоқда эди, ўйлари  
зарбидан эса бешик, бешикка қўшилиб бутун олам  
тебранаётгандек...**

Ақраб кирди «оҳ» уриб, қор-ёмғирни чақириб. Турналар Жиззах билан хўшлашиб, жанубга учиб кета бошлади. Аммо, ҳазонрезги фаслга бўйсунгиси келмагандек, ҳали ҳаммаёқ ям-яшил эди. Бу, қўзнинг яхши келишидан, илиқ бўлишидан далолат берарди.

Сургундан қайтишгач, ақрабнинг ён тўққизинчи куни Ҳамидни суннат тўйини ўтказишди. Эртаси куни эса мулла Азим билан Аҳмаджонни мардикорликка жўнаши ҳақида хабар келди. «Майли, қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Пешонага мардикорлик ҳам ёзилган экан, кўраверамиз-да. Аҳмаджон билан бирга кетаётганим бир ҳисобда яхши бўляпти. Уни тийиб, кўз-қулоқ бўлиб юраман», деб ўзини юпатарди мулла Азим.

Мулла Азим невараси Ҳамидда айрича зеҳн-заковат борлигини ҳис этарди. Уни бу йил Собиржон домлага бериб ўқитмоқчи эди. Сўнг неварасининг юлдузи Самарқанд осмонида чарақлашини истарди. Наҳотки, ниятлари ниятлигича қолиб кетса! Йўқ, бу йил уни ўқишга беришни Ҳамдамга қатъий тайинлаб кетади. Узи соғ-саломат қайтиб келса, яна катта даргоҳларда ўқитади! Мулла Азим шу хаёллар билан ўзига таскин берди, неварасини бағрига босиб эркалади.

\* \* \*

Мулла Азим билан Аҳмаджон юзлаб йигитлар қатори мардикорликка жўнаб кетишди. Уларни Ҳамдам ва Ҳамза кузатиб чиқди. Ҳамид бобосио акасига эргашиб Жарариқ бўйигача борди-да, сўнг алланечук маъюсланиб изига қайтди. У ям-яшил бедазордан ўтиб бораркан, шундоқ оёғи остида бедана сайраб қолди: «Пит-пилдик, пит-пилдик...» Ҳамид беданинг сайрашини санай бошлади:

— Бир, икки, уч, тўрт... ўн икки!

Бедана жимиб қолди.

— Ўн иккита, қойил! Акам эшитганда роса хурсанд бўларди! — деди Ҳамид ўзига-ўзи. Аҳмаджон акаси қачон бедана сайрай бошласа, дарҳол санашга тушарди. Ҳисоби беш-олтитадан ошмаса, қўл силтаб: «Эй, бўлмасакан!» дер, унтдан ошса: «О-ҳол!», деб суонар эди. Ҳамиднинг хаёлида акаси билан бобоси мардикорликка эмас, балки ҳаммани отаман, деб қўрқитган, жижзахликларни чўлга ҳайдаб чиқарган душманлар билан жанг қилгани кетгандек эди. Ҳа, душманларнинг роса адабини беришади, шундай боплашадими, иккинчи марта бизлар билан ўйнашмайдиган бўлади! Шу тобда уни ажиб бир ҳаяжон қуршаб олди: худди Фозил бахшидек, Новшардек қуйлагиси келди. Унг қўлини ҳавода қиличдек ўйнатиб, хиргойи қила бошлади:

Ҳей-ҳей-ҳей...  
От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,  
Уруда билинар мардининг сараси...

Ям-яшил бедазорда ирғишлаб, юрак тошқинини Фозил бахшининг сўзлари билан ифодалашга интилаётган Ҳамид, бу ҳол — шоирона қалбнинг сирли тўлқинлари эканини ҳали тушуниб етмас эди, албатта.

Бобоси билан акасининг жўнаб кетиши оқибатида уйлари жуда ҳам ҳувиллаб қолди. Эрталабки нонуштаю кечқурунги овқат пайтлари бувиси: «Бугун ҳам ҳеч қанақа хабар келмади-я!», дерди хўрсиниб. Шундай пайтда Ҳамид бобоси бир сўзлаб, бир кулиб ҳамманинг кайфини чоғ этадиган давраларни қўмсаб кетарди. Уша кезлар қандоқ тинч, сергашт дамлар экан-а! Ҳамма ўз иши билан банд, «Фалончини ўлдирибди, тугунчини осибди!», «Халқини отармиш! Йўқ, қувғин қилармиш!», «Яна мардикорга оладиган бўлибди!», деган ваҳимали гаплар йўқ эди...

Кечки овқатдан сўнг акалари, келинчилари бирин-кетин чиқиб кетишди, сандал атрофида бувиси, аяси, Асолату Ҳамид қолди. Аҳмаджон акаси кетгандан бери бувиси улар билан бирга турарди.

— Келин, чўғни бир оз очиб юборинг, — деди бувиси сандалнинг бир четига, кўрпа орасига уйиб қўйилган пахтани оларкан. У кўрпа-ёстиққа ишлатиладиган пахтанинг чигитини чиғириқдан чиқармай, қўлда ситишни маъқул кўрарди.

Аяси, бувиси ва Асолат пахта сита бошлашди. Бувиси бу ишни ўғил болага эп билмасди, шунинг учун Ҳамид тоқчадаги китобни олиб, ўқишга тутинди. Бу китобни унга Собиржон домла берган эди. Бобоси мардикорликка жўнаб кетгандан сўнг Ҳамдам акаси Ҳамидни домланикига олиб берди. Уша кунни аяси уни ювинтириб, эски бўлса ҳам тоза чопонини кийгизди, тўртта қатлама, икки патир устига бир қадок парварда тўкиб, дастурхон қилиб берди.

Амаки-жиян кириб боришганда домла ўн чоғли болага сабоқ ўргатиш билан машғул эди. Кулранг камзул кийиб, оқ салла ўраган нуроний мўйсафидини Ҳамид кўрган заҳоти таниди. Бундан бир йил илгари у бобоси билан бозордан қайтаётган эди, мулла Азим йўл четида ўтирган қандайдир чолни кўриб, таъзим ила бориб сўрашди. Иттифоқо, чол Ҳамидга ҳам қўл узатиб қолди:

— Шу кишининг ўғлимисиз?

Ҳамид қараса, бобоси лабини тишлаганча бошини сарак-сарак қилиб турибди.

Чол:

— Боракалло! — дея Ҳамиднинг қўлини қўйиб юборди.

Чолнинг ёнидан узоқлашишгач, бобоси Ҳамидга:

— Уғлим, одамни уялтирдинг-ку. Ахир менга ҳам устозлик қилган шундай муътабар домла билан бир қўллаб кўришадими одам! — деди.

— Бу қўлимда супурги бор эди-да!

— Супургини дарҳол ерга қўймайсанми?!

— ...

— Жўраларинг билан қандай кўришсанг ҳам майли. Аммо, ўзингдан катталар билан кўришганда ҳушёр бўл! Бу воқеа Ҳамиднинг ёдидан сира чиқмасди. Ҳозир ҳам домлани кўриши билан эсига тушдию у хиёл қизаринқиради.

Ҳамид домла билан эгилиб, қўшқўллаб кўришди. Домла мийиғида кулиб қўйди. Кейин Ҳамдамга қараб: «Майли, сиз бораверинг», деди.

Ҳамдам дастурхонни қолдириб, чиқиб кетди. Домла болалардан бирига ишора қилди. Бола ирғиб туриб дастурхондан иккита қатлама, бир сиқим парварда олиб болаларга улашди, қолганини дастурхонга ўраб қўйди. Домла Ҳамидни ёнига ўтқазиб, бир тахтачани кўрсатди:

— Бу ҳарфларни биласанми?

— Ҳа, тақсир.

— Қани, ўқи-чи.

...Қиш туни узун, жуда узун! Ҳамиднинг типирчилаётганини сезган бувиси боядан бери унинг ўқишига кулоқ тутиб, жимгина пахта ситиб ўтирган аясига:

— Келин, бирор нима ҳикоя қилиб берсангиз-чи? — деб қолди.

баён қилсин — ҳамиша ажиб бир маҳзунлик билан сўзларди. Мана, бугун ҳам у ўғай она дастидан азоб чеккан икки опа-сингилнинг бошидан кечирган укубатларни ғоят таъсирли тарзда сўзлаб берди. Ана, тош бағрида ётган қиз ўғай онаси келса ҳам, отаси келса ҳам тош орасидан чиқмади; ниҳоят, суйган синглиси келиб тошга илтижо қила бошлади:

Ёрилгин, тош, ёрилгин-а,  
Мен опамни кўрайин-а,  
Дийдорига тўяйин-а...

Тош орасидан опаси жавоб беради:

Ёрилгин, тош, ёрилгин-а,  
Мен синглимни кўрайин-а,  
Дийдорига тўяйин-а...

Ана, тош қарсиллаб ёрилди, опа-сингил хўнграб йиғлашганча бир-бирларининг қучоқларига отилдилар.

Ҳамид эртакинг шу жойини эшитаркан, юраги соғинч ҳисларига тўлар, шунда хаёлида узоқларга кетган бобоси билан акаси катта харсанг орасига кириб олгандек, у тошга:

«Ёрилгин, тош, ёрилган-а,  
Мен бобомни кўрайин-а,  
Мен акамни кўрайин-а,  
Дийдорига тўяйин-а...», —

деб ёлворса худди бобоси билан акаси бирдан кўз олдида пайдо бўлиб қоладигандек туюлар эди.

Эртаси кунни хонадондаги шодликка уйлар торлик қилиб қолди: мулла Азимдан хат келган эди! Хатида у Пенза губернасига эсон-омон етиб борганларини, ўрмонда дарахт кесаётганларини айтибди. Сўнг бу ердагиларнинг ҳар бирини номма-ном суриштирган. Мактубда шундай бир ашўрий тизма ҳам бор эди:

«Ватандошлар фироқида ҳамиша ғам билан қайғу,  
Йироқ қолган қариндош-ақрабодин бағри бирёнмиз.  
Бари мулки диёридин жудо бўлган мусофирдур,  
Ватани вайрон бўлган кеча-кундуз жигар қонмиз.  
Қачон бўлғай муяссар ақрабо, фарзандлар васли,  
Бўлиб ғирбатда Азим нотаवону ғамда ҳайронмиз».

Хатни бувиси ўз ёнида сақлар, баъзан ҳеч ким йўқлигида Ҳамидни қақириб олиб қайта ўқитар, назмий сатрларга келганда юм-юм йиғлар эди.

Қиш тунлари ана шундай ғамгин ўйлар билан кечмоқда эди. Аммо ҳар қанча судралмасин, қишнинг тунлари ҳам, кунлари ҳам ўтиб кетди. Экин экай деб — баҳорни, ҳосил тўплай деб — ёзни ҳам ўтказдилар.

Бу йил ҳам жуда серғалва келди. «Оқпошшо тахтдан қулабди, ўрнига Керенский ўтирибди!» деган гаплар юриб қолди-ю, Жиззаҳда ортиқча ўзгариш бўлмади. Фақат, Бешқувурдаги уезд бошлиғининг ўрнига янгиси келди, мингбошию оқсоқоллар бошқа сайланди, бироқ жамоа тартиби эскичасига қолаверди.

### XIII

Қорақош, юзи сутга чайилгандек оппоқ аёл — Комила кўзларини уфққа тикканча бешик тебратмоқда. Бу бешикда у Асолат, Ҳамид, Роҳатой, Мухаббат, Саҳобатларнинг суягини қотирди. Мана, яна бешик тебратмоқда. Хаёли шунчалар ойдин, шунчалар умидлики... У бешик тебратмоқда, хаёли зарбидан эса бешик, бешикка қўшилиб бутун олам тебранаётгандек...

Мулла Азим билан Аҳмаджон қайтиб келишди! Бу хабардан фақат хонадон эмас, балки бутун эл севинди. Мезоннинг ўнинчи кунни ҳовуз бўйи одамга тўлиб кетди. Ҳамдам қийинчилик билан бўлса-да, бир қўйни боқиб юрарди, ўшани сўйдирди. Мулла Азим ҳам, Аҳмаджон ҳам ориқлаб, оқаринқираб кетишган эди. Лекин ҳар иккисининг ҳам димоғи чоғ! Айниқса, мулла Азимнинг! Улар қишлоқларига ажойиб хушхабар билан қайтган эдилар. Мулла Азим атрофдагиларнинг мардикорлик ҳақидаги саволларига қисқа-қисқа жавоб бериб, гапни ана шу хушхабарга бурарди: — Биродарлар! Камбағалнинг, бева-бечоранинг кунни туғди! Русиянинг пойтахтида кўп қонли жанглар бўлиб,

ҳукумат камбағаллар қўлига ўтди. Русияда камбағалларнинг, фақат камбағалларнинг манфаатини кўзлаб иш кўрадиган большевойлар фирқаси зимдан инқилобга тайёргарлик қўриб келаркан. Мана, энди инқилоб қилиб, ҳукуматни қўлга олишди! Уларнинг бошлиғи Ленин деган киши экан. Мардикорликда юрган пайтимизда фирқа аъзолари билан суҳбатлашиб, ниятларини билиб олдик. Уларнинг гапига қараганда, жами ер-сув камбағаллики бўлади! Ҳали кўрасизлар, кўп адолатли, кўп ажойиб ҳукумат тузилади!

Йиғилганлар лол бўлиб қолишган эди. Анча давом этган сукутдан сўнг ўтирганлардан бири савол берди:

— Солиқлар шу ҳолича қолаверадими?

— Йўқ, солиқлар жуда ҳам оз бўлади, — деб жавоб берди мулла Азим.— Кейин ҳамма ёппасига саводли бўлиши керак, ёшу қари — бари ўқийди.

— Эй-й, ҳамма мулла бўлса, подани ким боқади!— деди боаги йигит.

— Ука, пода боксангиз ҳам саводли бўлсангиз зарар

қилмайди. Ёппасига савод чиқариш дегани — ҳамма мадрасаю мактаб тупроғини ялаб ётади, дегани эмас, ҳамма ўз ишини қилаверади-ю, саводхон бўлади, дегани! Ахир, ҳукуматни бошқариш учун саводли бўлиш керакми? Керак! Шунинг учун большевойлар ўқиш масаласини биринчи ўринга қўяди.

Дарҳақиқат, бобосининг гапларида жон бор экан. Кўп ўтмай уч-тўрт йилдан бери ҳеч ким қарамай қўйган рус-тузем мактаби биносидан янги мактаб очиладиган бўлди. Бино жинззахликларнинг кучи билан қайта тикланди. Мактаб очиладиган куни бошқа ўқувчилар сафида, анчадан буён сабоқ олмаётган Ҳамид ҳам бор эди.

Аммо, ўзининг болалик кунлари тугаётганини, тез орада сершовқин Самарқанд шаҳрига жўнаб кетишини, сўнг болаликнинг ўйин-кулгига тўла кўчаларини ҳам ҳар замон-ҳар замонда бир кўриб туришини билмас, ўйламас ҳам эди.

Болалик — ҳайдар шамол, ўтади-кетди. Бироқ унинг ёди, ёғдуси умр йўлларини ҳамisha чароғон этиб, ижодга, илҳомга оташ бериб туради.





## Абадий юртим

Мени сеҳрлайди фаришта тонглар,  
Нажиб кунлар мени сеҳрлар яна.  
Минг бир мақом ила,

минг бир ранг ила  
Руҳимда бир қўшиқ ҳайрати ёнар!

Топдим, деб шошаман мунаввар дамни,  
Кўксимда созланар удлар, сатолар —  
Болалар тўлдириб ўтса кўчамни,  
Гулзорда чопқиллаб юрса саболар.

Бахтимдир, кунларим ишқ уйғотибди  
Заргарман ганжтўла дунёда, зар ё.  
Биргина қалбимда куйлаб ётибди  
Табиатан шоир иккита дарё.

Бахтимдир, насибам шайдойи умр,  
Севдим, курашдим ҳеч кўрмадим кам.  
Менинг мулким эрур, давлатим эрур  
Бугдой бошоғидек табаррук олам!

Меҳрингдан жонимга ёруғлик тўлиб,  
Яшаганим сайин ўқтамликда, оҳ,  
Ёғилгим келади оқ ёмғир бўлиб,  
Ҳамаллар достони битилган Тупроқ!

Момо эртақларга солган зар гилам  
Берди фахру бахтни, ишқни — барини...  
Мен ўпиб яшайман қароғим билан  
Шу яшил диёрнинг уфқларини.  
Бу менман,

тилимда тонгнинг дуоси,  
Майсадек, илкимда биллури бода...  
Мажнун эт, сочларинг бўйнимга осиб,  
Умрзоқ боғлардан эсган шабода!  
Кўшиққа айланар энди ҳаяжон,  
Юракнинг томчилаб тўкилар они.  
Ўзинг қўллаб тургин мени, онажон,  
Ҳайратим ватани,

Ўзбекистоним!

\* \* \*

Саҳархез бека-ю

шинам хонадон,  
Жавзо қуёшидек бозиллар тандир...  
Қалбим,

субҳисодиқ тавобинг бу нон,  
Бу кунга айланган ризқинг —  
ватандир!

## Эргашали Абдуллаев

Мен ёниқ ихлосда ўсдим баҳорга,  
Севдим гулларидек сийна чок бўлиб...  
Бу, ахир, орзуни куйлата олган  
Ватандир —

кўксимда турибди тўлиб!  
Магар дарё руҳи яшар булоқда,  
Магар дарёда ҳам денгиз гувласа...  
Мен ҳам сеҳргарман,

ҳар тонг юракда  
Худди оқ ўрикдек Ватан гулласа.  
Магар гул тушида булбул мужассам,  
Булбул уйқусида гулдир намоён...  
Бир чимдим уйқум ҳам,

бедорлигим ҳам  
Ватан суратини чизмакка имкон.  
Шу тугал ҳукмда ҳар ақли расо,  
Шу тугал ҳукмда закийлик асри,  
Яъни, дунёмизнинг унвони — инсон!  
Инсоннинг унвони Ватандир, асли!  
Ҳаёт дегани бу ажиб маъводир,  
Майли, гоҳ шодмонсан, майли, гоҳо  
ғаш...

Тақдирга қуллуқки,  
бизга раводир  
Муқаддас Ватанга сиғиниб яшаш!...



\* \* \*

Ойдек порлаб кечар сиймин дамлар бу,  
Ҳаволар райҳондир, шамоллар нектар.  
Созим,

ихтиёрим сенга бердим-ку,  
Ифор севинчларим куйласанг, нетар.

Сирлашувга чорлаб, йўлимни кутса  
Гулдор кўйлагини ҳилпиратиб Март —  
Тонг эмас, дилгирлик недир унутсам,  
Тонг эмас, билмасам не эканин дард.

Топсин деб эзгулик муносиб қадр,  
Ёзсин деб шоир ҳам суюк достонин,  
Ахир, саодатманд бир фаслададир  
Умримизнинг маҳбуб Ўзбекистони...

Тўғри, ўртанарман лекин баъзида,  
Бўлар жонимга тиг солган лаҳзалар.  
Қайдадир инсофнинг инқирозидан  
Кафтдек юрагимда тоғдек ларзалар.

Севинчларим қушдек кўчарлар нари,  
Гулдор кўйлагада қўнишади Март.  
Бошимдек  
айланар бетоб Ер шари,  
Кўкрагим қисади юмалоқ бир дард.

Қаламим ёнади, куяди қўлим,  
Шул оташ даъватлар ичра қақшайман.  
Тинчликка отилган ўқлардан ўлиб,  
Тинчликни ёқлаган сўзда яшайман!

Майли, алам турсин бўғзимда қалқиб,  
Майли, зуғум этсин не оний кадар —  
Ҳам рағбат, ҳам оғриқ билан, эй халқим,  
Ўзингдек феъли кенга Қалб бор ўртада!  
Ҳар тоза армонга идрокдир асос,  
Ишонч шамси, нури бордир умидда.  
Онам —  
менинг онам,

умринг ҳаққи рост,  
Иўлинг ҳам омонлик йўли-ла битта!

\* \* \*

Севгим бу — кўзимда милдираган нам,  
Бахтим бу — қувонсам исмингни ёзиб,

Мовий хаёлларда телбалар бўлсам  
Юлдузли осмонинг кўксимга босиб!

Соз чалсин муганний булбуллар бу он,  
Чаманлар соллониб, санолансинлар —  
Лол қолсин мен деган ҳар не нуқтадон,  
Ёнсинлар армонда, майли, ёнсинлар!  
Фақат сен,

фақат сен,  
фақатгина сен

Аъмолимда равнақ, ҳаётимда ранг.  
Нафас қил, меҳрингга лойиқ бўлай мен,  
Нафас қил, муносиб улғайсин боланг.

Жондирсан,  
танимда эсган хуш насим,  
Қуёшдек нарпираб сўнмағувчи нур.  
Неки айтар бўлсам — бу сенга таъзим,  
Тириклигим эса — сенга ташаккур.

Мушки анбар сўзлар қидирмасман, йўқ,  
Шундоқ ҳам биласан мени, онамсан,  
Менга бас, яшолсам меҳрингни тўюб,  
Менга бас, бир қўшиқ бўлиб ёнолсам!

Буюк муҳаббатнинг таърифи учун  
Буюк садоқатнинг журъати лозим.  
Шу мўътабар маскан,  
шу улғ очун  
Қалбимга шеър бўлиб қўюлар ҳозир!

Сен барҳақ дунёда Ватансан, барҳақ,  
Тансиқ умрларга тансиқ бир оҳор.  
Истайман, кутма ҳеч баҳорни илҳақ,  
Бағрингга талпиниб келсин ҳар баҳор.

Бугун куйга солдим пок бир ниятни,  
Келди бир оташин изҳор имкони.  
Мен сенга тилайман абадиятни,  
Юрагимнинг соҳир Ўзбекистони!..





**Рауль  
Мирхайдаров**

## Сурат

Русчадан  
С. ХАЙРУЛЛАЕВ таржимаси

### ҲИКОЯ



ирень гуллаган кезлар. Чор атроф анвойи, муаттар бўйларга ғарқ. Бир куни тонг саҳарда ҳали маст уйқуда ётган Ҳазрати Зоҳид маҳалласига тасира-тусур от қўйганча казаклар отряди бостириб келди. Кўпириб кетган отларда гердайиб ўтирган ўн икки суворий мачит ёнидаги майдонда тўхтади. Ногаҳон ўқ овози қарсиллаб, том-тошлар узра акс садо янгради. Сўнг теваракка яна совуқ сукунат чўкди.

Уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган заҳил юзли хорунжий зўр бериб тагидаги асов тўриқни тинчлантиришга уринар, кеча оқшомдан буён оёғи ерга тегмаганига қарамай, эгардан тушишга негадир ошиқмас эди. Чамаси, у яхши синчи бўлган бу татарларга отини бир кўз-кўз қилиб олмоқни ҳамда улар билан тепадан туриб муомала қилишни мўлжаллаётгандек эди.

Оренбургга етиб келиш осон бўлмади. «Не-не азаматлар ярим йўлда ўлиб кетди-я! Улиги итларга ем бўлиб ётгандир», дея беихтиёр хаёлидан кечирди хорунжий ва мачитнинг нақшу нигорларига анқайиб турган пакана, кўса йигитга қараб қичқирди:

— Эй Петро, қўндоқ билан ур эшикни, нима бало, гаранг бўлиб қолганми, нега очмайди?! Матвей, сен Гришка билан бирга манави тош қотиб ётган махлуқларни уйғотиб чиқ!

Майдонга аста-секин оломон тўплана бошлади. Орадан сал ўтмай мачитнинг кўҳна, ўймакор эшиги оҳиста очилиб, эгнида оппоқ ятак, бошига кўк салла ўраган нимжонгина бир мўйсафид чиқиб келди. У суворийларга кўз қирини ташлади-да, алланима дея пичирлаб, юзига фотиҳа тортиди.

Хорунжий зўр бериб босиб келаётган мудроқни аранг енгиб, чўяндай оғирлашиб кетган бошини хиёл орқага ташлаб сўз бошлади.

— Гап бундоқ, ҳазрат. Биз — генерал Дутов армиясига қарашли казаклар дастасимиз, — деб қўлидаги тўппонча билан шерикларига ишора қилди у. — Биз шавкатли шаҳрингизни қизиллар балосидан халос этгани келдик. Ҳозирча талофатга учраб турибмиз, аммо, ҳадемай тагин ўз ҳокимиятимизни ўрнатамиз. Бу ҳокимият мусулмон динини ҳам, христиан динини ҳам бирдек ҳурмат

Расми В. РОДИН чизган





қилади. Биз сизнинг аҳли савдога мансуб барча ҳуқуқ ва имтиёзларингизни яна қайтариб берамиз. Сизларни бу ерга тўплашдан мақсад... — у бир лаҳза тин олди, юзидаги сўнги томчи қони ҳам қочиб, товуши қўрғошиндек кескин жаранглади: — ...шукки, биз сизлардан ёрдам сўраб келдик. Бизга ем-хашак, озиқ-овқат, от-улов бениҳоя зарур. Ҳаммасини мана шу учта аравага ортиб берсангиз—тинчигина жўнаб кетамиз, акс ҳолда... — Хорунжий гапининг охирини ямлаб ютди, бироқ «акс ҳолда» нима бўлиши шундоқ ҳам аён эди. У энди сўзини тугатмоқчи эди, шу пайт чор армиясининг офицери формасини кийган бир отлиқ унинг ёнига от ўйнатиб келди-да, энгашиб қўлоғига нимадир деди. Хорунжий бош ирғаб, эгар узра қад ростлади:

— Хўш, яна... Бордию маҳаллангизда большевиклар, комсомоллар, фаоллар бўлса, бизга айтинг, ҳаммаёқни булгаб юрмаслиги учун ҳозироқ ҳисоб-китоб қилиб қўямиз!

У отдан ирғиб тушди, оломон ёнидан бир-бир босиб ўтаркан, товушига имкони борича қаҳрли тус бериб:

— Хўш?! — дея ўдағайлади.

Ҳеч кимдан садо чиқмас, барча бош эгиб турар эди. Хорунжий мулланинг олдига яқинлашганда, у аста жавоб берди:

— Бу маҳаллада савдогару қосиблар истиқомат қилади. Бари диёнатли, имони бут одамлар. Большевик-мольшевик йўқ, биз сиёсатдан йироқ оми кишилармиз.

— Шундайку-я, лекин ҳозир бу лаънати қизил вабо ҳаммаёққа тарқалган-да. Татарларни-ку қўяверинг, у ҳатто казаклар орасида ҳам пайдо бўляпти. Шунинг учун биздан ранжиманг, ҳазрат, — деди хорунжий елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб ва истар-истамас офицер томон йўналди.

Шу пайт унинг олдига Исо чўлоқ юлқиниб чиқди. Заргарлик дўкони ва ҳаммомнинг хўжайини бўлган бу судхўр, шаҳарнинг энг катта бойларидан бири эди.

— Ёлғон айтапти, ёлғон! Яна бу киши мулла эмиш, уч марта Маккага ҳаж қилган эмиш! Ишонманглар, ҳамма гапи ёлғон! Маҳалламизда қизиллар бор! Бўлганда ҳам чакана одамлар эмас. Тавба, отаси шаҳардаги энг баобрў зотлардан, губернаторнинг шахсан ўзи у билан қўл бериб кўришади. Дўзахда ёнғур болалари кимга тортиди денг? Эҳ, бу лаънатилар на уят-андишани, на юз-хотирни билади. Бўлмаса, мен узокроқ бўлсам ҳам қариндошиман, зотимиз бир, қонимиз бир. Тунов кунни менга нима деди денг? «Исо обий, яхшиликча одамларнинг қарзини кечинг, янги ҳокимият бошқаларни талашга йўл қўймайди», эмиш! Тавба, наҳотки мен бирон кимсани талаган бўлсам? Ахир, одамларнинг ўзи тиз чўкиб ёрдам сўрагандан кейин нима қилай, раҳмим келиб ҳожатини чиқараман. Ҳаммому дўконларингиз ҳам ишчи-деҳқон ҳукумати фойдасига мусодара қилинади, дейди лаънати гўсхўрлар! Хўш, нега энди мусодара қилинар экан? Ахир, мен буларнинг барчасини ўз кучим, пешона терим билан толганман-ку! Ишчи-деҳқон менга бир тийин ҳам берган эмас! Худоба шукр, ўша қаро кунлардан ўзи асради. Мана энди, бу бебошлар қилмишига яраша жазосини тортсин!

Офицер кутилмаганда эгардан чаққон ирғиб тушди, кўзларини қисиб:

— Қаерда улар? — деб сўради вишиллаб.

Исо чўлоқ қўша-қўша тилла узуклар тақилган калтабақай қўли билан рўпарадаги икки қаватли муҳташам ёғоч иморатга ишора қилди. Офицер хорунжий ва бир неча казаклар қуршовида йўлни кесиб ўтиб, деразалари ёпиқ бинога қараб юрди. Исо чўлоқ уларнинг кўзини шамғалат қилиб, оломон орасига ўзини урмоқчи эди, бироқ мулланинг қоқсуяк жуссасига ярашмаган баланд, ўктам овози уни турган жойида қоқиққа айлантриб қўйди:

— Ҳой Исо, бўлиб қўй, агар маҳалламизда қон тўкилгудек бўлса, мен олло таоло номи билан сени қарғайман! Илло, одамларнинг тавқи лаънати сенга камлик қилаётган бўлса, яратганнинг лаънати ҳам қўшилади! Илоҳи омин, бундан кейин мачитимиз остонасига қадам босма!

У гапини тугатар-тугатмас, казаклар уни судраб олиб кетишди.

Уй олдига яқинлашгач, казаклар ёғоч деворни қўндоқ билан тасира-тусур ура кетдилар. Ҳовлида итлар жаҳл билан ҳура бошлади. Ниҳоят, итлар ҳуришдан тўхтаб, эшикнинг оғир лўкидони туширилди. Аввал хорунжий, унинг ортидан офицер ва казаклар остона ҳатлаб ичкари кирдилар. Занжирбанд бўрибосарлар еб қўйгудек бўлиб ташланди, бироқ сочи тап-тақир олинган барваста бир киши уларнинг занжиридан маҳкам тутиб турар эди. У чақирилмаган қўноқларга юзланганда, айвондан чолвор кийган ўн етти яшар чамаси бир қиз чопқиллаганча келиб унга яқинлашди-да, оёқ учида туриб елкасига китель ташлади. Кительдан гупиллаб ўткир нафталин ҳиди анқирди. Барваста киши кифт қоқиб, елкасига ташланган кительни тузатар экан, тўсатдан кўкрагида Георгий нишонлари ярқираб, оҳиста жириңглаган товуш эшитилди. Казаклар шу захоти, гўё биров буйруқ бергандек, тек қотдилар. Хорунжийнинг қўли беихтиёр попоғи томон чўзилди, офицер эса гангиб атрофга аланглади.

— Ҳой, савдогар, яна алдаётган бўлмагин? — деди у Исо чўлоққа ўқрайиб.

Исо чўлоқ бир қилт этмай турган барваста уй эгасига, бир гарангсиб қолган казакларга қаради, ниҳоят, қилмишидан ўзи ҳам ўкингандек, асабий жазавада қичқирди:

— У эмас, ўғиллари қизил, ўғиллари!

Офицер томошаталаб бўлиб турган оломон юзига дарвозани ёпиб, уй эгасига юзланди:

— Қани, қани кирайлик. Сизда озгина юмушимиз бор.

Хонадон соҳиби индамай ичкари бошлади. Казаклар нағал қоқилган этикларини судраб босганча қиличларини жаранглатиб унинг ортидан эргашдилар. Ярқиратиб бўялган пол узра ифлос этик изларини қолдириб, кенг даҳлизга, ундан эса катта, шифти баланд залга ўтдилар. Кимдир дереза табақаларини очиб юборган эди, хонага мўл-кўл ёруғлик нури ёпирилиб кирди. Казаклар уйдаги қадимий, асл жиҳозларни кўриб ҳайрон қолишди, гоҳ шифтдаги ложувард нақшларга, гоҳ оғир биллур қандилларга ҳавас ва ҳасад билан боқар эдилар.

Хорунжий бурчакдаги юмшоқ креслога яқинлашиб, манзиратни ҳам қутиб ўтирмай ўзини таппа ташлади, хузур қилиб ястанди, сўнг чанг қўнган сағри этикли оёқларини бир-бирига

чалиштириб олди. Офицер салмоқ билан одимлаб хона деворидаги катта-катта суратларни синчиклаб кўздан кечиради, ҳаммининг мунтазир нигоҳи унда эди. Бирдан у кескин ўгирилиб:

— Ўғилларингиз қаерда? — деб сўради уй эгасидан.

Бўсағада турган барваста киши эшикни аста ёпаркан, хотиржам оҳангда жавоб берди:

— Агар соғ-омон бўлишса, кечаси отряд билан бирга жўнаб кетишган бўлса керак. Чамаси, шаҳарни ортиқ тутиб туришолмаган шекилли. Бу сафар сизлар катта куч билан келдингиз-да.

— Ҳа, кучимиз оз эмас, — дея мамнун бош ирғади офицер. — Бу қанақаси бўлди энди, отахон? Ўзингиз шаҳардаги баобру одамлардан экансиз, Георгий нишонларингиз ҳам бор экан, кўриниб турибди, чор ҳукуматидан норози бўлишингизга асло асос йўқ, лекин қандай қилиб ўғилларингиз бу эгри йўлга кириб кетишди?

— Поручик, мен умр бўйи ватанга имон ва эътиқод билан хизмат қилдим. Болаларимни ҳам ёш чоғиданоқ унинг хизматида бердим. Иккови ҳам Қозон университетини тугатган, ўқимишли йигитлар. Бироқ, начора, уларнинг онгига сиз билан биз ишонадиган тушунчалардан бўлак бир ҳақиқатни куйишган экан-да. Ўғилларим инқилоб йўлига бирон-бир таъма-манфаат излаб эмас, ватани бундан ҳам юксақроққа кўтариш умидида ўтганлар. Халқни бахтли қиламиз, дейишяпти. Мен бир оми одам, улар ақлли, эс-ҳуши бутун одамлар, модомики халқ билан бир йўлда экан, демак, бир нарсани билса керак. Мен эса, ўзингиз кўриб турибсиз, халққа ҳўжайинлик қилолмайман...

— Ўчир овозингни, аҳмоқ чол! — деб ўшқирди офицер. — Коршунов! Ситников! Дарҳол пастки қават билан ҳовлини қараб чиқинглар! Балки донишманд большевиклар ҳали қочиб қолишга улгуришмагандир?! Сен эса, — дея чолга ўқрайди у, — қани, бизни тепага бошла, бир кўриб кўяйлик-чи, зора... — У шундай деб уй бурчагидаги юқори қаватга чиқиладиган айланма зинага яқинлашди.

Хорунжий истар-истамас ўрнидан туриб, офицерга эргашди. Зинадан кўтарилаётган тўрт кишининг залворли қадам товушлари жимжит уй ичида таҳлика билан эшитилар эди. Улар узун, энсиз йўлак бўйлаб бориб, ётоқ ва болалар бўлмаларига бир-бир бош суқиб кўришди, ниҳоят, пастга қайтиб тушаётганларида поручикнинг кўзи йўлак адоғидаги яна бир эшикка тушиб

қолди. Тўппончаси филофига қўл чўзиб, у эшикни эҳтиёткорлик билан тепиб очди: чоғроқ хона, иккита баланд деразаси кўчага қараган, шу сабабданми, уй ичи бениҳоя ёруғ, шинам кўринар эди. Дераза олдида ёзув столи, батартиб таҳланган китоблар, алланима ёзилган қоғозлар...

Поручик чарм муқовали қалин бир китобни қўлига олди, айлантириб кўргач, хорунжийнинг юзланиб заҳарҳанда билан илжайди:

— Нима бўларди, «Капитал»да!

Китобни жойига итқитаркан, бирдан девордаги чоғроқ ойнаванд рамкадаги суратга кўзи тушиб қолди: нақ рўпарасида... Ленин қараб турарди! Поручик, гўё чаён чаққандек, шартта ортига тисланди, қаҳрининг зўридан кўкариб-бўзариб: — Каштанов! Ол, йўқот! — деб ўдағайлади.

Хона ўртасида анқайиб турган кўсанамо йигитча шаҳд билан суратга қараб юлқинди, аммо шу пайт уй эгаси қоядай бўлиб унинг йўлини тўсди. Казак чолни четлаб ўтмоқчи бўлган эди, у итариб юборди. Петро шу замониёқ шалоп этиб бурчакка ағдарилиб тушди. Уй эгаси ҳансираб нафас олганча барваста қаддини секин ростлади ва шунда казаклар кўз олдида алпқомат бир паҳлавон намоён бўлди.

— Қани, йўқолларинг кўзимдан, мишиқилар! Қани, қайси бирингининг ўлгинг келган бўлса, қўл теккизиб кўр-чи!

Хорунжий кўрқа-писа ортига чекинаркан, кўзлари олайиб шивирлади:

— Ўзингни бос, отахон, ҳушингни йиғ, бизни гуноҳга ботирма...

Шу пайт хорунжийнинг елкаси оша гумбурлаб ўқ овози янгради. Уй эгаси бир қалқиб кетди, чехрасида негадир ўйчан бир ифода пайдо бўлдию кители елкасидан аста сирғалиб тушаркан, кўксидagi Георгий нишонлари безовта жиринглади... Кекса солдат бир қадам ташлади, сўнг чинордек гурсиллаб қулади.

Афт-ангори ғазабдан қийшайиб кетган поручик икки ҳатлаб унинг тепасига келди, жаҳл билан мурданинг кўксига қаратиб оғир маузердан устма-уст ўқ узди. Бурчакка биқиниб олган Петро ҳар ўқ товуши янграганда бир сапчиб тушар, шоша-пиша чўқинганча яккаш бир гапни такрорлар эди:

— Ё тавба, нималар бўляпти ўзи?.. Георгий нишондорини-я...

Шундай деб шивирлар экан, девордаги суратдан тик боқиб турган одамнинг ўткир нигоҳига дош беролмай, безовта типирчилар эди.





Аъзам  
Раҳнавард Зароб

## Ёзувчи бўлмоқчи эдим...

Русчадан Мирҳамид АҲМЕДОВ таржимаси

### ҲИКОЯЛАР



ниқ эсимда, ўшанда, мактабнинг охириги синфида ўқир эдим. Ешим ўн тўққизда. Келажак менга нурли туюлар, ундан умидим катта эди.

Китоб деса ўзимни томдан ташлашга ҳам тайёр эдим. Шу боис ҳужрамнинг деворларига буюк ёзувчиларнинг суратларини ёпиштириб ташлаганман: ана, мағрур нигоҳини қаёқларгадир тикиб

Пушкин турибди; чуқур ўйга чўмган Достоевский оёқларини чалиштириб ўтирибди; ёзув столига бағрини берган озгингина Диккенс; барваста гавдаси билан эшикни тўлдириб, остонада Жек Лондон турибди; хаёлларга фарқ ботган Содик Ҳидоят...

Гоҳида мутолаа билан тонг оттирардим, ўзимча янги дунё кашф қилар, нотаниш одамларга дўст тутинар эдим. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеалар гирдобиде қолиб кетардим. Тўғри, китоб саҳифаларидаги воқеаларнинг ҳаммаси ҳам менга маъқул бўлавермас, баъзи бирлари кулдирса, бошқалари йиғлатар эди.

Мактабни асти қўяверасиз! Китоблар оламига иштиёқ билан шўнғисам, ҳисоб-китоб, айниқса уч номаълумли тенглама, турли чалкаш ҳарфлардан иборат кимёвий формулалар шунчалар меъдамга тегар эдики, жоним ҳиқилдоғимга келарди. Шу фанлар туфайли мактабни кўрарга кўзим, отарга ўқим йўқ эди.

Синфда энг охириги партада ўтирардим. Тригонометрия дарсида муаллим доскага ҳар хил формулаларни ёзаётганида мен сеҳрлангандек унинг қўл ҳаракатидан кўз узолмасдим. Назаримда, доскадаги ёзувлар ўрнида митти-митти шайтончалар ўйинга тушаётгандек бўларди. Муаллим ёзувни тугатиб бўлгач, қора тахтани тўлдирган рақам ва ҳарфлар кўзимга ғайритабиий кўринар, мен тентакка ўхшаб бақрайи-иб ўтираверар эдим.

Афғонистонда ўрта мактаб ўн икки йиллик бўлиб, ўнга етти ёшдан қабул қилинади.

Расми О. ВАСИХОНОВ чизган

Журналимиз ўзбек совет адабиётининг янги асарлари билан бир қаторда, қардош республикалар адиблари ижодидан, шунингдек, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан мунтазам равишда таржималар бериб бормоқда. «Адабий дўстлик — абадий дўстлик», «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Жаҳон адабиётидан» деган рубрикалар остида ҳозиргача Низомий Ганжавий, А. С. Пушкин, О. Генри, И. Буний, С. Цвейг, Луи Арагон сингари классик санъаткорлар, Н. Думбадзе, В. Распутин, Э. Межелайтис, Г. Матевосян, А. Ким, М. Қаноат, С. Турсун, А. Қурбонафасов, А. Русов, Евг. Евтушенко, А. Вознесенский, Р. Рождественский, А. Дементьев каби ўнлаб совет шоир-ёзувчиларининг асарлари муҳтарам журналхонлар эътиборига ҳаёла этилди. Ранг-баранг мавзуда, турли ижодий услубларда яратилган бу асарлар адабиётларимиз ўртасидаги, бинобарин, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Маълумки, кейинги йилларда қардош социалистик мамлакатлар ҳамда социалистик тараққиёт йўлидан бораётган мустақил давлатлар адабиёти катта муваффақиятларга эришмоқда. Излаш-изланишларининг мураккаб ва қизиқарли жараёнларининг кечириётган мазкур адабиётларга бўлган катта қизиқишни эътиборга олиб, «Дўстларимиз овози» деган янги рубрика ташкил этишга қарор қилинди. Рубрикани таниқли афғон ёзувчиси Аъзам Раҳнавард Зарёбнинг ушбу икки ҳикояси билан очамиз.

А. Р. Зарёб 1945 йили туғилган. Асосан ҳикоянавис сифатида машҳур. Юздан ортиқ ҳикоялари, кўплаб адабий-танқидий мақолалари, чет эл адиблари ижодидан қилган таржималари босилиб чиққан. Савр инқилобининг чин дилдан қутлаб қутиб олган адиб янги ҳокимият хизматида ўтади, бироқ, кейинчалик Ҳ. Амин ва унинг малайлари томонидан таъқиб остига олинади, маълум муддат қамоқхонада ётиб чиқади. 1979 йил 27 декабрда Савр инқилобининг иккинчи босқичи амалга оширилиб, афғон халқи ўз душманларига қақшатқич зарба беради. Бундан бениҳоя рўҳланган А. Р. Зарёб бутун илҳоми, куч-ғайрати билан инқилоб гоялари йўлида ижод қила бошлайди.

«Содиқ Ҳидоят, Мухаммад Ҳажжозий сингари Эрон адиблари, Максим Горький, Садриддин Айний каби совет ёзувчиларининг асарлари мен ўқиган дастлабки китоблар бўлиб, улар қалбимни буткул ром этиб олган эди», деб ёзади А. Р. Зарёб.

Эҳтимол, шунинг учундир, унинг кўпгина ҳикояларида оддий афғон халқининг Савр инқилобидан аввалги аянчли ҳаёти реалистик тасвирланган. Ушбу ҳикоялар ёзувчининг Москвадаги «Радуга» нашриёти 1983 йили босиб чиқарган «Сурат ва бошқа ҳикоялар» деган тўпламидан олинди.

— Масалани ечинглар! — деди муаллим қўлини латтага артarkan.

Ҳамма масала ечишга киришди: синф пероларнинг қитир-қитирига тўлди. Фақат мен гоҳ доскага, гоҳ дафтарнинг оппоқ саҳифасига анграйиб қараб ўтиравердим.

— Сен яна ҳеч балони тушунмадингми? — деди муаллим жаҳл аралаш.

— Тушун... тушун... Тушунмадим! — дея тан олдим дудуқланиб.

— Тушунмадингми? — Муаллим кўзларининг пахтаси чиқиб ўшқирди.

Мен эса гапим оғзимдан тушгудек минғирладим:

— Шунақа... жуда мураккаб... тушунарсиз... ҳалиги, чалкашликлар...

Синф хонаси кулгидан ларзага келди.

— Манави оварсойга бир қаранглар! — деди муаллим. — Бу кишим учун масала — чалкашлик эмиш... Уялмайсанми шундай дегани? Бу, елканда кўтариб юрганинг каллаи ёки қовоқми? Калла бўлса, уни ишла! Қовоқ бўлса, бу ердан думингни ҳода қил! Қоранг қанча тез ўчса, сенга ҳам яхши, бизнинг ҳам қулоғимиз тинчийди.

Аламдан ҳўрлягим келиб кетди. Йиғлаб юборай дедим. Шу топда китобдан ўқиганим бир гап ёдимга тушди.

— Сиз менинг тимсолимда бутун инсониятни таҳқирла-яписиз! Инсонни ҳўрмат қилиш, қадрлаш керак! — дедим мен.

— Уҳ-ҳў! Сал пастроқ туш. Одамни кўрқитиб юбординг-ку! Мен бу кишим шахсида бутун инсониятни таҳқирлаётган эмишман! — Муаллим ўзини ҳайрон бўлганга солди. Кейин эшик олдига бориб, қўшиб қўйди: — Озодсан! Тўрт томонинг қибла! Қорангни кўрсатма! Инсониятга салом айтиб қўй!

Дафтар-китобимни йиғиштириб, оёқларнинг улкан шаршара-шовқинни эслатувчи дукур-дукури остида эшик томон судралиб бордим. Дунёда нимаики бўлса, барини лаънатлаб эшикни кучим борича ёпдим.

— Сен айтган чалкашлик, мен сенга айтсам, фан асосини ташкил этади, — деди муаллим орқамдан эшикни қия очиб.

Эшик орқасида туриб, синфдошларимнинг кулгиси остида муаллим мени аҳмоқдан олиб аҳмоққа солаётганини эшитдим. Чидаб туролмадим: эшикни шарт очиб бақирдим:

— Сиз эса... Достоевскийни билмайсиз!

— Достоевскийнинг билан кўшмазор бўл!.. Йўқол! — Муаллим мен томонга илдам юриб кела бошлади. Мени шарманда қилган тригонометрия фанини бўралаб сўқарканман, ўзимга ўзим тасалли бериб ташқарига чиқдим. Қулоғим остида синфдошларимнинг суяк-суякка бориб тегадиган кулгиси жаранглари.

«Ҳаммаси товўқмия. Бурнидан нарини кўрмайди! — дея ўйлардим мен. — Нимани ҳам ўрганардинг улардан?» Узимни босиб олдим; алгебра, химия ва тригонометрия қондалари аста-секин хира тортиб, кўз олдимдан нари кета бошлади. Улардан узоқлашганим сари мени кулдирган, йиғлатган китобларим ўз қучоғига оларди.

Мақтабни бир амаллаб тугатдим. Қувончимнинг чеки-чегараси йўқ эди. Шу бугундан эътиборан ҳеч ким анави шайтонча рақсга тушадиган рақам ва ҳарфлар маъносини қидиришга мени мажбур қилолмайди! Елкамдан тоғ ағдарилди. Уйга келиб онамга мактабни тугаллаганимни айтдим. У мандан:

— Энди нима қилмоқчисан? — дея сўради.

— Ҳеч нарса!

Отамнинг оёқ товуши эшитилди. Кейин ўзи пайдо бўлди. Одатдагидек, бизга бефарққина қараб қўйди. Мен жим бўлдим, онамнинг ҳам нафаси ичига тушиб кетди.

— Нима гап? — деди отам.

— Мен мактабни тугатдим! — дея қувончимни ичимга сиғдириб қолмади.

— Шу вақтгача бир нарсанинг маъзини чақмадинг-чақмадинг-да, — деди отам олдимга келаркан, астагина.

— Нима экан у?

— Туриш-турмушинг билан сариқ чақага арзимайсан!

— Мактабни битирдим, қўлимда гувоҳномам бор, — дедим довдираб. — Адабиётдан «ўн» баҳо олганман, тарихдан ҳам!


— Ол-а!

— Ҳатто химиядан ҳам, тригонометриядан ҳам...

Отам гувоҳномамни қўлга олди, у ёқ-бу ёғини айлан-тириб кўрди-да, тўсатдан бурчакка улоқтирди.

— Нима қилайсиз? Бу, ахир, гувоҳнома-ку! — дея қич-

<sup>1</sup> Афғон мактабларида ўн балли баҳолаш усули жорий этилган.



қирдим мен. Отам кўзимга — тригонометрия муаллими, хонамиз эса синфга ўхшаб кўриниб кетди.

— Елкангдаги калла эмас, қовоқ! — дея тўнғиллади «муаллим» — отам.

— Қовоқ эмас! Мен Тургеневни яхши биламан, Стендални ўқиганман. Мен... фақат шу чалкашлиқларни... Қолаверса, шу тригонометриянинг нима кераги бор?!

— Болагинам, сенга нима бўлди, отанга бақирясан-а? — Онаминг овози қалтираб эшитилди.

Отам ерда ётган ёғимланган гувоҳномани олди-да, гугурт қақиб унга тудди: оловнинг ингичка тили орасидан отамнинг кулаётган кўзлари кўринарди. Оловни бурним тағига олиб келди.

— Менга қара, сен тиббиёт ўқишига кирасан! Табиб бўлиб чиқасан, тушундингми?! Пул топишни ўрган. Кўп пул керак инсонга! — Отамнинг кўзларидаги бепарқлик ўрнини ёвузлик эгаллади.

— Бир дунё пулнинг менга нима кераги бор? — дедим титраб-қақшаб.

— Манави тентакка бир қаранглр? — Отам кўлини кўлига қарсиллатиб урди. — Пулнинг нима кераги бор, дейди-я! Наҳотки, сен баобру одам бўлишни истамасанг? Нима бало, калланг ростакамига қовоқми дейман...

— Болагинаминг калласи қовоқ бўлиб ўсибдими... — деди онам ёнимни олган бўлиб.

— Овозингни ўчир! — дея чўрт кесди отам. — Мен, манави каллами ёки қовоқми — шуни аниқлаб олмоқчиман. Тоқатим тоқ бўлиб бақириб юбордим:

— Миям бор!

— Демак, тиббиётни ўрганасан! — Отамнинг овози бирдан майинлашди, ҳатто ялингасимон эшитила бошлади қулоғимга.

— Тиббиётга ўқий қол, — дея ҳамон овози қалтираб гапга аралашди онам.

Отам яна дағдаға қилди:

— Сен жим бўл! Ўзи учун ўзи жавоб берсин.

Кўз олдим қоронғилашди, лаънати ракам ва ҳарфлар яна рақс туша бошлади. Нақ қулоқларим остида тригонометрия муаллимининг овози жаранглаб кетди.

— Тиббиётни ўқимайман! Табиб бўлмайман! Пул ҳам керак эмас!

Гапиришга гапириб қўйдим-у, отам менинг бу шижоатим учун бурда-бурда қилиб юборса керак, деган хаёлга бориб, тиззаларим қалтираб бошлади. Бироқ, аксинча, отам ўзини анчагина босиб олган, хотиржам тортган эди.

— Пул сенга керак бўлмаса, мана, бизларга керак! Онанга, менга — ҳаммамизга!

— Табиб бўлишни истамайман! — дедим янада қатъий оҳангда. — Ҳар кимнинг ўз қобилияти, ўз хоҳиши бўлади.

— Хўш, нима қилмоқчисан? — Отам яна жазавога туша бошлади.

— Ёзувчи бўлмоқчиман. Бўламан ҳам!

Хонага қулоқни тешиб юборгудек сукунат чўкди. Кейин отам аста-аста юриб олдимга келди, иягимдан маҳкам ушлади-да, юзимни яхшироқ кўриш учун бўлса керак, судраб дераза олдига олиб борди.

— Ким бўлмоқчисан, қайтар? Яхши англамадим...

— Ёзувчи! Ёзувчи!

— Ёзувчилар нима иш қилади? Қанча пул топади улар?

— Фақат пул-пул дейсиз? Инсон биринчи навбатда меҳнат қилиши керак, ижод! Пул ҳеч нарсани белгиламайди!

Отам туюқиб кетди:

— Сен ростдан ҳам қип-қизил аҳмоқ экансан-ку!

— «Ёзувчи» нима дегани ўзи? — дея онам жон ҳовучлаб қизиқсинган бўлди.

— Ёзоди, ижод қилади. Тушунасизми, ёзоди! Ёзиш — унинг асосий машғулоти, — дея ҳаяжонланиб жавоб қилдим мен.

— Демак, сен котиб бўлмоқчисан, шундайми?

Ўзимни тутолмай, думалагудек кула бошладим.

— Ёзувчи дегани — котиб дегани эмас!

— Ҳа, саркотиб бўласанми?

— Йўқ! Мен ёзувчи бўламан! Ё парвардигор, қандай қилиб тушунтирсан экан? Бальзакни, Чеховни, Гоголни эшитганмисиз? Ҳаммаси ёзувчи эди, қисса, ҳикоялар ёзган улар...

— Хўш, сен нимани ёзасан? — деб сўради отам.

— Бу нима деганингиз? Ўзим ҳақимда, сиз, онам, кўни-қўшнилр ҳақида...

— Ёзганларинг нима бўлади? — Отам тобора қизиқиб борарди.

— Ёзганларимни газета-журналлар чоп этади. Ўқиганлар ўзи ҳақида, теварак-атрофдаги ҳаёт ҳақида маълумот олади.

— Бўлди, бас! Ҳаммасини тушундим, сен бизларни шарманда қилмоқчисан! Одамларга майна қилиб кўрсатмоқчисан. Нега табиб бўлмайман дейсан? Кўпчиликнинг ҳурматига лойиқ бўлишни нега истамайсан?!

— Ҳурматли бўлиш кимга ёқмайди. Лекин табиб бўлмайман! Жиним суймайди.

Қанча тортишмайлик, ҳақ эканимга отамни барибир ишонтира олмадим.

Ўша кундан эътиборан мен баъзи фикрларни қоғозга тушира бошладим. Кўз олдимда одоб-ахлоқда ҳавас қилса арзийдиган одамлар, бадфеъл кимсалар, бадавлат ва камбағаллар гавдаланаверди, уларни қоғозга туширишга ошиқар эдим. Тасаввуримда турли-туман воқеалар аниқ-тиниқ жонланадиган бўлди.

Биринчи ҳикоя ёзилганидан кейин бамайлихотир ўтириб уни ўқиб чиқдим-да, тайинли бирор гап йўқлигини тушундим. Бурда-бурда қилиб йиртиб, қайта ёзишга киришдим. Яна биттасини тугатиб ўқиб чиқдим, кўнглим тўлмагач, иккиланмасдан йиртиб ташладим. Мен девордаги суратларга тикилиб, у ёқдан бу ёққа юришга тушдим.

— Қаҳрамонларингни қандай яратгансан? Сюжетларни қаёқдан олдинг, а? — дея шивирлардим Достоевскийга қараб. Жавоб йўқ.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Тинмай ишлайвердим, озиб кетсам ҳам ёзишни бас қилмадим. Отамнинг кўзига қарийб кўринмасдим. Онаминг гапига қараганда, у ҳали ҳам жаҳлдан тушмаган, аксинча, мендан ранжиб юрган эмиш. Худо хоҳласа, энди тирикчилигимиз изга тушиб кетади, деганга ўхшаш орзу-умидларининг илдизига болта урган эмишман. Гоҳида мени тушида ҳам кўриб чиқармиш. Онам, бўлмағур ишингни ташла, тиббиёт билан шуғулланақол, деб яллиб-ёлворарди. Мен эса қароримдан қайтмасдим.

Ниҳоят, бир куни тайёр ҳикоямни кўтариб журнал редакциясига бордим. Кўрқа-писа бир хонага кирдим: тўрт тарафда ходимлар ўтиришарди. Кўзим негадир қалпоқ кийган, кўзойнакли озгин одамга тушди.

— Хўш, нима дейсан? — деди у мени кўриши билан.

— Мана... ҳикоя олиб келдим.

— Қани бер-чи? — Мухаррир ҳикояга қўл чўзди. Уни столнинг бир чеккасига қўйди-да, шу заҳоти мени ҳам, ҳикоямни ҳам унутиб, тирноғини кавлай бошлади.

— Буни эълон қиласизми? — дея аранг овоз чиқариб сўрадим мен.

— Сендақалардан қулоғим тинчийдими-йўқми! — деб жеркиб берди у. — Ҳаммаларинг менга ёпишиб олдиларинг! Босадими, йўқми — мен қаёқдан биламан?! Балки босмахонага бориб ҳарф терувчининг миясини қотиргин ҳам, дерсан? Кейин бориб гранкаларни ўқиб чиқай, сенга қалам ҳақи ҳам ёзиб берай, а?!

— Мен... мен нима гуноҳ қилдим? Худо ҳаққи, менда айб йўқ, — дея дудуқланиб жавоб қилдим мен ва югуриб хонадан чиқиб кетдим.

Бутун ниятларим бирийла барбод бўлди. Вужудимни умидсизлик чулғади. Келажак билан боғлиқ орзу-умид, режаларим шунчаки хомхаёл эканини тушундим.

Орадан икки кун ўтгач ҳикоя тақдирини билиш учун елкамни қисиб яна редакцияга бордим ва саҳифанинг четига битилган ёзувларга кўзим тушиши билан бўшашиб кетдим: ҳикояни босишнинг иложи йўқ! Тарвузим кўлтигимдан тушиб, бошим оққан томонга юриб кетдим. Шаҳар чеккасига чиқиб қолганимдагина ўзимга келдим. Чор тарафда зоғ кўринмайди. Жилға ёқасига келиб, чўнкайиб ўтирдим, ҳикоямни йиртиб-йиртиб сувга отдим. Кўзимга ёш қуйилиб келди. Иккинчи бор қўлга қалам олмасликка қарор қилдим. Бошқа машғулот топарман. Эҳтимол, тиббиёт билан шуғулланарман...

Ўйга қайтиб, хонага киришим билан девордаги су-

ратларга қарадим. Ёзувчилар мени тоқатсизлигим учун койиётгандек туюлди. Жек Лондон бўлса, ҳатто, «Мартин Иден»ни ўқиганмисан, ўша қаҳрамонимдан ўрناق ол», деяётгандай бўлди.

«Йўқ, барибир мен ёзувчи бўламан!», деган қарорга келдим.

Эртаси куни янги ҳикояни бошқа бир редакцияга олиб бордим. Редакциядагилар, ҳикояда жон бор, сендан умид қилса бўлади, дейишди. Мен яна қалам қитирлатишга киришдим. Навбатдаги ҳикояни аввалги журнал редакциясига йўладим. Бу сафар ҳам, ҳикоя жуда бўш, деб қайтариб беришди. Кун оралатиб яна биттасини олиб бордим, буни-сини ҳам қўлимга тутқазди. Энди мен журнал ходимларининг барини танийдиган, кўча-кўйда учрашиб қолсак, сўрашадиган бўлдим, бироқ ҳикояларимни улар қандайдир қатъият билан қайтаришаверди.

Кунлардан бир куни хонамга онам кириб келди, ранги доқадек оқариб кетган, нимадандир қаттиқ ҳаяжонда.

— Отанг ётиб қолди. Икки кундирки, жонсарак. Бориб табибни чақириб келгин!

Мен табибни бошлаб келиб, отам ётган хонага кирдим. Уни кўрдим-у, кўзларимга ишонмадим. Ранги-рўйи сарғайиб, чўп-стихон бўли ётарди.

— Бу ким? — Отам табиб томонга аранг бошини ўгириб сўради.

— Табиб! Сизни даволагани келдилар,— деди онам аста.

— Табибман, денг?

— Ҳа, ҳа, нимаиди? Ё бирон...

— Ҳовли-жойингиз борми?

— Бор.

Назаримда, табиб ўзини ноқулай сеза бошлади.

— Машичангиз-чи?

— Машинам ҳам бор.

— Бир ойда қанча пул топасиз? — Отам тобора ҳаяжонлиб сўради.

— Ота, яхши эмас, — дедим мен.

— Овозингни ўчир! — дея отам мени жеркиб ташлади. — Мана бу одамга бир қара: бу киши табиб бўладилар! Тиббиётни ўқиганлар. Машиналари, уйлари бор... Қани, айтақолинг, бир ойда қанча пул топасиз?

— Отажон, керак эмас!..

— Жим бўл!

— Ақлдан озибсиз!

— Ё парвардигор, у мени эс-ҳушидан айрилган санаяпти! — Отам туюқиб, ғазабдан дағ-дағ титраб кетди. — Йўқол! Нега бу ерга келдинг! Йўқол, кўзимга кўринма! Ёзмакаш.

Табиб отамнинг биллагига игна санчди. Орадан кўп ўтмай у уйқуба кетди.

— Асаблари ҳаддан зиёд толиққан. Ором олиши керак, — деди табиб ва дори-дармон ёзиб берди.

...Ҳикоя эълон қилинадиган кун етиб келди. Азбаройи хурсанд бўлганимдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Журнал қўлимга теккач, ҳикоямни кўрдиму... Қувончдан нақ ўлиб қолай дедим! Бу менинг ҳикоям эди! Тагида менинг имзом турибди! Ниҳоят, мен ёзувчи бўлдим! Журнални кўлимда ҳилпиратганча уйга чопдим. Онамнинг қучоғига отилдим.

— Мана, онажон, қаранг! Менинг ҳикоям!

Онам ҳарф танимасди, саҳифаларга шунчаки кўз югуртирди-да, майин жилмайиб қўйди. Онамнинг кўзлари меҳр ёшлари билан намланган эди. Шунда мен илк мартаба биргина онам менга хайрихоҳ эканини чуқур англадим.

Орадан бир неча кун ўтди. Хонамга онам мўраллади. Лаблари титрайди, руҳи синиқ. У келиб қўлларини бошимга қўйди.

— Яна битта ҳикояни қоғозга туширяпман! Бева хотин тўғрисида... — дедим мен кулишга ҳаракат қилиб.

— Ёзавер, ўғлим! Нима ҳақда ёзсанг ҳам, майли, ихтиёр ўзингда, — деди онам тоқатсизлик билан. — Сен, ахир, ишлаб пул топишинг керак-ку! Мана, икки ҳафтадирки, отанг бетоб ётибди. Ҳатто сичқонлар ҳам уйимизга йўламай қўйди.

— Мен, мен чопиб бориб журналдан қалам ҳақини олиб келаман.

Редакцияда хонама-хона тоза изғидим. Ниҳоят, керакли имзоларни тўплагач, қалам ҳақи қўлимга тегди. Арзимаган пул эди, мен ҳатто уялиб кетдим. Уйга қайтгач, тўғри хонамга кириб, қамалиб олдим. Онамнинг кўзларига кўринмай қўяқолай... Назаримда, ёзувчиларни ҳам уятга қўйгандекман...

Кутилмаганда кулги эшитилди. Достоевский куларди! Кейин бошқалар ҳам кула бошлашди. Беихтиёр мен ҳам уларга қўшилдим.

Бирдан хонамга жимлик чўкди. Сал ўтмай остонада отам кўринди. Юзлари бўзариб кетган, бутун вужуди титраб-қақшар, йиқилиб қолмаслик учун эшикни маҳкам ушлаб олган эди. Онам кўрқа-писа ортидан келди.

— Тур йўқол! Сендақа ўғлим йўқ менинг! Ҳеч кимим йўқ! — Отамнинг қалтираётган овозини эшитиб қўрқиб кетдим. — Кет, сендақа ёзмачининг менга кераги йўқ!

— Узи нима гап? Сизларга нима ёмонлик қилдим! — Тилимга шундан ўзга калима келмасди.

— Емай, ичмай, кунни — кун, тунни — тун демай, сени боқиб катта қилган эдим, қариганимда кунимга ярайди, деб! Одам бўлармикансан, деб! Одам бўлмадинг. — Отам оғир-оғир нафас оларди. У шартта девор томонга ўгирилди. — Бу суратларни нима қиламан, пишириб ейманми? Сенинг қоғозларингни нима қиламан? — У шундай деб девордаги суратларни кўчира бошлади.

— Нима қиялпсиз, ота? Нима қиялпсиз, деяпман! — Мен уни ушлаб қолмоқчи бўлдим. Аммо у кескин бир ҳаракат билан мени туртиб юборди ва суратларни гижимлаб, деразадан ташқарига улоқтирди. Ортидан китобларим ҳам уча бошлади.

Мен кўчага отилдим. Очиқ-сочиқ суратлар, титилган китоблар теварагида бир тўда бола йиғилган эди. Мен китобларимни йиғиштира бошладим.

— Қорнингни ўзинг тўйғазиб кўр-чи! — деб қичқирди отам деразани тарақлатиб ёпаркан. Сўнг қулфнинг шириқ-шириғи эшитилди.

Болалар айрича қизиқиш ҳам таажжуб билан менга қараб туришарди.

— Сени нима учун ҳайдашди? — дея сўради улардан бири.

— Ёзувчи бўлганим учун!

— Бу шунақа ёмон ишми?

— Ҳа, жуда ёмон! Шармандалик! Ёзувчи дегани — бир бурда нонга пул тополмайдиган одам дегани.

— Сен ўзинга бошқа иш топ. Қассоб бўл! Пичоғинг доим мой устида туради, — дея мени тинчлантиришга ҳаракат қилди иккинчи бола.

— Албатта, мен ўзимга иш топаман. Балки, ҳақиқатан ҳам қассоб бўларман.

— Менинг катта акам — қассоб, отам уни жонидан ортиқ яхши кўради, — деди ҳалиги болакай менга китобларимни йиғиштиришда ёрдам бераркан. — Айтайми, акам сени ўзига ёрдамчи қилиб олсинми?

— Уйлаб кўраман, — дея жавоб қилдим аччиқ кулиб.

Китобларни йиғиштирдиму йўлга тушдим. Қаёққа — ўзим ҳам билмасдим. Бир нима еб олгим келди; очлик тобора забтига ола бошлади.



# Ялангоёқ

Унинг исми Самандар бўлиб, биз билан бешинчи синфда ўқирди. Уни кўришим биланоқ юрагим қонга тўларди, олдида нима учундир ўзимни гуноҳкордек ҳис эта бошлардим. Бошқа болалар ҳам шундай мунгайиб-иб қолар эди. Самандар мактабга келди дегунча ҳаммининг унга раҳми келарди. У тўғрида ҳаммининг хулосаси бир эди: Самандар бечора — юпунларнинг юпуни! Гоҳида у болаларнинг шивир-шивирини сезиб қолса, эшитмаганга солар, иложи борича ўзини хилватроқ жойга урар эди.

Ўқувчилар орасида ёши каттаси ҳам Самандар эди. Орамизда биргина у шим киймас, чунки унда шим деган нарсанинг ўзи йўқ, уззукун чолворда юрар эди. Ҳар куни дарс бошланишидан олдин ҳовлида сафга тизиларканмиз, синф назоратчиси Самандарга бир хил савол беришдан ўзини тиёлмасди:

— Чолворингдан ҳеч кўнглингни узолмайсан, бир балоси борми ўзи?

Сафда турганларнинг бари ғижимланган, яғир чолворга тикилар, Самандар эса жавоб ўрнига синф назоратчисига мунгайиб қарар, кейин нажот эштиб бирортамизга ўғирлар эди: «Наҳотки шу гапларни эшитиб сенга ёқаётган бўлса?»

Унинг содда нигоҳи қушхонага олиб борилаётган қўйнинг аҳволини эслатарди. Аммо аҳён-аҳёнда унинг кўзларида англаб бўлмас норозилик аломатлари белги бериб қоларди. Умидсизлик уйғунлашиб кетган норозилик!

— Нега у шим киймайди? — дея баъзилар қизиқсиниб сўраб қоларди.

— Самандар, рост, сен нимага шим киймайсан? — Синф назоратчиси ҳам савол беришдан тинмасди.

Самандарнинг юзи яна ҳам қорайиб кетар, ўзи эса букчайиб-иб қолар эди.

— Биз ялангоёқларга шимнинг нима кераги бор? — дерди.

Бу сўзлар унинг учун ўзига хос ҳимоя восита эди. Узида йўқ бирор нарса хусусида сўз кетса — бўлди, Самандар дарҳол шу ҳимоя усулини қўларди.

Унга кўпгина ўқув қуроллари етишмас, битта ёки иккита дафтари бор эди, холос. Синфдошлари дафтарми, қаламми совға қилмоқчи бўлса, Самандар, гарчанд шу нарсаларни сотиб олиш имконидан маҳрум эканини билсада, бамайлихотир:

— Биз ялангоёқларга қанақадир қалам ёки дафтарнинг нима кераги бор? — дерди худди ёдлаб олган шеърини такрорлагандек.

— Бойваччаларнинг бари зиқна! — дерди яна. Болалар чурқ этишмасди.

— «Ема, ичма — бўл бахил, бой бўлмасанг мен кафил», деганларидек, мабодо зиқна бўлмаса бойлиқни қаёқдан тўпларди, хўш?.. — дея асабий куларди у. — Биз ялангоёқлар зиқна эмасмиз! — Кейин сакраб туриб кетар, доска олдида бориб бўрда нималарнидир чизар экан: — Биз ялангоёқлар-чи? Бизлар зиқна эмасмиз! — деб яна қайтарди аламзада кулги билан. Кейин бўрни айлантириб ўйнар, қўлларини кир чопонининг барига артар эди. — Биз ялангоёқлар киммиз? Етти ухлаб тушингизга ҳам кирмаган, билмайсиз! Биз каллаварамлар дарсларни ўзлаштиролмаймиз! Шунинг ҳам удаллолмаймиз!

\*\*\*

Ўқув йилининг охирилари. Кунлар совиб борарди. Неча кундирки, кўк юзини булут қоплаган, тинмай ёмғир ёғади. Барвақт келган болалар гурунглашиб ўтирган эдик. Бир ҳафтадан бери қорасини кўрсатмаган Самандар синфга кириб келди. Елкасидан зил юк босиб тургандек букчайган, оёғида чориги чипиллайди, бошдан-оёқ лойга беланган. Остонага қадам қўйдию таққа тўхтади. Лабида истеҳзоли кулги ўйнарди.

— Қаранглар, Самандар келди, Самандар! — дея қичқирди кимдир.

У бўлса ҳаммамизга фаромуш қараб чиқди-да, асабий қаҳқаҳа ура бошлади.

— Қараб олинглар! Менга — ялангоёққа қараб олинглар! — деди у қулочини кенг ёйганча.

Сўнг бориб жойига ўтирди. Букчайиб, безгак тутаётгандек қалт-қалт титрайди. Болалар хаҳолай бошлади.

— Сенга нима бўлди, Самандар? Нега бунчалик ичагинг узилиб куляпсан? — дея сўради кимдир.

Бу саволни эшитиши билан Самандар қалқиб кетди. Анчагача нафаси чиқмади. Кейин бошини кўтариб савол берган болага қаттиқ тикилди. Биз уни охири марта бир ҳафта олдин кўрган эдик, бу давр ичиде у яна ҳам озиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган, юзи майиздек буришиб, ажинлари қуюқлашган эди. Қаллоғи орқага сурилганидан оқара бошлаган сочи кўришиб турарди.

— Менми... ўзимнинг устимдан куляпман, — дея қалтираётган қўлларини силтади у. — Биз ялангоёқлар!.. Сен ўзинг биласанми, биз ялангоёқларга қанчалик... — У ҳеч кимга қарамай ўзи билан ўзи гаплашаётгандай эди. — Сен биласанми, уйда ўрдаклар сузиб юрса, чакка ўтиб ётса...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Очиги, Самандарнинг ўзи ҳам жавоб кутаётгани йўқ эди.

— Мана, қаранглар, — у шипни кўрсатди, — анави ердан, анави ердан худди челақлаб қуяётгандай чакка ўтиб ётибди. Нима қилиш керак? — Сўнг кўзини ерга қадади. — Шунда манави ерга тоғора қўйиб керак бўлади, анави ерга тоғора, у ёққа ҳам... Бечора онам... Биз ялангоёқлар туни билан томга тупроқ ташиймиз! Шиббалашимиз керак, совуқдан тарашадек қотишимиз керак! Бечора онажоним эса юкнинг оғирлигидан ерга кириб кетай дейди. — Самандар пиқиллай бошлади. — Ё парвардигори олам! Биз ялангоёқлар...

Болалар унинг важоҳатидан сеҳрлангандек қилт этишмас, юз ифодаларидан ачинашаётгани кўришиб турар эди. Самандар ташқарига қаради. Емғир тинган, осмон гардиши ёришиб борарди.

— Жинкўчамизда кимдир кўққисдан чинқириб юборди. Кейин кимдир оёғини қўлига олиб югуриб кетди. Қайтиб келиб акамнинг олиб кетилганини айтди... Уғрилиқ қилганмиш. Велосипед ўғирлаганмиш... Онам, бечора, шўрпешона онам! — Самандар хўнграб йиғлаб юборди. — Онам бечора, бу қандай кўргилик, деб сочларини юлади. Челақлаб қуяётгандай томдан тинмай чакка ўтади. Азбаройи жон-жаҳди билан бақиргани учунми, йўтали тўтиб, овози чиқмай қолди. Бунинг устига, тинмай йиғлайди.

Кўнгирак жиринглади. Кейин, одатдагидек, қулоқни қоматга келтириб хўштак чалинди: демак, ҳовлига чиқиб икки қатор сафга тизилишимиз керак. Ҳовли саҳни билчиллаган лой, оёқ босиб бўлмайди. Чақиршияптими, демак, бирор зарур гап бор.

— Қани, юр-чи, нима гап экан? — дейишди Самандарни ўраб турган болалар. Таажжубки, у негадир қаршилиқ қилмади, болаларга эргашиб ташқарига чиқди. Дам олдинга ўтиб, дам ортда қолиб, ҳикоясини давом эттираварди:

— Биласанми, шунда онам бечора, акамнинг ҳолидан хабар олиб келгин, нима гап экан, деди. Шу аҳволда мен акамни қидириб кетдим. Кетяпман-у, қалт-қалт титрайман... Уст-бошимга қараб бўлмайди, лой. Бу орада бир миршаб мени тўхтатди: «Қаёққа кетяпсан? Нима иш билан?» Мен акамни кўрмоқчи эканини айтган эдим, у: «Аканг ким ўзи?», дея яна сўроққа тутди. Уни уйдан олиб кетишди, велосипед ўғирлаган экан, дейишимни биламан, миршаб гапимни охиригача эшитмаёқ, сўкина-сўкина олдига солиб ҳайдаб юборди.

Ҳаммамиз мактаб ҳовлисига йиғилдик. Дам ўтмай муаллимлар чиқиб келди ва пиллапоядан айвончага кўтарилди. Олдинда тепакал, кўзойнак таққан нотаниш кимса. У сафга тизилган болаларни намойишдаги генералдек бирма-бир кўздан кечирди. Самандар бўлса, на муаллимларга, на кўзойнакли меҳмонга парво қилар, дам у болага, дам бу болага кечаги воқеаларни гапирар эди. Болаларнинг енгидан тортқилар, тирсаги билан нуқиб, кўзларининг пахтаси чиққудек олазарак боқар, қуруқшаган



лаблари титрар, ҳар бир сўздан кейин чуқур-чуқур нафас олар эди.

— Кўрсамки, акам қаддини кўтаролмайди, юзини қўллари билан беркитиб олган... Мен унга, нега бундай қилдинг, дейман. У чурқ этмайди... Мен саволимни қайтараман. У яна лом-миш демайди. Миршаб бўлса ёнимиздан нари кетмайди, гапларимизни эшитиб турибдию нуқул тиржаёди. Акамнинг энгидан тортқилаб йиғлайман, нима учун ўғрилиқ қилганини билмоқчи бўламан. Акам бирдан бошини кўтарди. Кўзлари қизариб кетган эди. У негадир овози борича бақирди: «Сенлар туз тотилинг керакмиди ёки йўқми?!»

Илмий мудир сафни тартибга чақирди, гап-сўзлар бас қилинишини талаб қилди. Ҳамма жим бўлди, фақат Самандарнинг гапи тугамас, бидирлагани-бидирлаган эди. У яна-яна гапиришни истарди... Илмий мудир маъноли томоқ қирди, қошларини чимирди, пешонасида қат-қат ажинлар пайдо бўлди.

— Қимматли болалар! — деди у қандайдир нотабиий овозда. — Мана, бир неча кун бўлдики, мактабимизга янги директор тайинланган. У киши сизлар билан яқинроқ танишиб олмақчи. Бугун...

Самандар ҳамон гапдан тўхтамас, дам у болага, дам бу болага ниманидир шивирлар эди.

— Шундай қилиб, миршаб акамга, овозингни ўчир, деди. Акам олдиниға унга итоат қилди. Кейин овозининг борича бақирди: «Латтасан!», деса бўладими. Шунда миршаб камарига ёпишди... Даҳшат! Умринг бино бўлиб миршабнинг камарини ҳеч кўрганмисан? Шундай пишиқ тўқилганки! Мен ўз кўзим билан кўрдим...

Илмий мудир янги директорга сўз берди. У босиқлик билан панд-насихатини бошлади: мунтазам келиб туришимиз, дарсларни яхши ўзлаштиришимиз, жамиятга наф келтирадиган кишилар бўлиб етишишга ҳаракат қилишимиз кераклигини уқтирди.

Директорнинг гапларини биргина Самандар тингламасди. Болалар эса бу ҳолдан ўзларини ноқулай ҳис этишар, ундан нарироқ туришга, жилла кўрса ўғрилиб олишга ҳаракат қилишар эди. Бироқ Самандар уларни тинч кўяй демасди.

— Жим бўлсан-чи, ахир, директор гапиряпти-ку! — дея кимдир норози оҳангда шивирлади. Ёнидагиси ҳам унинг гапини маъқуллади. Самандар шундагина тилини тишлаб кўзойнакли одамга қаради.

— Нима? Директор деганлари шуми? — деди худди энди уйкудан тургандек.

— ...мен сизга нима дедим: ҳамма бало саводсизлиги омилликда! — дерди директор ҳамон бир маромда минғирлаганча. — Масалан, кун кеча тарбиясиз бир ўспирин уйимга кириб велосипедимни ўғирлаб кетди. Хайрият, ҳақиқат қарор топди — кўп ўтмай у қўлга олинди. Бу пасткаш йигитча яхши тарбия олмагани ҳамда мактабда савод чиқармагани учун ўғирлик қилган...

Самандарнинг юзи кўмирдек қорайиб кетди. Лабини устма-уст асабий ялади. Директорни қуршаб турган муаллимлар бош қимирлатишар, ора-сира, ҳа, шундай, деб қўйишар эди.

Азбаройи қаттиқ ҳаяжонланганидан Самандарнинг вужудига титроқ кирган, ҳамма нарсани унутиб, бутун борлиги билан гапга кулоқ солар эди.

— Ҳа-ҳа, худди шундай! Уша йигитча саводи бўлмагани, тарбияси бузилгани учун ўғирлик қилди!.. — деди директор.

— Йўқ, бўлмаган гап! — дея Самандар директорнинг гапини чўрт кесди. — Очлик-чи?! Томдан тинмай чакка ўтиб турса-чи?! Унинг ичи кўчадан ҳам совуқ бўлса-чи?! Она бечора йўталавериб, бўғилиб қолса-чи?! Тарбия билан саводнинг бунга нима алоқаси бор! — дея қичқирди Самандар.

Директор пастга нақ отилиб тушди, Самандарга ташланди; ҳаммаёқ ғала-ғовур бўлиб кетди. Директорнинг юзи ғазабдан титрай бошлади. Шунда Самандар сафдан чиқиб,

пиллапояга кўтарилди-да, кўрсаткич бармоғини директорга бигиз қилиб:

— Ғирт ёлғон гапирясан! — деди.

Директор ўзини йўқотиб қўйди.

— Ялангоёқ! Нима деяётганингни биласанми?

— Биаламан! — деб қичқирди Самандар. — Биз ялангоёқлар ҳаммасини тушунамиз! Биз ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Чакка ўтганини ҳам, очлик нималигини ҳам биламиз... Нима, бизларга нон керак эмасми?! Қани, гапиринг! Миршабнинг камарини ҳам биламиз. Сенинг ҳамма гапинг ёлғон! Мана, сен: саводлисан, одоблисан, миршабнинг камарини биласанми?

— Жим бўл! Безори! — Директор хириллаб қолди.

Самандарнинг букри гавдаси бирдан алпдек бўлди-қолди. У бир сакраб директорнинг ёнида пайдо бўлди ва унинг бўғзидан олиб пастга тортди. Мувозанатини йўқотган директор гулзорга думалаб тушди. Атрофни қий-чув босиб кетди. Муаллимлар тупроққа беланган директорни талаш-тортишиб оёққа турғазиб қўйишди. Унинг лаби ёрилган, кимдир тўс-тўполонда кўзойнагини босиб олиб, чил-чил синдирган эди. Директор дағ-дағ титрар, ўтақаси ёрилган болалар эса Самандарни бир чеккага олиб чиқмоқчи бўлишар, бироқ у болаларни нари-бери итариб, мудирга бақирини бас қилмас эди.

— Биз ялангоёқлар ҳаммасини биламиз! Сенлар биз ҳақимизда ҳеч нарсани билмайсанлар. Қулоқ солинглар, мен ҳам гапирай, ахир! — Кейин у жим бўлиб қолди, гўё ўзини қўлга олгандек эди. — Биз камбағаллар ҳақида барибир ҳеч нарса билмайсанлар! — дея яна қичқирди у, сўнг ҳушидан кетиб йиқилди.

Мен шундагина унинг ҳар сафар «биз ялангоёқлар» деганига «Биз камбағаллар» демоқчи эканини тушундим.

...Уша воқеадан сўнг анча вақт ўтди. Самандарни қарийб эсдан чиқариб юборган эдим. Кечаги кунгача... Кун кеча у билан тасодифан учрашиб қолдик. Мен унга мактабдаги воқеани эслатдим.

Эрталаб ишга келганимдан сўнг бир кимсанинг ишини текшириш менга топширилди. Маълум бўлишича, бир катта жаноб турадиган уйга бостириб кириб, эр-хотинни ўлдириб кетибди. Орадан бир дақиқа ўтдим, йўқми, хонамга маҳбусни олиб киришди. Соқоли ўсиб кетган, юзи алланечук қора, сочиға кўпдан бери тарақ тегмаган, руҳи синиқ эди. Оёғида эски чорик, эғнида титилиб битган чопон. Гавдаси ўзига оғирлик қилаётгандек, олдга бир оз энгашган, қўллари орқасига боғланган эди. Мен Самандарни дарҳол танидим, беихтиёр ўрнимдан туриб у билан кўришмоқчи бўлдим-у, бироқ ниятимдан қайтдим. Ҳарқалай, мен миршабман, у — маҳбус-қотил, яхши эмас. У ҳам мени танигандек бўлди.

— Демак, одам ўлдирдинг? — дедим мен.

— Утирсам бўладими?

— Утир, ўтиравер...

Курсига ҳорғин чўқаркан, унинг нигоҳи чоригининг тешик учига қадалиб қолди. Хаёлга толдим — билиб бўлмасди.

— Одам ўлдирдингми? — дея тақрор сўрадим мен.

Бу ерга келтирилладиганлардан фарқли ўлароқ, у ҳеч нарсани инкор қилмас, ҳаммасини бўйнига олар эди. Ўзини оқлашга ҳам ҳаракат қилмасди.

— Сиз ҳали янги одамсиз, — деди у ниҳоят, аммо бошини кўтариб менга қарамади, — менинг эса бу ерга биринчи бор келишим эмас. Охириг марта бундан икки йил аввал... Унда сиз йўқ эдингиз. Келинг, майли, гапини чўзиб ўтирмайлик. Ҳа, мен ўлдирдим. Нима қиламиз, бошқа иложимиз йўқ-да... — У бирпас жим бўлиб қолди. Сўнг нафаси ичига тушиб, қўшиб қўйди: — Биз ялангоёқларнинг!...

У титраб-қақшаб менга қаради. Утмиш воқеалар қайта жонланаётгандек, кўз олдидан бирма-бир ўтаётгандек туюлди менга. У шундай қаттиқ ихрадики, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Узун чопонининг бари билан ёноқларини аста артди-да:

— Ҳа, биз ялангоёқлар... Биз камбағаллар... Биз камбағалларга нима ҳам қолди... — деди хўрсиниб.



Фарҳод Файзиев

## Мўйқалам сеҳри



Шу рассом Темуғолиб Жамолиддинов ўз «дастхат»и, услуби ва мавзуи билан кўлдан бери мухлислар эътиборини жалб этиб келмоқда. У яратган ҳар бир асардаги ёрқин чизгилар, бири-бирига вобаста ранглар ва ниҳоят, полотнода тасвирланган воқеликка мусаввирнинг ижодкор ва граждон сифатидаги конкрет муносабати хотирангизда ўчмас из қолдиради. Шу боис бўлса керак, рассом яратган асарларни, у рангтавир ёхуд графика жанрида бўлишидан қатъий назар бир кўришдаёқ илғаш, «Бу Темуғолиб мўйқаламига мансуб», дея эътироф этиш мумкин.

Темуғолиб ижодий фаолиятига назар ташласак, чиндан ҳам унинг асарларини бирлаштириб турувчи ўзак мавзу, аксарият картиналарига хос умумий, туб белги ва хусусиятлар кўзга ташланади. Мусаввир ўзининг бир қатор асарларини яратишда муайян бадий асар сюжетини, ундаги рассом тасаввири, фантазиясига туртки берадиган эътиборга молик мотивларни асос қилиб олади. Унга, айниқса, ўзбек классик поэзияси, Шарқ халқларининг узоқ ўтмиши билан боғлиқ адабиётлар руҳи қалбани яқин эканлигини, бундай асарларни у бой ижодий озик манбаи сифатида идрок этишини яққол ҳис қилиш мумкин. Зотан, рассом эътирофига кўра, ижодининг мазкур мавзуга иштиёқи гоётада кучли, бундай асарлар устида у ўзгача илҳом, айрича завқ-шавқ, чанқоқлик билан изланади.

...Бамисли чўгдек ёнган гилам узра бир гуруҳ ҳусну малоҳат, назокатда тенгсиз қизлар давра қурган. Улардан ҳар бирининг либослари бағоят кўркам — соҳибасининг ҳуснига боз ҳусн ато этган. Ана шу мўйжазгина муҳитни тенгсиз латофатлари билан нурафшон этган бу парирӯхсорларнинг ҳар бири ҳолатида аёлларга хос ҳаё, ибо, ифрат мужассам. Бироқ қизларнинг бу ҳолати ботинидаги забун руҳини, уларнинг ададсиз дарду изтиробдан пажмурда қалбини англаш, ҳис этиш мушкул эмас. Зеро гулгун чехралардаги залил ифода ана шундан шаҳодат беради. Уртадаги гулдор мис лаганда эса бир бутун анор учга бўлиб қўйилган, гўё анор доналари қизларнинг ял-ял ёнган ол

ёноқларидан ранг олгандек. Орқада, ганч ҳамда нақш билан ишланган деворнинг сўл қисмида икки севишган қалб — ошми йигитнинг маҳбубаси билан висол онларидаги мастона туйғуларни зуҳур этилган. Унг томонда эса ичкари фожиасига мансуб мудҳиш воқелик аксини кўрамиз.

Мана, Темуғолиб Жамолиддинов яратган биргина «Анор» картинасининг мухтасар тавсифи.

Мен бу картина билан илк бор ўрта мактабнинг тўққизинчи синфида ўқиб юрган кезларимда танишгандим. Ушанда картина қаршисида узоқ туриб қолганим, ундан сира кўз узолмаганим ҳали-ҳануз ёдимда. Кейин уйга қайтгач ҳам бу асар талай вақтгача кўз ўнгимдан кетмади. Уйимиз яқин бўлгани туфайли музейга бир ҳафта чамаси ҳар кун қатнадим. Ҳа, фақат ана шу картинани яна бир бор кўриш иштиёқида. Ушан кезлар «Анор» картинаси нимаси билан мени мафтун этганини Балки сиртқи гўзаллиги, бир қарашда ярқ этиб кўзга ташланган диган жозиб кучи биландир!

Буни аниқ эслаёлмайман.

«Анор» ҳозир қайси жиҳати, хусусиятлари билан мен учун қадрли!

Биринчидан, мазкур картинадаги мусаввирнинг образли ифода воситалари, рамзий деталлари усталик билан кўллай билиш маҳорати эътиборга молик омиллардан бириндир. «Анор»ни йиғма, умумлашма бадий асар сифатида идрок этиш мумкин. Негаки, рассомнинг ана шу картинаси билан қачон ошно бўлмай, қанчадан-қанча истеъдод ва тафаккур соҳибаларининг йўлига тўғаноқ, умрига завол бўлган, уларнинг эрки, озодлигига раҳна солиб, «ичкари» чўрисига, ожизага айлантирган жаҳолат фожиаси ҳақидаги ўқиган-билганларим кўрган-эшитганларим тасаввуримда жонланади, кўз ўнгимдан бирма-бир ўтаверади.

Иккинчидан, асардаги ёрқин миллий колорит, ўзига хос поэтика, айрича мусиқийлик унинг таъсирчанлигини янада оширган, мухлислар эътиборини забт этишига асос бўлган. Зеро, асардан «таралаётган» мунгли наволар, уфур ҳаволари ундан баҳраманд бўлган ҳар бир кишига чексиз завқ бағишлайди. Бу хусусият рассомнинг шу мавзуда яратган аксарият асарларида зуҳур этади.

Учинчидан, Темуғолиб Жамолиддинов колорит рассом. У бири-бирига уйғун рангларни усталик билан ўз ўрнида истифода этади. Рассом асарларида унинг рангларни танлаш билиш маҳорати яққол кўзга ташланади. Бу эса мусаввирга образ ёки воқеликка хос характер ҳамда кайфиятни инкишоф этишга имкон беради. Зотан, у яратган аксарият полотноларда асарнинг умумий руҳига сингмаган, муаллиф кўзлаган мақсадга хизмат қилмайдиган бирорта ранг учрамайди.

«Анор» картинаси мусаввирнинг узоқ давом этган риёзатли ижодий изланишлари маҳсули сифатида юзага келди. Асарнинг кўллаб эскизлар, хомаки вариантлар силсиласидан сизиб чиққан ягона, тугал варианты мутахассисларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. «Анор» Темуғолиб ижодидида катта аҳамият касб этган асар бўлиб қолди. Мусаввир бу мавзуга яна ҳам кенгроқ мурожаат қилишга, ўтмишда тўрт девор ичиди хўрланган аёллар сурати ва сийратига хос гўзаллигу жозибани бутун мураккабликлари билан мукаммал тасвирлашга аҳд қилди. Бу эса, ўз навбатида, рассомга ўзбек классик поэзиясига мансуб дурдона асарлар муаллифлари, шоирлар Увайсий Нодира, Зебуннисо, Анбар Отин портретларини кашф этишда кўл келди.

Темуғолиб Жамолиддиновнинг ана шу руҳдаги яна бир асарига мурожаат қилайлик. У «Мўйқалам ғазали» деб аталади. Бироқ бу картина «Анор» дан фарқли ўлароқ, бўлакча мазмун ва унинг ўзига хос талқини билан ажралиб туради. Полотнода орзиқиб қутилган мактуб оғушига фарқ бўлган икки қиз тасвирланади. Уларнинг орзуманд қиёфалари, умид ва ишонч тўла нигоҳлари таъсирдан шуурингизга некин бир руҳ билан йўғрилгандек бўлади. Ҳозир, шу тобда мактуб сабабли бу беғубор қалб соҳибалари чехрасида севинч учқунлари пай бўладигандек. Гўё бутун борлиқ — кўм-кўк майсаларни майин тебратаётган шабада ҳам, мажнунтол наваларининг осойишта шивир-шивири ҳам, шўх-шан ўйини билан маст бўлган бир жуфт тўрғай ҳам, ана шу наволарга жўр бўлишга ошмаккаётган гул-чечаклар ҳам шундан далолат бераётгандек... Рассом по

лотнода тасвирланган муҳит руҳи, кайфиятини ундаги ҳар бир компонент ҳамда ҳамоҳанг ранглар орқали қалбингизга сингдириб юборишга эришади.

Темурғолиб тасвирий санъат сабоқларини илк бор П. Беньков номидаги санъат билим юртида ўзлаштирди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, у болаликдан рассомлик санъатига меҳр қўйганлиги тўғрисида билим юртига муайян кўникма, тайёргарлик билан қадам қўйди.

— Билим юртидаги устозларимиз, — дея эслайди рассом — талабалар қалбига илҳом туғинини солишга моҳир эдилар. Ана шу ўт-олов бизга сира тинчлик бермас, туну кун тинмай ишлардик. Ишлаган картиналаримиз кўриги бўладиган кун биз учун ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Бугунги кунда, айниқса, шоғирдларга фидойи устозларимиз, нафақат устоз, балки чинакам инсонпарварлиги, бекиёс меҳри билан қалбимиздан жой олган Галина Мордвинцова ҳамда Евгений Мельников номини чексиз миннатдорлик ҳисси билан тилга олгим келади.

Темурғолиб Жамолиддиновнинг сўнги даврда яратган «Энатут», «Мўйқалам ғазали», «Менинг оилам», «Сен етим эмассан» каби асарларига жиддий назар солсангиз, унинг профессионал маҳорати шаклланиб бораётганини ҳис этасиз.

Рассом «Сен етим эмассан» картинасида контраст ранглар ҳамда контраст муҳит (ташқаридаги изғирин ва иссиқ хонада, танча атрофида ширин ўқуда ётган болалар) тасвири орқали инсонпарварлик одамлиги, меҳр-оқибат, тенгсиз қалб ҳароратини таъсирчан мужассам этишга, воқелик драматизминини чуқур очиб беришга, персонажлар ички олами, характериға хос динамикани таъминлашга муваффақ бўлган. «Сен етим эмассан» ва «Энатут» картиналарини яхлит бадиий асар сифатида «ўқиш», ҳузур қилиш, улардан бир олам завқ олиш мумкин.

«Эски шаҳар манзаралари» туркумидаги асарлари эса бутунлай ўзгача характери, тасвир объектиға рассом муносабатининг юмор ва сатираға ийғрилганлиги билан ажралиб туради. Бу картиналарида рассом ҳар бир персонаж қиёфаси ҳамда уларға хос пластикани топишда аниқликка эришади ва бу восита орқали улар характери, ўзаро муносабатларини, асарда тасвирланган воқеликка иштирокини истехзо билан ҳажвий йўсинда талқин этади.

Графика жанри ҳам Темурғолиб Жамолиддинов ижодига салмоқли ўринга эга. Рассомнинг ўнлаб китобларға ишлаган бадиий безаклари ўзига хос топилмаларға бойлиги, мазмундорлиги билан ажралиб туради. Александр Довженковнинг чинакам мусаввир табиатига мансуб энг муҳим фазилатини таъкидлаб, «Агар кўлмакда сиз фақат кўлмакни кўрган бўлсангиз, рассом унда ложувард осмон аксини кўради», дея айтган сўзларининг нақадар ҳақиқатига Темурғолиб ижоди мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Зотан, перо ёки акварелда, қалам, гуашь ёхуд мойбўёкда ишланган бўлишидан қатъий назар, рассомнинг китоб иллюстрацияларида унинг мўъжаз воқеликдан бўлса-да, диққатға сазовор умумлашма маъно чиқаришга интилиши кўзга ташланади.

Қаршимизда унинг «Баҳористон» (Абдурахмон Жомий), «Тўқсонбой отанинг маталлари» (Назир Сафаров) «Икки эртак», «Бизнинг боғимиз» (Қуддус Мухаммадий), «Оймомода аждарҳо», «Сехрғар табиб» (Еқубжон Шукуров) китобларига ишлаган иллюстрациялари. Улардаги муҳит ва воқеликнинг, персонажлар характери ва либосларининг умумлашма миллий чизгилари эътиборимизни тортади. Рассом китобнинг яхлит мазмуни, умумий руҳига мос ихчам, лўнда штрихлар ёрдамида конкрет воқеа ва шунга онд тафсилотларни шарҳлаб, тўлдириб боради. Китоб иллюстрациясида рассомнинг айнан ана шу ҳикоячи-шарҳловчи мавқеи катта аҳамият касб этади. Чунки, у шу йўл билан асарнинг умумий руҳига сингиб кетади.

Темурғолиб ижодий жараёнда асарнинг миллий-стилистик ўзига хосликларига катта аҳамият беради, персонажлар қиёфаси, ҳолатлари, юз ифодалари орқали муайян характер, кайфият яратади. Булардан мустасно, рассом маҳорати маиший жанрдаги асарлар иллюстрациясида ёрқин бўй кўрсатади, унинг мўйқалами гротеск, енгил истехзо ва юморни таъсирчан ифода этишга қодирлиги аксар китобларға ишлаган безакларида сезилиб туради.

Темурғолиб Жамолиддинов асарлари доимий равишда мухлислар ва мутахассислар эътирофиға бирдек сазовор бўлавермайди. Кўп ҳолларда рассом асарлари ёки уларнинг

айрим хусусиятлари баҳс ва тортишувларға сабаб бўлади. Бу ҳол мусаввир изланиш жараёнининг тинимсиз ҳаракатидан, ўзига хос шакл ва услуб йўналишининг аниқ меъёрини кашф этиш йўлидаги интилишидан далолатдир. Масалан, «Анор», «Мўйқалам ғазали» ва шу мавзудаги бошқа асарларида реал воқелик тасвирланганми ёхуд у мусаввир тасаввурни, фантазияси маҳсулими, деган ўринли фикр кўнгилдан ўтиши мумкин. Фикримизча, мазкур асарларда реалли ва ижодкор фантазияси бир-бириға ҳамоҳанг, бир-бириға моҳирона омухта этилган. Бу асарларнинг кўтаринки лирик, фарахбахш романтик руҳи, уларда тасвирланган осуда, мусаффо табиат кўрки, ҳар биримизнинг қалбимизни ҳаяжонға солади.

Бир сўз билан айтганда, асарнинг муайян бир жиҳати ёки компоненти кимгадир маъқул бўлиши ёхуд бўлмалиги мумкин. Муҳими, у ҳеч кимни бефарқ ва лоқайд қолдирмайди.

Темурғолиб Жамолиддинов миниатюра санъати устаси ва моҳир монументалист сифатида шўхрат қозongan ҳассос мусаввир, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ҳузурида тез-тез бўлиб туради, у билан ижодий мулоқотда ўз муаммоларига жавоб топади, дастлабки эскиз ва композицияларини кўрсатиб устозидан йўл-йўриқ, маслаҳат олишға ошиқади. Шу боис, биз Чингиз Аҳмаровнинг Темурғолиб ижоди ҳақидаги фикриға қизиқиб рассом устахонасиға йўл олдик.

— Темурғолиб, шубҳасиз, истеъдодли рассом — деди Чингиз ака. — У яратган асарлар жиддий характериға эга. Темурғолиб, айниқса XIX аср Қўқон адабий муҳитини мукамал ўрганади, асарлари орқали ана шу даврда яшаб ижод этган шоирлар тафаккури, мушоҳада оламини, улар руҳиятини турфа ранглар ёрдамида «тадқиқ» этишни мақсад қилади. Бу эса рассом асарларининг бугунги кун тасвирий санъатида, шу билан биргаликда, адабий жараёнда ҳам аҳамияти муҳимлигини кўрсатиб турибди. Утмишда таҳқирланган аёлларнинг бахти ва бахтсизлиги, қувончи ва андуҳлари, ҳаётбахшлиги ва фожиавийлигини тасвирлашда Темурғолибнинг ўта нозик ҳиссиётлари, фикрати сезилиб туради. У ижодий диапазонни, мавзу кўламини яна ҳам кенгайтириш, ўз услубини янада ёрқин намоён этиш йўлидаги изланишларини давом эттирмоқда. Бу ёш рассомимиз келгусида ажойиб, сермазмун асарлари билан бизни ҳушнуд этиши муқаррар.

Шундан сўнг Чингиз ака «Мана менинг шоғирдимға тилагим», дея қогозға қуйидагиларни ёзиб бердилар:

Темурғолиб!

Сангай баҳи этган тўзаллик,

Чингиз, Кўз, Ҳақиқат ва Ишонч

одамларнинг эзгу эътибори, мас-

ламини афтидек мустаҳкам

қилади. Ижодкорға эса бунга эри-

шишнинг яқини қалқини мавжуд.

У ҳам бўлса доимий бедорлик,

тинимсиз излакиш, тексиз

маъна!

Бунга доимо ёдга ту!

Чингиз Аҳмаров

Биз ҳам шу тилакларға чин дилдан қўшилаемиз.

Фридрих  
Шиллер

## Руссо

Франция шаънига, шу воқеликка  
Оғир таъна бўлиб юксалдинг тикка,  
Руссо сағанаси, сенга эдим бош!  
Бунда тинч ором ол, тилсиз донишманд,  
Оламда осойиш изладинг ҳарчанд,  
Зотан ер қаърида сукут топди лоз!

Тинмади оламда ўчлар, ёнишлар,  
Зулматда маҳв ўлди неча донишлар,  
Жаллодлар қолмайди дейсизми бугун?!  
Жаҳолат танғиди Сукрот қўлларин,  
Руссонни ўлдирди бидъат қўллари —  
Барин одам этмак бўлгани учун.

1781

## Замин тақсимооти

Зевс инсонларга деди: «Мана ер!  
Олинг, саховатим инъоми ушбу!  
Муқаддас меросга соҳиби таъмир —  
Мунда баҳамжиҳат яшанглар мангу!»

Дарҳол аломонга келди тўрт тараф,  
Гувраниб кекса-ёш оёққа турди.  
Деҳқон кетди олтин қирларга қараб,  
Овчи ўрмон сари йўлини бурди.

Тожирга мулк тегди, аббатга — шароб,  
Қарвон йўлларида қиролда тизгин,  
Сарҳадларга соқчи қўйди беҳисоб:  
«Қани, тижоратдан бож-хирож чўзгин!»

Бир пайт денг, элдан сўнг, олис йўлдандир,  
Шоир етиб келар, не гап, беҳабар.  
Замин тақсимооти ўтиб бўлгандир,  
Унга кафтдек бир жой қолмабди магар.

«Воҳ, мен шўрпешана! Эй исми қодир!  
Содиқ бир ўғлингга наҳот ҳеч вақо?!» —  
Оҳ уриб юз тубан тушаркан шоир,  
Шундоқ ваъз айтади ул ҳукми якто:

«Беҳуда хаёллар сарҳадларида  
Кезмишсан! Малолдир энди талабинг!  
Қайда эрдинг тақсим соатларида?!»  
«Сенинг бирлан эрди дилим-матлабим!»

Нигоҳи — мунаввар сиймонга пайванд,  
Нурли сўзларинга боғлаб имонни,  
Афв эт, ҳислари олий комга банд, —  
Ерий инъомлардан беҳабар жонни!»

Шунда Зевс деди: «Илож не, қани,  
На мисқол ер қолди, на шахрим-кентим.  
Мана, очдим осмон — Арши аълони,  
Бунда қачон келсанг, азизсан энди!»

1795

## Нечук ширин бахт экан...

Нечук ширин бахт экан, бўлмоқ  
Бир одамнинг севикли ёри!  
Жаннатдан ҳам лазиз экан, оҳ,  
Битта бўсасининг хумори.

Энди билдим, ҳув қўш кабутар  
Ҳу-ҳулашар неларни ййлаб!  
Ва булбуллар ҳар кун тонготар  
Нени орзу этишар куйлаб?!

Энди билдим, ҳудудсиз қалбим  
Қай ҳасратдин бўлмиш тангу тор  
Ва саргайиб чехраи зардим  
Қайси нурга бўлмиш муштоқ, зор?!

Шу пайтгача нечун кулмабди  
Менга баҳор, гул юзли зебо,  
Нечун кўнглим бир очилмабди  
Минг сайраса булбули гўё?!

Чунки лаънат дердим тақдирга, —  
Нечук қуёш кўрмас меваман...  
Бугун бирдан нурга етишдим:  
Бахтиёрман! Чунки севаман!

## Қўлқоп

Оғир қафас қошида мағрур  
Қирол Франц ўлтирар ёвқур  
Арслонларнинг кутиб жангини.  
Тахт гирдида кўшкларда юксак  
Аҳли кибор — аёлу эркак  
Эслатарди чаман рангини.

Ногоҳ қирол соҳиб маҳобат  
Бажо этар хос бир ишорат, —  
Очилади залворли қафас.  
Тез ўртага чиқади шу он  
Боши юнгдор баҳайбат арслон  
Ва тек туриб қолади бирпас.

Теграсига шошилмай боқиб,  
Эснаб, тарс-турс ёлини қоқиб,  
Чўзиларкан ерга эринчоқ,  
Гал иккинчи қафасга етар,  
Зил эшиклар очилиб кетар  
Қирол тагин имо қилган чоқ.

Бул қафасдан аччиқ ўқириб,  
Гоҳ ўқ, гоҳ ёй шаклига кириб,  
Тажанг йўлбарс чиқар майдонги.  
Норози, ўч кўрсатиб ўзин,  
Жағ ўйнатиб, ёндириб кўзин,  
Сўнг чўқади арслон ёнига.

Қирол тагин имо қилганда  
Очилади учинчи тамба  
Ва тушгандек гулдирак ерга,  
Пайдо бўлар ўртада шу он  
Икки нафар ичккан қоплон,  
Зуғум солиб йўлбарсу шерга!

Ташланаркан йўлбарсга икков,  
Панжа солар ул ҳам қайтмай, дов,  
Тикраяди тишлар ва туклар!  
Аммо бирдан тикланиб арслон,  
Ўқираркан, тинчланар майдон,  
Жимиб қолар асов мушуклар.

Айни пайтда заррин кўшкдан, воҳ,  
Йўлбарс ва шер устига ногоҳ  
Тушиб кетар нафис бир қўлқоп.  
Соҳибжамол Қунигунд шу дам  
Нозли, нафис киноя билан  
Боқар рицарь Делоржга алқаб:

«Жаноб рицарь! Севсангиз ростдан,  
Қасам ичманг, қўлқопни пастдан  
Олиб чиқиб беролсангиз бас!»  
Рицарь Делорж — орият соҳиб,  
Пастга тушиб кетар тик боқиб  
Қизнинг сўзи тугар-туғамас.

Кўрқув қайда! Кўзлари чақноқ,  
Махлуқларнинг ўртасидан нақ  
Бориб олар қўлқопни шоввоз!  
Ҳаяжон ва ҳадикда турган  
Тўда гувва таҳсин ўқиркан,  
Юқорига чиқиб борар ғоз!

...Ногоҳида нозик майл, қув,  
Уни кутиб оларкан сулув,  
Йигит зарра этмайин парво,  
Қўлқопини отар жононга:  
«Зор эмасман сизнинг эҳсонга!»  
Ва тарк этар қизни шу асно.

1797

Омон МАТЖОН таржималари

Робия Абдуллаева

# ГРАЖДАН ДАҲО

**У**нглиз трагедиясидан сўнг биринчи ўринни немис трагедияси олади. Уни бу шуҳрат босқичига Шиллер ва Гёте олиб чиққан», деган эди В. Г. Белинский. Чиндан ҳам, Шиллер «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат», «Вильгельм Телль», «Мария Стюарт», «Дон Карлос» каби ўнлаб саҳна асарлари, бутун поэтик ва эпик даҳоси мужассамлашган «Валленштейн» трилогияси, «Генуяда Фисескониинг фитнаси» каби драматик

асарлари билан ана шундай юксакликка кўтарилди. Шиллер ижодиёти немис халқининг ўзига хос урф-одатларини, характери, психологиясини, маънавий оламини, хуллас, Германиянинг тоғу дарёларидан тортиб, то бепоён ўрмонларигача кузатиш мумкин бўлган кўзгуга айланди.

Китобхон «Қароқчилар»ни ўқир экан, ўзи сезмаган ҳолда асар қаҳрамонлари билан биргаликда Германиянинг сўлим Богем ўрмонларига кириб боради. «Макр ва муҳаббат»даги

нозик ҳис-туйғулар соҳибаси — ошуртадил, бокира қиз Луизанинг кўз ёшлари унинг ҳам дилини куйдиради. Мария Стюартнинг тақдири, швецариялик халқ қаҳрамони Вильгельм Теллнинг жасоратлари ўйлантиради, ҳаяжонга солади.

Фридрих Шиллер 1759 йилнинг 10 ноябрида Германиянинг Вюртемберг герцоглигида, Некар дарёси яқинидаги мўъжазига на Марбах шаҳарчасида дунёга келди. Онаси Елизавета Доротея мулойим, дилкаш, шу билан бирга, ўта художўй аёл бўлган ва ўлиги ҳам диний-ахлоқий ақидаларни сингдиришга ҳаракат қилган. Шу боисдан бўлса керак, шоир ижодининг илк даврларидаги шеърларда диний руҳга мойиллик кучли сезилди.

Шоирнинг болалиги Лорхда ўтади. 1769—1772 йилларда Людвигбургда лотин мактабини битказади. Сўнг герцог Карл Евгений номидаги Ҳарбий Академияда таълим олади. 8 йиллик умрини ёш шоир «Қуллар плантацияси» деб аталадиган ушбу Академияда ўтказади. Бу ерда у адлия ва табобат илмлари билан ҳам шуғулланади. 1780 йилда врачлик дипломини олгач, Штутгарт гарнизонида полк врачлиги бўлиб ишлайди.

Шиллернинг Академиядаги ўқитувчилари (Абель ва Шваб)нинг айтишларича, у эстетика, тарих, мантиқ, метафизика, фалсафа тарихи билан ҳам шуғулланган. Еш врач ва ёзувчи сифатида психология ва билиш масалалари ҳам унинг ўткир нигоҳидан четда қолмаган.

У «Инсон биологик ва руҳий табиатининг ўзаро алоқалари бўйича тажриба» деб номланган диссертациясида инсон ҳаётини материалистик асосда билишга ҳаракат қилади. Аммо уни кўпроқ адабиётнинг сирли олами мафтун этади. Академияда ўқиб юрган чоғларидаёқ яширин тарзда немис классик ёзувчиларнинг асарлари билан биргаликда В. Шекспир ижодини ҳам ўрганади. Лессингнинг «Эмилия Галотти», И. В. Гётенинг «Гётц фон Берлихинген» асарлари ҳам бўлғуси ижодкор онги ва дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Шиллернинг И. В. Гёте билан дўстлашуви унинг салоҳиятига улкан таъсир кўрсатди, ижодида янги-янги оламлар кашф этишга туртки бўлди. Немис мунаққиди Франц Меринг Ф. Шиллер ижодига Гётенинг таъсирини юксак баҳолаб, «Драматургнинг ўша йиллардаги ижоди классик адабиётимизнинг чўққисини эгаллайди», дейди.

Шиллер ёрқин романтик шоирдир. Шоир ижодининг илк даврларида яратилган асарларида диний руҳга мойиллик сезилса-да, сўнграқ лирик оҳанг, курашчан руҳ яққол кўзга ташланди. Унинг 1782 йил антологиясида жой олган «Шундай ёқимлики...», «Жаранглайди горн садолари» ва 1795—1805 йилларда ёзилган «Ишонч», «Амалия», «Элегия», «Қўлқоп» каби чуқур лиризм билан сўғорилган асарлари фикримизнинг далилидир.

Немис князларининг ўзаро келишмовчиликлари, ҳаётий муаммолар уни йирик полотнолар, реалистик асарлар яратишга ундарди. Шоир энди инсон озодлиги ва эрк-ҳуқуқини, она юрт таърифини ва тақдирини эпик планда ифодалашга кириша борди. Муҳаббат, озодлик, тенглик учун кураш шоир ижодининг етакчи мавзуларидан бирига айланди.

Ф. Шиллер Германияда XVIII асрнинг 70-йилларида пайдо бўла бошлаган «Бўрон ва ҳужум» адабий ҳаракатининг демократик гояларини чанқоқлик билан қабул қилди ва бевосита унинг актив иштирокчисига айланди. Драматург ижодининг илк даврларида яратилган «Қароқчилар» [1781] ҳамда «Макр ва муҳаббат» [1784] асарлари ўша адабий оқим даври маҳсулидир.

Тарихни чуқур билиш ҳар бир ижодкорга ўз даврининг энг

муҳим ижтимоий-сиёсий, фалсафий проблемаларини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шу боисдан ҳар бир ёзувчи шоир ижодида тарихий мавзу алоҳида ўрин тутаяди. Шиллер умрининг сўнгги йилларида асосан тарихий темада асарлар яратди ва булар тарихий воқеаларга бойлиги, мифларда афсона ва ривоятлардан маҳорат билан фойдаланилгани билан ажралиб туради.

Шиллер ўз даврининг донишманд тарихчиси, етук файласфи ҳам эди. 1789 йилда у ҳозирги Ф. Шиллер номи билан аталадиган Йена университетининг тарих кафедрасига профессор қилиб тайинланади ва тарихдан лекция ўқийди. Германия тарихини, тарихий материалларни синчиклаб ўрганади. Кейинги йиллар ижодининг тарих билан боғлиқлиги ҳаман шундан.

Шиллер Германияда Лессинг ва Гётедан кейин немис миллий театрининг шаклланишига ва ривожига ҳам баракал ҳисса қўшган сиймодир. У Германия учун доимий миллий немис саҳнасини яратиш зарурлигини, бу немис драматургиясининг ривожига ҳисса қўшаётганини, шунинг билан бирга, театр санъатининг инкишофи мавжуд жамиятга сиёсий жиҳатдан катта таъсир кўрсатувчи зўр омил эканлигини таъкидлади. И. В. Гётенинг Шиллер истеъдодига берган қуйидаги таъриф фикримизни яна ҳам қувватлайди: «Шиллернинг истеъдодлиқ театр учун гоятда мувофиқ эди. Унинг ҳар бир асари шу буюк мукамалликка эришмоқ йўлидаги олға босилган одимдир. Шиллер ижодиётининг қалби идеаллик дунёсидадир. Шунун муносабат билан ҳатто айтиш мумкинки, на немис, на бошқа бирор адабиётда унга тенг келадиган санъаткор йўқ...»

Совет даврига келиб Шиллер бадияти ўзаро адабий алоқа ва таъсир воситаси бўлган бадий таржима санъати орқали маданий ҳаётимизга кириб келди, ўзбек совет адабиёти ва драматургиясининг ривожига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Унинг «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат» каби асарлар театрларимиз репертуарларидан мустаҳкам ўрин олган. Ижодда ҳам, ҳаётда ҳам аввало гражданлики ўзига шийоқлиб олган даҳо санъаткорнинг асарлари совет китобхонлар учун ҳам ардоқли бўлиб қолди.

Аммо Шиллер ижодининг очилмаган қирралари, ҳали ўзбек тилига таржима қилиниши ниҳоятда зарур бўлган асарлар талаягина. Сирасини айтганда, шоирнинг «Дон Карлос»де катта саҳна асари, фалсафий ва лирик руҳ билан йўғрилган шеърляти, элегиялари, хатлари, эстетикага онд ишлари ўзининг ўзбек таржимонини кутмоқда.

Инсон руҳий оламини, унинг қалбида жунбушга келган туйғуларни дилидаги энг нозик тебранишларгача қалбдан ҳис қилган «инсоният ҳимоячиси» (В. Г. Белинский) Шиллер уз оқим давом этган оғир касалликдан сўнг, 1805 йил 9 май, 46 ёшида вафот этди. «Шиллер, ўзи бир вақт айтиб ўтганида маънавий ҳаётининг илк дақиқасидан тортиб ва биз айтишимиз мумкинки, қабрга киргунига қадар туғма курашчи эдики, ўшанга ҳамда ўз халқи бошига соя солган ачиқ қисмат билан беадад уқубатга қарши тинимсиз курашди. Бу курашда унинг иродасини ҳеч нарса буколмади: на ёшлик йилларини барбод этган турмуш қийинчиликлари, на бу қийинчиликларда қутулганидан сўнг ҳам доимо давом этган мудҳиш касаллик. Немис мунаққиди Франц Меринг айтганидек, ижодкорнинг ҳаёти қанчалик қийинчиликларга, азоб-уқубатларга тўла бўлмасин, шоир илҳомини сўндира олмади. У қисқа умр кўрган бўлса-да, асарлар оша барҳаёт, жуда бой, ранг-баранг ва ўлмас мерос қолдирди. Ва ер юзиде токи гражданлик туйғуси қадрланар экан, бу асарлар ўз аҳамиятини асло йўқотмайди»



ОЙБЕК

Ўзбек

ПОЭЗИЯСИДА

ТИЛ



*Келаси йили атоқли адибимиз Ойбекнинг 80 йиллик юбилеи иттифоқ миқёсида кенг нишонланади. Маълумки, Ойбек нозиктаъб шоир бўлиши билан бирга, катта прозаик, академик олим*

*ҳам эди. Унинг классик адабиётимизга, ўзбек совет адабиётининг илк даврига ва умуман адабиётшунослик масалаларига бағишланган мақолалари*

*ҳанузгача аҳамиятлидир. Адибнинг «Ўзбек поэзиясида тил» мақоласини бугунги ёш ижодкорларимизга*

*ҳам ибрат намунаси тариқасида тақдим этаётирмиз.*

*Бу мақола биринчи марта «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1934 йил, 14 июнь сониди эълон қилинган.*



Октябрь инқилобига қадар Россияда ёзилган бутун чекка ўлка халқларининг она тиллари рус буржуазияси ва чиновниклари кўзида «ибтидоий», «яроқсиз», «ваҳший» тил ҳисобланар эди. Бу халқлар ўша вақтда сиёсий, иқтисодий эзилиш ва маданий қоқоқлик орқасида ўз тилларини тараққий эттиришда ҳар қандай имкониятдан маҳрум бўлганликлари белгили. Фақат Октябрь алангалари эзилган халқлар тилларини қоплаган қалин музларни эритиб йўқ қилиб юборди. Тил булоқлари қайнаб тошмоққа бошлади. Бугун тил — озод меҳнаткашлар қўлида катта маданий қурол, маданий ўсиш, билимли бўлиш қуролидир. Бугун тил масаласи шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият яратиш ишида энг муҳим масалалардан биридир. Бу кунги ўзбек тили социалистик қурилиш процессида инкишоф қилмоқда. Ўзбек тили интернационаллашган совет — рус сўзлари, интернационал фанний, фалсафий, техника терминлари билан ўз хазинасини тўлдирмоқда.

Маркс—Энгельс—Ленин асарларининг ўзбек тилига жуда қийинликлар билан бўлса-да таржима қилинаётганлиги ўзбек тилининг Октябрдан сўнг ўсганлигини, маданий тил сифатида шаклланаётганини исбот қила олар. Лекин бу куннинг, социалистик қурилишнинг эҳтиёжларига жавоб беражак бир тил яратиш учун онгли, планли, давомли, чидамли равишда тил устида ишлаш керак. Рус адабиётида тилдаги нуқсонларга қарши кураш байроғини кўтарган буюк устоз Максим Горький рус тилини илгарги кимлар қандай бузганликларини жуда конкрет мисоллар билан жуда чиройли кўрсатади. Ўзбек тили илгарги бузилмаган дейсизми! Ўзбек тилини гап-гаштакларда бойлар, қиш, ёз чойхоналарда тухум босган бекорчилар бузганлар. Ўзбек тили бозорда даллоллар томонидан, кўкнори — нашахоналар, тақияларда исқирт одамлар томонидан маймоқ қилинган... Тилдаги касал тенденцияга қарши курашувимиз, социалистик қурилиш курашчиларининг маданий юксалувини таъмин қиладиган эски жамият сарқитларидан озода, маданий ишланган, маданиятнинг турли томонини тўла ифода этадиган бир тил яратишимиз керак. Бу ишда бадий адабиётнинг роли катта. Умуман тилнинг шаклланишида, бойишида, ифода ва сўзларнинг аниқланишида, фикрларнинг очиқ ва қабарик берилишида адабиётнинг, демак, санъаткорларнинг катта хизматлари бўлади. Ленин ҳам рус тили ҳақида гапирганда «Тургенев», «Толстой тили» деб сўзлайди. Бу кунги ўзбек адабиёти, поэзиясининг тилга қилган хизмати, унинг шаклланишидаги роли инкор қилинмас. Уйғун, Ҳусайн Шамс, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом ва бошқа олдинги шоир ва ёзувчиларнинг асарларида бир қадар тил етишмасликлари кўрилса-да, умуман тилнинг ифода кучининг бирмунча ишлангани, ўсгани дарҳол сезилади. Бу масала ҳозир бизни қизиқтирмайди. Бу мақолада поэзиядаги тил кемтикчилигига тўхтаянакмиз.

Бизнинг аксар шоирларимиз тил устида ишламайдилар ҳисоб. Гўё асарларнинг тили устида ишлаш, уларча, формализм ва шунга ўхшаш кўрқинч «изллар»га олиб боради. Ёш шоирларнинг бирмунчасининг журналларда босилаётган ва айрим тўпламлар шаклида чиқарилаётган узун шеърлари, дostonларининг тили грамматик янглишликлар билан тўла, содда қилиб айтганда, саводсизлик сифати билангина ажралмас бу тил жуда бадҳазм тилдир. Асарнинг бадий тўқимаси тил билан бўлажаги айрим шоирларимизга англашилмаганга ўхшайди...

Тил камчилиги асарнинг бадий сифатига манфий таъсир қилиши маълум. Бизда шундай шеърый асарлар учрайдики, унинг тили жуда «оғир» англашилади. Бу — совет поэзиясининг кенг ўқувчи оммасига кириб боришида катта тўсиқдир. Совет поэзияси — тор доира ўқувчиларга хитоб қилмайди. У бир туркум «шеършуносларга» бағишланган эмас. Совет поэзиясининг асосий ўқувчилари кенг меҳнаткашлар оммаси, ишчи ва хизматчилардир. Совет поэзияси маданий турмушга, давлатли турмушга, чиройли турмушга интилган социализм курашчиларига бориб етиши керак. Чигал, синиқ тил билан ёзилган шеърларни колхозчи куйламайди, тушунмайди, завқланмайди. Шоирлар сўз танлашда жиддий ўйлашлари керак. Сўз чертиб олиниши, ҳар ёқлама танланиши лозим. Поэзияда сўз фақатгина тушунарли бўлиб қолмасин, балки унинг оҳанги, ифода кучи, бўёғи ва бошқа томонларига қараш керак.

Ҳали биз ўзбек поэзиясида содда, очик, сиқик, фикр-тушунчаларни тўла ва ихчам бера биладиган тилга эга эмасмиз. Мен, шоирларимиз «ширин» тил билан, аллаловчи тил билан ёзсинлар, демайман. Аниқ турмушнинг тўғри кўрсата билажак, фикр-тушунчаларни тўлиқ, қабарик ифода эта билажак тил лозим. Бизнинг етишиқ шоирларимизда ҳам тил жиҳатидан камчиликлар бор. Шоир Фафур Ғуломнинг эски адабиёт хазинасидан насияга олган «маънопардоз», «гумбаз даввор»лари, Ғайратийнинг:

Бир оз юргач, учрашар  
Первый трамвай, —

каби мисралари, М. Шайхзоданинг:

Тирманаркан Гарчакўпнинг этагини...  
Ва:

Тарихнинг гижинлиги,  
Қаҳрамонлик ўт отар...

Бу полвоннинг бурнидан  
Уйнаб чиққан карбуки... —

сингари парчалари поэзиямизда тил тозаллиги, аниқлиги учун курашнинг ҳам тайти эканлигини кўрсатади. Фабрика- завод ҳаёти, ишлаб чиқариш ва қурилиш мавзуларида ёзилган шеър ва дostonларда бошдан-оёқ машина ва бошқа техника элатлари, бўлақларининг исмлари қатор тизилади: гайка, сверила, болт, кран, поршин, вагранка, подёмный кран, вольт, ампер ва бошқалар. Шундай техника терминларидан тузилган «асар»нинг поэзия билан қандай алоқаси бор! Биз бу терминлар поэзияга бутунлай кирмасин димоқчи эмасмиз, бироқ ишлаб чиқаришга бағишланган шеърларни «техника лўғати»га айлантириш ярамайди. Социалистик корхоналарда меҳнатга янгича муносабатнинг, қаҳрамонлиқнинг, янги турмуш, бахт қуришдаги курашнинг жонли мисолларини содда тил, ҳар қандай чигалликдан эркин, очик образларда бериш керак эди. Биз бунинг ўрнига қуруқ, англашилмаган сўзлар тўпламига учраймиз. Уртоқ Ҳ. Зоҳиднинг «Меҳнат кўллари» деган шеърда бу равшан кўринади:

Бу кўллар:  
Комбинатнинг поршинини  
Рандалаган бир токар,  
Гайкасини тайёрлаган,  
Бир болтрез  
Е  
Линтернинг  
Шестирини  
Йўнаётган,  
Презировшик.

Биз «поршин», «линтер» каби сўзларни умуман ишлатишга қарши эмасмиз. Лекин поэзияда ўринли-ўринсиз ҳар қандай терминларни маржон қилиб тизиш асарни бадий сифатдан маҳрум қилади. Поэзия махсус жанр, унинг хусусиятлари бор. Буни шоир унуттиши керак эмас.

Бир қанча катта дostonлар ёзган шоир Эргашни замонамизнинг «Бедили» десак бўлади! Унинг қийин англашилиши маъносининг сиқик равишда берилишида эмас, аксинча, ейимликда, сўз чигаллигидадир. У, кўпинча, яхлит бир картина чизиб бермакка тиришади. Фақат, бу картинани тартибсиз сочилган сўз хашаги қоплаб қўяди. «Ахир бир маъно чиқади-ку» дея мисраларни кўздан кечира берасиз. Ун-ун беш қатордан сўнг ниҳоят нуқтага етиб оласиз-да, маъносини қидирасиз:

Пулемётнинг ўқларидай,  
Қир, сой,  
Чигал қамишининг,  
Орасидан куч, ўқлар ёғдириб,  
Далаларни тўлиқ ўраб —  
Мингни ишғол қилганда  
Куч, хоҳишни белга йиғиб,  
Ишдан нишон олганда,  
Қонда, пайда, мускулларда,  
Сафарбарлик бўлганда,  
Қурилишда —  
Қандай тоқат, чидам мард қоладир.

Нима учун қир, сой пулемёт ўқларига ўхшайди! «Далаларни тўлиқ ўраб, мингни ишғол қилмоқ» нима! Тушуниб бўлмайди. Ҳақиқатан «чигал қамиш орасига» кириб қоласиз. Поэзия тили ихчам бир тил. Равшан, ихчам ёзиш учун шоир ўз фикрини уйғун ифодаламоқ, конкрет шакллантирмоқ устида ишлаши, ўйлаши керак. Мабодо юқорида келтирилган парчани ёзиш керак бўлса, уни шоир максимум уч-тўрт мисра билан чизиши мумкин эди. Баъзи шоирлар «чиройли гапираман» деб, сўзни янглиш ишлатадилар. Даврон бир шеърда дейди:

Ишчан кўнгилларга мазам солгали,  
Дам олиш пайтлари этак судрайдир.

«Пайт қандай қилиб» этак судрайди! Шу шоир айна шеърда ўзбек тилига ёпишмаган сўз комбинациялари тўқийди:

Кўёш...  
Юксак ўринларда кўз оладир.

Кўёш кўз ташласа майли эди-я. Аммо «кўз олмоғи» жуда қизиқ!



Кўп шоирлар қофия дардида сўзни янглиш ишлатиб, мазмунни бузадилар. Қофиядан воз кечиш мумкин. Қофия учун маънони қурбон қилиш ярамайди. Даврон:

Тарқалар, юксалар,  
Овоз ҳар ёндан, —

га қофия қилиш учун шундай дейди:

Минг лаззат, минг шукух,  
То мар ҳар ондан.

Баъзан шоир сўзнинг маъносига яхши тушунмаса-да, ишлата беради. Бундан қандай натижа чиқиши маълум:

Фурбатли дўстининг  
Мароқи ғурур.

Ҳатто баъзи вақтда оддий ўзбек сўзларидан ҳам грамматик нотўғри жумла тўқилади:

Кечсам Ленадаги онгли шамолни  
Памир эга бўлмиш буюк шарафга  
Техника таширмиш унинг  
афтнини.

(Даврон)

Ёш шоирлар асарларини кўздан кечирсак, тил саводсизлиги, камбағаллиги яна яққол кўринади. Ёш шоирлар фикрини бадий ифода қилиш эмас, ҳатто кўпинча, икки-уч сўзни мантиқий тўғри ёпиштири билмайдилар. Чиқаётган тўпламлардаги шеърларнинг кўпига тушуниб бўлмайди. Ёшлар тажрибасизлик, адабий-маданий савиянинг пастлиги ва бунинг устига яна тилга диққатсизликлари орқасида ҳеч бир мантиқ кўтармас гаплар билан тўлган шеърлар берадилар. «Бизнинг доврўқ» тўпламидан келтирилган тубандаги парчалар ёш шоирлар асарларидаги тил муаммосини билиш учун кифоя қилар, деб ўйлаймиз:

Қийша н глаб мулойим,  
Езги шабада,  
Йигит — тўплар билан,  
Зангор барглари,  
Кумуш хазиналар  
Кўк — кўсақлари,  
«Оқ қизни кўрай» деб,  
Силкиниб ўйнайдир...  
Чалғуси рубобмас,  
Оташин арава,  
Қиллари шўх, куйчан,  
Пўлат рельсалар.  
Қирларга таралган  
Куйлар дудоғи.

Жуда кўп шоирларда тил қашшоқлиги ҳукм суради. Воқеалар, фикр ва тўйғуларнинг жонли, тўғри, чуқур ифодаси учун сўзга бой бўлиш керак. Шунда шоир қийналмайди. Катта шоир ва адиблар сўзга бойликлари ва сўз хазиналарини тўлдириш учун қандай метод билан ишлаганликлари маълум. Халқнинг турли табақаларининг тилини ўрганиш, халқ лапарлари, қўшиқлари, дostonларини текшириш, тўплаган материал устида жиддий ишлаш орқасида шоир «сўз капитали»ни бойита биладики, бу ишга ҳали бизнинг шоирларнинг аксари киришган эмас. Айниқса, поэзия тилининг илдизлари халқ ашула, лапарларига томон чўзилиши керак. Шундагина поэзия бугунги сунъий тилдан қутулади. Шундагина шеърдаги ҳар сўз чўғланади, фикр, тўйғуларига кучли таъсир қила билади. Поэзияда сўз фақат маълум бир маънони билдириб қўя қолмайди. У ҳиссий бўёққа ҳам эга бўлади. Поэзиямизда ҳукм сурган тил чатоқликларини ҳал қилмасдан, меҳнаткашлар оммасига яқин, содда, тоза, чиройли тил учун курашмасдан поэзияни юқори даражага кўтара олмаймиз. Шундай тил яратайликки, шеъримиз ва ҳар бир сўз узукка қўйилган қимматли тош каби порласин, ҳар бир мисрадан катта мазмун барқ уриб турсин.





## Муҳаммад Юсуф

### Зокир бобо ҳикояси

Бизлар олис чегарадан  
 Чекиниб келдик.  
 Талофатли қуршовларда  
 Тўкилиб келдик.  
 Сафларимиз сийраклашиб  
 Укиниб келдик,  
 Ва Брестдан Масковгача  
 Сўкиниб келдик:  
 «Нима бўлган бошлиқларга  
 Ҳой Зокир, Иван?  
 Кремлда не ўй сурап  
 Сталин соҳиб?  
 Унгимда ёв, сўлимда ёв,  
 Ортимда Ватан —  
 Онам турар нажотталаб  
 Кўзимга боқиб?  
 Тўхта!  
 Бир сўз ботиб қолди  
 Шунда томоққа  
 Ҳрис, ўзбек, қирғиз, тожик  
 Қалқдик оёққа.  
 Ва онт ичдик, азим пойтахт  
 Остонасида  
 Баттол душман орқасини  
 «Силаб» қўймоққа...  
 Унутмайман ўшандаги  
 От-отларни мен.  
 Танк остида қолиб кетган  
 Жасадларни мен.  
 Кўкси билан дзотларни  
 Тўсиб қўйишган —  
 Она-юртга садоқатли  
 Солдатларни мен...  
 Қани бугун ёнимда у  
 Дўстлар бўлсайди...  
 Бир эласам томогимдан  
 Сув ҳам ўтмайди.  
 Кўз ўнгимдан ўша олис

Қунлар кетмайди.  
 Қандай тирик қолдим ўзим,  
 Ақлим етмайди...  
 Унутмайман бўсағада  
 Бўлган жангларни.  
 Булут бўлиб учиб кетган  
 Қору-чангларни  
 Қизил майдон узра парад —  
 Бизнинг тантана  
 Немис қилган илк пушаймон  
 Ва аттангларни...  
 Биздан олис шимол ёқда  
 Эса юлиб соч  
 Ленинград жанг қиларди  
 Оч ва яланғоч.  
 Қор остида музлаб қолган  
 Мурдалар оғоч.  
 Бизлар-чи, биз?... Бизлаб қолган  
 Мурдалар оғоч...  
 Қасос!  
 Бир сўз ботиб қолди  
 Шунда томоққа.  
 Баримиз бир жону, бир тан  
 Қалқдик оёққа.  
 Ва онт ичдик, тўйиб-тўйиб  
 Боқмоққа энди.  
 Рейхстагда ҳилпираган  
 Алвон байроққа.  
 Киев... Харьков... Брест бир-бир  
 Утиниб бордик.  
 Ўширон оулган юртни кўриб  
 Укиниб бордик.  
 Баримиз ўз тилимизда  
 Чўқиниб бордик.  
 Ва Масковдан Берлингача  
 Сўкиниб бордик.  
 Унутмайман ўшандаги  
 От-отларни мен.  
 Европада қолиб кетган  
 Жасадларни мен.  
 Кўкси билан дзотларни  
 Тўсиб қўйишган —  
 Она-юртга садоқатли  
 Солдатларни мен...  
 Қани бугун ёнимда у  
 Дўстлар бўлсайди.  
 Бир эласам томогимдан  
 Сув ҳам ўтмайди.  
 Кўз ўнгимдан ўша олис  
 Қунлар кетмайди,  
 Қандай тирик қолдим ўзим  
 Ақлим етмайди...  
 Мен урушда оёғимни  
 Олдириб келдим.  
 Енглариمنى шалвиратиб  
 Толдириб келдим.  
 Укинмайман, аммо чунки  
 Юрагимни мен,  
 О, муқаддас она-юртим,  
 Тилагингни мен —  
 Рейхстагда байроқ қилиб  
 Қолдириб келдим!



Иброҳим Ҳаққулов

# Келажакка дахлдор

Чинакам шоирга ҳеч қачон осон бўлмаган. Бўлмайди ҳам. Чунки шоир ўз даври ва ижтимоий муҳити билан доим юзма-юз туриб ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган, қалб шижоатига эга, мурасасиз шахс. Ҳамма даврларда ҳам шеър ёзадиган кишилар, иктидорли, иктидорсиз кофиябозлар кўп бўлган. Уларнинг бирлари тасодифий ҳавас туфайли кўлига қалам олиб, адашганликларини ўзлари ҳам сезмай, умрларини беҳуда ўтказишган. Бирлари шухрат ва шахсий манфаатларни кўзлаб шеъротарлик қилишган. Яна бошқалари кўроклик, субутсизлик ёки ғофиллик сабабли бор истеъдодларини ҳам таъмағирлик ва маддоҳлик билан нес-нобуд этишган ва хоказо. Лекин шоирнинг — ҳақиқий шоирнинг туғилиши ҳар доим ҳам, худди бугунгидек ғоятда ноёб ҳодиса бўлган. Шоир ким? Инсон фарзанди атроф ёлгон ва алдовлар билан тўлганлигини каттиқ ҳис этиб дил тубларида чўккан алам ва изтиробларига руҳий шифо истаб, чин сўз толибига айланганида, айниқса, мана шу саволни кўп ўйлайди. Бу — аслида ўзини шоир билиб, турли-туман сафсата гаплар, юзаки фикру туйғулар билан қалбларни зада этаётган қанчадан-қанча қаламкашлардан бешиш ҳисси. Маълум бир авлод илғор вакиллари фикр-қарашларини ифодалашга қодир шоир овозига эҳтиёж. Уни қумсаш. Шу маънода шоир — соғинч фарзанди. Азоби кўкрагига сизмаган Виждон, табиатнинг улкан ва абадий ҳақиқатларини тоған Имон соғинчларидан дунёга келган одам. Шоир дегани тахминан мана шундай туғилади. Мана шундай туғилган шоир курашчан Эътиқод кишиси бўлади. Хотироти ҳар чоғ бедор яшайди. Қанчалик оғир ва мушкул вазият бўлмасин, инсоний дард ва алам бўёқларини тасвирда сохталаштирмайди. Ҳатто унинг янглиш ва адашишларида ҳам

қандайдир маънавий собитлик излари кўриниб туради. Мана шундай туғилган шоиргина эл ва юртининг номусини поэтик сўзда муҳофаза қила олади. Зарур бўлганда ўзини қурбон қилишдан ҳам сира чўчимади. Бизнинг қадимий ва бой классик адабиётимиз бундай сўз санъаткорларининг бир қанчасини тарбиялаб, вояга етказган. Шулардан бири кўхна Хоразмнинг улуг фарзанди, жасур шоир Аваз Ўтар Ўғлидир.

У ўн тўрт ёшлариданок шеърлар ёза бошлади. Лutfий, Навоий, Фузулий, Мунис. Огаҳий каби буюк сўз санъаткорларининг маҳорат йўлларини ўрганиб, шеърини салоҳиятини қамол топтира борди. Тез орада шоир сифатида танилиб, Хива хони Муҳаммад Раҳимнинг диққатини жалб этди ва саройга чақиртирилди.

Адабиётнинг буюк вазифаси бор: у ўзини-ўзи химоя этолмайдиган, ўз маънавий руҳи ва ҳуқуқларини англаш туйғулари риёкорлик билан янчилган кишилар учун ҳар қандай шароитда ҳам курашиши, жанг олиб бориши шарт. Бир аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди: ўтмишда гоҳо талантли шоирлар ҳам сарой адабиёти талаблари билан ўралишиб, шоҳларни мадҳ этиш, уларнинг аёвсиз каттоллик ва шафқатсизликдан иборат зафарларини кўзларга кўтариб макташлардан ўзларини тия олмаганлар. Бундай пайтларда халқ тақдири четлаб ўтилган. Заҳматкаш инсоннинг ақли, шуури, қувонч ва кайғулари кейинги планда қолиб кетган. Бу эса баъзан шоирдаги самимиятни тубдан емирилишгача олиб борган. Виждонни унутиб яшашга маҳкум этган. Аваз сарой нозимлари даврасига кўшилиб, қисқа фурсат бўлса-да, уларга ҳамоҳанг асарлар ёзаркан, айни шундай хавфларни бошдан кечирган эди. У ўшанда қалб буюрмаган, эротик ох-воҳлардан таркиб топган мисралар тизган. Улар тахминан «Дилкашу ахмар эмас дилдор пистони каби, Эتماгил, эй боғбон, ҳаргиз манго таърифи себ» ёки «Дедим: «Манинг бирла келиб ёт эмди ҳамоғуш ўлуб...» қабилдаги ғоявий саёз шеърлар бўлган. Гоҳо азбаройи назирачилик юзасидан кофиялар топилган.

Аваз бир шеърда шоҳларнинг сўхбатига «банд» этилган кишини «доим гирифтори қафас» булбулга киёслайди. Бунда нимага ишорат қилинганлиги аён, албатта. Аваз табиатан эрк одами бўлган. Сарой доирасидаги эрксизлик, турли-туман разолатлар, теран ижодий дард ва юксак эҳтирос иқлимларидан йирик суҳанбозликлар уни каттик кийнаганлиги табиий. Бундан ташқари, у маддох бўлиб туғилмаганлигини, ундаги истеъдод туб моҳияти билан халқники ва уни юртига садоқат билан хизматга бағишлаш лозимлигини вақтида англаб етган эди.

Лаънат ул шоиргаким, хирсу тамъа  
тахриқидин,  
Кўргузур ҳар сифлу нокасга изхори  
мадиҳ...

Бу — Авазнинг салафларидан бири Муниснинг фикри. Ва Аваз бундай сўзларга бефарқ қарай оладиган, дилидагини яшириб яшаш «бахти»га чидайдиган ижодкор эмас эди. Аваз, менинг назаримда, қалби ўткинчи аламлардан тинимсиз пок-ланган, аста-секин шахсий ҳузур-ҳаловатлардан кечган, буни ўйлашдан жирканадиган даражадаги саркаш, ёлғизланган, руҳида воровилик, исён ёлқини ҳоким қаламкаш бўлиб гавдаланган. Аваз қандай характердаги шоир бўлган? Тўғри, унинг характерида ошиқлик қучли. Дилида ишк алангаси ёнади. У — ориф шахс. Дунё ва ҳаёт сирларини чуқур англайди. У — файласуф. Бу қобилият унинг шеърларига файз бахш этиб туради. Бирок буларнинг барчасини инобатга олган холда, мен юқоридаги саволга уни ўз сўзлари билан «исён баҳрига ғаввос» шоир деб таърифлагим келади. Авазнинг исёни абадиятни бўйлайдиган, абадий хушёрликка, кеча, бугун ва эрта ҳақида очик шуур билан фикрлашга даъват этадиган исёндир. Фидоий шоир ўз исёнининг оқибатларидан мутлақо чўчимади. У охир-оқибатда шоирни халқ ва Ватан учун қурбон бўлишга тайёр биринчи шахс деб билди. Ва шу боисдан ҳам унинг тилидан:

На яҳши ўйлаким, маъқулу манзур,  
Аваз, халким учун тўқулса қоним,—

деган сўзлар бениҳоя рост ва самимий эшитилади.

Ха, Аваз шох салтанатидан юз буриб, шеърятга таянди. Унинг куч ва шиддатига ишонди. Шеърятда кундан-кун даврининг долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларини ўткир хиссиётларда фаҳмлайдиган муросасиз шахс кийфасида камол топа борди. У ҳўрланганлар шоири эди. Шунинг учун аввалдан «Келур бошимга турфа можаролар», дея хар кандай ранжу-балоларга тайёр турди. Уни «фуқаро бошида»ги «минг шўр ила шар» «хасрат чеки» йиғлашга мажбур этди. У эзилганлар номидан, яъни «ожизу бечора халк» тилидан хоким табака вакилларига қаҳр ва ғазаб сўзларини битди. Авазнинг хон ва унинг амалдорларига бўлган нафрат ва норозилик фикру туйғуларидан таркиб топган шеърлари кўпайган сари унга нисбатан душманлик хуружлари ҳам кучаяди. Ниҳоят, у динсизлик, шаккокликда айбланади. Хон ҳўкмига биноан шоир, аввал, юз дарра уриб жазоланади. Сўнгра, «жинни» эълон қилиниб, Хивадаги Бобозўш кабристиюга элтиб ташланади. Хуллас, унинг соғлиги йўқолади. Аваз 1919 йилда ҳаётдан кўз юмади. Ушанда у бор-йўғи ўттиз беш йилгина умр кечирган эди. Бирок, шу киска, кейинги даврлари жуда оғир кулфат ва азобларга тўла умр ҳам унинг катта ижодий мерос яратиб қолдиришига монелик қилолмаган.

Аваз — умид шоири. У ҳаётдаги ўзгаришларга, куллик ва жаҳолат кишанлари синдирилишига ҳаммадан ортик умид боғлар ва ишонарди. Уторак шоир «фалак даврига доим» инқилоб «расму одат» эканлигини англади, англаган сайин вокифлик тушунчалари катъийлашарди. Мана, у бир шеърда нима деб баҳорат қилган эди:

Олам гулистони аро хар ишни қилмай орзу,  
Вокиф ўл, эй маҳзун Аваз, қилғуси даврон инқилоб.

Аваз шеърларида ўзгариш, янгиланиш маъносини ифода этадиган инқилоб сўзи тез-тез учрайди. Характерлиси шундаки, шоирнинг ана шу тушунчалари чинакам Инқилобни улуғлаб айтган фикрларига уланиб кетади. Бу — энди умиднинг соғлиги. Хақиқий шоирга хос вокифликдир.

\* \* \*

Аваз девони кўлёмаларига назар ташлаган киши биладики, шоир кўп ижодий фурсатларини ғазал ёзишга сарфлаган. Ғазал унинг шеърятдаги энг етакчи ва фаол лирик жанрдир. У бир ўринда «назм аҳли ичра» минг ғазал яратишни орзу қилган эди. Шоир кўп ва ҳўб «субҳи масо дилқаш ғазалар» битиб оламда яхши от қолдириш истагида эканлигини ҳам гапирди. Бу орзу-истаклар тўла-тўқис амалга оширилган. У ёзган ғазаллар миқдори мингдан анча ортик. Гап сонда эмас, албатта. Масалани сифат ҳал этади. Аваз ғазалиётининг асосий кўпчилигини шеърятнинг юксак талабларига жавоб берадиган асарлар ташкил қилади.

Бу ғазалларнинг марказий қахрамонлари анъанага биноан хорланган ошиқ ва тириклик, ҳаёт тимсоли бўлмиш гўзал маъшуқа.

Ошиқ — жабрдийда. Толеи нигун. Ер, ағёр, давр ва замоннинг вафосизлик ҳамда қаттолликларига маҳкум. У эртаю кеч хижрон азобларига яшайди. На дўст бор унда, на ғамхўр. У барчанинг феълу ахволини англайди. Уникини ҳеч ким. Унингча:

Жаҳонким, эй биродар, бебақодур,  
Бақосиз бемадору бевафодур.

У жаҳоннинг «сув уза мисли ҳубоб» бир бинолигига инонади. Ва бошқаларнинг ҳам шунга инономоғларини истайди. Нега шундай? Сабаб нимада? Эки бу бадбинликми? Йўқ. Мутлақо бадбинликмас. У «иши бедоду зулм ила жафо»дангина иборат жаҳоннинг боқийлигига тоқат этолмайди. У ақлини таниб, назар ташлаган жаҳон — адолат ва ҳақиқатни қувғинди қилган жаҳон. Унда «Халойик моду мулки юз тутиб торожу яғмога, Бўлиб хон нафсига қурбон бари номусу иффат ҳам», «Эрларнинг бошига тушуб савдолар, Аҳли ҳимматларда ҳиммат қолма»ган. Янада даҳшатлиси, «вафоси деймайин, балким бақоси» йўқ жаҳонда «Чиқар кўк сори офат қасратидин, Халойикнинг фиғон ила навоси». Бас, шундай экан, бу ҳасратқаш ошиқ «Ушбу жаҳон ободидур охир хароб, эй дўстлар», эки «англасанг, барча яқсон эрур жаҳону жаҳону

жаҳону жаҳон» дейишдан бўлак кандай қарорни билдириши мумкин? Бу — бир. Иккинчидан, унинг жаҳонга паст назар билан қараши, жаҳон истиқболига катъий ишончсизлиги гофил, қажнафс, «зулму истиқбод ила миллатни вайрон» этган аҳли жаҳоннинг тубан махлукларига бўлган ғазаб ва нафрати билан ҳам узвий боғлиқдир.

Авазнинг лирик қахрамони ҳолимдан «Жаҳон мулки аро, ваҳким, бир инсон ўлмади вокиф» деб зорланаркан, ёлғиз ёрдам озор чекканлиги, фирокдан қийналганлиги ёҳуд ракиблар қилмишлари туфайли шундай демайди. Балки давр, замон, жамият ва турли ижтимоий табақаларга мансуб муҳит одамларини ҳам эътиборда тутайди.

Мени холим ашўрим ичрадурур,  
Баёну баёну баёну баён,

дейди Аваз. Бу — ҳақ гап. Шоир ўзининг севимли қахрамони — ошиқ ахволи, юрак кечинмалари, орзу, дард ва изтиробли фикр-қарашларини ақс эттирганда уларга ақсар ўз холининг баёнларини ҳам уйғунлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, Аваз ғазалларини унинг шахсияти, шахсиятидаги порлок фазилатлар ичдан нурлантириб туради. Хусусан, унинг «фидо миллат йўлига молу жон этмак керак, хар ким — Бўлай деса, агар авлоди машхури жаҳон миллат», сингари миллат ишки ва фидоийлик руҳи билан йўғрилган сатрларида гўё шоирнинг тирик сиймоси гавдаланиб туради. Шундай вазиятларда беихтиёр қуйидаги сўзлар ёдга тушади:

Гарчи жаҳонда кўлдурур ағзол аё аҳли укул,  
Лекин Аваз назмига хар абъети девон ўхшамас.

\* Уринли фахрия. Қонуний ифтихор туйғуси!

\* \* \*

Бадний ижодда баъзан шундай шеърлар дунёга келадики, улар алоҳида шоирларнинггина эмас, давр ва замон шеърятининг хал қилувчи нафасини белгилашга хизмат қилади. Ва адабиётда ўлмас тарихий Сўз бўлиб қолади. Мана шундай шеърлар поэзиянинг кураш характери, ижтимоий хароратини белгилайди. Бундай шеърларни ўқиганда «Шоир ким ва унинг вазифаси нима?» — деган саволга киши ўзича жавоб топади. Шоирлик — бу, истиқбол дардларини дилида мужассамлаштириш, ҳаёти ва ижодининг халқ тақдирдан айру тасаввур эта олмаслик демакдир. Аваз шундай шоир. Мана, эшитинг:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора халқ,  
Зулм тиғи бирла бўлгон бағри юз минг пора халқ.

Шоирнинг машхур «халқ» шеъри ушбу фикрлар билан бошланади. Айтиш мумкин: «жаҳон мулки» деганда Аваз бутун дунёни назарга келтира олгани йўқ. Бирок байтдаги «жаҳон мулки» мағзи бўш ё муаллак ибора ҳам эмас. Ижодкор ҳақиқатни аниқ ва бутун мураккабликлари билан ҳис қилса тасаввурда адашмайди. «Биздек ожизу бечора халқ» йўқ дейилиши — шоир билган, кечинган ҳақиқат. Буни «жаҳон мулки» миқёсида таърифлаш-чи? Шеърхон бу тўғрида ўйлаб ҳам ўтирмайди. Ақсинча, аини шу ибора ёрдамида халқнинг «ожизу бечора»лигини барча фожиаси билан англагандай бўлади. Энди мисрадаги «биздек» сўзига эътибор қилинг. Унда умумининг ҳасратларини ифода этаётган шоир шахсияти ҳам бор. Шу сўз — мисрадаги кучли ориқ берадиган сўз. Шунинг учун «ожизу бечора халқ»ка мансуб хар бир шеърхон «биздек»да шоирни ҳам, бошқани ҳам гўё унутайди. Яъни асосий планда бир халқ вакили сифатида ўзини ҳис қилади.

Шоирнинг вазифаси — эзилган одамнинг дилини эзидан, ахволнинг беҳад оғирлигини писанда қилиб, руҳни янчишдан иборат эмас. Балки хар кандай қийнок ва ноқорликнинг сабабларини очиш, уларга қарши дилдан кескин норозилик пайдо қилиш ва курашга даъватдан иборатдир. «Халқ» шеърда Аваз ҳам шу йўлда туриб қалам юритган.

Биз шартли савол қўяйлик: Хўш, бутун бир халқ ожизу бечораликка маҳкум этилган экан, бунинг сабабларини нимада? Ростини айтганда, бундай савол бугунги кунда жўн туюлади. Негаки, бу ҳақда биз кўп эшитганимиз. Ўқиганимиз. Феодал тузумда зулм, адолатсизликлар кандай кечганини, хар ҳолда,

билимиз. Бирок ўша аччиқ ҳақиқатларни Аваз нечоғлиқ тўғри ва таъсирли тасвир эта олган? Бу энди бошқа масала. Бунга ижодий жасорат ҳам, ғоявийлик ҳам, маҳорат ҳам киради.

«Кўзи ваҳти сахар сайёра бўлган халкни кўрдум», деган эди Бобораҳим Машраб. Аваз яшаган замондаги мазлумлар, жумладан, Хоразм ҳукмронларига қарашли меҳнатқаш омма ҳам Машраб борлигини ларзага солган «тани дарду аламдан ёра», «диди тиғи ситамдан пора бўлган халқ»нинг аждодлари, дард, алам, азоб меросхўрлари эди. Шунинг учун бўлса керак куйидаги мисра ўша машрабона оҳангда жаранглайди:

Зулм тиғи бирла бўлган бағри юз минг пора халқ.

«Зулм тиғи» билан ҳам яширин, ҳам ошқора бағри юз минг пора этилган халқнинг аҳволи нима бўлиши аниқ. Бу — унинг «ожизу бечора»лигига бош сабаб. Қолган кулфатларнинг барчаси мана шундан пайдо бўлган. Шоир энди умумийликдан конкретликка ўтади. Иккинчи байтда ўқиймиз:

**Бир неча авбошлар мундоғ ҳукмронлик айласа,  
Қолмағай, ори, на ёнглиғ меҳнату озора халқ?!**

«Бир неча авбошлар» — булар халқнинг қонини сўриб яшайдиган бир гуруҳ мустабид амалдорлар, хон ва унинг атрофидаги мансабдорлар. Шоир уларни шунчаки айбламайди. Фаолиятда кўрсатади. Уларнинг «мундоғ ҳукмрон»ликлари, «зулм тиғи» билан халқ сийнасини «юз минг пора» қилиб ташлашдир. Бас, шундай экан: «Қолмағай, ори, на ёнглиғ меҳнату озора халқ?»

Иккинчи байтдаги «мундоғ» сўзи тўлиқ байт доирасида олиб қаралса ҳам аниқ маъно англатмайди. Бирок, у шоир учун таянч сўз. Аваз «бир неча авбошлар»нинг ҳукмронлик фалсафасини шу сўз воситасида изоҳлашга муваффақ бўлган. «Мундоғ» диққатни дастлаб ҳоким синф вакилларининг зулмкорликлари («зулм тиғи» билан халқ бағрини юз минг пора этилиши)га жалб этади. Сўнг бошқасига. Буниси янада муҳшироқ:

**Не аларда бордурур илму адолатдан асар,  
Не ажабким топмаса доди дилига чора халқ?!**

«Мундоғ ҳукмрон»ликнинг моҳияти «илму адолат»дан бенасиблик бўлгач, халқ «доди дилига чора» топиши мумкинми? Асло. Масаланинг ўзга ва асосий томони ҳам бор. Ахир, халқ орзу-умидларини ерга кўмиб, нурсиз вокелик ичида келажакни бўғиб яшашга чидаши мумкин эмас-ку! Ахир, шоир дегани эрк жарчиси. У қалбида истикболга ишонч ҳисларини ўлдиришга ҳаққи йўқ.

Аваз мушоҳада қобилияти улуғ шоир. У чуқур фикрлайди. Айниқса унинг, тадқиқотчиларимиз ҳаққоний қайд этганларидек, асримиз бошларидан кейинги ижод босқичларида яратилган шеърлари — маърифатпарвар, демократ шоир қалбида парварини топган ғоя ва туйғулар халқ, эрк, озодлик дардлари билан тўлиқдир. У «Қабих онларда эрки куйладим, дўстлар, биродарлар», деганида мутлақо ҳақ

эди. Аваз шахс эркини поймол қиладиган қатор ижтимоий, сиёсий, ахлоқий қараш ҳамда тушунчаларнинг муҳолифи эди. Уни олис тарихлардан буён халқ оёғини орқага суриб, руҳини абгор этиб қелаётган мутелик, миллий шуурдаги шикасталик каби хусусиятлар орттиқ изтиробга солган. Қаранг, у бу хусусда қандай хулосани билдирган:

**Етган офатни бошига доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон била кетгуси бора-бора халқ.**

Ҳеч шубҳасиз, «етган офатни» тақдир билиш халқнинг айби эмас. Дин, сиёсат, фалсафа, ахлоқ «тили» билан уни дин-шариат намояндалари, мутасаввуф ва сиёсатдонлар шу аҳволга туширишган. Бирок халқ онгсиз оломонми? У «ҳасрату армон» бртқокларида чўкиб кетгунча чидайвериши керакми? Йўқ! Ҳеч вақт бундай бўлмаслиги керак! Халқ «миллат, ватанни сақламоқ» туйғуси сўнган, шахсий манфаатлар бандаси бўлмиш амалдорларга тақдирини инонмаслиги лозим. Афсуски, булар Авазнинг орзуси эди, холос. Унинг реал ҳаётда кўриб, билгани мана бу:

**Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанни сақламоқ,  
Бўлди қурбон бу сабадан миллати ағёра халқ.**

Аваз халқ ҳаётига янгиланаётган, янгиликларга ташна замон, давр ижтимоий талаблари билан назар ташлайди. «Халқи оламни бори айлар тараккий кун ба кун», дейди ва ижтимоий-сиёсий тараккиётда «халқи олам»дан ажралиб қолаётган юртдошларига мурожаат сўзларини битади:

**Биз таназул айлабон қолдук эдук не қора халқ?**

Халқини «таназулдан» қутултирадиган ҳалоскор, Аваз тушунчасида, замон. Шоир замон қудратига тўғри баҳо беради. У «зулму ситамнинг зулмати»ни ҳайдаб, «адолат офтоби»ни барқарор этадиган замон бўлишига умид боғлайди ва «Халқ» шеъри хотимасида айтади:

**Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас мунингдек борҳо овора халқ.**

Ҳақиқий шоирнинг сўз ва фикр оҳанглирида ҳамиша уйғоқ нимадир яшайди. Нимадир ўчмайди. Нимадир келажакка дахлдор бўлиб қолаверади. Мен Авазнинг бошқа бир қатор асарлари қатори «Халқ» шеърида ҳам то хануз алам кўзгайдиган «нимадир» борлигини сезиб тураман. Бу — балки халққа, ҳақиқатга интиқ кўз юмган аждодлар охидир. Балки тарихнинг унутилмас, унутиб бўлмас доно сабоқларидир. Балки бошқадир. Ҳар қалай, ундаги бир қатор мисралар халқи дардида ёнган инсон дилидаги абадий безовталиқни аке эттирадики, буни руҳий камолот хизматида йўналтира олиш лозим. Аваз ўтмишининггина шоири эмас. Бугун ва келажакнинг ҳам шоири. Аваз шеърятининг юксак қудрати ҳам шунда.

## Хушомаднинг

# мактаби борми?

Бир тўй баҳонасидаги ўйлар

Ражаббой Раупов



Тўй ҳақида бири-бирдан қизиқ, тугал хотиралар, воқеалар, ниятлар шу қадар кўпки, буларнинг ҳаммасини битта олий ният — мурод тушунчаси боғлайди. Ҳар гал ушбу табрик сўзлари — «Тўйлар муборак», «Тўй қутлуғ бўлсин»ни эшитганимда эртақлардаги қирқта қозон осиб, қирқ кечаю қирқ кундуз элга ош тортган ҳукмдорлар, топса бир коса сув билан, унинг ҳам иложи бўлмаса, ёруғ кунларда, албатта, нишонлашга бир-бирларига сўз бериб қовушган ошиқ-маъшуклар ёдимга тушади.

Тўй бизга ўтмишдан, эртақдан, боболаримиз — аждодларимиздан мерос экан, демак, у фақат урф-одатгина эмас, инсон орзуларининг, шодлигининг изҳори битилган мўқаддас бир китобга ўхшайди.

Тўй деганда яна тенгқур болалар билан қишлоққа-қишлоқ кезишлар ёки бугунги тўкин-сочин тўйларни кўриб, қарияларнинг ўз тўйларини хотирлаб айтган ҳикоялари эсга тушади.

Шу йил куз арафаси Бухоронинг олис бир қишлоғида бўлдик. Механизатор Болтабой ўғиллари Муроджон, Темур ва Искандарларнинг тўйи муносабати билан ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғлари, колхоз оқсоқоллари, ҳамкасбларини чақириб, дастурхон ёзган экан.

— Қўшни қишлоқлик Болтабойниқига тўйга борарканмиз, — деган хабар келди. Тошкентлик икки меҳмон дўстимизнинг раъйига қараб, базмга бордик.

Икки юз кишидан ортиқ каттагина давра. Дастурхонда шунча одамга етгулик ноз-неъматлар. Тўрт қатор узун стол, ўртада ўттиз-қирқ кишилик алоҳида жой тайёрланган.

Тартиб бўйича ҳар бир участка аъзолари ўз бригадири бошчилигида жой-жойига ўтирди. Уртадаги столи колхоз правлениеси аъзолари, шу қишлоқлик ва қўшни маҳаллалик ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқийдиган икки-уч студент ва бошқалар эгаллади.

Тўйни колхоз раиси очди:

— Уртоқлар! — деди у ва қишлоқнинг бригадири ҳақида роса ўн минут гапирди. Сўнг тўй соҳиби Болтабойни таърифлаб: «У яхши пахта теради», деб эслатди. Ниҳоят, Болтабойнинг фарзандларига ҳам гал келди:

— Муроджон, Темур, Искандарлар ота-онасидек меҳнаткаш бўлсин. Уларнинг никоҳ тўйларида ҳам арақ ичайлик! — деб сўзини тугатди у.

Урта қатордан чапаклар янгради ва:

— Раис бобо, сўз исботи билан! — деган хитоблар эшитилди. Раис даврадагиларга мамнун боқиб, пиёладаги коньякни шимирди. Яна чапаклар...

Журналхон! Сиз бу ерда гап суннат тўйларининг даҳмазаси, келтирадиган зарари ҳақида боради, деб ўйларсиз. Бу — алоҳида мавзу. Биз унга ҳам қайтамыз. Лекин бу гал шунақа тўйларнинг бир «ғаройиб» жиҳати устида тўхталмоқчимиз.

Биз меҳмонлар билан мактаб ўқитувчилари даврасида (қаршимизда бешинчи, олтинчи бригада аъзолари) ўтирибмиз. Анъанага кўра ҳар столга иккитадан хизматчи — мутасадди белгиланган.

Ош тортилди. Ҳаваскорлар қўшиқ айтиб, давра қизий бошлади. Ҳар ким ҳам биринчи марта борган жойига, урф-одатига, одамларига қизиқиши, кузатиши табиий, албатта. Меҳмонларимиз ундан-бундан тотиниб, бизни тўйга бошлаб келган бухоролик Анваржондан ва мендан сўраб қолишди:

— Урта қаторда ўтирганлар ким! Боя гапирган раис экан, бошқалари-чи!

Анваржон индамади. Мен сукут сақладим.

Йигирма чоғли одамга саккиз киши овқат ташияпти. Бири минерал сув, бири шўрданак, яна бири яхна гўшт, коньяк... [Даврада уларнинг столдан бўлак бирор жойда на минерал сув, на коньяк қўйилган].

Кейин маълум бўлдики, колхоз раиси бошлиқ столда ўтирганларнинг бири колхоз тафтиш комиссиясининг раиси, иккинчиси кассир, учинчиси партком секретари, яна бири қишлоқнинг бригадири ва бошқалар экан...

Кўп ўтмай, меҳмонларнинг саволини ёнимиздагилар ҳам такрорлай бошлади. Энди кўпчиликнинг диққат-эътибори дастурхонга, ичимликка, куй-қўшиққа эмас, ўртадаги айрич стол ва айрича кишиларда бўлди.

Табрик ва қутлов сўзларини ҳам ўша—айрича кишилар оғзидан эшита бошладик. Сўз районининг собиқ судьясига берилди.

— Ахир, у... — қаршимиздаги йигит энди гап бошлаган эди, ҳамроҳи бўлиб қўйди:

— Жим, секинроқ гапир, сендан биров сўрадим! Биографиясини ҳамма билади. Гулдай пок гўдаклар шарафига сўз айтиш унга муносиб эмас, демоқчисан. Тушунамиз. У ҳам одам. Қилмишига яраша жазосини олган...

Қутлов тугади. Столлар бўйлаб шивир-шивир кучайди. Ҳамманинг нигоҳи ўшаларда, гўё тўй эмас, қизиқ бир томоша... Уларнинг сафига кечикиброқ бир киши келиб қўшилди. Раис ишора билан уни ёнига чорлади. Хизматчилар шошиб қолиб, бизнинг столдаги ҳали қўл урилмаган яримта товук гўштини ўз сўраган бўлиб, тарелкаси билан уларнинг столига элтиб қўйди. Буни биров сезиб, биров сезмай қолди.

Рости, меҳмонлардан хижолат тортдим. Анваржон бир нималар деб тўнғиллаб қўйди.

— Болтабойдан гинамиз йўқ эди, — кекаса бир ўқитувчи чиқолмай, ахир ёрилди. — Бизни тўйга айтиб бекор қилибди. Аввал катталарни тўйгазсин эди...

— Домла, кетамиз, — ёшироқ бир ўқитувчи шерикларига шу таклифни айтди.

— Салимжон, сизга стадионмиди бу, қўлни бир силтаб, чиқиб кетсангиз, — кекаса домла ўзини босиб, юкни яна ўз елкасига олди. — Бировнинг маъракасини бузиш одобдан эмас. Ўқитувчи деган номимиз бор. Қолаверса, бунга тўйчи айбдор эмас-ку...

Бировнинг нияти, орзуси ушалаётган, чароғон, хурсандчилик кечасида, завоқ-яқиндан меҳмонлар тўла дастурхон атрофида, тўй деб уқирилган, қутилган кишиларнинг кўз ўнгига очик-ойдин одам танлаш, мавқеига қараб сўз бериш — «ҳурматини жойига қўйиш» давом этарди. Болтабой билан бирга ишлайдиган дўстларига сўз берилармикан! Аслида бунга ҳам ҳожат йўқдек туюлди.

Кўп ўтмай (бир ярим соат давомида) улар учун тайёрланган тансиқ таомларнинг охири кўринди шекилли, хизматчилар одам келмай бўш қолган столларнинг ора-орасидан у-бунинг йиға бошлашди. Бу билан ҳам иш битмади чамаси, кимдир бизнинг столга хизматчи этиб тайинланган [чеккада мудроқ босиб, чопонига ўраниб ўтирган] йигитга иш топди:

— Жўрабой, сени қўлингдан келади. Қўшанга келган қўйлардан семизроғини сўй...

— Кабобнинг зўри ўзимизга тегадиган бўлди, домла, энди кетмайман, — деб ҳазиллашди боя ҳамроҳларига таклиф киритган жисмоний тарбия ўқитувчиси.

Тўй давом этапти.

Шу ўринда яна эртакка мурожаат этгинг келади... «Қирқта қозон осиб, қирқта мол сўйилди. Қирқ кечаю қирқ кундуз юртга ош тортилди...» Бўлса бордир. Бир замонлар шундай бўлгандир, деб ишонгинг ҳам келади. Лекин бу қанақаси! Тўй кимники! Азалдан шундайки, уйингга меҳмон келса, қўшнинг чақирми одат ҳисобланган. Сабаб, биринчидан, меҳмоннинг ҳурмати учун, иккинчидан, уйингга ким келиб-кетгани маҳалла-қўйга очиқ-ойдин бўлсин деб.

Болтабойнинг маъракаси одам айирбошлаш ё хуфия дастурхон ёзиш эмас, бу орзу-истак, қолаверса, мурод тўйи-ку! Бригадир, кассир ва бошқалар Болтабой билан ҳамқишлоқ, девор-дармиён қўшни экан, бу жуда яхши. Тўйга келган-кетгандан хабардор бўлиб қўшнинг обрўйи учун хизмат қилса арзийди. Бу ҳақда гап-сўз йўқ. Лекин, ёмони шундаки, раиснинг кўнглини топиш, унинг ҳурматини қозониш учун улар қўшнинг тўйини танлашди. Сурбетлик ҳам эви билан-да, дегинг келади-ю, тил тишлайсан. Чунки, бировнинг тўйини бузиш одобдан эмас.

— Ҳечқиси йўқ, — деб бизга юзланди кекса муаллим. — Эйтибор берманглар. Яқинда тўйчи болаларнинг каттаси мактабга боради. Уни ўзим ўқитаман...

— Домла, хушомаднинг мактаби борми! — тўсатдан сўради жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ҳаммамиз унга қарадик. — Айтинг, бор бўлса, ўт қўяман!

— Қизишманг.

— Кетайлик, тоқатим қолмади!

Ҳамроҳлари унинг сўзини ёнидагиларга етказди. «Кетдик, кетдик» бутун даврани айланди чиқди. Энди бу сўзини тўхтатиш қийин эди. Хурсандчилик бу қадар кўнгилсизлик билан тугагани ҳеч ким кутмаган, ҳамма «айб ўзимизда» дегандек хижолатли, даврани ким биринчи бўлиб тарк этишини куттишарди.

Шу пайт мўъжиза юз берди. Қаҳрамонимиз давра раисини чақирди. У микрофон билан ёнимизга келди.

— Қўшнимизнинг тўйи бор эди, — деди Салим Жаҳонгиров (жисмоний тарбия ўқитувчиси). — Кетмоқчиман. Икки оғиз тилагим бор эди.

Давра раиси ноилоҳ унга микрофон тутқазди.

Жаҳонгиров тўй аҳлига хотиржам кўз югуртириб чиқди. Ҳамма «у нима дер экан» деб кутарди. Муаллим Болтабойни тўй билан табриклади, сўнг:

— Мен яқинда бир китоб ўқидим, — деб давом этди. — «Горно ота», роман. Француз ёзувчиси ёзган. Бизнинг социалистик жамиятда табақалар йўқ. Францияда эса ҳамон табақалар мавжуд. Бальзак: «Францияда учта табақа мавжуд» деб ёзади. Биринчиси, олий табақа кишилари. Улар жуда кам. Иккинчиси, ўрта табақа кишилари. Улар кўп. Қизғин, булар олий табақа одамларига хушомад қиладилар. Шу билан уларга тенглашишга, қўшилишга интиладилар. Яна бир эзилган, учинчи табақа ҳам борки, улар бечора йўқсиллар, меҳнаткашлар. Улар мамлакатнинг, французларнинг жуда кўпини ташкил этади.

Буни эслаётганимнинг боиси бор. Бошқа қишлоқларни, бошқа колхозни билмайман-у, аммо бизнинг колхозимизда беш-ўнта ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам қадрини билмайдиган хушомадгўйлар бор. Тилагим шу: Болтабойнинг ўғиллари улғайганда хушомадгўй бўлмасин, тўпигидан паст курсиларга айданмасин. Вақт етиб, Муроджон, Темур, Исқандарлар ўғил қўриб, тўй қилса, эъзознинг — дастурхоннинг тўри ҳаммага — отасидек меҳнаткаш, пахтани кўп тарадиган кишиларга бўлсин...

Кутилмаганда қарсақ янгради. Ўрта қатордагилардан бошқа ҳамма ўриндан туриб унинг табрик сўзларини олқишлади.

Домла микрофони узатдию ўрнига хотиржам ўтириб, иссиқ

чой хўплади. Ҳаяжондан юзлари қизариб, кекса ўқитувчига хижолатли қаради.

У «хушомадга ўт қўйдинг-ку», дегандек жилмайди. Кимдир ашулачилардан «Тўйлар муборак»ни қайта айтишни илтимос қилди.

Қўшиқ бошланди.

Тўй давом этди.

Ҳамма хурсанд. Гўё елқандан тоғ ағдарилгандек. Қадақларнинг секин жириглаши меҳмон юзидаги табассум билан қўшилди.

Урта қаторда ўтирганлар ўринларидан кўзғалиб қолишди. Даврани биринчи бўлиб раис тарк этди. Кетидан бошқалар...

Воқеага шу билан нуқта қўйиш ҳам мумкин. Лекин, келинг, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тўй ҳаётда бир кунлик воқеа эмас. Шу билан бирга ҳар кунни бўладиган воқеа ҳам эмас. Ҳар бир хонадон бу шодиёна кунни йиллаб кутади, йиллаб тайёрларлик кўради. Шундай экан, нега биз қўшниларимизнинг, ёру биродарларимизнинг шодлик маросимидан ўз манфаатимиз учун фойдаланишимиз керак! Шубҳасиз, тўйга айтилганлар орасида уч-тўртта ошна-оғайниларимиз, дўстларимиз бўлиши мумкин. Қишлоқ тўйларида ҳар бир киши даврада биркитилган хизматчилардан ташқари, ўз яқинларига гуруҳ-гуруҳга бўлиниб, ўзича хизмат қила бошлайди. Тўй айрича кишилар учун айрича дастурхон ёзиш маросими эмас-ку!

Биз юқоридики иштирок этган тўйда ёшгина омбор мудиридан то кассир йигитгача раисга хизмат қилиши [зинҳор бунинг хизмат қилиш деб эмас, хушомад деб тушуниш керак] шартмиди? Элининг оқсоқоли, колхознинг отаси сифатида сайланган раис тўйга ўзини кўрсатиш учун иштирок этиши керакми? Қишлоқда айниқса бундай давраларда каттадан-кичи, болалардан то колларгача йнгилади. Тўй одамларга шодлик улашиши билан бирга, ўзининг қиёфаси билан ҳам ёдда қолиши керак-ку! Хўш, синчковлик билан кузатган болага бу тўй нима беради! «Оқ семанни [Ч. Айтматов] эсланг... Катталар даврасига тушиб қолган бола ўзининг энг муқаддас, ишонган тўйгуларини еб-ичаётган, кемираётган, симираётганларини қўриб, касал бўлиб қолади... Бу бадий тўқима эмас. Боланинг ҳам юраги борлигини, унинг ўй-қирлашини, яхши-ёмонни ажрата олишини ким инкор этади! Баъзи тўйларда давом этаётган бундай хушомадгўйлик болаларга қандай таъсир этаркан! Ахир, улар мактабда, қишлоқда энг ҳурматли саналган ўқитувчилари, ота-оналари тўйда камситилаётганлигини қўриб туриб уйламайдиларми!

Уша биз гувоҳи бўлган «хизматкор»лар ҳам яқиндагина шу ўқитувчилар қўлида савод чиқарган, 4—5 баҳоларни олиб, ҳаётда ўз ўринларини ҳалол топишга, келажагига умид билан қарашга ишонтирган болалар эди. Нега энди улар ҳеч кимдан уялмай, бировнинг тўйида ўз манфаатлари [бошиқларига ёқиш учун] паст кетдилар! Бу, шу даврани кузатиб турган бир неча болани уларга билиб-билмай ҳавас қилишларига, яна бир неча йилдан сўнг қишлоқда уларнинг тақдирчилари, издошлари кўпайишига сабаб бўлмайдими!

Бизнингча, тўй болалар учун ҳар гал кундалик турмушнинг катта бир воқеаси бўлиб туюлади. Аслида ҳам шундай. Мактабда ҳар бир ўқитувчи камида 30—40 йил ишлади. Демак, уларнинг шунча йил хулқ-атвори, кийиниши, муомаласи кўз ўнгимизда ўзгармай намоён бўлади. Оддийликлари, таълим-тарбиялари билан бутун бир қишлоқнинг, колхоз аҳлининг қалбига, ҳаётига ўрнашиб, сингиб кетадилар. 30—40 йил ичида баъзи колхозларда тўрт-беш марта, ҳатто ундан ҳам кўп кишилар раислик лавозимига сайланиши мумкин. Лекин ўқитувчи умр бўйи бир касбда ишлайди, ҳатто ўқувчиси-нинг ҳам боласини ўқитади. Болалар ана шундай кишиларни тўйда айрича бир ҳурмат ва эъзоздан четда кўрсалар, уларга қандай таъсир этаркин!

Бизнинг битта тўй мисолида билдирган мулоҳазаларимизни ҳамма тўйларга нисбатан айтилган айбнома деб тушунмаслик керак. Янги аънаналар ва урф-одатлар билан бойиб бораётган қишлоқ тўйлари ҳавас қилса арзигулик. Лекин юқоридагидек тўй маросимлари ҳам борки, биз уларнинг бевосита сабабчилари бўлган хушомадгўй, манфаатпараст, иззатталаб кишиларга қарши ҳамиша кескин муносабатда бўлишимиз, жамоатчилик этиборини шундайларга қаратмоғимиз, тўйларимизни тўйдек ўтиши учун ҳисса қўшишимиз лозим.



Бегали Қосимов

## ҲАҚ СЎЗНИ ШИОР ҚИЛИБ...

**У**стоз Ойбекнинг «Болалик»даги хотираси эсингиздами!

«Айвонда мук тушиб, Таваллонинг шеърларини ўқишга киришаман... Уқийман, диққат билан берилиб узоқ ўқийман... Шеърлар рангдор, жонли, тили узига хос, равон...»

Тавалло — Тўлаган Хўжамёров асримиз бошидаги истеъдодли шоирлардан эди. У 1882 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасида туғилди. Эски мактаб-мадрасада ўқиди. Кўпроқ хусусий мутолаа билан шугулланди. Араб, форс, турк, озарбайжон, сўнгра рус тилини ўрганди. 1900 йиллардан бошлаб унинг шеърлари «Туркистон вилоятининг газети», кейинроқ «Тараққий», «Шухрат», «Садон Туркистон», «Садон Фаргона» каби газеталарда мунтазам суратда эълон қилинди. Узи ҳам даврий матбуотни, айниқса, Қозону Кавказдан чиққан газета-журналларни синчиклаб кузатиб борди. «Ёшгина шоир» Абдулла Тўқайнинг дардли ва исёнкор шеърятини севиб қолди. Шеърларидан бирида унинг номини ҳурмат билан тилга олган, «шеърларидан кўб баҳралар олгонлиғини, турмуши ҳам Тўқайнинг «таржимаи ҳолига ниҳоятда ўхшаб келганлигини (у ҳам етим ўсган эди) ёзган эди. Тўқай унинг учун ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўрнак ва тимсол бўлиб қолди.

Биринчи жаҳон уруши даврида Тавалло ижодида кенг халқ оммасининг дардлари ўз аксини топа бошлади. Ҳазал ва муҳаммасларида XX аср бошидаги турғун ва тутқун Туркистоннинг фожiali манзараларини кўзда ёш билан тасвирлади.

1916 йилда Биринчи жаҳон уруши оқибати ўлароқ бутун Россияда, шу жумладан, Туркистон ўлкасида қаҳатчилик қаҳрига минган, йўғон чўзилиб, ингичка узилган бир пайтда Тавалло:

Камбағал бечоралар ҳолин сўрар бир кимса йўқ,  
Тортадур қимматчилигда кунда заҳматлар дариг.  
Бойлар олди ғалла арзон чоғда омбор тўлдуриб,  
Камбағаллардан чиқар чанг, қилса ҳасратлар дариг. —

дея камбағалнинг ночор, фожiali аҳволидан дод солди. У ватан ва миллатнинг энг катта фожиясини жаҳолат ва нодонликдан деб билди. «Йўқ, замон тескари эмас. Биз, кишилар тескаримиз. Нафсимиздан, қорнимиздан бошқа нарсани ўйламаймиз. Энди эскича яшаб бўлмайди. Бўрө [бўйра] узра риё қилмоқ инсоннинг иши эмас. Хароботхонани — Ватанни тузатмоқ керак. Турмушни — ҳаётни янгилаш лозим.

Лекин буни ким қилади! Давлатини фил, ҳимматини пашша кўтара олмайдиган «ағниё»ми! Мутлақо. Дунёни сув босса, унинг тўпигига чиқмайди. Негаки, унинг қорни тўқ. Мутаассиб оталарми! Улар ҳам эмас. Улар замон воқеаларидан, дунёнинг бориш-келишидан юзлаб йиллар орқада қолиб кетганлар. Буни фақат ватанни жону тан ҳисоблаб, миллат қайғусини муқаддас тутганларгина қила оладилар. Бундайлар эса ёшлардир. Тўғрироғи, ёшларнинг ҳам фидойи бўлган демократ қисмидир». Шоирнинг фикрлаш тарзи ана шундай.

Бунда ҳали аниқлик етишмайди, албатта. Масалан, унда халқ эмас, миллат. Бундай қарашда буржуача майлга имкон бор. Лекин, сир эмас, бундаги миллат халқ маъносини ташийди. Иккинчидан, деярли ҳар бир сатрида унинг миллатни иккига — ағниё ва камбағалга ажратиши, бутун вужуди билан мана шу меҳнат аҳли — камбағал тарафида туриши маълум бўлади. Тўйда камбағалнинг пастда қолиб бойнинг тўрга олинишидан ғазабга минади. Камбағални «ағниё»дан «минг ҳисса ортуқ» ҳисоблайди. «Оч, муҳтож, яланғоч»га «эшик оч»ади. Уларни «бойлар молига алданма»сликка қақиради. Айни пайтда «сағир оши»дан «парҳезланмаган»лардан, «элни қони»ни «еб-ичар»лардан, «рибоу ришва» [фойда ва пора]нинг пайига тушганлардан қаҳрини яширмайди.

Бидъат ва жаҳолатни қораловчи, тараққиёт ва маданиятни улғувчи, халқнинг оғир тирикчилигини ошкор айтувчи шеърлар унинг ижодида анчагина учрайди. Унингча, бу масалада ижодкор зиммасида алоҳида масъулият туради. Шоир «Қаламга хитоб» шеърда унинг «ҳасрату андуҳ»дан, «меҳнат»дан ёзишини, «тўғри ёз»ишини талаб қилади. Қаламнинг вазифаси виждонни уйғотмоқдир («Тўғри ёзғил ҳасрату андуҳ, меҳнат, эй қалам, Аҳли виждон ўқуса, оқсун кўзидан ёшлар»), деб билади.

Француз социал утописти Шарль Фурье: «Муайян тарихий давр тараққиётини ҳамма вақт хотин-қизларнинг озодлик йўлида қанчалик илгарилаб борганлиги билан белгилаш мумкин... Аёлларнинг озодлик даражаси — умумий озодликнинг табиий ўлчовидир», деб ёзганди. Маркс ва Энгельс бу фикрни ғоят қадрлаган эдилар. Шу жиҳатдан Таваллонинг хотин-қизлар эрки масаласида ўша 10-йилларда билдирган мулоҳазалари ҳозир ҳам кишини ҳайратга солади. Масалан, унинг «Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» [1916 й.] шеърда қизлар оталаридан уларни «ҳалокатдан», «маломатдан» қутқаришни — ўқитишни, эрк ва ҳурлик беришни сўрайдилар. Бугина эмас. Келажак оила, тенг ва саодатли, муҳаббатли ва садоқатли турмуш масаласини ўртага қўядилар. Ҳолбуки, худди шу йилларда ўлканинг энг эътиборли журналларидан бири — «Ойина» «Хотин олами вужуда фидойи ўлмақ узра келмиш бир махлуқи латифдур» деб ёзган, энг обрўли шоирлардан бири эса «Қайси хотунким, очуқ юздур, бале фоҳишадур» дейишгача борганди. Ва бу ҳукмрон нуқтан назар эди.

1914 йилнинг 27 февралда Тошкентдаги «Колизей»да [ҳозирги Свердлов концерт залига] биринчи маротаба миллий театр ўйналди. Тавалло бу ҳодисани «ҳаёт асари [белгиси]», «тараққийнинг хабари» сифатида юсак баҳолади. «Саҳнада»гилар «жасоратини» олқиси этди. «Русу арман, ўзбеку тоторимиз»нинг ёнма-ён ўтириб ундан «баҳра олганини — халқлар дўстлигини, ҳамдардлигию ҳамкорлигини улғулади. Русиядек муаззам ўлкага «ҳамватан»лигидан фахрланди.

Тавалло шеърнинг, шоирликнинг бурчи ва қадрини баланд тутар эди.

Шоирлик, бу унингча, бир умр уйғоқ виждон билан яшамоқ. Халқи, ватани ҳаётидаги ҳар бир ташвишу қувончдан қақмоқ-



дек ёнмоқ. Унинг биргина қуроли бор. У ҳам бўлса — ҳақиқат сўз. Ундан чекиниш қаламга ҳам, виждонга ҳам хиёнатдир.

Шеърят, бу — кураш. Узининг омонат фароғати эмас, кўпнинг нафи-манфаати учун адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш. Бас, шундай экан:

Кел, Тавалло, бўл мусаввир, ол қаламни қўлга сан,  
Чек фронтлар сувратин, кўрсун ҳамма наққошлар.

Шоир «ҳақиқат сўз»ни, дилбанд диёри дардларини айтиш билан кифояланмайди. Уни тузатишга диққатни қаратади. [«Камчилиқни назму таҳрири Тавалло қилмасанг, кел, букун манзур эмас, ёзма бўлак ашъор ҳеч»].

1914 йилда ёзган бир шеърда у шоирлик вазифасини миллатни, халқни чиркин иллатлардан тозаловчи, жисми ва руҳини покловчи деб кўрсатган эди.

Мана шу нарса Тавалло 1914 йилда Авлонийнинг «Мақса-димиз зоҳирда театру бўлса ҳам, ботинда Туркистон ёшларин сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди», — деб изоҳлаган «тараққийчилар тўдаси» — «Турон»га бошлаб келди. Уша йили 30 августда эса у «Нашриёт» ширкатига аъзо бўлиб кирди...

Тавалло юқоридagi сабабларга кўра Улуғ Октябрь революциясининг моҳиятини тез орада англаб етди ва имкони борича бу муқаддас гоёларга хизмат қилмоққа бел боғлади. 1918 йилданок партия сафига ўтиб революция иши учун жонбозлик қилди. Хусусан, Эски шаҳар фавақулда комиссияси бошлиғи сифатида революция душманларига қарши аёвсиз кураш олиб борди. Сўнграқ у «Муштун» журналининг муассисларидан ва биринчи авторларидан бўлди. Углаб гоёвий-бадий бақувват шеърлар ёзди. Бу шеърларида ҳам у революция душманлари-

## Тавалло

### Қаламга хитоб

Эй қалам, сирримни сан этдинг жаҳонга фошлар,  
Бу сабабдин бир нечалар бўлдилар кундошлар.  
Тўғри ёзғил ҳасрату андуҳ, меҳнат, эй қалам,  
Аҳли виждон ўқуса, оқсун кўзидан ёшлар.  
Бизни элга тўғри сўз ёқмас такаллуф бўлмаса,  
Қил ҳамшиша онлари ҳаққинда сан мақтошлар.  
Илму фансиз нечалар айлаб ўзини «образон»,  
«Ман тараққий айладим!» — деб урса лоф, хархошлар.  
Соч қўюб, фалто кийиб, бил, русча мактаб кўрмайин,  
Айласа санга насиҳат, айлағил бардошлар.  
Кўр, тараққийга қадам қўйсанг, кўролмас, эй қалам,  
Қобилият маҳв эдар бир неча монёв ёшлар.  
Авалло, сем(и)нору гимназ борсун, ўргансун илм,  
Бас, келиб андин кейин берсун санга кенгошлар.  
Сан, қалам, қўйғил қадам, турма аёғинг кўтариб,  
Чолмасун бир хил сани бетарбият авбошлар.  
Нега кор-этмас мани ёзгонларим, деб ранжима.  
Фойдаму олғой агар ёқғонда ямғур тошлар.  
Қилмайин инсоф ўзи йўл олмайин ётса ҳамон,  
Ё малакларму тушуб онларни йўлга бошлар.  
Миллатинг қайғуси хўбдур, ема бошқа қайғуни,  
Эй, қалам, айлар адам борма худойи ошлар.  
Кел, Тавалло, бўл мусаввир, ол қаламни қўлга сан,  
Чек фронтлар сувратин, кўрсун ҳамма наққошлар.

1916 йил

### Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан

Атолар! Кўрсатинг йўл бизга ҳам илму синоатдан,  
Уқутинг, қутқаринг, бечора қизларни ҳалокатдан!  
Солинг ҳар ерга мактаб, қўл йиғинг бўғзу адоватдан,

га қарши курашни давом эттирди. Бу курашда қаламни ўткир қуролга айлантди. Зеро, ўзи таъкидлагандек:

«Бўлса ҳар қайси шаҳарлар ичра Шўро душмани,  
Ошкоро ёзадур, они жазосидур қалам».

Оташин шоир илғор жамиятимизга доғ бўлган эскилик сарқитлари, диний бидъат ва очофат муллаю эшонлар устидан қулиб ўткир сатирик асарлар ҳам битди.

«Ёш қизларни тортиб олгон пулдорлар,  
Ривоятлар сотгон аълам мурдорлар,  
Никоҳ ўқуб чопон кийган беорлар,  
Эллиқбоши, ҳаромхўрлар, маккорлар,  
Ҳаммасини қилдинг яқсон, Октябр!» —

деб халқни ёруғликка етказган Улуғ Октябрь революциясини улуғлади.

Ижодининг илк даврларидаёқ тўғрисиўзлиқни шоир қилиб олган Тавалло халққа хизмат қилиш учун энди янада яхши ижод қилиш зарурлигини бир нафас ҳам ёддан чиқармади. Аксинча, шоирлик ниқобидаги назмбозлик кўринишларига муросасиз муносабатда бўлди. Асарларидан бирида шеър ёзишни эрмак деб билгувчи назмбозлар устидан қаттиқ кулди:

«Ул «шоирлар» бир мирига тўрт юз грамм,  
Бир нафасда шеър ёзиб беражақдир.  
Балаид-пастлик жойларда қийналмангиз,  
Уқиб бермоқ учун ўзи келажакдир».

Шу тариқа, Тавалло ижодда ҳам, ҳаётда ҳам умрининг охиригача (1882—1939) «Ёзаман ҳаққонасин» деган ўз шиорига содиқ бўлиб қолди.

Зарурдур илм ўқутмоқ бизлара ҳар қайси бобатдан.  
Келингуз, фоида йўқ сизлара тўю зиёфатдан.

Олинг, бизлар учун қуръон, маржонлар керакмаздур,  
Беринг қоғоз, қаламлар, зеби гардонлар керакмаздур,  
Тумору чулфи-сулфи, дурру ғалтонлар керакмаздур,  
Тўқуз-тўқуз, чўяндин бизга қумгонлар керакмаздур.  
Илм бизлар учун ортиқ сизи қилгон бизоатдан.

Букун безордирмиз сизни қилгон қўш фалаклардан,  
Босуб чанг ётқучи дорларни устида алаклардан,  
Зару кимхобу шолу атласу турлук ифаклардан,  
Қасам биллоҳ, кечдук баргаку олтун зираклардан,  
Уқутинг, қутқаринг дунёда бизларни маломатдан!

Илоҳи тилка-тилка ўлсун ул қўлтуқ туморимиз,  
Чунон юз пора ўлсун уй ичинда зардеворимиз,  
Нисор ўлсун, ато, ирфон учун бу йўқу боримиз,  
Бўлакдек биз ҳам эмди илм ўқумоқга хуморимиз,  
Қанизакмизму бизлар, қўрқунг эй ваҳми қиёматдан.

Дуо айланг, анолар, эмди бидъатлар қуриб кетсун.  
Биз учун сизни қилгон мол сандуқда чуруб кетсун,  
Атолар раҳм эдуб, мактаб солуб бизларни ўқутсун,  
Агар ўқутмаса Лут қавмидек бизларни ер ютсун,  
Ўлум бизларга ортиқ илмсиз дунёда роҳатдан.

Уқутқон сўнгера верганда куёв тенгдошимиз ўлсун,  
Иков ҳам илмшк, ёшлиқда бирдек ёшимиз ўлсун,  
Жаҳонда шод ўлуб ҳамохират қардошимиз ўлсун,  
Агар чолларга тушсак, заҳр ичгон ошимиз ўлсун,  
Илоҳи сақла бизни дунёда мундоқ фалокатдан.

Худоё, баҳра вер бизларга ҳам илму фунунлардан,  
Хабардор ўл ҳамшиша биз каби бахти забунлардан  
Маориф ёди бирлан кўздин оқгон чашми хунлардан,  
Етуштур илм ўқуғон бизга, ёраб, раҳнамунлардан.  
Тавалло, айлаюрмиз кўз тутуб тонгла шафоатдан.

1916 йил



# ДИЛ СЎЗЛАРИ

Журнализмнинг шу йил август сонида редакциямизга келган икки хат муносабати билан «Ёшлик» анкетаси эълон қилинган эди.

Орадан кўп ўтмай республикамизнинг турли бурчакларидан редакциямиз почтасига даста-даста хатлар кела бошлади. Хат муаллифлари турли касб эгалари: шифокор, ўқитувчи, ишчи, колхозчи, студент, ўқувчи... Ҳозиргача ёшлар йўллаган хатлар сони 500 дан ошиб кетди. Қуйида ана шу жавобларнинг айримлари билан танишасиз.

1. Қилаётган ишингиздан хурсандмисиз? Касбингизни ихтиёран танлаганмисиз ёки...

2. Меҳнат фаолиятингиз бошлангандан буён маънавий ҳаётингизда ўзгариш рўй бердимми? Дунёга, одамларга муносабатингиз ҳозир қанақа?

3. Сиз ишлаётган коллективда ёшларга ишонч, иззат-ҳурмат жойидами? Уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топширадиларми?

4. Сиз ҳар жиҳатдан тўқис деб биладиган, эргашадиган одамингиз борми? У сиз учун ҳали ҳам ҳурматлими ёки ишончингизни йўқотганми? Нега?

5. Касбдошларингиз орасида лаёқатсиз бўлса-да, тузуккина лавозимни эгаллаб турганлар борми? Сиз уларга боқиб, нималарни ўйлайсиз? «Тиргак»сиз, ўз кучи, билими билан обрў қозонган танишларингиз озми, кўпми?

6. Чин муҳаббатнинг борлигига ишонасизми? Ёки бу — китобий гап, деб ҳисоблайсизми? Ўзингиз севиб, севилиб (оилали бўлсангиз) турмуш қурганмисиз?

7. Оила қуришда ота-онанинг розилиги шарт, деб ўйлайсизми? Ёки сизнингча эскирган тушунчами?

8. Танлаган йигитингиз (қизингиз)нинг қайси фазилатига кўпроқ эътибор бераёсиз? Умуман, сиз одамлардаги қандай ислатларни қадрлайсиз?

## Илҳом ТҮЙЧИЕВ, 28 ёшда, пахтакор:

1. Пахтакорлик касби билан фахрланаман. Узимни деҳқон дейишлик эриш туюлади, ҳали бу номга номуносибман. Урта мактабни тугатгач, ўз ихтиёрим билан колхозда қолганман.

2. Қалб амри билан чўлга — Сирдарёга келдим. Меҳнатимни раҳбарлар рағбатлантиришди. КПСС сафига қабул қилиндим. Мукофотга «Жигули» олдим. Чет элга саёҳатга бориб келдим. Дунё кўрдим, дунё танидим. Ватанимга муҳаббатим янада ортди. Одамларга қўшилмай яшамоқни маҳдудлик деб биламан.

3. Бизнинг совхозда ёшларга ишонч ва ҳурмат катта. Бизда «Унта қарининг ишини бир ёш бажаради» деган гап бор. Совхозимизда 15 та комсомол ёшлар бригадаси мавжуд. Сардорлари ҳам ёшлардан. Ораимизда Бутуниттифоқ Ленин комсомоли ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари анчагина.

4. Совхозда бир бўлим бошлиғи бор эди. У кишидан одамгарчиликини, муомалани ва деҳқончиликини ўргандим. Ҳозир у киши бошқа жойда ишляпти. Тез-тез учрашиб тураимиз.

5. Баъзи ташкилот раҳбарлари орасида атрофига қариндош-уруғларини, ошна-оғайниларини йиғиб олганлари ҳам йўқ эмас. Уларнинг қўлидан бир иш келмайди. Ойлик ва мансаб учун яшашяпти.

Бир танишим бор эди. Институтда сиртдан ўқирди. Мени ҳам ўқишга киргизмоқчи бўлиб, 600 сўм сўради. Кўнмадим. Ўзи бир амаллаб таниш-билиш билан ўқишни ҳам тугатиб олди. Тасодифни қарангки, мен ишлаётган «Мирзачўл» совхозига агроном бўлиб келди. Аммо тез орада йўқолди. Кейинчалик эшитсам, бўлажак кўеви — бир совхоз директори синглисига уйланиш учун (аввалги хотини билан ажрашган) уни совхозига бош агроном қилиб олибди. Мен ўша агрономдан жирканаман. Чунки ундайларда на ҳаё бор, на ўқув.

6. Муҳаббатни эъзозлайман. Чин муҳаббат бор. Уйланганман. Икки фарзандни тарбияляпмиз.

7. Ота-она розилиги албатта керак. Ҳар бир ота-она фарзандига фақат яхшилик истайди.

8. Мен турмуш ўртоғимнинг меҳнатсеварлигини, уйдаги-ларга ва ўзимга нисбатан муомаласини ҳурмат қиламан. Одамлардаги ҳалоллик, виждонлиликни қадрлайман.

Сирдарё

## Аваз ҲАЙДАРОВ, 25 ёшда, ишчи:

1. Мен Тошкент офсет усулидаги босма фабрикасида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Ўз ишимдан мамнунман. Асли

болаликдан милиционер бўлишни орзу қилардим. Соғлигим тўғри келмай, (ҳозир оддекман) олий милиция мактабига киролмадим. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда газета-журналларга хат-хабарлар ёзиб турардим. Шу сабаб ҳужжатларимни университетнинг журналистика факультетига топширдим, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб кечки бўлим талабаси бўлдим. Ҳозир 3-курсда таълим оляпман.

2. Ишга кирганимдан буён ҳаётга, одамларга муносабатим ўзгарди. Ҳиссиз, ичиқора, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кимсалардан нафратланаман.

3. Мен ишлаётган коллективда ёшларга ишонч ҳам, ҳурмат ҳам йўқ.

4. Бор эди. Бир куни уни бегона бир аёл билан ресторанда қўриб қолдим. Маст, оғзига келган гапни қайтармай сўкинар эди. Кўзимга жудаям пасткаш бўлиб кўринди. Ихлосим қайтди.

5. Ҳали «тиргак» тиралиб кун кўраётганларни учратмадим. Ҳамкасбларим орасида ўз кучи, билими билан обрў топаётганлар жуда кўп.

6. Муҳаббат бўлмаганда ҳаёт ҳам бўлмас эди. Муҳаббат бўлмаганда одамни ҳайвондан фарқи қолмасди. Севиб, севилиб яшашга нима етсин!

7. Ота-она турмуш қуришга аралашмаслиги мумкин, қачонки улар йўқ бўлса. Келажақда фарзандларимнинг ҳам менинг розилигимсиз турмуш қуришларини истамайман. Бу тушунча эскилик эмас.

8. Мен танлаган қиз ҳуснда танҳо, моддий жиҳатдан бой бўлиши шарт эмас. У садоятли, ўткир зеҳли бўлса бас. Одамлардаги меҳнатсеварликни қадрлайман.

Тошкент

### Бибисора ХУДОЙБЕРДИЕВА, 22 ёшда, шифокор:

1. Бошқа касбларда хоҳиш бўлмаса ҳам ишласа бўлади. Аммо бизнинг соҳада кишининг ўзида истак бўлмаса ишлаб бўлмайди. Фақат истакнинг ўзи ҳам камлик қилар-ов. Одамларга нисбатан меҳр ҳам керак. Ишимдан кўнглим тўқ.

2. Маънавий ҳаётимда ўзгаришлар бўлди. Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ одамларга дуч келдим. Дунёда фикрини мушт билан ўтказадиганлар ҳам бор экан. Баъзилар яхшиликни ўз манфаати йўлида ниқоб қилиб оларкан. Иши битса тўнини тескари қияркан...

3. Касалхонамизда ёшларга ишонч катта. Жуда қийин операцияларни ҳам ёш врачлар муваффақиятли бажаришяпти.

4. Биринчи муаллимимни ҳар жиҳатдан тўқис деб биламан. Ҳаётда у кишидай бўлишга ҳаракат қиламан.

5. Бизнинг касбда лаёқатсиз бўлиш — қотиллик демек. Ундай одамларни учратмадим.

6. Чин муҳаббат бор, деб ўйлайман. Ёзувчилар ҳам ҳаётдагини ёзадилар-ку. Ҳар қалай, осмондан олишмаса керак.

7. Ҳеч қайси ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Фарзанд ота-она розилигини олиши шарт. Бу — эскирмас тушунча.

8. Севган кишимнинг сўзи билан иши бир бўлишини истайман. Одамлардаги самимийлик ва тўғрилиқни улўғлайман.

Сурхондарё

### Раҳима, 30 ёшда, педагог:

1. Педагогман, аслида шифокор бўлмоқчи эдим. Аммо ишим ўзимга ёқиб қолди.

2. Меҳнат фаолиятим бошлангандан буён маънавий ҳаётимда кескин ўзгаришлар юз берди. Назаримда ноҳақлиқ кўпайиб кетаётгандек. Баъзан ҳуқуқшунос бўлгим келиб кетади. Қани эди, дунёдаги барча ёмонликларни тағ-томири билан сўғуриб ташлаш қўлимдан келадиган одам бўлсам! Ишқилиб, дунёмиз тинч бўлсин!

3. Коллективимиз асосан ёшлардан ташкил топган. Ишонч ҳам, ҳурмат ҳам бор.

4. Ҳар жиҳатдан тўқис одамни учратмадим. Жуда ёмон одам ҳам бўлмаса керак.

5. Қўлидан бир иш келмаса-да, таниш-билиш орқали, «маориф аълочис» бўлиб олганларни биламан. Уз кучи, билими билан обрў топаётган танишларим оз бўлса-да, бор.

6. Чин муҳаббат йўқ. Китобий гап. Турмушга чиққанман. Эр-хотин бир-биримизга жуда меҳрибон эдик. Турмушимизни ичкилик бузди.

7. Ота-она розилиғи керак экан. Мен онамнинг (отам ёшлигимда вафот этган) розилиғисиз турмушга чиққанман. Бахтсизлигим шундан бўлса керак.

8. Покликни, ростгўйликни қадрлайман. Ҳар қанча ишим юришмаган тақдирда ҳам тўғрисиўз бўлишга ҳаракат қиламан.

Бухоро

### С. ҲОЖИЕВА, 22 ёшда, кутубхоначи:

1. Ишимдан хурсанд эмасман. Маданият институтига тоғамларнинг ёрдами билан кирганман.

2. Меҳнат фаолиятим бошланганига бир йил бўлди. Ҳозирги ишимга жойлашгунча таниш-билишчилик қилавериб роса чарчадим. Дунёнинг қайси бир бурчакларида ҳасад-ҳусумат, разиллик ҳукмронлиги, беҳуда қон тўкилаётганлигидан ташвишдаман. Одамларга фақат яхшилик истайман.

3. Мен ишлаётган ташкилотда қизларга бошқача кўз билан қарашади. Бизларга бирор-бир муҳим топшириқ берилганлигини эсполмайман.

4. Талабалигимда бир йигит билан дўстлашгандим. Назаримда дунёда ундан тўқис одам йўқдек эди. Афсус, янглишган эканман. Қўли эгри экан...

5. Касбдошларимнинг кўпи техникумни тамомлаган. Улар орасида кимларнингдир ёрдами билан юқори лавозимларда ишлаётганлари ҳам бор. Уша мансабдорларнинг баъзида оддий ишларни ҳам ҳал қилолмай, «қовун тушириб қўйишлари» аччиғимни чиқаради. Уз кучи, билими билан ўқишга кирган, ишлаб чиқаришда обрў қозонаётган танишларим озчилиқ.

6. Дунёда чин муҳаббат борлиғига ишонмайман. У китобларда, кинолардагина бўлади.

7. Ота-она розилиғи шарт. Бу — эскилик эмас.

8. Танлаган йигитимни ҳушмуомала ва сабр-тоқатли бўлишини истайман. Одамлардаги ҳалолликни қадрлайман.

Свердлов райони

### Муқаддам, 22 ёшда, тўқувчи:

1. Мен бадий буюмлар фабрикасида ишлайман. Бу ерга зарурат юзасидан келиб қолганман. Ниятим ўқитувчи бўлиш эди.

2. Ишлаётган соҳам бўйича ўқишга киргандим. Бу ота-онамга ёқмади. Шунинг учун техникум билан хайрлашимга тўғри келди. Яна фабрикага қайтдим. Яқинда КПСС аъзолиғига қабул қилиндим. Ҳамкасбларимнинг кўпчилиги билан борди-келди қиламан.

3. Коллективимизда ёшларга ишонч ҳам, иззат-ҳурмат ҳам жойида. Масъулиятли ишларни топширишади.

4. Чаманой деган дугонам бор. Жуда ажойиб қиз. Меҳнатсевар, камтар. Кўпроқ ундан ўртак олишга ҳаракат қиламан.

5. Йигит ва қиз севиб, севилиб турмуш қуришса, тотув бўлишса — чин муҳаббат деганлари шу.

6. Оила қуришда ота-она розилиғи шарт эмас. Бу эски тушунча. Ахир турмуш қурмоқчи бўлган киши билан ота-онамиз эмас, ўзимиз яшаймиз-ку!!

7. Танлаган йигитимда ҳам, одамларда ҳам олижаноблик, камтарлик, ҳамма билан тенг муносабатда бўлиш хислатларини қадрлайман.

Наманган

### Роза ИСАМУРОВА, 21 ёшда, бухгалтер:

1. Қилаётган ишимдан мамнунман. Узим танлаган касбда ишляпман.

2. Маънавий ҳаётимда куйидаги ўзгаришлар рўй берди: — кишиларни бироз ўргангандекман. Ҳаётда айрим шахсларни шароитга қараб турли қиёфага киришларидан воқиф бўлдим Ҳали кўп ўқиб-ўрганишим кераклигини пайқадим; — дунёда содир бўлаётган ур-йиқит, қон тўкишларда хунобман;

— ҳамisha кўпчилик билан мулоқотда бўлишни истайман

3. Коллективимиз ёшлардан иборат. Улар ўзларига юкла

тилган вазифаларни шараф билан бажаришяпти. Ёшларга нисбатан ишонч ҳам, иззат-ҳурмат ҳам жойида.

4. Мен учун энг мўтабар инсон — онамдир.

5. Бор. Улардан нафратланаман. Уз кучи, билими билан обрў қозонаётган танишларим озчиликни ташкил қилади.

6. Чин муҳаббат борлигига ишонмайман. У вақтга боғлиқ ҳолда ўзгарувчи бир руҳий ҳолат бўлса керак. Турмуш курганман.

7. Оила қуришда ота-она розилиги шарт.

8. Мен турмуш ўртоғимнинг ота-онасига бўлган ҳурматиغا, меҳр-оқибатига, ўртоқлари орасида кадр-қимматиға кўпроқ эътибор бераман. Менга одамлардаги софдиллик, ростгўйлик ёқади.

Хоразм

### М. Ҳаққиев, 30 ёшда, алоқачи:

1. Шофёр эдим. Фожиа юз бериб бир оёғимдан ажралдим. Машина ҳайдолмайдиган бўлиб қолдим. Анча пайт ишсиз юрдим. Дўстларим алоқа бўлимиға ишга таклиф этишди. Ҳаётимга яна файз кирди.

2. Шофёрлик қилган пайтимда ҳам ойлигимдан китоб сотиб олиб турардим. Ҳозир ҳам камида ойига бир марта бориб китоб дўконидан ўзимга ёққан асарлардан харид қиламан. Колхоз кутубхонасининг актив ўқувчилариданман. Дунёда меҳри дарё одамлар кўплигига ишончим комил.

3. Ишхонамизда барча масъулиятли вазифаларни ёшлар бажаришади.

4. Ёшлиқдан бир кўрпада тепишиб катта бўлган бир дўстим бор эди. Бирор куним усиз ўтмас эди. Ногиронлигим ёқмаган бўлса керак, кейинги пайтда бизниқидан оёғи тортилиб қолди.

5. Касбдошларим орасида масъул вазифаларда ишлаётган лаёқатсиз кишилар ҳам бор. Уларни кўпроқ ўз ҳамёнлари қизиқтирса керак, деган фикрдаман. Уз билими, кучи билан ҳурмат топаётган танишларим кўп.

6. Аниқ бир гап айтолмайман.

7. Фарзандини тушунмаган ота-онагина унинг ўз ихтиёри билан оила қуришиға норози бўлади.

8. Танлаган қизимда менга нисбатан меҳр бўлса бас. Одамлардаги покликни қадрлайман.

Навоий

### А. З. 28 ёшда, шифокор:

1. Афсуски, қилаётган ишимдан хурсанд эмасман. Касб танлашга келсак, ноилжликдан танлаганман. Онамни ташлаб узоққа кетолмадим. Отам йўқ, вафот этганлар. Мен қизиққан соҳа бўйича фақат Тошкентда ўқиш мумкин эди. Уқимай қўяй десам, ўқитувчиларимдан, синфдошларимдан уялдим. Мактабда яхши ўқиганман. Ҳозир ўзимга ёқмаган соҳа бўйича мутахассис бўлиб, бўйнимдан боғлагандек зўрға ишлаб юрибман.

2. Меҳнат фаолиятим бошлангандан буён маънавий ҳаётимда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлган эмас. Одамларга муносабатим яхши. Дунё ҳақида жиддий ўйлайман. Чунки, дунё қил устида турибди. Дунёни бир зумда йўқ бўлиб кетишини ким истайди дейсиз!!

3. Кейинги йилларда ёшларга ишонч ошиб борапти.

4. Бор. У ҳали ҳам мен учун ҳурматли.

5. Бор. Мен уларга боқиб, ачинаман, худди ўзимга ачинган сингари. Афсуски, «тиргаксиз» ўз билими, кучи билан обрў қозонаётган танишларим оз.

6. Ҳа, ишонаман. Йўқ, бу китобий гап эмас. Узим севганман-у, етимлигим, у ўйлагандек ишларни тез ҳал қила олмаслигим,

қўлим калталиги туфайли севила олмаганман. Уйланганман!

7. Сиз севган киши бўлса-ю, ота-онангиз ҳам ризо бўлса, б қандай яхши!

8. Одамларнинг бир-бирига ўзаро ҳурматини қадрлайман Қанийди, турмуш ўртоғинг билан бир-бирингни бир умр ўзаро ҳурмат қилиб яшасанг!

Андижон

### Манзура, 23 ёшда, ўқитувчи:

1. Ўқитувчи бўлиш — ёшлиқдаги орзумим. Орзумга етганимдан бошим осмонда. Бироқ ёшларга таълим бериш қолиб бошқа ишлар билан банд бўлиб қолаётганимдан изтиробдаман.

2. Икки йил олдин институтни тамомлаб катта умидлар билан ишга келган куним мактаб директоринимиз: «Агар дала ишларидан қочмасангиз, ишга оламиз», — деди. У кишини негадир билимим, дарс беришга қобилиятим бор-йўқлиги эмас, талабалик давримда қанча пахта терганлигим қизиқтирди. Ушанда «нозик ниҳол» бўлиб қолмаганмикин, дея сўрашаётган бўлса керак, деган ўйга боргандим. Қишлоқда ўсганман. Далада суягим қотган. Ишдан қочадиган одатим йўқ. Бироқ, ҳадеб ўз ишинг қолиб бошқа ишлар билан машғул бўлиб қолиш кишига алам қилар экан. Баъзи одамларнинг мансабидан ажралиб қолмаслик учун ҳар мақомга йўрғалашлари қўл остидаги ходимларига ёмон таъсир қиларкан...

3. Коллективимизда ёшларга ишонч йўқ ҳисоби. Оиласи йўқ, деб дарс кам берилади.

4. Мен биринчи ўқитувчи билан бир жойда ишлаяпман. У киши ҳар томонлама менга ёқади.

5. Афсуски, бор. Бировлар соясида амалга миниб, қўрқиб яшагандан, ўз касбининг оддий фидойиси бўлиб яшашни шараф деб биламан. «Тиргак»сиз, ўз кучи билан обрў топаётган танишларим кўпчилики.

6. Чин муҳаббат борлигига ишонаман. Узим ҳам уни излаб юрибман.

7. Ота-она розилиги албатта керак. Қари билгани — пари билмас.

8. Дуч келсам қайси хислати ёқшини айтаман. Одамлардаги камтарликни ҳурмат қиламан.

Самарқанд

### Фаррух, 19 ёшда, студент:

1. Врач бўлишни болалигимдан дилимга тугиб қўйгандим. Ҳозир шу соҳа бўйича таҳсил кўряпман.

2. Уқишга фақат таниш-билиш билан кирилади, деган фикрда эдим. Аслида, мен ўйлаганчалик эмас экан. Уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган кимсаларнинг хатти-ҳаракатидан хавотирдаман. Виждонли одамларни ҳурмат қиламан.

3. Илм-фани ёшларга ишониб топшириб қўйишибди.

4. Амаким колхозда раис. Колхоз илғор хўжалиқлардан. У киши ҳақида ҳар йили газета ва журналларда ёзишади. Мен у кишидай бўлишни орзу қилардим. Мактабни тугатганимда бизниқига келди. «Ҳозир, ўғлим, таниш-билишсиз бир иш қилиш қийин», — деди. Амаким ҳақида фикрим ўзгарди.

5. Курсдошларим орасида «ўтира олиш қобилияти» бўлмасида, имтиҳонлардан омон-эсон ўтиб юрганлар йўқ эмас. Иложи борича улардан узоқроқ юришга уринаман. Бировга пора бериб, ёки хушомад қилиб одамлар қалбига йўл топган кимсани кўрадим. Аммо, мансабга чиққанларни учратдим.

6. Муҳаббат кимлардир ўйлаб топган китобий гап эмас. Бу — энг соф одамларда бўладиган туйғу. Ҳали ўйланганим йўқ.

7. Албатта керак. Ота-она розилигисиз бахт — лаззатсиз.

8. Танлаган қизим ҳар томонлама чиройли бўлишини истаيمان. Одамлардаги меҳр-оқибат туйғусини қадрлайман.



ени «Ёшлик» журнаlining июль сонида босилган «Токи сен бор экансан дунёда» мақоласидаги воқеалар беҳад ҳаяжонлантирди. Юрак торларини чертиб ўтиб, зирқиратди. Ва ниҳоят қўлимга қалам олиб, хаста бўлса-да, ҳаёти бахтга, нурга тулиқ уша аёл, Соҳиба, Илҳомжон, Иқболларга қатъий фикримни айтишга жазм қилдим. Авваламбор, биринчи сўзим сизга, садоқатли, вафодор, сабр-чидамли, оқила, иқбол юлдузи порлаган опажон!

Опа! Ҳеч қачон тушқунликка тушманг. Сиз бахтингизни топгансиз! Оилангиз бор. Бир умрга садоқатли, меҳнаткаш, меҳрибон умр йўлдошингиз, шириндан-шакар ўғил-қизларингиз бор. Ҳаёт курашлардан иборат. Сиз албатта оёққа турасиз. Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асаридаги Павел Корчагинни ёки Б. Полевойнинг «Чин инсон қисса»сидаги А. Мересьевни эсланг.

Иқбол ака! Сизнинг вафодорлигингиз, меҳр-муҳаббатингиз, сабр-тоқатингиз олдида таъзимдаман. Тўғри, сиздек сабрли, иродаси мустаҳкам, мард, танги йигитлар жамиятимизда кўп, лекин Илҳомжонга ўхшаган бойликка учиб, босартусарини билмай қолган, ичкиликка ружу қўйган, ўзини идора қила олмайдиган, жамиятга зарар етказиб, гулдек фарзандларининг қадрига етмай, улар онгини заҳарлайдиган кимсалар ҳам учрайди ҳаётда. Уларга нисбатан нафрати ортади кишининг.

Соҳиба! Авваламбор, сиз аёлсиз, онасиз! Шундай буюк номга эга экансиз, бу номни эъзозлашингиз лозим. Қани сизда аёллик назокати, латофати, иффати! Ахир, эркакни ҳам аёл яратган-ку!! «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин», деб бежиз айтилмаган халқ мақолида. Мана, сизлар Илҳомжон билан севишиб турмуш қурган экансизлар. Илҳомжон — инженер, сиз педагог, иккалангиз ҳам олий маълумотли, мол-дунёларингиз етарли, гулдек фарзандларингиз бор. Ҳақиқатан ҳам нима етишмайди сизларга! Сизларга маслаҳатим — мактуб йўллаган маъсума, қалби дарё аёл ва унинг эри, ҳақиқий инсон Иқбол акадан ўрнак олинг.

Ушбу сатрларни ёзар эканман, бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Бу сал бошқачароқ кечган эди.

Азизжон ота-онасининг яккаю ягона фарзанди. Аминжон ака заводда ишлар, Меҳринисо опа эса уй бекаси, тикувчилик қилар эди. Ота-она ягона фарзандларини жон-дилдан севиб, меҳр билан парвариш қилишди.

Азизжон ёшлигидан шўх, ҳар нарсага қизиқувчан, ўткир зеҳнли, келишган йигит бўлиб вояга етди. У ўнинчи синфни аъло баҳолар билан тугатиб, ўзининг ёшликдаги орзуси инженер бўлишга аҳд қилди ва ҳужжатларини Тошкент политехника институтига топширди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, олам-олам севинч билан уйга қириб келган Азизжонни кўрган ота-онанинг қувончлари чексиз.

Студентликнинг гоҳ қувончли, гоҳ машаққатли йиллари бошланди.

Меҳринисо опа ўғлининг тезроқ ўқишини тугатиб бағрига қайтишини сабрсизлик билан кутар, орзулари чексиз эди. У тикувчилик қилар, ўғлига, бўлажак келинига саруполар йиғар эди. Унинг олдига жуда кўп қиз-жувонлар кийим тиктириш учун келар эдилар. Бир куни эшикдан қўлида сумкачаси, чиройли атлас қўйлак кийган, бўй-басти келишган оппоққина, кўзлари шахло, сочлари узун бир қиз ийманибгина салом бериб келди ва қўйлак тиктирмақчи эканлигини айтди. Бу қиз Меҳринисо опага эшикдан биринчи кириб келганидаёқ ёқиб қолган, кўнглида ўғлига шу қизни келин қилиш «ҳаваси» туғилган эди. Меҳринисо опа уни очиқ юз билан қарши олиб, дарҳол кийимликни қизга ўлчаб, бичди ва ундан қаерда ишлашини, турар жойини сўрай кетди. Садоратхон очиққина эмасми, дарҳол чевар опа билан тил топишиб кетди. Шу-шу, тез-тез келиб турадиган, опанинг юмушларига қарашадиган бўлди.

Азизжон охирги курсга ўтиб, ёзги таътил пайтида уйига келганида ота-она маслаҳатлашиб ўзларининг ёлғиз фарзандларини уйлантириш ташвишига тушиб қолган эдилар. Бу ҳақда

# «ТОКИ СЕН БОР ЭКАНСАН ДУНЁДА»

*Журналимизнинг 7-сонида «Токи сен бор экансан*

*дунёда» деган мақола эълон қилинган эди.*

*Редакция ана шу мақола юзасидан*

*кўплаб хатлар олмоқда.*

*Биз қуйида улардан иккитасини*

*журналхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.*

Азизжонга оғиз очганларида у «Ойижон, мен ҳали ўқишимни тамомлай, сўнг уйланаман, қолаверса, ҳали ўқишни давом эттирмоқчи эдим» — деганига қарамай, уйларига келиб-кетиб турган Садоратхонни мақтай кетишди. Садоратхон опанинг ўғли борлигини эшитганди. Азизжон Садоратхонни кўрди, гаплашди, қиз яхшигина, чаққонгина, одобли кўринди. Ота-онасининг раъйини қайтаролмади. Уларга маъқул тушган бўлса бўлди, ахир улар Азизжонга ёмонликни раво кўришмайди-ку! Тўй бўлди. Еру дўстлар икки ёшга умрбод тотув бўлиб, қўша қаришни, ўзларидан кўпайиб ували-жували бўлишни тилашди.

Ёзги таътил тугаб, Азизжон ўқишини давом эттириш учун Тошкентга қайтди. Садоратхон эса шаҳардаги омонат кассага кассир бўлиб ишга кирди. Бир йил ўтиб улар фарзанд кўришди. Исмини Ғайратжон қўйишди. Азизжон ўқишни тамомлаб келиб, ишга жойлашди. Кунлар тинч, бир зайдда ўтарди. Орада иккинчи фарзанд Ғолибжон ҳам дунёга келди. Шундан сўнг Садоратхон ўзгара бошлади. Қайнонаси Меҳринисо опа билан бекордан-бекорга, майда-чуйда нарсаларни баҳона қилиб жанжал чиқаришни одат қилди. Азизжон оилада жанжал чиқмаслигига ҳаракат қилар, гоҳ онасига, гоҳ хотинига маслаҳат берар, инсофга чақирар эди. Бунга кўра Садоратхон авжга чиқар, гоҳ қайнонанинг кўнглини оғритар «ўғлинг ўз маош олади, фақат давлат иши деб югургани-югурган, ундан кўра савдога ўтсин, маоши кўпроқ иш топсин» деб турмуш ўртоғини камситар эди. Аввалига бутун меҳрини Садоратхондан аямайдиган опа ундан кўнгли бутунлай совуди. Шундай бўлса-да, у келинига яхши муомала қилар, ўғлининг кўнглини оғритмас эди.

Садоратхон кассада ишлар, у ерда унинг кўлига «мўмай» пуллар тушиб турар эди. Гўё у шу «мўмай» пуллар эвазига оиласини яқка ўзи боқаётгандек, кўп пул топиб, рўзғорга сарфлаётгандек бўларди. Унинг топган пуллари олдида эрининг топган маоши «бир тийин» эди. Садоратхон яхши кийинадиган, зеб-зийнатга бериладиган бўлиб қолди. Уйда ҳеч кимни менсимайдиган, эри ишдан ҳориб-чарчаб келганида олдида бир коса овқатни ҳам дўқиллатиб қўядиган одат чиқарди. Ҳатто бир куни Азизжон ишдан келиб энди овқатга қўл урганда унинг олдидаги овқатни «буларни мен топганман, сенинг ейишга ҳаққинг йўқ», — деб деразадан ташқарига упоқтирди. Азизжон шунда ҳам ўзини тўтиб, кўчага чиқиб кетди. Бироз айланиб, ҳовуридан тушиб қайтди. Ораларидаги муносабат жуда совуқлашиб кетди. Садоратхон бу орада бир касалхонанинг бош врач баҳром деган йигит билан танишиб олди. Уйга кеч келадиган қилиқ чиқарди. Азизжон ориятли йигит эди. У хотинининг чакки қадамини сезиб юрар, хафа бўлар, кўп чечар, болаларини, ота-онасини ўйлар эди. Оила юмушлари бутунлай онаси зиммасига туша болади. Садоратхон эса ишни баҳона қилиб саҳар тўриб кетар ва кеч қайтар эди. Болалар онасини соғиниб бир маҳалгача ўхламай кутиб ўтиришар эди. Кейинчалик улар ҳам ўрганиб қолишди.

Кўнларнинг бирида Садоратхон алламаҳалгача қайтмади. Азизжоннинг изламаган жойи қолмади. Ниҳоят, Садоратхон ўша бош врачнинг енгил машинасида уйига келади. Азизжоннинг «Қаерда эдинг!», — деган саволига менсимасдан «Ишингиз бўлмасин, касалхонада эдим», деб жавоб беради. Она

ўғлининг тақдирини ўйлаб озор чекади, лекин келини ўзи топганлиги учун пом-мим демайди. Садоратхон эса юришини қанда қилмайди. Она ўғлининг кўнглини кўтариш мақсадида йиғиб қўйган бор пулларини сарфлаб Азизжонга машина олиб беради. Бундан Садоратхон жуда қувонади. У бир-икки ой аввалги ҳолига қайтиб, ота-онага яхши муомалада бўлади, эрининг кўнглини олиб, елиб-югургандай бўлади. Бу орада машина ҳайдашни ҳам ўрганиб олади. Турмуш яна бир маромда кетаётгандек эди. Лекин Садоратхон она ўзини кўрсата бошлади. У Азизжонга турли хил тўхматлар қила бошлади. «Машинада қизларни олиб юради, оилага қарамайди» — деб машинанинг ихтиёрини ўзига олади ва уни миниб кеч келадиган одат чиқаради. Аста-секин уйга келмай қўяди. Энди Азизжон ундан нафратланарди. Болалар онасини соғиниб, турли-туман саволлар билан Азизжонни қийнар, эзар эди.

Садоратхон эса кўп вақт машинани миниб юрди. Кейинчалик уни сотиб пулига уч хонали уй сотиб олди. Истаган йўлдан юра бошлади. Болалари, эри парвосига ҳам келмади. Бир куни Садоратхон ишхонасида келаётганида бир қўрилиш ёнидан ўтаётиб тўсатдан бошига ғишт парчаси келиб тушади ва оғир аҳволда касалхонага ётади. Кўп даволанади. Врачлар унинг қариндошларига, нерв томирларининг қаттиқ шикастланганини, энди ишга лаёқати йўқлигини, унга иш жойидан нафақа беришларини айтишади. Азизжон хотинига ачинади, нима бўлса ҳам фарзандларининг онаси, деб уни катта врачларга кўрсатади, даволатади. Лекин бу фойда бермайди. Онаси билан қўра болаларини олиб, майда-чуйда қилиб, унинг олдига юборади. Болалар оналари томон талпинишади. Лекин юзи қора, тошмеҳр она қайнонасини ёмон сўзлар билан қарғаб, хафа қилиб, болаларни яқинига йўлатмайди. Уларни уйдан ҳайдайди. Олиб келган мева-чеваларини «зор эмасман» деб чиқариб ташлайди. Қайнона эса невараларини етаклаб, зор-зор йиғлаб уйига қайтади. Бир куни Садоратхон Азизжоннинг ишга кетган пайтини пойлаб, катта юк машинасини эрининг уйига олиб келади ва барча уй жиҳозларини машинага юклайди. Шу пайт Азизжон келиб қолади. У Садоратхонга «Майли, ҳамма нарсани олиб кет, фақат, онам тўхфа этган биргина гиламини ташлаб кет, унинг устида болалар ўйнаб юришади», — деб айтганига қарамасдан гиламини машинага жойлайди-ю олиб кетади.

Мана, йиллар кетидан йиллар ўтяпти. Ғайратжон ҳозир 5-синфда, Ғолибжон эса 1-синфда ўқишмоқда. Азизжон обрўли бир қўрилиш ташкилотига раҳбар. Азизжоннинг онаси Меҳринисо опа эса қариб қолган, шундай бўлса-да, тикувчилик қилади, жондан азиз невараларини оқ ювиб, оқ тарайди. Азизжоннинг отаси экинча кўп гам чекиб вафот этди. У вафоти олдида ўғлига хотини билан ярашишни васият қилди. Лекин Азизжон бунга рози бўлмади. Азизжон менимча тўғри қилган. Садоратхон бундай илтифотга лойиқ эмас. Шундай эмасми, азиз журналхон!

Фотима ҚУДДУСОВА,

ўқитувчи, Самарқанд область,  
Самарқанд район,  
Чкалов қишлоқ совети.



«Токи сен бор экансан дунёда» мақоласини ўқиб, мен ҳам кўлимга қалам олдим. Ҳар бир инсон ҳали ўзини олдинда — ҳаёт йўлларида қандай ташвишлар кутаётганини билмайди. Кишининг оёқлари ўзига бўйсинмай қўйишидек катта бахтсизлик ҳам ўшаларнинг бири, энг даҳшатлиси эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ҳаёт жуда ширин, жуда тотли. Бу ҳақиқатни мен тўрт йилдирки каравотга михланиб ётган хаста вужудим билан дилдлимдан ҳис қиламан. Чопқиллаб юролмаслигимдан, одамларга тузукроқ нафим тегмаётганидан афсусланаман, ўзимни қўйгани жой тополмайман, сиқиламан, ташвишланаман, йиғла-

гим келади, тўлиб кетаман. Барибир, ҳаёт ширин, дейман. Ҳозир сиз ана шу сатрларни ўқиётган пайтда ҳам ҳаётнинг нақадар ширин эканлигини бор вужудим билан ҳис этиб турибман.

Мен ўша машъум, қора кунни сира ҳам эсдан чиқармайман. Бу ҳодиса бундан роппа-роса тўрт йил муқаддам 1980 йилнинг 9 сентябрь куни рўй берганди. Шу куни бахтсиз тасодиф туфайли, трактордан йиқилиб, умуртқам қаттиқ лат еди, юролмай қолдим. Нақ 16 ёшимда, олам кўзимга бошқача кўринаётган бир пайтда мен юришдан қолдим.

Бу оиламиз учун қутилмаган кўргилик бўлди. Ахир уйдагиларнинг кўрар кўзи эдим, уч қизу фақат бир ўғил мен эдим. Ота-онамнинг олиб бормаган шифохоналари, учрашмаган, ёрдам сўраб мурожаат қилмаган шифокорлари қолмади.

Операция қилишди. Дори-дармон билан ҳам даволашди. Лекин нафи бўлмади. Операцияни бир врач қилди (Отини айтиб ўтирмайман). Сизлардан яшириб нима қилдим: очиги, операцияни яхши қилишмади. Агар яхши қилишганда ҳозир мен юрган бўлармидим. Билолмадим... Мени тўғри тушунишларингни истардим. Бу билан мен докторларни айбламоқчи эмасман. Юрагим тубидаги армонини айтипман, холос. Баъзан сиқилиб ўзимни айблайман. Эҳтиётсизлик қилганимдан надомат чекаман.

Ҳозир-ку ота-онам бор. Улар менинг атрофимда парвона бўлиб, қараб туришибди. Бироқ, уларни менга боғлаб қўймаган-ку. Вақти-соати келиб... На акам, на укам бор. Шуларни ўйлаганимда юрак-бағрим қонга тўлиб кетади. Менинг эзилганимни кўриб ота-онам ҳам эзилади. Онажонимнинг сочларида кейинги пайтда оқ толалар кўпайиб кетди. Бу мен туфайли, ўша эҳтиётсизлигим туфайли.

Шу кунларда менинг бирдан-бир ишим, овунчоғим ўй сурши бўлиб қолган. Соатлаб чалқанча ётиб энг ширин дамларимни, тоғдан-тошга сакраб юрган шўх-олов пайтларимни ўйлайман. Қандай бахтиёр кунлар экан-а, дейман. Бир дақиқа бўлса-да ором олгандек, ўша тўрт мучам соғ, бағрим бутун пайтларимга қайтгандек бўламан. Бирдан касаллигим эсга тушади. Даҳшатга тушаман. Мендек яримжон одам кейин бориб кимга ҳам керак бўларди, деб ўйлайман.

Ҳар бир инсоннинг орзуси бўлади. Шу орзу уни тутиб туради, олға етаклайди, менинг ҳам орзуларим бор эди. Энди бўлса, улар мени тарк этишган. Энди бирдан-бир орзум бор. У ҳам бўлса ўрнимдан туриб, ана шу оёқларим билан ерни босиб юрсам, ер тафтини ҳис қилсам дейман.

Тенгдошларим ҳақида ўйлаб кетаман. Мен тенгиларни эса олди уйланди. Кўпи ишлайди, ҳарбий хизматда, ўқишда. Мен эса тўшак тортиб ётибман. Дунёга келиб нимани кўрдим! Иложи бўлсаю қанот пайдо қилиб узоқ-узоқларга учиб кетсам!

Тўрт йилдирки шу хаёл, шу изтироблар мени бир зум ҳам тарк этмайди.

Аммо умидларим бутунлай сўнган эмас! Қачондир юриб кетишимни юрагим сезиб турибди.

Нажот сўраб, ёрдам сўраб бир неча бор республика

соғлиқни сақлаш министрлигига мурожаат қилдим. Улар менинг хатимни текшириб ёрдам бериш учун областга, областдагилар эса районга, райондагилар эса мени аввалдан даволамоқчи бўлиб уддасидан чиқолмаган врачларни юборишди. Нима қилишга ҳайронман. Мен бу билан албатта уларни айбламоқчи эмасман. Аммо юрагимда агар Тошкентдагилар йўлланма беришса: Москва, Ленинграддаги йирик мутахассислар қўлида даволансам, балки яхши бўлиб кетармидим, деган армоним бор. Бу армоним ушалмаяпти. Мен уни тушларимда кўриб чиқаяпман, холос.

Газета-журналларни ўқиб тураман. Қонун-қондалардан унча-мунча хабарим бор: Улуғ Ватан уруши инвалидларига, меҳнат ветеранларига давлатимиз кўрсатаётган катта ғамхўрликлардан ҳам хабардорман. Бироқ ўйлаб қоламан: баъзи ёшлар ҳали болалигидан, бир ҳунар этагини тутмай, тасодиф ёки бахтсиз ҳодиса туфайли юролмай, ҳасса таяниб қоладилар. Хўш, уларга ўқишлари, ишлашлари учун қандай шароитлар яратилган! Улар олий ва ўрта махсус ўқув юртрларида ўқишлари, ҳунарлик бўлиб бир ерда ишлашлари мумкинми! Биздек инвалидлар ҳам бир ҳунар эгаси бўлишимиз керак-ку, ахир. Тагин билолмадим...

Туриб-туриб ота-онамга ачиниб кетаман. Улар мени бу ҳолга тушиб қолишимни сира ҳам қутишмаган эди. Ҳали ҳам тузалиб кетар, деб умид билан қарашади. Кунлар ўтяпти, ойлар, йиллар ўтяпти. Мендаги ўзгаришдан эса дарак йўқ.

Мен бу хатни оқ қорозга туширар эканман, ҳаётда мендек бахтсиз кимса борлигидан, даво тополмай, уйда бекорга вақтимни кетказиб ётганимдан, кимларгадир ўз тақдиримдан шикоят қилаётганимдан хижолатдаман. Гўзал ҳаётимизда ана шундай менга ўхшаш ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлолмай ётган инсонлар борлигидан афсусланаман, ачинаман.

Бу хатда кўнглимдаги бор гапларни баён қилдим. Ахир кимгадир ёрилишим, юрак дардларимни тўкиб солишим керак-ку. Шуларни сизларга ёзиб анча енгил тортгандек бўлдим. Илтимос, бу хатни журналда эълон қилишнинг кераги йўқ.

Ҳаёт гўзал, ҳаёт ширин. Шу ҳаётда мен ҳам умид билан яшайман. Мен ҳеч қачон алвидо, ҳаёт, дея олмайман.

Салом билан, Тошкент область, Урта Чирчиқ район Свердлов номи колхознинг 2-участкасидаги 39-уйда яшовчи Обиджон ЮСУПОВ.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Ҳурматли Обиджон, авваламбор узр. Сиз хатингизни эълон қилиш ниятида бўлмасангиз ҳам, биз уни журналда бердик. Сизнинг изтиробларингизга юқоридаги мактубда Фотимахон қисман бўлса-да, жавоб берган. Сиз руҳингизни туширманг. Уша П. Корчагинни, А. Мересьевни кўз олдингизга келтиринг.

Ҳаётда ҳар хил ҳодисалар рўй бериши мумкин. Киши иродали бўлса, олдинга умид ва ишонч билан қараса ҳаммаси яхши бўлади. Сизда бу фазилатлар мужассам. Биз сизнинг тузалиб кетишингизга ишонамиз.

Одам ўзини қўлга ола билиши керак. Этибор берган бўлсангиз, биз сизнинг хатингизни деярли таҳрир қилмасдан, айнан бердик. Жумлаларингиз равон, фикрларингиз тиниқ. Беихтиёр ёдимизга фарғоналик шоир дўстимиз Умарали Қурбонов тушди. Умарали ҳам болалигида оёқ-қўли қаттиқ лат еб юролмай қолган, қўллари ҳам яхши ишламайди. Аммо у сира ҳам тушқунликка тушмади. Кўп ўқиди, изланди, қишлоғидаги янгиликлар ҳақида район, область, республика газеталарига ёзиб турди, шеърлар машқ қилди. Бугунги кунда Умаралининг номи кўпчиликка таниш. Яқинда унинг биринчи шеърлар китоби босилиб чиқди. Қаловини топсанг қор ҳам ёнади, дейдилар. Тинмай излаганга очилмаган эшиклар ҳам албатта очилади, деган гаплар ҳам бор. Шундай экан, сиз ҳеч ҳам руҳингизни туширманг...

Сизнинг баъзи шифокорлар муолажасидан қониқмаганлигингиз ҳам табиий. Биз республика соғлиқни сақлаш министрлигидаги ўртоқлар хатингизни ўқиб тегишли хулоса чиқаришади ва сизга яқиндан амалий ёрдам беришади, деган умиддамиз.



# ДАНЧАШАНШРА

Русчадан Иброҳим ҒАҒУРОВ таржимаси

## Иигирма иккинчи ҳикоят



ўшаллар мамлакатида Айодхя деган шаҳар бор. Бу ерда Суратха деган қудратли шоҳ яшарди. Унинг пойтахтаси тобе ҳукмдорларнинг сон-саноксиз тожлари билан безанган эди. Кунлардан бир куни ўрмон қўриқчиси шоҳга хабар қилди:

— Олампаноҳ! Ўрмон мамлакатларининг барча ҳукмдорлари сенинг қўл остингдан ажралиб чиқдилар. Уларга ўрмонда яшовчи Виндхяка бошчилик қилмоқда. Пушти паноҳимиз унинг қандай таъзирини беришни ўзи ҳал қилсин.

Шоҳ буни эшитиб, Балабхадра деган вазирини чақирди-да, уни исёнчиларни бостиришга юборди. Вазир қўшин билан жўнаб кетгач — кунлар анча салқинлаб қолган пайт эди — шаҳарга аллақандай урэн тиланчи роҳиб кириб келди. У муаммоларни ечиш йўлларини билар, қуръа ташлар, мунажжимлик қилар, қушларга, уларнинг учишига, қуёшнинг ботишига, учинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи ва ўттизинчи буржларга қараб фол очар, сўнаётган кўланкалар, одам мушти, темирлар, илдишлар, халқумлар, ловиялар ва бошқа турли-туман илми нуҷум усуллари билан келажакни олдиндан айтиб берар эди. Роҳиб бир неча кун ичида барча шаҳар халқининг эътиборини ўзига тортди. Роҳиб ҳақидаги шов-шувлар кулоғига чалинган шоҳ қизиқиб қолиб уни саройга чақиртирди. Шоҳ роҳибдан сўради:

— Олдимда ўтирган пири комил бошқаларнинг фикрини ўқий олармиш, шу тўғрими?

Роҳиб деди:

— Буни ҳали ўз кўзинг билан кўрасан.

Роҳибнинг сўзларидан шоҳнинг қизиқиши янада ортди. Бир куни роҳиб пешиндан сўнг, гарчи унга тайинланган бўлмаса ҳам, саройга келиб, шоҳга деди:

— О, шоҳим! Сенга бир хушxabар келтирдим. Бугун эрталаб мен ўз хужрамда бошқа бир илоҳий қиёфа ичра

Биринчи китобнинг охири. Боши журналнинг 7,8,9,10-сонларида.

кириб, худолар мени чақираётганларини эшитдим-да, осмонга кўтарилдим, яна ерга қайтиб тушдим. Худолар мендан сенинг соғлигингни, тахту бахтингни сўрашди.

Шоҳ буни эшитиб, лол бўлиб қолди. Камоли ҳайрат ва таважжуҳ билан сўради:

— Сен осмонга қандай чиқдинг, эй пир?

Роҳиб деди:

— Улуғ шоҳ! Мен осмонга ҳар куни чиқаман.

Подшо унга чиппа-чин ишонди; подшолик ишларини, ҳарам ташвишларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ўй-хаёли фақат роҳибда бўлиб қолди.

Бу орада Балабхадра ўрмон мамлакатини душманлардан тозалаб, шоҳ остонига қайтди. У, шоҳ аркони давлат билан эмас, яланғоч роҳиб билан ўтириб, аллақандай дуолар ўқиётганини, унинг чеҳраси сўлиган нилуфарга ўхшаб қолганини кўрди.

Балабхадра гап нимада эканини билиб, шоҳга ер ўпиб таъзим қилди.

— Худоларнинг ҳабиби улуғ шоҳимизга шон-шарафлар бўлсин!

Шоҳ вазирдан ҳол-аҳвол сўрагач, деди:

— Сен бу пири комилни биласанми?

Вазир деди:

— Пражапати монанд пири устодларнинг устодини ким билмайди? Унинг худоларнинг уйига ҳам чиққанини эшитдим. Тўғрими шу?

Шоҳ деди:

— Эшитганларинг ҳаммаси тўғри.

Тиланчи роҳиб деди:

— Вазир жаноблари истасалар, ўз кўзлари билан кўрсинлар.

Роҳиб шундай деб, хужрага кириб кетди-да, эшикни ичкаридан тамбалаб олди. Бироздан сўнг вазир сўради:

— Шоҳим, у қачон қайтади?

Шоҳ деди:

— Сабр қил. У хужрада бебақо танасини қолдириб, илоҳий хилқатда қайтиб келади.

Вазир деди:

— Ундай бўлса, ўтин келтирсинлар, мен хужрани ёндириб юбораман.



Шоҳ сўради:

— Нимага?

Вазир жавоб берди:

— Шоҳим, агар унинг танаси ёниб кетса, у сенинг ёнингда фақат илоҳий қиёфада турадиган бўлади. Эшитмангмисан:

## Йигирма учинчи ҳикоят

— Ражагриха шаҳрида Девашарман деган брахман яшарди. Унинг хотини туғмас эди ва доимо қўшнилари унинг ўғилларига ҳасад қиларди. Кунлардан бир кун брахман деди:

— Жоним, қулоқ сол. Мен қурбонлик келтириб худодан ўғил сўраб ёлвордим, шунда ғойибдан аллақандай овоз келди: «Брахман! Сен ўғил кўрасан. У ҳаммадан гўзал, ботир ҳамда омадлироқ бўлади».

Брахманнинг хотини бу сўзларни эшитиб эриб кетди-да, деди:

— Ишқилиб, айтганингиз келсин!

Шундан сўнг бўйида бўлди, вақти-соати етганда, у илон туғди.

Одамлар унинг илон туққанини кўриб:

— Ташлаб юбор, — деб айтишди.

Лекин у ҳеч кимнинг гапига кирмади, боласи кўзига жуда азиз кўринди, уни ювиб-тозалади, ўраб-чирмади, каттакон сават ичига жойлаштириб, сут, мой ва бошқа емаклар билан боқа бошлади.

Бир кун брахманнинг хотини қўшнилари ўғил уйлантиришаётганини кўрди. У юм-юм йиғлаб, эрига деди:

— Нима, сенинг олдинда ҳеч хурматим йўқми? Ўғлимни уйлантириб қўяй ҳам демайсан.

Брахман буни эшитиб эътироз билдирди:

— Э, омон бўлгур! Нима, энди жаҳаннамнинг қаърига — Васуки олдига бориб келайми? Тентак бўлиб қолибсан, ким ўзининг қизини илонга беради?

Лекин хотинининг жуда ҳам хафа бўлганини кўриб, уни юпатиш пайига тушди. У йўлга бир неча кунлик захира олди-да, хотинининг раъидан ўтолмасдан бошқа мамлакатга сафарга чиқди. Бир неча ой йўл юриб, олис Куткутанагар деган шаҳарга келди. Кечаси бир қариндошиникига тушди, қариндоши уни яхши кутиб олди; улар бир-бирларини жуда қадрлар эдилар. Уй эгаси ювиниш учун сув келтирди, брахманни зиёфат қилди, ширин сўзлар билан кўнглини олди, эрталаб брахман яна йўлга отланиб турганда, ҳол-аҳвол сўради:

— Хуш кўрдик, энди яна йўл бўлсин?

Брахман бунга жавобан шундай деди:

— Ўғлимга муносиб қаллиқ ахтариб юрибман.

Қариндоши буни эшитиб, деди:

— Менинг чиройли қизим бор. Қулинг бўлай. Уни ўғлингга олиб бер.

Брахман шундан сўнг қариндошининг қизини унинг чўрилари билан бирга олиб ўз юртига қайтди. Одамлар қизнинг бу қадар сулувлгини, хулқу одобини, кўзларида муҳаббат ўти порлаб турганини кўриб, чўриларига таъна аралаш гап қотишарди:

— Шундай хурлиқони ҳам илонга топшириб бўладими?

Келиннинг эсли-хушли қариндошлари бу гап-сўзларни эшитиб, қаттиқ ташвишга тушиб қолдилар:

— Куёв йигит ёмон дев-париларга учраган экан. Қизини олиб кетайлик, — дедилар.

Аммо қиз кўнмади.

— Менинг гапларимга кулмай қулоқ солинлар, — деди у. — Айтилган-ку, ахир:

Қочиб қутулиб бўлмас қазо ҳукмидан,  
Худодар сақлолмади ул тўти Пушпакани.

Шунда қариндош-уруғлари сўрадилар:

— Бу қандай содир бўлди?

Қиз ҳикоя қилди:

## Йигирма тўртинчи ҳикоят

— Индранинг Пушпака деган мислсиз гўзал, одобу ахлоқда танҳо тўтиси бор эди. У жуда кўп илмларни ўрганди, ақлу фаросатда дунёда ягона бўлди. Бир куни улуғ Индранинг кўлида ўтирганча, худого шунчалар яқинлигидан юраги лаззат-фароғатга тўлиб, турфа ҳикматлар сўйларкан, бирдан қазову қадар соати етиб ўлим худоси учиб келаётганини кўрди ва ўтакаси ёрилганча ўзини бир чеккага олди. Шунда бу ерда ҳозир бўлган барча илоҳотлар тўтидан савол сўрадилар:

— Нима учун сен Яма худосини кўриб ўзингни четга олдинг?

Тўти жавоб берди:

— У жамки тирикларга жафо қилади. У билан ёнма-ён туришдан қўрқаман.

Илоҳотлар буни эшитгач, унга далда бериш учун Ямадан илтимос қила бошладилар:

— Сендан илтижо қилиб сўраймиз, уни ўлдирмагил.

Лекин Яма кўнмади:

— Менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қазо ҳукми шундай.

Илоҳотлар ёнларига тўтини олиб, қазо қошига бордилар, Ямага айтганларини унга ҳам айтдилар. Қазо жавоб қилдики:

— Буни ёлғиз ўлим билади. У билан гаплашиб кўринлар.

Илоҳотлар ўлимга мурожаат этдилар, ўлим шундай назар ташлаган эди, тўти шу заҳоти нариги дунёга равона бўлди. Шунда барчалари Ямадан ташвишланиб сўрадилар:

— У нега ўлди?

Яма айтди:

— Унга ўлим нигоҳини кўриб жон бериш ҳукм бўлган эди.

### (Йигирма учинчи ҳикоятнинг давоми)

Шунинг учун айтяпман-да: «Қочиб қутулиб бўлмас қазо ҳукмидан...» Мен, қизи сўзида турмас экан, деб отамга таъна қилишларини истамайман.

Шундай қилиб, қиз қариндош-уруғларининг рози-ризолгини олиб илонга турмушга чиқибди. Илонни яхшилаб парвариш қилибди, уни сут ва бошқа емишлар билан боқибди, нимаки хизмати бўлса барини адо этибди. Кунлардан бир куни кечаси хобхонанинг ўртасида каттакон саватда ётган илон бир айланиб эр йигит бўлиб қолибди-да, хотинининг ёнига ётибди. Шунда қиз сўрабди:

— Ким бу — одамга ўхшаган?

Қиз бегона келиб қолди-ку, деб ўйлаб, қалт-қалт титраганча, сапчиб ўрнидан туриб қочмоқчи бўлган экан, илон тилга кирибди:

— Кетма, жоним. Мен сенинг эринг бўламан.

Шундан кейин, кўзи билан кўрсин, деб саватга ётиб яна илонга айланибди, сўнг тагин эр йигит бўлиб, хотинининг ёнига келибди. Унинг устида не турфа анвойи безак ва тақинчоқлар: боши узра тож, зираклар, билагузуқлар, турли ҳалқалар... Уни бунчалар ясанган ҳолда кўриб қиз ўзини эрининг оёғига ташлабди. Кейин улар ишқ лаззатларига ғарқ бўлибдилар. Илоннинг отаси брахман буларнинг барини кўриб турган экан. У ўғлим яна илонга айланиб қолмасин, деб барвақт ўрнидан туриб, илоннинг пўстини ёқиб юборибди. Эрталаб боши севинчдан осмонга етиб, ҳаммага ҳуснда тенгсиз ўғлини кўрсатибди.

### (Йигирма иккинчи ҳикоятнинг охири)

Балабхадра шуни айтиб берибди-да, яланғоч роҳиб кириб кетган ҳужрага ўт қўйиб юборибди.

Шунинг учун ҳам айтаман-да, «Қаллоб роҳибни ёқди...» Ҳақиқий вазирлар мана шундай бўладилар, тентак. Улар вазир шаънига муносиб ишлар қиладилар, оқил ва қордон бўладилар. Сен уларга ўхшамайсан. Узининг бемаза қилиқларинг билан аслида вазирлик лавозимига мутлақо арзимаслигингни кўрсатдинг. Чамаси, отанг ҳам шундай бўлган. Қандай бўлмасин, яхши сўзнинг сенга нафи йўқ. Зотан, сен ёмонларнинг ёмонисан. Айтилган-ку ахир:

Букилмагай қалин оғоч, тош кесилмас пичоқда,  
Уринмагин, нафи йўқдир, тентак бўлмагай оқил.

Даманака сўради:  
— Бу қандай бўлди?  
У ҳикоя қилди:

## Йигирма бешинчи ҳикоят

— Бир ўрмоннинг этагида маймунлар тўдаси яшарди. Қиш кечаларининг бирида улар совуқдан қалтирашиб туришаркан, йилтироқ кўнғизни кўриб қолишибди. «Бу олов», деб ўйлашибди маймунлар. Улар кўнғизни авайлаб ушлашибди-да, унинг атрофига қуриган ўт-чўпларни йиғишибди, шундан сўнг унга қўллари, елкалари, қорин ва кўкракларини туттишиб, худди ўтда исингандай бўлишибди. Бир маймун ҳаммадан қаттиқ совуққотибди: у оловни гуриллатиб юбориш учун тинмасдан кўнғизга пуфлар экан. Шунда Сучимукха деган бир қушча шўри қуриган эканми, дарахтдан тушиб, маймунга дебди:

— Азизим, бекорга жонингни койтаверма, бу олов эмас, ёнар кўнғиз.

Қуш қанча уринмасин, маймун пуфлашда давом этаверибди. Кўп сўз кимга керак? Сучимукха маймуннинг нақ қулоғи тагига келиб, унга бояги сўзларини такрорлайверибди, ниҳоят, маймуннинг жаҳли чиқиб, қушчани ушлаб олибди-да, кўтариб тошга урибди; қушчанинг тумшуги, боши, буйни, кўзлари мажақ-мажақ бўлиб кетибди. Сучимукха шундай қилиб адам саҳросига равона бўлибди.

Мана шунинг учун ҳам айтаман-да: «Букилмагай қалин оғоч...» Бир нарса ҳеч шак-шубҳасиз: сен нобакор фарзанд экансан. Тўғри айтганлар:

Яхши ҳам, ёмон ҳам маълумдир одамларга:  
Айёр ўғил билмасдан нобуд қилди отасин.

Даманака сўради:  
— Бу қандай рўй берди?  
У ҳикоя қилди:

## Йигирма олтинчи ҳикоят

— Бир шаҳарда икки ўртоқ савдогарларнинг ўғиллари Дхармабуддхи ва Душтабуддхи, яъни, «Қутлуғхаёл» ва «Ёвузхаёл» яшарди. Кунлардан бир кун улар дов-давлат орттириш учун узоқ ўлкаларга жўнашди. Саодатли юлдуз остида туғилган Дхармабуддхи ўша ёқда бир саховатли одам қолдириб кетган минг динор солинган кўзачани топиб олди. У воқеани ўз дўстига маълум қилди, улар сафаримиздан кузатган мақсадимиз амалга ошди, энди ўз юртимизга қайтсак бўлаверади, деган фикрга келдилар. Уларига равона бўлдилар. Уз шаҳарларига етиб келганларда Дхармабуддхи айтди:

— Бу пулларнинг ярми сеники, ол, биродар. Уйимизда бизни интизор бўлиб кутиб туришибди.

Шунда эгри Душтабуддхи пулнинг ҳаммасига кўз тикиб, шундай деди:

— Азизим, ўртамызда то муҳаббат ришталари мустаҳкам экан, бу пуллар ҳам ўртада бўлсин. Кел, ҳар иккимиз ҳам юз динордан олайлик-да, қолган пулни ерга кўмиб қўяйлик. Давлатимиз кўпайса ҳам, камайса ҳам, яхши ниятларимизнинг рамзи бўлиб турсин.

Дхармабуддхи оқкўнғил йигит бўлгани учун бу сўзларда ҳеч қандай ёмонлик кўрмади ва дўстининг таклифига рози бўлди; шундан сўнг улар юз динордан олиб, қолган пулларни ерга кўмиб шаҳарга кириб бордилар.

Душтабуддхи фаҳш, разолат ва исрофгарчиликка муккасидан кетди ва кўп ўтмай ўзига тегишли пулни совуриб бтирди. Шунда дўстлар яна юз динордан олдилар. Душтабуддхи бир йил ичида бу пулни ҳам тугатди. Шундан кейин Душтабуддхи ўйлади: «Агар биз яна юз динордан олсак, тўрт юз қолади. Уларни ўғирлаб олганимда ҳам унча фойдаси бўлмайди! Яхшиси, қолган олти юз динорнинг ҳаммасини олиб қўяқолай». Шу фикрга келгач, у пулнинг ҳаммасини кавлаб олди, сўнг ерни текислаб қўйди. Бир ой ўтар-ўтмас у Дхармабуддхининг олдига келди-да, деди:

— Биродар, кел, қолган пулларни ҳам бўлишиб олайлик. У Дхармабуддхи билан пул кўмилган ерга келди, ерни кавлаб бошладилар. Албатта, кўмилган пуллар йўқ бўлган эди, шунда уятсиз Душтабуддхи бўшаб қолган кўзани ўзининг бошига дўқиллатиб уриб, қичқирди:

— Қани пул? Уни, Дхармабуддхи, сен олгансан. Менга ярмини бер. Бўлмаса, подшо саройига бориб айтаман.

Дхармабуддхи айтди:  
— Ундай дема. Мени бекорга Қутлуғхаёл демайдилар. Мен ўғирлик ишлар билан шуғулланмайман. Айтилган-ку, ахир:

Она деб қарар ўзга аёлга, тупроқча кўрмас ўзга бойлигини,  
Ўзга кишиларни ўзи деб билар — шундай бўлар иймонли одам.

Улар тортиша-тортиша қозихонага бордилар, пул қандай йўқолганини айтиб бердилар. Қозилар уларнинг сўзларини эшитиб, ҳар икковини иймон синовидан ўтказишга қарор қилдилар. Шунда Душтабуддхи деди:

— Афсусл! Хато қиласиз. Ахир, айтилган-ку:

Топилмаса ашъвий далил, гувоҳларни чорланг қозига,  
Гувоҳ ҳам йўқ эса, унда ҳукми йўқсин тағримнинг ўзи.

Лекин менинг бу ишда бир гувоҳим бор, у ҳам бўлса, ўрмон илоҳи. Ким ҳақ, ким ноҳақ, ўша билади.

Шунда қозилар:

— Тўғри айтасан, буни текшириб билсак, яхши бўлади, — дедилар. — Эртага эрталаб икковингиз биз билан ўрмонга борасиз.

Қозилар даввогарлардан бўнак олиб, уларни қўйиб юборишибди. Душтабуддхи уйга келиб отасига деди:

— Ота! Уша динорлар менда. Энди фақат сенинг сўзинг бўлса — бас. Пул кўмилган ердан узоқ бўлмаган жойда шами дарахти бор, сени шу дарахтнинг қавагига ўтқазиб қўяман. Эрталаб қозилар борганда, сен гувоҳликка ўтасан.

Отаси айтди:

— Уғлим! Бу тутган йўлинг ёмон, икковимиз ҳам нобуд бўламиз. Ахир, рост айтганлар:

Фойда олмақчи бўлсанг, зиённи ҳам ўйлаб қўй,  
Ихневмон еб қўйди оқ қўтон болаларин.

Душтабуддхи сўради:

— Бу қандай бўлди?

Отаси ҳикоя қилди:

## Йигирма еттинчи ҳикоят

— Бир ўрмоннинг ёқасида анжир дарахти ўсган бўлиб, унинг тағида оқ қўтонлар истиқомат қилишарди. Анжирнинг қавагида бир қора илон яшар, оқ қўтоннинг болаларини жишлик пайтидаёқ еб қўяр эди. Болаларини илон еб қўяверганидан безор бўлган ва дунё кўзига қоронғу кўриниб кетган оқ қўтон бир кун ҳовуз бўйига келибди-да, бошини ҳам қилиб аччиқ-аччиқ кўзешлари тўқа бошлабди.

Унинг бунчалар ғам-аламга ботганини кўриб, бир қисқичбақа сўрабди:

— Холажон! Нимага бундай қайғуряпсиз?

Оқ кўтон жавоб қилибди:

— Азизим! Мен шўрлик нима қилай? Анжир қавагида яшайдиган илон менинг ва қардошларимнинг болаларини еб қўйяпти. Шунинг учун йўғлайман. Менга бир йўл кўрсат, илонни қандай қилиб йўқотса бўлади.

Оқ кўтоннинг гапини эшитиб, қисқичбақа ўйлиниб қолибди: «Оқ кўтон азалдан бизнинг душманимиз. Шунинг учун мен унга ҳам фойдали, ҳам зарарли маслаҳат бераман. Агар гапимга кирса, бошқа ҳамма оқ кўтонлар ҳам нобуд бўлиб кетади».

У шундай дебди:

— Холажон, ихневмоннинг ини оғзидан то илоннинг уясигача балиқ бўлақларини ташлаб қўйинг. Ихневмон балиқларни еб илоннинг инигача боради, кейин илонни ҳам ейди.

Оқ кўтон худди шундай қилибди. Ихневмон балиқлар ташланган йўлдан бориб ёвуз илонни ўлдирибди, ундан сўнг барча оқ кўтонларни ҳам бирма-бир еб қўйибди.

## (Йигирма олтинчи ҳикоятнинг охири)

Шунинг учун ҳам айтаман-да: «Фойда олмоқчи бўлсанг...»

Душтабуддхи эса отасининг гапига қулоқ солмай, уни кечаси яширинча шами дарахтининг қавагига жойлаб қўйди. Эрталаб Душтабуддхи ювиниб, тоза либосларини кийиб, Дхармабуддхи ва қозилар билан биргаликда дарахт ёнига келди-да, баланд овоз билан шундай деди:

— О муборак ўрмон илоҳи! Айт, иккимиздан қайси биригимиз ўғри.

Шунда дарахтнинг қавагида ўтирган Душтабуддхнинг отаси овоз берибди:

— Пулларни Дхармабуддхи ўғирлаган.

Бу овозни эшитиб подшо хизматчиларининг кўзлари шоқосасидан чиқиб кетай деди. Улар Дхармабуддхнини қандай жазоласак экан, деб мулоҳаза қилиб турганларида, Дхармабуддхи дарахт қавагининг оғзини ёнадиган нарса билан тўлдирибди-да, ёқиб юборди. Дарахт ўт олиб, тобора қаттиқ ёна бошлагач, қавак оғзидан додлаганча Душтабуддхнинг отаси отилиб чиқиб келди. Унинг аъзойи бадани ўт ичида қолган, кўзлари пақ-пақ ёрилиб кетган эди. Шунда бу ерда ҳозир бўлган одамлар ундан сўрадилар:

— Ҳей! Нима гап?

Чол шундай деди:

— Буларнинг бари — Душтабуддхнинг найранглари.

Шундан сўнг подшо хизматчилари Душтабуддхнини шами дарахтнинг шоҳига осдилар. Дхармабуддхнини эса мақтаб бошини кўкка етказдилар, подшо марҳамат айлаб унга совға-саломлар берди.

Шунинг учун айтаман-да: «Яхши ҳам, ёмон ҳам маълумдир...»

Ҳикоят охирига етгач, Қоратака давом этди:

— Эҳ, тентак! Сен муғамбирлик қиламан деб, ўз уруғингга завоел еткизмоқдасан. Тўғри айтганлар:

Шўр бузади дарё сувини,

Нобол фарзанд — ўз хонадонин.

Хотинлар айирар дўсту яқинни,

Хонлар очади махфий сирингни.

Оғзида иккита тили бор кимсага қандоқ ишониб бўлади? Ҳатто менинг ўзим ҳам сенинг қилаётган ишларингдан кўрқаман, улар сенигина эмас, подшони ҳам ҳалок қилади. Сен подшонинг умрини қадрламаганингдан сўнг, бошқа ҳар қандай жонивор умрини ҳатто хас ўрнида кўрмайсан. Айтилган-ку, ахир:

Темир тарозини кемирса оч қолиб сичқон,  
Бола у ёқда турсин, филни опқочар лочин.

Даманака сўради:

— Бу қандай бўлди?

У ҳикоя қилди:

— Бир шаҳарда Надука деган савдогар яшарди. У бор мол-дунёсидан айрилиб, сафарга чиқмоқчи бўлди. Унинг уйида ота-боболаридан қолган жуда оғир темир тарози бор эди, уни савдогарларнинг оқсоқоли Лакшманага қолдириб, ўзи шаҳарни тарк этди. У кўп мамлакатларни кезиб чиқди, сўнг ўз шаҳрига қайтди ва савдогарлар оқсоқолидан сўради:

— О Лакшмана! Сенга тарози қолдириб кетган эдим, энди қайтариб бер.

Лакшмана жавоб қилди:

— О Надука! Тарозингни сичқонлар еб кетди.

Надука буни эшитгач, деди:

— Нима ҳам дердик, тарозини сичқонлар еб кетган бўлса, бунга, Лакшмана, сен айбдор эмассан. Дунёнинг ишлари ўзи шундай — доим ўзгариб, айланиб туради. Бўлмаса, мен дарёга тушиб ювиниб келай. Уғлинг Дханадева керакли нарсаларни олиб мен билан борсин.

— Уғлим! Надука сенинг амакинг бўлади, у дарёда ювиниб келмоқчи. У билан бирга бор. Керакли нарсаларнинг ҳаммасини ўзинг билан ол.

Шундан сўнг Лакшмананинги ўғли зарур нарсаларни олиб Надука билан бирга дарёга тушиб борди. Надука ювиниб бўлгач, Дханадевани тоғдаги ёр ичига қамаб, ёр оғзига катта харсанг тош бостирди-да Лакшмананинги ҳузурига қайтиб келди.

Лакшмана ундан сўради:

— О Надука! Сен билан бирга кетган ўғлим Дханадева қани?

Надука жавоб қилди:

— О Лакшмана! Дарёнинг қирғоғида турганимизда уни лочин кўтариб учиб кетди.

Лакшмана эътироз билдирди:

— Сен ёлгон гапиряпсан, Надука! Лочин қандай қилиб кап-катта болани олиб қочади?

Надука айтди:

— О Лакшмана! Сичқонлар қандай қилиб темир тарозини еб қўйишди? Агар ўғлингни кўрмоқни истасанг, менга тарозини қайтар.

Улар тортиша-тортиша подшо саройи олдига келдилар. Сарой дарвозаси олдида Лакшмана баланд овоз билан деди:

— Эвоҳ! Жиноят рўй берди! Надука менинг Дханадева деган ўғлимни ўғирлади.

Шунда қозилар Надукага шундай дедилар:

— Лакшманага ўғлини қайтариб бер.

Надука деди:

— Қандай қайтариб бераман. Уни кўз ўнгимда лочин кўтариб қочди.

Қозилар айтдилар:

— Надука, сен ёлгон сўзляяпсан. Лочин қандай қилиб ўн беш яшар болани олиб кетади?

Шунда Надука кулиб юборди-да, деди:

— Менинг сўзларимга қулоқ солинглар:

Темир тарозини кемирса оч қолиб сичқон,  
Бола у ёқда турсин, филни опқочар лочин.

Қозилар буюрдилар:

— Бизга ҳаммасини бирма-бир айтиб бер.

Шундан сўнг Надука уларга тарози воқеасини сўйлаб берди. Унинг сўзларини тинглаб бўлгач, қозилар, Надукага болани қайтариш, Лакшманага тарозини эгасига беришни буюрдилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Темир тарозини кемирса...»  
Қоратака яна деди:

— Беақл! Сен Пингалаканинги Санживакага бўлган муносабатини кўролмасдан шундай қилгансан. Бекорга айтмаганлар:

Узганинги давлатига ҳасад қилур камбағал  
Еқтирмагай бузуқлар тозаликни ҳеч қачон.

Айтган сўзингни дарров қулоғига оладиган одамларга насиҳат қилиш керак. Сен жуда даққисан, юрагинг тош бўлиб кетган. Сенга ўргатганинг сира фойдаси йўқ. Сендан сал узорқоқда юрмоқ лозим, токи қоранг менга ҳам юқмасин. Айтилган-ку, ахир:

Нодон билан дўсту ошно бўлгандан  
Денгизда чўккан, ўтда ёнган афзал.

Рост деганлар:

Бир онанинг боласимиз, бир отанинг фарзанди,  
Ўрмонда ўсди акам, мен эса бутхонада.

Яна:

Овчиларнинг тарбиясин олди у,  
Менга сўз ўргатди роҳиблар.  
Подшоҳим, ўзинг гувоҳ,  
Тарбиянинг бўлар яхши-ёмони.

Даманака сўради:

— Бу қандай бўлди?

Қоратака ҳикоя қилди:

## Йигирма тўққизинчи ҳикоят

— Она тўти бир куни баландликка иккита тухум қўйди, улардан икки поладон чиқди. Тўти бир куни овқат излаб кетган маҳалда овчи унинг болаларини олиб кетди. Қушчаларнинг бири овчининг қўлидан чиқиб қочди. Қолганини қафасга солиб, одамга ўхшаб гапиришга ўргата бошладилар. Ҳалиги учиб кетган тўти боласини дарвеш ушлаб олди. Уни боқиб катта қилди. Кунлардан бир кун ўз аскарларидан орқада қолган шоҳ шу ерларда адашиб, овчилар маскани устидан чиқди. Уни узоқдан кўрган заҳоти қафасда ўтирган тўти шовқин солиб қичқира бошлади:

— Ҳей-ҳей! Ҳазратим! Бир отлиқ чопиб келаётир. Ушлаб банд қил, банд қил! Ўлдир, ўлдир!

Бу қичқирикларни эшитган шоҳ дарҳол отини буриб йўлни бошқа ёқдан солди. Бироз ўтгач, у дарвешлар макони устига келиб қолди. Ҳўжралардан бирига кирган эди, қафасда тўти турганини кўрди. Тўти уни шундай сўзлар билан қаршилади:

— Кел, подшо, кел! Дам ол! Муздай сувлардан ич, лазиз мевалардан е. Ҳей-ҳей, дарвешлар! Уни соя-салқин дарахтзорда меҳмон қилинглар, оёқларини ювгали сув келтиринглар.

Шоҳ ҳайратдан кўзларини катта-катта очди, «Мўъжиза!», деб ўйлади ва тўтига шундай деди:

— Бошқа бир ерда худди сенга ўхшаш тўтини кўрдим. У: «Банди қилинг! Банди қилинг! Ўлдиринг, ўлдиринг!», деб қичқирди.

Шунда тўти ўзи билан акасининг бошига тушган воқеани сўйлаб берди.

Шунинг учун айтаман-да: «Тарбиянинг бўлар яхши-ёмони...» Хуллас, сен билан ҳатто гаплашиб ўтириш ҳам хато. Рост айтганлар:

Устомон душмандан ҳам ёмонроқдир ақлсиз дўст,  
Ўғри фидо қилди ўзини, шохни маймун ўлдирди.

Даманака сўради:

— Бу қандай рўй берди?

Қоратака ҳикоя қилди:

## Ўттизинчи ҳикоят

— Бир подшонинг ўғли савдогар ва олимнинг ўғиллари билан дўстлашган эди. Улар ҳамма кунларини ўйнаб-қулиб ўтказишар, майдонлар ва боғзорларни сайр қилишар,

эрмаклар ўйлаб топишар эди. Шаҳзода ўйинларга овора бўлиб кетиб, камондан ўқ отиш, отда, филда юриш, уруш араваларини бошқариш, ўрмонда ов қилишни эсдан чиқариб қўйди.

Бир куни отаси кулиб, деди:

— Сен подшоларнинг ўғилларига ярашадиган барча машғулотлардан юзингни ўгирдинг.

Шаҳзода отаси башном берганини ўртоқларига айтиб берди, улар шундай дедилар:

— Биз ҳам шундай. Оталаримиз биздан ҳам койинганлари койинган. Сен билан дўстлигимиздан бахтиёр бўлиб анчадан бери бу таъналарга индамай қулоқ солиб келар эдик. Лекин бугун сенинг хафа бўлганингни кўриб биз ҳам хафамиз.

Шунда шаҳзода айтди:

— Энди бизнинг бу ерда қолишимиз, ҳар хил ҳақоратларни эшитиб юришимиз тўғри эмас. Ҳаммамизнинг бошимизга бир қайғу тушди, шунинг учун, келинглар, бошимизни олиб бошқа ўлкаларга кетайлик.

Ҳаммалари бир бўлиб, қайси мамлакатга йўл олишни ўйлай бошладилар. Ниҳоят, савдогарнинг ўғли деди:

— Пулсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Юринглар, Роҳана тоғига чиқайлик. Хазина топсак, ўзимиз истаганча маза қилиб яшаймиз.

Дўстлар унинг гапига қўшилдилар ва Роҳана тоғига қараб равона бўлдилар. Тоғда тақдирнинг тақозоси билан дўстларнинг ҳар бири биттадан қимматбаҳо тош топдилар. Шундан сўнг улар хатарли ўрмонда бу бебаҳо бойликни қандай сақлашни ўйлай бошладилар.

Шунда олимнинг ўғли деди:

— Менинг отам бекорга маслаҳатчи бўлмаган. Мен яхши бир йўл топдим. Бу тошларни ютиб юборамиз. Шунда тошларимиз борлигини на ўғри, на карвончилар ва на бошқа одам билади.

Улар шундай қарорга келиб, тошларни овқат билан қўшиб ютиб юбордилар. Бу орада бир одам тоғ эстагида дам олиб ётган эди, буларнинг ҳаммасини кўрди, эшитди ва шундай деб ўйлади: «Неча кунлардан бери Роҳана тоғидан қимматбаҳо тош ахтараман, лекин омадим келмади. Анов уч йўловчи билан бирга борайин. Улар ухлаб қолганда, қоринларини ёриб тошларни олиб кетайин».

У шунга қарор қилди-да, тоғ эстагидан тушиб, уч ўртоққа етиб олди ва уларга сўз қотди:

— Ҳей, биродарлар! Мен бу кўрқинчли ўрмонга ёлғиз ўзим боришга қўрқаман; ўз юртимга омон-эсон етиб олишим керак. Сизларга ҳамроҳ бўлишга ижозат этинглар.

Оғайнилар уни жон деб қаторларига олдилар ва биргаликда йўлга тушдилар.

Бу ўрмонда, ўтиб бўлмас баланд тоғларнинг эстагида — йўлнинг шундай бўйида Бхилла деган қишлоқ бор эди. Қишлоқ оқсоқолининг уйида эрмак учун турли қушларни боқар эдилар, йўловчилар ўтиб кетишгаётган маҳалда қафасда ўтирган қари бир қуш бирдан алланималар деб қичқирди. Қушларнинг тилини биладиган оқсоқол унинг нима деб қичқиргани маъносини уқди ва қувониб кетганидан хизматкорларига шундай деб буюрди:

— Қушнинг гапи шундай: «Йўлдан ададсиз бойликка эга кишилар ўтиб бормоқда. Уларнинг бойликларини тортиб олинглар». Йўловчиларни ушлаб менинг олдимга келтиринглар.

Унинг амрини адо этдилар. Оқсоқолнинг ўзи йўловчиларнинг ёнларини бирма-бир қараб чиқди, лекин ҳеч нарса топлмади. Шундан сўнг уларни қўйиб юборди ва тўртовлари ўз йўлларига равона бўлдилар: уларнинг белларига ўралган латтадан бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди.

Шунда қуш яна боягидай қишлоқ қичқирди. Унинг қичқирганини эшитиб, оқсоқол яна йўловчиларни қайтариб келди, уларни бошқатдан қараб чиқди, лекин ҳеч нарса топмасдан яна қўйиб юборди. Улар йўлга чиқишлари билан қуш боягидан ҳам қаттиқроқ қичқира бошлади. Шунда қишлоқ оқсоқоли йўловчиларга шундай деди:

— Бу қуш мени ҳеч қачон алдамаган эди. У сизларда қимматбаҳо тошлар бор деб айтаяпти. Қани улар?

Улар жавоб бердилар:

— Агар бизда қимматбаҳо тошлар бўлганда сиз шунча қидириб топмасдингиз?

Кишлоқ оқсоқоли эътироз билдирди:

— Агар куш ҳадеб бир нарсани такрорлайверса, унинг гапи шаксиз тўғри бўлади. Қимматбаҳо тошлар сизларнинг ичингизда. Хозир қоронғи бўлиб қолди. Лекин эрталаб мен албатта сизларнинг қоринларингизни ёриб қарайман.

У шундай деди-да, йўловчиларни чоҳга ташлашга буюрди.

Чоҳ ичида ётарканлар, ўғри шундай деб ўйлади:

«Эрталаб бу очкўз аблаҳ уларнинг қоринларини ёриб қимматбаҳо тошларни олса, улар қатори мени ҳам ўлдиради... Энди нима қилсам экан? Айтилган-ку, ахир:

**Жонини фидо қилиб одамларни қутқарган  
Киши номи ўлмасдир валийлар қаторида.**

Яхшиси, ҳаммадан олдин менинг қорнимни ёриб кўринлар, дейман, шу билан ўзим ўлдирмоқчи бўлган одамларни қутқараман. Ғузу одам менинг қорнимни кўрадию ҳеч вақо топмасдан, бошқалари ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлаб, қанчалар раҳмсиз бўлмасин, уларнинг қоринларини ёриб ўтирмайди. Шу йўл билан мен уларга ҳаётларини қайтариб бераман, бойликларини сақлаб қолман, бу дунёда ўзимнинг шу савоб ишим билан шўхрат қозонаман, нариги дунёда эса яна пок бўлиб туғилиш учун ўзимга йўл очаман. Ахир, мен ўз ихтиёрим билан ўлимга юз тутсам, донишмандлардай омонатимни топширган бўламан».

Шундай қилиб, тун ўтиб, тонг отганда кишлоқ оқсоқоли келди. Йўловчиларнинг қоринларини ёрмоқчи бўлиб турганини кўриб, ўғри қўлларини қовуштириб оқсоқолга мурожаат қилди:

— Мен биродарларимнинг қоринларини ёришаётганига тоқат қилолмайман. Раҳминг келсин, айт, менинг қорнимни биринчи бўлиб ёрсинлар.

Унинг сўровига кўра оқсоқол бошқалардан олдинроқ унинг қорнини ёрди, лекин ҳеч нарса тополмади. Шунда оқсоқол ўзининг бу қадар шафқатсизлигидан пушаймон бўлди.

— Шўрим қуриди, шўрим! Қушнинг ёлғон қичқирғига учиб очкўзлик йўлига кирдим, ёмон иш қилиб қўйдим. Қорнида ҳеч нима йўқ экан, демак, шерикларининг қоринларида ҳам йўқ.

У шундай деб уч оғайнини қўйиб юборди; улар ўрмон ичидан зудлик билан ўтиб, бир шаҳарга келдилар.

Шунинг учун айтяпман-да: «Жонини фидо қилиб одамларни қутқарган...»

Оғайнилар шаҳарда тошларни савдогарнинг ўғлига бериб, сотиб келишга жўнатдилар. Савдогарнинг ўғли тошлар эвазига жуда кўп пул келтирди. Пулларни шаҳзоданинг олдига қўйди. Шаҳзода олимининг ўғлини вазири қилди, савдогарнинг ўғлини хазиначи қилиб тайинлади ва ўша мамлакатнинг ҳокимини тахтдан туширишни ниёт қилиб қўйди. Шаҳзода пулларни аямай сарфлаб, жанговар отлар ва филлар сотиб олди, пиёда аскарлар ёллади, сўнг жанг олиб боришнинг олти хил усулини биладиган вазири ёрдамида жангга кирди. Мамлакат шохини ўлдирди ва унинг тахтини эгаллади. У барча давлат ишларини олиб боришни ҳар икки дўстининг зиммасига топширди-да, ўзи лаззат ва фароғат ичра кун кечира бошлади. Бир кун янги подшо ҳарамда дам олиб ётаркан, отхона ёнида яшайдиган маймунни узига маҳрам қилиб олди. Ахир, ҳамма шохлар ҳам шундай бўлишди: улар тўти, қўчқор, қабутар, қумри, маймунларни яхши кўрадилар. Шохнинг лаззатли таомларини еб юриб, маймун тез орада сарой аҳлининг қатта ҳурматига сазовор бўлди. Шохнинг ўзи шу қадар уни яхши кўрар ва унга ишонар эдики, ҳатто қиличчини тақиб юришга унга ижозат берарди.

Шохнинг саройи яқинида ов ҳамда сайр қилинадиган ўрмон бўлиб, унда ҷиройли, анвойи дарахтлар ўсиб ётарди. Баҳор кунларидан бирида шох ўрмонда юракларнинг сурури бўлган гуллар қийғос очилиб, асаларилар Мадана шарафига қўшиқ куйлаб юрганини кўриб, малика билан бирга очилиб-сочилиб ўрмонга кирди, барча аъёнларини ўрмон этагида қолишга буюрди. Шох ўрмонда узоқ сайр қилди, не-не ажойиботларни кўрди ва, ниҳоят, ҳориб маймунга деди:

— Мен бирпас гуллар ичида мизғиб оламан. Хушёр бўлиб ўтир, менинг фароғатимни ҳеч ким бузмасин.

Шох шу сўзларни айтиб, уйқуга фарқ бўлди. Бу орада гулларнинг ҳидига, шох селган анвойи атирлар, мушкларнинг бўйига маст бўлган бир асалари келиб шохнинг бошига кўнди. Маймун буни кўриб, «Бу ярамас маҳлуқ шохимни чақиб олмасин тағин!» деб ўйлади-да, арини ҳайдай бошлади. Лекин ари шохнинг боши тепасида айланаверди. Шунда қаттиқ дарғазаб бўлиб кетган маймун шартта қиличчини суғурди-да, арини чопди. Қилич зарбидан шохнинг боши қоқ иккига ажралиб кетди. Шохнинг ёнида ётган малика кўрқиб уйғонди ва даҳшат ичида ўрнидан сакраб турди, шохнинг қонга беланиб ётганини кўриб дод-фарёд кўтарди:

— Эҳ, аҳмоқ маймун! Сенга шунчалар ишонган шохни нима қилиб қўйдинг!

Шунда маймун бўлган воқеани гапириб берди. Одамлар уни уриб-сўкиб қувиб юбордилар.

Шунинг учун ҳам, аҳмоқ одамлардан дўст тутма, деб айтадилар... «Шохни маймун ўлдирди...» Мен шунинг учун айтманки,

**Устомон душмандан ҳам ёмонроқдир ақлсиз дўст,  
Ўғри фидо қилди ўзин, шохни маймун ўлдирди.**

Қоратака яна деди:

**Кимки калтабинликдан ишонса гар низогарларга,  
Шўри қурийдми, ким ҳурмат қилса сенга ўхшаганларни.**

Шу гаплар айтилгандан кейин ҳам Даманака мияси бузилиб кетгани боисидан бу доно сўзларни оғу деб тушунди-да, зудлик билан жўнаб қолди.

Бу орада Пингалака билан Санживақа яна қутуриб олиша кетдилар. Шунда Пингалака Санживакани ўлдирди. У хўкизни ўлдириши билан қаҳридан тушди. Аввалги дўст бўлган чоғлари ёдига тушди ва қилган ишига қаттиқ кўзёшларини сидириб ташларкан, шундай деди:

**Оқил маҳрамдан айрилсанг,  
Ер қўлдан кетгандек ёмон.  
Ҳосилдор ерни-ку топарсан яна,  
Лек ўлим ўрганини қайдан топасан.**

Пингалаканинг кўзёшларига берилиб ўтирганини кўриб, Даманака юрак ютиб оҳиста унинг ёнига яқинлашди ва деди:

— Шохим! Рақибни ўлдирганинг учун бунчалар қийналиб ўтириш жойизми? Бекорга айтилмаган-ку, ахир:

**Отангми, ўғлингми, акангми — ким сени ҳалок қилмоқ бўлар,  
Балки эски дўстингдир, дарҳол уларни мажақлаб ташла.**

Бунинг устига:

**Фароғат кутганда пайсалга солмоқлик ҳамоқат,  
Ҳақиқатин сўйласа, болаларга ишонинг.  
Яқинлар деб фидо айланг жонингиз,  
Ёмонларнинг қўлларини зудлик билан кесингиз.**

Подшо оддий одамларга ўхшамаслиги керак. Ахир, айтилган-ку:

**Мамлакатни бошқаролмас одми одамлар,  
Бошқаларнинг разолати шохларгадир фазилат.**

Ва яна:

**Риё қўшилиб кетар аччиқ ҳақиқат билан,  
Яхшилик ва ёвузлик, очкўзлик ва саховат,  
Баъзан зиён келтирар, баъзан беради фойда,  
Сиеват ўхшар экан дунёда гар хотинга.**

Даманака анча ҳаяллаб қолди. Шунда Қоратака ўзи унинг олдига борди ва арслоннинг ёнига ўтириб, деди:

— Сен ҳам вазир бўлдингми? Икки одам аҳил бўлса, уларни ажратиб юбориш учун ўртага андак нифоқ солиш кифоя. Ўз мақсадингга ширин сўз ва совға-салом билан етиш мумкин бўлганда шохимизни унинг хизматкори билан уриштириб ўтириш ва бу билан унинг ҳаётини хавф остига қўйиш ақлдан эмас. Тўғри айтишган:

**Жанжал чиқариш ақлдан эмас,  
Эси кетган урушни кўзлар,  
Аҳиллик йўлдан борингиз,  
Шундай дейди қутлуг билимлар.**

Шунинг учун ҳам вазир ўз шохига урушни маслаҳат қилмаслиги лозим. Барча вазирлар ўз фикрларини айтсинлар, шох уларнинг сўзларини бирма-бир тинглаб, сўнг ўзи ҳал қилсин — кимнинг маслаҳати фойдали, кимники зиён. Бизнинг ақлимизни баъзан қоронғилик босади ва бизга теvarак-атроф аслидагидан кўра бошқача бўлиб кўринади. Айтилган-ку, ахир:

**Баъзан ёлгон гап кўринар муқаддас ҳақиқат каби,  
Адашмоққа мойил бўлар ақл. Жаҳд қилинг ишингизда.**

Шоҳим доноликдан маҳрум махлуқларга қулоқ солиб ўтирмасинлар. Ўз ғараз ниятлари йўлида маккор ва-

зирлар ҳодисаларни аслидагидан бошқача қилиб тасвирлаб берадилар. Жанобим, шунинг учун бир иш қилиш олдин хотиржам ўйлаб олмоқ даркор. Бекорга айтмаганлар:

**Кимки доно сўзга кириб  
Қадамни ўйлаб босса,  
Ишонч билан иш бажарса,  
Шараф ёр бўлар унга.**

Бегоналарнинг гап-сўзлари жанобимнинг ақлига каср етказмасин. У ҳар қачон ҳар қандай шароитда фикрлардаги фарқларни ажратиб олсин, нима фойдали, нима зарарли эканини ўзи учун аниқласин, ҳамма нарса дунёда ўзгариб туришини ҳеч назардан қочирмасин. Соғлом идрок билан ҳамма нарсани ўзи ҳал қилсин.

«Дўстларнинг жудо бўлиши» деган биринчи китоб шу ерда хотима топади. Унинг дастлабки байти шундай эди:

**Дўстлашдилар ўрмонда арслон, ҳўкиз — икков,  
Бир-бирдан дўстларни айирди қабиҳ шағол.**





Муротбой Низанов

# «ПОШШОЙИ КЎЙЛАГИМ»

Радиога ўқилмаган репортаж

Қорақалпоқчадан Носир Фозилов таржимаси



Биз бугун истеъдодли артисткамиз Тўтигул Тожиеванинг туғилганига ярим аср, ижодий фаолиятига беш йили ортиқ чорак аср тўлган кунини нишонламоқдамиз. Мана шу йиллар мобайнида унинг қадам босмаган жойи, бормаган шаҳри, чиқиб кўшиқ айтмаган саҳнаси қолмади. Ҳурматли юбилейримизни муборак олтин тўйлари билан қутлар эканмиз, санъат даргоҳига қандай кириб келганлари ҳақида ўзларидан бир-икки оғиз сўз эшитмоқчимиз:

— Ҳурматли Тўтигул Тожиевна, сизнинг санъатга илк қадамингиз нимадан бошланди. Яъни, сизни саҳнага олиб чиққан дастлабки кўшиғингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Дастлабки кўшиғим «Пошшойи кўйлагим» эди. Мен бу кўшиқни бир неча йил давомида ичимда куйлаб юрдим.

Тўтигул Тожиеванинг бошқалардан фарқи шундаки, у кўшиқни овоз чиқармай айтишга ҳам уста.

— Шундай қилиб, Тўтигул Тожиевна, сиз кўшиқ айтиш бўйича махсус билимга эгасиз. Хўш, ўқишга кираётганингизда қандай қийинчиликларга дуч келдингиз? Сизнинг талантингизни улар қандай баҳолашди?

— Кўшиқ айттириб.

— Мана кўрдингизми, кўшиқ айтиш учун фақат билимнинг ўзи кифоя қилмас экан. Хўш, сиз у ерда қанақа кўшиқни айтдингиз?

— «Пошшойи кўйлагим»ни.

— Демак, ўша «Пошшойи кўйлагим»нингиз билан ўқишга кирдингиз-да, а?

— Шундай.

Ҳурматли радио тингловчилар, ҳозиргина гап юритаётганимиз истеъдодли артисткамиз Тўтигул Тожиеванинг ҳаёт йўли сизларга тўла таниш эмас. У кишини икки маротаба шаҳар Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, таржимаи ҳолини чоп этиш учун босмаҳонага буюртма беришганида кимларгадир ёқмай, қолиб кетган. Шунинг учун ҳам биз у кишининг ҳаёт йўлини ҳамда санъат соҳасидаги хизматларини ўзимиз шарҳлаймиз. Тўтигул Тожиевна ўнинчи синфни тугатган йилиёқ ўқишга кирган. Яъни, имтиҳонлардан йиқилмаган. Шундай қилиб, у ёшлигидаёқ санъатнинг қийин ва машаққатли сўқмоқларидан суринмай ўтди.

— Ҳурматли Тўтигул Тожиевна, сиз институтни тугатаётганингизда қайси кўшиқни айтиб диплом иши ҳимоя қилдингиз?

— «Пошшойи кўйлагим»...

— Мана кўрдингизми, қадим-қадимда яратилган ўн икки мисра халқ кўшиғи Тўтигул Тожиевна каби атоқли артистларимизнинг махсус билимига асос бўлган.

— Демак, ўз овулингизга профессионал артистка бўлиб бордингиз, шундайми? Хўш, овулдошларингизга қандай кўшиқлар айтиб бердингиз?

— «Пошшойи кўйлагим» деган кўшиқни.

— Илгариги ижройингизга қараганда буниси янгироқ бўлса керак-а?

— Албатта. Мен ҳозир микрофони бир қўл билан ушлаб туриб ижро этиш усулини ўзлаштирганман.

— Мана кўрдингизми, санъатнинг нозик томонлари кўп. Микрофони ушлаш учун ҳам катта истеъдод керак бўлади. Яъни, биз бугун тилга олаётганимиз Тўтигул Тожиеванинг истеъдоди кун сайин ўсиб, етилиб, шира боғлаб келяпти...

— Ҳурматли Тўтигул Тожиевна, филармония бухгалтериясидан олинган маълумотларга қараганда, бир минг ўттиз етти кунни сиз гастролларда ўтказибсиз. Демак, кўп шаҳарларга боргансиз.

— Ҳа, кўп жойларга бордик. Биздан Венгрия ҳам қолмади, Болгария ҳам қолмади... Кейин ўзимизнинг Украина, Молдавия, Белоруссия, Татаристон, Бошқирдистон каби кўпгина ўлкаларни айландик, шаҳарларни кездик.

Бир қанча майда-чуйда шаҳарларнинг номи истеъдодли артисткамизнинг ёдидан кўтарилибди. Чунки у кўп шаҳарларда гастролда бўлган-да. Боз устига, «меваги дарахтнинг шохи салқи» деганларидай, у киши камтарлик қилиб, баъзи шаҳарларнинг номини атай айтмай ўтдилар.

— Демак, сиз нари-бериси билан йигирмадан ортиқ шаҳарларда бўлдингиз-а?

— Шундай.

— Хўш, бу шаҳарларда қандай кўшиқлар айтдингиз?

— «Пошшойи кўйлагим»ни.

— Яъни, «Пошшойи кўйлагим»ни оламга машҳур қилдингиз?

— Мутлақо тўғри. Аммо бу мақтовни юзимга айтмаслигингизни илтимос қиламан.

— Узр, Тўтигул Тожиевна. Биз яқинда бир неча артистларнинг энг яхши кўшиқлари пластинкага ёзилибди, деб эшитдик. Сизнинг қайси кўшиғингиз ёзиб олинди?

— «Пошшойи кўйлагим».

— Демак, энг яхши кўшиғингиз ҳам?..

— «Пошшойи кўйлагим».

— Раҳмат, Тўтигул Тожиевна! Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат. Бугун, юбилейингиз кунини радиотингловчиларга қандай тилақларингиз бор?

— Санъаткорлар ўз тилақларини кўшиқ билан билдиришади.

— Ундай бўлса сиз яхши кўшиқларингиздан биттасини айтиб бермоқчисиз-да, а?

— Ҳа, «Пошшойи кўйлагим»ни айтиб бермоқчиман.

— Марҳамат... Ие, кечирасиз, Тўтигул Тожиевна, магнитофонимизнинг лентаси тугаб қолибди. Сиз энди бу кўшиқни албатта пенсияга чиқишингиз арафасидаги тантанада айтиб берарсиз, деган умиддамиз. Қимматли вақтингизни аямай, биз билан суҳбатлашганингиз учун катта раҳмат.

Ҳурматли радио тингловчилар, биз ҳурматли артисткамиз, яъни «Пошшойи кўйлагим»нинг ўттиз йиллик ижрочиси Тўтигул Тожиевнага ижодий муваффақиятлар тилаймиз! Шунинг билан радиорепортажимиз тугади. Эътиборларингиз учун раҳмат.

## АВТОРЛАРИМИЗ

**Зоир МАМАЖОНОВ.** 1948 йили Сурхондарё областининг Денов районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Республика матбуотида очерк ва ҳикоялари билан қатнашиб туради. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг область бўлимида хизмат қилади.

**Рауль МИРҲАЙДАРОВ.** 1941 йили Оренбург областида туғилган. Йўл қурилиши техникуми ҳамда ТошДУ филология факультетини битирган. «Самсон бекати», «Тивит рўмол», «Қудуқ», «Бизларни унутманглар», «Тўғон» каби китоблар муаллифи. Рус тилида ижод қилади. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

**Зулфия МЎМИНОВА.** Самарқанд областида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетид

ўқийди. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган. «Ленин учқуни» газетасида ишлайди.

**Муротбой НИЗАНОВ.** 1951 йили ҚҚАССРнинг Кегайли районида туғилган. Тарас Шевченко номидаги Нукус Давлат университетини тамомлаган. «Шунақаси ҳам бўлади», «Нишон» ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Қорақалпоғистон телевидениесининг «Ёшлик» студиясида катта муҳаррир.

**Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.** Тошкент шаҳрида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини битирган. Ундан ортиқ шеърини китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

**Бегали ҚОСИМОВ.** 1941 йили Қашқадарё областида туғилган. Тошкент Давлат университетининг филология факультетид

## АВТОРЛАРИМИЗ



Хазонлар учади...

В. ДУБРОВСКИЙ фотоси

«Ёшлик» («Молодость») — ежемесячный литературно-художественный, общественно-политический журнал

на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союз писателей Узбекской ССР

Рассом: **Х. СОЛИХОВ**  
Техник редактор: **В. УРУСОВА**  
Корректор: **М. НАБИЕВА**  
Журнал макетини **М. ОВСЯННИКОВ** тузган

Адресимиз: 700000, Тошкент-П  
Ленин кўчаси, 41

Телефонлар:  
Бош редактор ўринбосари — 32-54-73  
Масъул секретарь — 32-56-27  
Проза бўлими — 32-57-34  
Шеърят, адабий танқид ва санъат бўлими — 32-56-41  
Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73.

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмаларининггина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда, «Ёшлик» дан олинди деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 28.09.84 й. да туширилди. Босишга 12.11.84 й. да рухсат берилди. Р—09559. Қоғоз формати. 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 146353 нусха.

Буюртма № 4583. Баҳоси 50 тийин.  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, 700029. «Правда Востока» кўчаси, 26.